

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

---

**Шеров А.Ғ., Аманов Б.Т., Гадаев Н., Мухаммадиева М.**

# **ГИДРОМЕЛИОРАТИВ ТИЗИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА СЕРВИС ХИЗМАТИ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими ўқув методик  
бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан  
ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.**

**Тошкент-2019**

ОЎМТВнинг \_\_.\_\_.2019 й. №\_\_ сонли буйруғига асосан чоп этишга тавсия этилган.

УДК 626.8:631.6 (078)

Ушбу ўқув қўлланма мавжуд хўжалиги негизида фермер ва кластрлар, Сув истеъмолчи уюшмасини (СИУ) ташкил этиш мисолида ёритилган бўлиб, Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш кафедраси бакалавр таълим йўналишларига ва магистратура мутахассисларига ҳамда сув хўжалиги ва мелиорация таълим йўналиши бўйича **касб-хунар коллежлари талабаларининг** амалий дасрларни ва малакавий битирув ишларини бажариш учун мўлжалланган.

**ТАҚРИЗЧИЛАР:** Яқубов М.О. – ИСМИТИ бош илмий ходими, профессор, т.ф.д.  
Исаев С.Х. – ТИҚХММИ, “ИваМ” кафедраси, профессор, к/х.ф.д.

**Шеров А.Ғ., Аманов Б.Т., Гадаев Н., Мухаммадиева М.**  
**«Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланишда сервис хизмати»** фанидан магистр ва бакалаврлар учун ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА Т-2019,160 б.

© Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, 2019 йил.

## КИРИШ

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар йирик иқтисодий ночор хўжаликларни тугатиш ва уларнинг ерларини фермер хўжаликларга беришни тақозо этган эди. Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида ер ва сув муносабатларини тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги экин ер майдонларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион технологияларни жорий қилиш муҳим омил бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер модели кенг жорий этилмоқда, натижада охириги йилларда пахта-тўқимачилик кластерларига ажратилган ер майдонлари ҳажми мазкур экин тури учун ажратилган қишлоқ хўжалиги ерларининг 52 фоизини ташкил этди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда самарали бозор механизмларининг мавжуд эмаслиги тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини бермаяпти.

Хўжаликлардаги хўжалик ички суғориш тармоқларини бошқарув тизимига эга бўлган ҳолда, деҳқон ва фермер хўжаликлари кластерларда сувни тақсимлаш ирригация-мелиорация шохобчаларини ушлаб туриш ва таъмирлаш, айниқса, фермерлараро, кластерлараро сув тақсимлашда қийин вазиятларга дуч келмоқдалар. Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кластер ва фермер хўжаликларида сувдан фойдаланишни ташкил қилишнинг энг мақбул шакли ўзлари тузадиган, бошқарадиган ва уларнинг бадали ҳисобидан молиялаштириладиган сувдан фойдаланувчилар уюшмалари (СИУ)дир. Сувдан фойдаланишни ташкил этишнинг бундай шакли ирригация-мелиорация тармоқларини эксплуатация қилиш сифатини яхшилайти ва сарф-харажатларни камайтиради, сувдан оқилона ва тежамли фойдаланишни таъминловчи самарали механизмни яратади, бу эса натижада фермер ва кластерлар даромадининг ошишига олиб келади.

Шундан келиб чиқиб, биринчи навбатда қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда бозор тамойилларини жорий этиш, илғор тажриба ва фан ютуқларини, замонавий ресурс тежовчи ва интенсив агротехнологияларни жорий этишни назарда тутувчи қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишдир.

Иккинчи навбатда таълим, фан ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни тизимли асосда узвий интеграциялашувини, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг юқори малакали соҳа мутахассисларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлашдир.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан бошқаришнинг яхлит тизимини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини давлат томонидан харид қилишнинг бозор механизмларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ишлаб чиқилди.

## 1. Фойдаланишни ташкил этиш

### 1.1. Хўжаликлараро тармоқларда сув ресурсларини бошқаришни ташкил этиш

Бугунги кунда сув ресурсларини бошқариш тизими қуйидаги вертикал нерархияга асосланган:

- Республика даражасида Сув хўжаликлари вазирлиги.
- Республикага бўйсунувчи сув хўжалиги объектлари (йирик каналлар ва сув омборлари).
- Сув хўжалиklarининг вилоят бошқармалари.
- Вилоятларга бўйсунувчи сув хўжалиги объектлари (туманлараро каналлар ва сув омборлари).
- Сув хўжалиklarининг туман бошқармалари.
- Сувдан фойдаланувчи бошқа ташкилотлар.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сувдан фойдаланиш соҳасидаги асосий вазифалари қуйидагилардир:

- ягона сув хўжалиги сиёсатини амалга ошириш, халқ хўжалиги ва аҳолини сув билан таъминлаш;
- сув ресурсларини бошқариш, уларни режалаштириш ва халқ хўжалиги тармоқлари, ҳамда республика вилоятлари бўйича тақсимлаш, сув ресурсларини ҳисобга олиш ва ундан оқилона фойдаланишни назорат қилиш.

Қишлоқ ва сув хўжаликлари вилоят ҳамда туман бошқармалари ўз ҳудудларида сув ресурсларни режалаштиришни, тақсимлашни, ҳисоб-китоб ва назорат қилишни амалга оширади. Республика ва вилоятларга бўйсунувчи сув хўжалиги объектлари тегишли бошқармалар буйруғи бўйича жорий сув тақсимооти билан машғул бўладилар.

Сув ресурсларини режалаштириш ва тақсимлаш билан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, қишлоқ ва сув хўжалигининг вилоят ва туман бошқармалари ва сув баланси бўлимлари бевосита шуғулланадилар (илгариги сувдан фойдаланиш бўлимлари).

Сувдан фойдаланишни режалаштириш ва амалга ошириш қуйидаги схема бўйича амалга оширилади. Навбатдаги суғориш мавсуми (вегетация ва вегетация оралиғидаги давр) бошланишидан олдин сувдан фойдаланувчилар ўзларининг сувга бўлган эҳтиёжларини туман, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига етказадилар, у эса ўз навбатида туманнинг сувга бўлган эҳтиёжи ҳақидаги маълумотни умумлаштириб Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига етказди.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси вилоятнинг сувга бўлган эҳтиёжини аниқлаб чиқади ва маълумотларни Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига етказди. Буларга асосланиб Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ички манбалар ва вилоятлар нуқгаи назаридан сув ресурсларига бўлган умумий талабни аниқлаб чиқади.

Шундан кейин трансчегаралардаги манбаларнинг муайян чегаралари

(лимитлари) ва ички манбалардаги сувнинг оз-кўплигини олдиндан билувчи маълумотларга асосланиб, вилоятлар ва ички манбалар бўйича сувнинг муайян лимитлари белгиланади. Ўз навбатида вилоят ва туман бошқармалари туманлар ва сувдан фойдаланувчиларга лимит белгилайди. Сувнинг муайян лимитлари, одатда, режадаги талабдан оз ва улар талабга нисбатан бир хил сув таъминоти принципларидан келиб чиқиб белгиланади. Суғориш мавсуми давомида юқорида санаб ўтилган барча сув ресурслари бошқариш тизимида сувнинг муайян лимитларига тузатиш киритиш ишлари қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- сув манбаларда қабул қилиб олинган пайтдагига нисбатан сувнинг камайиб ёки кўпайиб кетиш ҳолати содир бўлганда;
- табиий-хўжалик шароитлари ўзгариши туфайли сувдан фойдаланувчилар талаби ўзгарганда.

## **1.2. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА СУВДАН Фойдаланишни ташкил этиш**

Бугунги кунда республикамиздаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ердан фойдаланишнинг ширкат, жамоа, фермер, деҳқон, ижара хўжалиги каби турли хил шаклларида фаолият олиб бормоқдалар.

Суғориладиган деҳқончиликда ердан фойдаланиш тартибини ташкил этишнинг асосий шакли йирик ширкат ва жамоа хўжаликлари бўлиб, улар 90% дан ортиқ суғориладиган ерларни эгаллаган ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 95% дан кўпроғини етказиб беради. Фермер ва деҳқон хўжаликлари, яқин ўтмишда, ердан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари ўзгаришига анча осон мослаша оладиган илғор шакллари сифатида қаралаётган эди. Бироқ бу тахминлар ҳали ўзини оқлагани йўқ. Фермер хўжаликлари кредитлар, айниқса имтиёзли кредитлар олишда жуда катга қийинчиликларга дуч келмоқдалар, машиналар, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи ва уруғ сотиб олишга хусусий маблағлари етишмайди. Фермерларнинг хўжаликни мустақил бошқариш тажрибаси етарли эмас. Шунингдек, фермер хўжаликларининг экиш майдонлари структурасини танлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилиш имкониятлари чекланган, амалдорлар ва агро-сервис монополистлари оддида зарар кўриб қолмоқдалар. Бунинг оқибатида фермер хўжаликларнинг ривожланиши кўринмаяпти. Агар 1994 йил республика бўйича 19844 фермер хўжаликлари фаолият кўрсатган бўлса, 1998 йилнинг 1.01 даги ҳолатга кўра уларнинг сони 17370 тага тушиб қолган ва 3600 тадан кўпроқ фермер хўжаликлари ўз фаолиятини тугатган. Уларга бириктирилган умумий ер майдони 261,8 минг га.ни ташкил этиб (республикадаги экиш майдонининг 6,3%ни), улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 3-4% ини ишлаб чиқарганлар. Кейинги пайтларда фермерчилик ҳаракати ўзининг тараққиёти учун қўшимча имтиёзлар олдилар. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, жумладан Хоразм вилояти бўйича зарар кўраётган қатор жамоа корхоналарини тугатиш ва уларнинг ерларида фермер хўжаликларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу эса яқин келажакда фермер

хўжаликларида ердан фойдаланиш тартибининг кенг кўламдаги шакли сифатида карашга асос бўлади.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари, одатда, йирик хўжаликларнинг алоҳида участкаларига сочиб юборилган ва шу сабабли уларга давлат сув хўжалиги системалари билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти бўлмаган иккинчи даражали сувдан фойдаланувчи (ташкилот)лар сифатида каралмоқда. Уларнинг бу манфаатларини эслатиб утилган хўжаликларнинг ирригация тармоқ хизматлари ифода этади ва айнан улар сувдан фойдаланишни ташкил этишни амалга оширади.

Бугунги кунда хўжаликларда сувдан фойдаланиш ташкилоти қуйидаги вазибаларни ҳал этади:

- сувдан фойдаланиш режасини тузиш;
- сувдан тезкор фойдаланиш;
- сувдан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш;
- сув хўжалиги объектларини жорий ва тубдан таъмирлаш.

**Сувдан фойдаланиш режасини тузиш. Сувдан фойдаланиш гидрологик йилда икки марта:** вегетация даврида (апрель-сентябрь) ва вегетация оралиғидаги даврда (октябрь-март) тузилади. Сувдан фойдаланиш режасини тузиш учун қуйидаги бошланғич ахборотлардан фойдаланалади:

• экин майдони ва қишлоқ хўжалиги ўсимликлари турлари, уларни хўжалик шохобчалари ва гидромодул туманларга боғлашда бошқа суғориш манбалари бўйича жойлашув тартиби кўрсатилган ишлаб чиқаришнинг экин режаси;

• шўр ювишга ҳамда вегетация оралиғидаги бошқа суғоришга муҳтож шўрланган (захкаш, захирадаги ва бошқа) ер майдонлари ва уларнинг жойлашув тартиби;

- турмуш ва бошқа эҳтиёжлар учун сувга бўлган талаблар;
- суғориш тармоғининг фойдали иш коэффициентлари;

Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини суғориш тартиби, ўз навбатида қуйидаги кўрсаткичлардан иборат:

- хўжалик ҳудуди кенглик кўламини белгиловчи иклим минтақаси;
- ҳудудда тупроқ ҳосил қилиш жараёни йўналишини белгиловчи тупроқ мелиорация тумани;
- ер ости сувлари сатҳининг жойланиш чуқурлигини белгиловчи гидромодул туман;
- суғориш турлари (вегетацияга оид, шўр ювиш ва ҳ.к.);
- суғориш меъёрлари ( $\text{м}^3/\text{га}$ );
- ҳар бир суғориш муддати (бошланиши-тугаши);
- суғоришнинг давомийлиги (кеча-кундуз);
- ҳар бир суғоришнинг суғориш гидромодули (л/с 1 га).

Сувга бўлган эҳтиёж ҳаммага маълум усул билан аниқланади ва охири-оқибатда сувдан фойдаланиш режаси қуйидаги кўрсаткичлар бўйича (10 кунликларга ажратиб, хўжалик шохобчалари бўйича ва бутунлай хўжалик бўйича) ифода этилади:

- етказиб бериш сув сарфи (л/с);

- ўн кунлик сув бериш даврида оқиб тушган сув ҳажми ( $m^3$ );
- ўсиб боровчи сув бериш якунидаги сув ҳажми (млн.  $m^3$ );
- ўн кунлик суғориш топшириғи (га.).

Сувдан фойдаланиш режаси туман қишлоқ ва сув хўжалигига мувофиқлаштириш учун берилади, у эса ўз навбатида олинадиган сувнинг муайян меъёрлари бўйича назорат рақамларини хўжаликка беради. Хўжалик гидротехниги ушбу рақамларга асосланиб, хўжаликнинг умумий лимитини хўжалик шохобчалари ва хўжаликнинг дала бўлинмалари ўртасида тақсимлайди ва сувдан фойдаланиш режасини тасдиқлаштириш учун хўжалик раҳбарларига тақдим этади.

**Сувни тезкор тақсим этиш.** Сувни тезкор тақсим этиш суғориш даври мобайнида қуйидаги омиллар туфайли сувдан фойдаланиш режасига тузатишлар киритишдан иборат:

- табиий-хўжалик шароитлар ўзгарганда суғориш муддатининг ўзгариш (баҳорнинг эрта ёки кеч келиши, қайта экиш, суғориб ишлов беришдан кейин орқада қолиб кетиш ва ҳ.к.);
- сув олиш жадвалидаги режага тегишли ўзгаришлар;
- хўжалик учун аввал белгиланган сув олиш лимитларида ўзгаришлар киритилганда.

Хўжаликка сув олишнинг ҳар қандай ўзгариши дала бўлинмаларига сув тақсимлашнинг ўзгаришига олиб келади. Бунда дала бўлинмаларини сув билан бир хилда таъминлаш принципларига амал қилишга ҳаракат қиладилар. Бироқ қатор объектив ва субъектив сабаблар туфайли ушбу мезонга ҳар доим ҳам риоя этиб бўлмайди.

Хўжалик ичида йирик дала бўлинмаларига (50 га. ва ундан ортиқ) сув тақсимлашда одатда доимий оқиб тушадиган сув узатилади. Дала бўлинмалари ичида сув айланиши, яъни сувни суғориш участкалари, звенолар, фермер хўжаликлари ва бошқаларга беришда навбат сақлаш тартиби қўлланилади. Сувни узатишда навбат сақлаш тартиби ўсимликлар аҳволини ҳисобга олиш, суғоришдан кейинги ишларни бажариш, **суғорувчиларнинг ҳозирлиги** ва бошқа хўжалик омилларига қараб белгиланади. Сувни тезкор тақсимлаш қуйидаги схема бўйича амалга оширилади: хўжалик гидротехниги сувни дала бўлинмалари ўртасида тақсимлайди, дала бўлинмаларининг раҳбарлари сув бериш навбатини белгилаб чиқди.

**Сувдан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш.** Хўжаликка сув олишни ҳисобга олиш ҳар беш кунда ёки ўн кунда туман қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда хўжалик вакиллари билан биргаликда амалга оширилади. Сув олишнинг ҳар кунлик ҳисоб-китобини туман қишлоқ ва сув хўжалиги ходимлари амалга оширишади. Хўжалик бўлимлари бўйича ва айниқса, бригадалар, звенолар, далалар, фермер хўжаликлари бўйича сув ҳисоб-китоби учун маблағларнинг умуман мавжуд эмаслиги ва бундан маълумотларнинг тақдим этилиши учун директив талабларнинг йўқлиги туфайли сув узатишни ҳисоб-китоб олиб борилмайди.

Хўжаликларга берилган сув миқдорлари кўз билан чамалаб, тажриба ва

интуицияга асосланиб белгиланади ва бунинг оқибатида тез-тез айниқса, сув танқис бўлган йилларда тортишув ва жанжаллар бўлиб туради. Шу пайтнинг ўзида хўжалик гидротехниги туман қишлоқ ва сув хўжалик бошқармасига хўжаликка берилган сув ҳажми ва бутун хўжалик бўйича суғориладиган ерларнинг майдони (вегетацион, шўр ювиш, нам тўплаш ва бошқалар) ҳақида маълумот бериши шарт. Сувдан фойдаланишни назорат қилиш мунтазам равишда олиб борилмасдан, асосан сув сарфи қайта бўлинганда суғориш ва шўр ювиш даврларида амалга оширилади. Хўжалик гидротехниклари хўжаликдалалари бўлинмаларига сув узатишни, хўжаликнинг дала бўлимлари бошликлари эса унинг бригадалар, звенолар бўйича тақсим этилишини назорат қиладилар. Назорат асосан турли тоифадаги сувдан фойдаланувчилар ўртасидаги баҳсларни бартараф қилиш, сув сарфининг белгиланган қиймат билан мувофиқ келишини текшириш, сув олиш навбатига риоя қилишни, далалардан ва ариқлардан самарасиз ташлаб юборилаётган сув ва унинг ҳажмини аниқлашдан иборат.

Сувдан нотўғри фойдаланганлик учун жарима тўловлари **қонунлаштирилган эмас**, қонунбузарлар эса танбеҳ ёки маъмурий жазо олиш билан кутўладилар. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги вакиллари томонидан сувдан фойдаланишни текшириш онда-сонда ўтказилади. Улар асосан хўжаликка ҳақиқатда узатилган сувнинг белгиланган меъёрга нисбатан мувофиқ келишини, далалар ва суғориш тармоғидан ортиқча сувларни чиқариб юборувчи мавжуд зовурларнинг сув сарфини қайд этиб борадилар. Шунга ўхшаш қонунбузарлик фактлари бўйича жарималар айнан бир хил хусусиятга эга ва кўпинча хўжалик раҳбарлари ва бош мутахассисларга солинади. Хўжаликка сув узатиш меъёри нормадан ошириб юборилгани учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув назорати айбдор томонга пул жаримаси солиш ҳуқуқига эга.

**Сув хўжалиги объектларини назорат қилиш ва уларга қараш.** Асосан хўжаликнинг ишлаб чиқарувчилараро тармоғи ўртасидаги ирригация хизмати кучлари, уларнинг ўз тармоғига ишлаб чиқариш бўлинмалари ходимлари томонидан амалга оширилади. Назорат қилиш ва қараб туриш хўжалик ичидаги объектларнинг иш қобилиятини пасайтирадиган ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлаштирадиган кичик шикастланишларни кундалик (хар куни) бартараф этишдан, ўша ердаги бузилган иншоот қисмларини тиклашдан иборат.

**Сув хўжалиги объектларини жорий ва тубдан таъмирлаш ишлари.** Одатда, вегетация оралиғидаги даврда, яъни сув беришни чеклаш ёки тўхтатиш мумкин бўлган пайтда амалга оширилади. Таъмирланиши лозим бўлган хар бир сув хўжалиги объекти бўйича дефект далолатномаси ва таъмирлаш учун сарфланадиган маблағлар сметаси тузиб чиқилади. Агар олдиндаги таъмирлаш ишлари мураккаб ва ҳажман катта бўлса, ушбу ишларни пудратчилик асосидаги лойиҳалаш ташкилотлари бажарадилар. Агар ирригация хизмати ўзининг таъмирлаш-қуриш кучларига эга бўлса, у ҳолда таъмирлаш ишлари ёки унинг бир қисми уларнинг ўз кучлари билан бажарилади. Акс ҳолда четдан қурилиш ташкилотлари жалб этилади.



Хўжалик ичида сувдан фойдаланишни ташкил этиш бўйича илмий асосдаги кўлланма ва услубий кўрсатмаларнинг етарлича кўплигига қарамадан бу нарса амалда қўлланилмайди. Буни қуйидаги қатор сабаблар билан изохлаш мумкин:

- суғориш тармоғида сув ўлчаш воситаларининг, бир қатор ҳолатларда эса сувнинг сарфланишини тартибга солиш воситаларининг мавжуд эмаслиги;
- сувга текин ресурс сифатида, иқтисод қилиб ҳамда оқиллик билан фойдаланиш сезиларли даражада моддий фойда келтирмайди, деган фикрнинг онгда шаклланиб қолганлиги;
- хўжалик ичида тармоқни эксплуатация қилиш бўйича сувдан оқилона фойдаланишни ташкил этишга қурби етмайдиган кам сонли ва ихтисослашмаган ирригация хизмати.

Вегетация даврида ирригация хизмати, асосан, хўжаликлараро тармоқдан қандай қилиб кўпроқ сув олиш мумкин деган ташвиш билан банд бўладилар, бу эса унинг сув хўжалиги ходимлари билан ҳар доим муносабатларни аниқлашга мажбур этади. Вегетация оралиғидаги даврда ирригация хизмати ходимлари хўжалик раҳбарлари буюрган, ўзларининг асосий хизмат вазифаларидан узоқ бўлган кўплаб топшириқларни бажариш билан банд бўладилар.

## **2. МДХ, МАМЛАКАТЛАРИДА ХЎЖАЛИК ИЧИДА СУВДАН Фойдаланишни ташкил этиш**

**Туркменистон ва Тожикистон Республикаларида** ердан фойдаланиш шаклининг асосий қисмини йирик жамоа хўжаликлари ташкил этган бўлиб, бу ерларда ҳам сувдан фойдаланиш тартиби худди Ўзбекистон Республикасидагидекдир. Сувдан фойдаланишни ташкил этишдаги ўзгаришлар Туркменистонда рўй берди. Бу ерда хўжалик ичидаги тармоқ жамоа (деҳқон) хўжалиги ихтиёрида қолди, уларга техник хизмат кўрсатиш эса давлат сув хўжалиги ташкилотлари томонидан ердан фойдаланувчиларнинг қишлоқ хўжалиги махсулотлари кийматининг 3%-ли ҳажмдаги чегирмалари ҳисобидан амалга оширилади.

**Қозоғистон Республикаси.** Бугунги кунда собиқ колхоз ва совхозлар тугатилган. Уларнинг негизида 80% ерга эга бўлган турли хил бирлашмалар (деҳхончилик, ширкат ва ҳ.к.) ташкил этилган бўлиб, 20% ер алоҳида фермер хўжаликларига тегишлидир. Деярли 2,0-3,0 минг га. суғориладиган майдонга эга бўлган собиқ колхоз ва совхозлар худудида ҳар бири 700-800 га. майдонга эга бўлган 2-3-та бирлашган деҳқон хўжаликлари ва 5 га. дан 30 га. гача майдонга эга бўлган 30-40 та мустақил деҳқон хўжаликлари пайдо бўлди.

1999 йил Республикада барча тоифадаги сувдан фойдаланувчилар учун сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш жорий этилди, унга мувофиқ, сувдан фойдаланувчилар туман сув хўжалиги билан сув етказиб бериш бўйича шартномалар тузишлари лозим.

Сув хўжалиги тармоқлари учун сувни ҳисобга олиш ва тақсимлашни,

ўзаро молиявий муносабатларни ташкил этишда муайян қийинчиликлар туғдираётган сувдан фойдаланувчилар сонининг сезиларли даражада ўсганлиги, шунингдек фермерлараро техника хизмати кўрсатиш зарурияти ҳисобга олинади. Республика ҳукумати хўжалик шароитида сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СИУ) ҳақидаги **Уставни** қабул қилиб, уни амалга татбиқ этмоқда. СИУ ташкил этиш тўғрисидаги қарор таъсисчилари ҳуқуқий шахслар ҳам жисмоний шахслар ҳам бўлиши мумкин бўлган таъсисчилар йиғилишида қабул қилинади. Хўжалик ичида ишлаётган сув хўжалиги объектлари СИУга мулк қилиб берилади.

СИУ вазифасига уни эксплуатация қилиш, СИУ аъзолари ўртасида сувни тақсим этиш, туман сув хўжалиги хизматлари ва узининг хизматларига ҳақ тўлаш учун маблағ йиғиш киради.

Хўжалик ичида ишлаётган суғориш ва коллектор-зовур тармоқларини СИУнинг узи 5% маблағлари ҳисобидан таъминлаб туради. СИУ раҳбарлари ва мутахассислар (ҳисобчидан ташқари) таъсисчиларнинг умумий йиғилишида сайлаб олинадилар. Умумий йиғилиш қарори баённомасига асосан вилоят адлия органлари томонидан СИУнинг номланиши ва ҳуқуқий мавқеи кўрсатилган гувоҳнома берилади. Улар учун банкда ҳисоб рақами очилади ва улар бутун молиявий фаолиятини нотижорат турдаги оддий ташкилотлар сингари амалга оширадилар. 1996-1998 йилларда хизмат кўрсатиш майдони - 91,8 минг гектарга тенг бўлган 50та СИУ ташкил этилган ва 125 минг гектар суғориш ерларига хизмат кўрсатувчи 130 та норасмий (ҳуқуқий мавқега эга бўлмаган) СИУлар барпо бўлган. СИУлари асосан ҳудудий белгиларга қараб ташкил этилади, бироқ қонун томонидан уларни суғориш тармоқ хавзаларига (суғоришни тармоқ хавзалар бўйича амалга ошириш) бирикишига қараб ташкил этиш кўзда тутилган. СИУ хизматлар учун маблағлар миқдори умумий йиғилишда белгиланиб тасдиқланади. У режадаги олинандиган, сув ҳажмига бўлинади ва хўжалик ичидаги ягона тариф сифатида белгиланади. У бир кубометр сув учун 0,5 дан 1,2 тийингача бўлган ораликда ўзгариб туради. СИУ уч йиллик амал қилиш тажрибаси шуни кўрсатадики, унинг шаклланиш жараёни осон эмас ва барқарор иш олиб бориш учун кўпгина мураккабликлар ва қийинчиликларни енгишига тўғри келади.

Арманистон Республикаси. "Мироб-А" ишлаб чиқариш бошқармаси ходимларининг бир гуруҳи 1999 йил 11 октябрдан 25 октябргача Арманистонда бўлиб, хўжалик ичида сувдан фойдаланишни ташкил этиш тажрибалари билан батафсил танишиб кайтдилар. Арманистон иқтисодиёти ҳам худди бизлардаги сингари бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини бошидан кечираётгани туфайли ҳам бу тажриба биз учун катта аҳамият касб этади.

1999 йил республикада амал қилиб келаётган ердан колхоз ва совхозлар кўринишидаги фойдаланиш шакли бузилди. Ер хусусий фойдаланишга берилди ва алохида-алохида майда хўжаликларга бўлиб юборилди. Бугунги кунда алохида хўжаликларнинг чек ерлари 0,31-1,5 га. ни ташкил этади ва уларнинг умумий сони 325000 хўжаликдан иборат. Қишлоқ хўжалиги ишлаб

чиқаришига алоқадор бўлган барча кишиларнинг деярли бир овоздан билдирган фикрларига кўра, ер ислохоти шошилиш равишда ва охиригача ўйлаб кўрилмасдан ўтказилган. Биринчидан, колхоз ва совхозларнинг тугатилиши билан жамоатчилик иши ҳисобланган қишлоқ инфратузилмаси деярли бузилган (агротехникани, уруғчилик, суғориш, ўсимликларни ҳимоялаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш йўллари ва х.к.) ва унинг ўрнига ҳеч нарса ташкил этилмаган: Иккинчидан, ер эгалари давлат томонидан қўллаб-қувватланишдан маҳрум бўлганлар ва улар ўзича иш кўрадиган бозор стихияси олдида ёлғиз, ҳимоясиз қолганлар. Буларнинг ҳаммаси суғориладиган ерлар ҳосилдорлигининг кескин (икки баробар) пасайиб кетишига ва қишлоқ аҳолисининг қашшоқланиб қолишига олиб келган. Бундай муаммоларга тўқнашгач, давлат вужудга келган ҳолатдан жамоатчилик асосида ишлайдиган ташкилотларини ташкил этиш йўли билан чиқиб кетиш йўллари излай бошладилар. Жумладан, суғориш ишларини бажариш вазифаси ўз-ўзини жамоатчилик асосида бошқарувчилар (аввалги қишлоқ кенгашлари) зиммасига юклатилиб, улар хўжаликнинг ички тизимида мулк эгасига айландилар. Ер эгалари ўртасида сувни тақсим этиш ва хўжаликнинг ички тармоғини эксплуатация қилиш унинг вазифаси бўлиб, бу ишлар ер эгаларининг пул бадаллари ҳисобига амалга оширилади. Бироқ эксплуатациянинг бу шакли бир қатор сабаблар туфайли ўзини оқлай олмайди. Биринчидан, ходимлар малакасининг пастлиги ва улар меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдорининг озлиги фермерлар ва ўз-ўзини бошқарувчилар жамоаси ўртасида сувни тақсим этиш ва ердан фойдаланувчилар бадалларининг ҳажми масалалари юзасидан тез-тез келишмовчиликлар бўлиб туришига олиб келди. Иккинчидан, жамоатчилик асосида ўз-ўзини бошқариш ердан фойдаланувчилар бадалларининг бир қисмини олиб қўйиб, уларни жамоатчилик эҳтиёжларига (масалан, ободончилик ишлари, турли тадбирларни ўтказиш ва хоказо) сарф этиш тажрибасини қўллаб юбордилар. Ва ниҳоят, ердан фойдаланувчилар даромадларининг пастлиги, сувдан ҳақ тўлаб фойдаланиш ғоясининг психологик жихатдан хўжаликнинг ички тармоқда бажарилган ишлар учун сарф этилган харажатлар ўз муддатида тўланмай қолинишга олиб келган. Вужудга келган вазиятдан келиб чиқиб, ҳукумат хўжаликнинг ички тармоғида эксплуатацияни бундай ташкил этиш системасини ўзгартиришга мажбур булди. Хўжаликнинг ички тармоғи жамоатчилик асосида бошқаришни мулк сифатида қолди ва сув хўжалиги ҳиссадорлик жамияти (ХД) хўжалик бошқармасига ўтказилди. Эксплуатация қилиш учун сув хўжалиги **ХЖ** юридикцияси остидаги шуъба корхоналари ташкил этилиб, улар сув учун тўланадиган маблағлар йиғими ҳисобга фаолият кўрсатадилар.

Бироқ, аввалги салбий сабабларни, шуъба корхоналар томонидан уларга бириктирилган куплаб молиявий интизом бузилиши холларини бартараф этолмаганлиги учун ушбу тизимий қайта куриш ҳам ижобий натижалар бермади. Шу ўринда хўжалик ичида сувдан фойдаланишни ташкил этиш бўйича тизимий қайта ўзгариш натижаларига таъсир этувчи ўта муҳим жихатларни таъкидлаб ўтиш лозим. Биринчидан, улар "юқорининг"

кўрсатмаси бўйича ўтказилди ва бунда ердан фойдаланувчиларнинг фикр-мулохазалари ҳисобга олинмади. Иккинчидан, юкорида санаб ўтилган тузилмаларни ташкил этиш мувофиқ иструктив-услугий асосни яратиш йўли билан мустахкамланмади, ердан фойдаланувчилар ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари кенг йўлга қўйилмади. Буларнинг ҳаммаси ердан фойдаланувчиларда яратилаётган тузилмаларнинг имкониятларига, уларнинг сувдан фойдаланишни самарали ташкил эта олиш имкониятига маълум маънода катта ишончсизликни ҳосил қилди. 1996 йилдан бошлаб, Бутунжахон Банкнинг ташаббуси билан, хўжалик ичида сувдан фойдаланиш сув секторини тараққий эттириш Дастури (СТЭД) ва суғориш тармоқларини тиклаш Дастури (СТЭД) доирасида хўжалик ичида сувдан фойдаланишни ташкил этишни қайта ўзгартиришнинг янги тўлқинлари бошланди.

Кўрсатиб ўтилган дастурларнинг муҳим янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- сув хўжалиги мажмуи муаммоларини ҳал этишга комплекс равишда ёндашиш;

- хўжалик ичида сувдан фойдаланишни ташкил этишга ердан фойдаланувчиларни жалб этиш.

Юкорида санаб ўтилган дастурларда 1996-2000 йиллар давомида қуйидаги таркибдаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилган эди:

1. Суғориш ва коллектор-зовур тармоқларини тиклаш ва ривожлантириш.

2. Насос билан суғоришдан узи оқар сувда суғоришга ўтиш.

3. Сув омборлари хавфсизлигини ошириш.

4. Тизимий янгиланиш:

- а) эксплуатация имкониятларини ошириш ва суғориш тармоқларини сақлаб қолиш;

- б) суғориш тармоқларининг мониторинг системасини ишлаб чиқиш;

- в) сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини (СИУ) кучайтириш;

- г) хусусий секторни ривожлантириш ва интеграцияси.

Дастурлани амалга ошириш учун 55 млн. доллар ажратилиб, шундан 43,0 млн. доллар Бутунжахон Банкига, 8,0 млн. доллар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро фондига, 4,5 млн. доллар ҳукумат ҳисобига тўғри келади.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ушбу ишлар олиб борилаётган объектларда ўзининг регионал бўлимларига эга бўлган "Суғориш системаларини тиклаш бўйича дастурларни амалга ошириш бюроси" деб номланган (матннинг кейинги ўринлариди Бюро) махсус ташкилот тузилди.

Унинг вазифаси хўжалик ичида сувдан фойдаланишни ташкил этишда таркибий ўзгаришлар тажрибаси билан танишишдан иборат бўлиб, у ҳақда қуйида сўз юритилади.

Хўжалик ичида сувдан фойдаланишни ташкил этиш сувдан фойдаланувчилар уюшмасини СИУ (махаллий тилда сувдан фойдаланувчилар ўртоқлиги (СИУ) ни ташкил этиш йўли билан амалга

оширилди. СИУни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши учун Арманистон Республикасининг 1993 йил қабул қилинган матлубот кооперацияси тўғрисидаги қонуни ҳуқуқий асос бўлиб хизмат килди.

Ушбу қонун **матлуботчилик** ўртоқлигининг ташкилий-ҳуқуқли асосларини, уларнинг иттифокчилигини яратиш шарт-шароитларини ва давлат ташкилотлари билан муносабатларини белгилайди.

СИУ ташкил этиш жараёнидан олдин Бюро ходимлари томонидан деҳхонлар ўртасида СИУнинг мохияти ва имтиёзлари тўғрисида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. СИУнинг ҳудудий ҳажми битта обшина (қишлоқ)нинг ердан фойдаланиш чегарасида ёки сув манбаига хизмат кўрсатиш чегарасида белгилаб олинди.

СИУни ташкил этиш тўғрисидаги қарор ер эгаларининг умумий йиғилишида ихтиёрий равишда қабул қилинди. Шу ерда Бюро ходимлари томонидан тайёрланган СИУнинг Устави тасдиқланди, СИУ раҳбарлари (раис ва тафтиш комиссияси) сайлаб олинди, харажатлар сметаси СИУни сақлаб туриш учун аъзолик бадаллари ҳажми ва ёлланиб ишлайдиган ходимларнинг қўшимча маоши тасдиқланди. Устав адлия вазирлигида рўйхатдан утади ва шу вақтдан СИУ ташкил этилган деб ҳисобланди. СИУ ташкил этилиши билан унинг раҳбарияти (СИУ раислари, тафтиш комиссияси ва ҳисобчи) суғориш тармоқларини эксплуатация қилиш, муҳрсиб ҳисоботи ва аудит, умумий ҳолда солиқ қонунчилиги, сувни ҳисоблаш қоидаларини ва сув хўжалиги ХЖ билан муносабатда бўлиш, шунингдек хўжалик ичида сувдан фойдаланишни ташкил этишга тегишли бошқа масалалар бўйича қисқа муддатли ўқув курсларида ўқийдилар.

Бу мақсадлар учун бюро ҳар бир СИУга топширилган норматив-услугий ҳужжатлар дастасини тайёрлади. Айти замонда Бюро СИУ ҳудудидаги суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини тиклаш ва қайта қуриш бўйича лойиха ҳужжатларини тайёрлади. Бюро СИУга ёлланиб ишлаётган ходим хўжалик ички тармоқларида тўғри иш юритишга қодирлигига ишонганидан сўнг юқорида эслатиб ўтилган лойиҳани амалга оширишга киришади.

Матлубот кооперацияси тўғрисидаги қонундан ташқари СИУ фаолиятини бошқарувчи асосий ҳужжат бу унинг Уставидир. Унда СИУ мақсад ва вазифалари, фаолияти йўналиши, СИУ аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари, санкциялар ва жавобгарлик меъёрлари ва бошқалар белгилаб қўйилган.

СИУнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- хўжаликнинг ички тармоғани техник эксплуатация қилиш;
- СИУ аъзолари ўртасида сувни режалаштириш ва тақсим қилиш.
- Сув хўжалиги ХЖдан келиб тушадиган сувни ҳисобга олиш;
- СИУ аъзолари ва Сув хўжалиги ўртасидаги молиявий муносабатларни амалга ошириш.

Сув хўжалиги хизматлари учун умумий тариф иккита тузилмадан иборат:

- сув хўжалиги ХЖ берган сув учун тўлов (бир м<sup>3</sup> учун ўртача 2,3 грам.);
- СИУ хизмати учун тўлов (бир м<sup>3</sup> учун 1,5 грамгача).

СИУ ва Сув хўжалиги ХЖнинг ўзаро муносабатлари пулли хизмат

кўрсатиш шартномалари билан белгиланади, унга кўра СИУ сувнинг улгуржи харидори ҳисобланади. Хизмат учун ҳисоб-китоблар етказиб берилган сувнинг ҳақиқатан олинган ҳажми бўйича амалга оширилади. Сув оқимини ҳисобга олиш бир кеча-кундузда икки марта СИУ ва Сув хўжалиги вакилларининг иштирокида амалга оширилади, уларнинг якунлари бўйича хар ўн кунликда олинган сув миқдори ва унинг нархи белгиланади. СИУ ичида сув ҳисоблаш воситаларининг йўқлиги учун сувни узатиш ҳисоби олиб борилмайди. Ҳар бир ер эгасининг сувга бўлган эҳтиёжини баҳолаш у эгаллаб турган майдон, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари тури ҳамда қишлоқ хўжалиги ўсимликларини белгиланган тартибининг СИУнинг сувдан фойдаланувчилар режасига мувофиқ келишига қараб аниқланади. Кўрсатилган ҳисоб-китоблар асосида хар бир ер эгасига тўлов учун ҳисоб қоғози кўрсатилади ва ер эгаси унда кўрсатилган пул миқдорини почта бўлимига тўлаши лозим.

Бюро дастури бўйича таркибий қайта қуриш 1996 йилда СИУларни барпо қилишдан бошланган эди, бугунги кунда улар томонидан 105 та СИУ ташкил этилди. Бюро лойихдси бўйича ташкил этилган СИУнинг аниқ устунлигини ҳисобга олиб, ҳукумат 1997 йилда барча суғориладиган ерларда айнан шунга ўхшаш ташкилий уюшмалар тузиш ҳақида қарор қабул қилди. СИУнинг ўсиш динамикаси ва унинг асосий кўрсаткичлари 2.1-жадвалда кўрсатилган.

2.1- жадвал

Кўрсаткичлар	Улчов Бирлиги	1996	1997	1998
1	2	3	4	5
1.СИУ сони лойиха бўйича °арор бўйича	Дона	6	53 32	105 374
2.СИУ хизмат лойиха бўйича кўрсатадиган майдон	Га	664,7	12331 10569	26500 140513
3.СИУ абзоларининг лойиха бўйича сони	Дона	1055	17283 21763	32558 201168
4.Алохида СИУларнинг дан ҳажми майдони	Га.	60 225	79 1700	100 1700
5.Алохида СИУлар дан абзоларининг сони	Бирлик Дона	80 372	100 2400	70 2000

Турли шаклларда ташкил топган СИУлари (Бюро лойихаси бўйича тузилган - СИУ ҳукумат қарори бўйича тузилган ва жамоатчилик ихтиёридаги - СИУсиз) учун тузилган Бюро томонидан ўтказилган текшириш маълумотларига кура, СИУнинг асосий муаммоси фойдаланилаётган сув учун ҳамда СИУ хизматлари учун ҳақ тўланмаслигидир. Биринчи навбатда сув учун тўлашга мўлжалланган, иккинчи навбатда таъмирлаш учун жуда зарур бўлган ва учинчи навбатда СИУ ходимларига ҳақ тўлаш учун пул маблағлари йигиб чиқилади, турли кўринишдаги СИУнинг молиявий ахволини °иёслаб ба³олаш шуни

кўрсатадики СИУлар:

- сувдан тежамли фойдаланганлар ва камро<sup>о</sup> хак тўлашлари лозим эди;
- сув учун яхши хак тўлаганлар ва кам қарздор бўлиб қолганлар;
- таъмирлаш ишлари учун кам сарфлаб, куп иш бажарганлар;
- 1 га. ишлов берилган ерга кам маблағ сарфлаб, кўп даромад олганлар.

Фермерлар орасида СИУ фаолиятини баҳолаш бўйича олиб борилган сўровлар шуни кўрсатадики, СИУа даги фермерларнинг кўпчилиги уни қониқарли баҳолайдилар, чунки бу ерда СИУ аъзолари билан кишлок маъмурияти ва давлат ташкилотлари билан келишмовчиликлар кам содир бўлади.

### **Хулоса ва таклифлар**

а) йирик жамоа хўжаликларини тугатиш ва кўплаб майда фермер хўжаликларини ташкил этиш шароитларида Республикада хўжалик ичида сувдан фойдаланишни ташкил этишнинг бирин-кетин уч хил шакли синовдан ўтди. Булар: жамоатчилик асосида ўз-ўзини бошқариш (махаллий маъмурият), сув хўжалиги ХЖ ишлаб чиқариш ширкатлари ва сувдан фойдаланувчилар ўртоқлигидир;

б) сувдан фойдаланишни маҳаллий маъмурият орқали ташкил этиш ҳам ишлаб чиқариш ширкатлари ўзининг асоссиз эканлигини кўрсатди ва у ҳаммажойда сувдан фойдаланувчилар Уюшмасига (сувдан фойдаланувчилар Ўртоқлигига) алмаштирилди. Дастлабки сувдан фойдаланувчи икки тузилма ишининг самарасизлигига асосий сабаб деҳқонларнинг сув ресурсларини бошқариш ва маҳаллий даражада сув хўжалиги сиесатини белгилашда иштирок этишдан четлаштирилишидир. Бу шаклларда сувдан фойдаланишни ташкил этишда пассив рол ўйнаётганлар четга чиқариб кўйилди, улар эса бундай ҳолат билан сира келиша олмасдилар;

в) хўжалик ичида сувдан фойдаланишни сувдан фойдаланувчилар уюшмаси орқали ташкил этиш, ўзининг барча камчиликлари билан, бозор иқтисодиёти шароитида шаклланаётган ердан фойдаланишнинг маҳаллий шаклига ва ердан фойдаланувчилар психологиясига яхшироқ мос келадиган шакл бўлиб чиқади. Бундай ташкил этиш шаклида деҳқонлар сув тақсим этиш принципига сув омборлари ҳажмига, хўжалик ичидаги суториш тармоқлари узлуксиз ишлашини таъминлаб туриш учун сарфланадиган харажатларга ҳал этувчи таъсир ўтказади;

г) сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ташкил этиш ва уларнинг самарадорлигини оширишда суғориш тизимларини тиклаш дастурини амалга оширувчи Бюро бажарадиган сув секторной ривожлантириш Дастури ҳал этувчи рол ўйнайди. Айнан унинг анчагина куч сарфлаши туфайли, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси фаолиятини бошқарувчи ҳуқуқий ва норматив услубий база яратилди, малакали раҳбарлар тайёрланди, ҳар жихатдан молиявий, ҳуқуқий ва маслаҳат ёрдамлари кўрсатиди;

д) ҳуқумат қарори бўйича директива йўли билан ташкил этилган ва унинг ёрдамини ҳамда-амалда қўллаб-қувватлашларини ҳис этмайдиган сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳозирча суғориладиган деҳқончилик самарадорлигини оширишга амалий таъсир кўрсатолмаяпти.

Тажриба шуни кўрсатдики, бундай уюшмаларда суғориладиган ерларнинг солиштирма махсулдорлиги суғориш системаларини тиклаш Дастурини амалга ошириш бўйича Бюро оркали ташкил этилган Уюшмаларга нисбатан 25% га кам, сувни сарф этиш эса анча юқори! Биринчи айтиб ўтилган уюшмалар ўзларини таъминлаш учун кўп маблағ сарф этиб, кам ҳажмдаги ишларни бажаряптилар. Жуда кўп ҳолларда бундай уюшмалар маҳаллий маъмурият бошлиқлари қарори билан ихтиёрийлик ва эркинлик принципларини эътиборга олмаган ҳолда ташкил этилган. Уюшмаларнинг оддий аъзолари сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг бюджет сиёсатиغا, йиғимларнинг асослигига ва харажатларнинг муайян мақсадга йўналтирилганига анча кам таъсир этадилар;

е) Республикамизда суғориладиган деҳқончиликнинг ташкилий тизимини ислоҳ қилишда ва кўплаб фермер хўжалиқларини ташкил этишда Арманистон Республикасидаги хўжалиқлар ичида сувдан фойдаланиш тажрибасидан қуйидаги нуктаи назарда туриб фойдаланиш мумкин:

- хўжалиқ ичида сувдан фойдаланишни ташкил этишда ихтиёрий ва эркин асосларда шаклланган, молиявий жиҳатдан ўз-ўзини таъминлаш асосида фаолият кўрсатаётган ва ички фаолиятда ўз-ўзини мустақил идора қилиш ҳуқуқидан кенг фойдаланаётган сувдан фойдаланувчилар уюшмаси кўринишидаги ердан фойдаланувчилар бирлашмаси энг мақбул тузилма ҳисобланади;

- сувдан фойдаланувчилар уюшмаси фаолият кўрсатаётган дастлабки даврларда давлат томонидан қуйидаги соҳаларда ёрдам кўрсатиш ва кўллаб-қувватлаш талаб этилади:

- сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш;

- тегишли норматив, инструктив ва методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ходимларини хўжалиқ ичида сувдан оқилона фойдаланишни ташкил этишга ўргатиш;

Хўжалиқ ичидаги суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари ишларининг баъзи бир қисмини илгаригидек тиклаш учун молиявий жиҳатдан таъминлаш.

СИУнинг фаолият кўрсатишини амалга ошириш учун бошланғич босқичда Арманистоннинг суғориш тизимларини тиклаш Дастурини амалга ошириш бўйича Бюро нухасидаги махсус ташкилотни тузиш лозим ва бу ташкилот Ўзбекистон Республикасидаги сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ташкил этиш бўйича барча ишларни бевосита амалга ошира олиши ва мувофиқлаштириши керак.

**Қозоғистон Республикаси.** Қозоғистон Марказий Осиё регионида қишлоқ ва сув хўжалиқ бўйича бозор ислоҳотиغا биринчилардан бўлиб ўтди. Қишлоқ хўжалигида булар колхоз ва совхозларни тўлиқ тугатиш ва уларнинг базасида кўплаб фермер хўжалиқларини яратишдан иборат бўлди. Сув хўжалиги соҳасида 1993 йилдан бошлаб сув учун ҳақ тўлаш жорий этилди. Уларнинг нархи туман сув хўжалиги тармоқларини эксплуатация



қилиш учун сарфланган хақиқий харажатлар билан ҳисобланади (ССБ), қолган сув хўжалиги тузилмалари аввалгидек давлат бюджета ҳисобдан таъминланади. ССБ ва сувдан фойдаланувчиларнинг ишлаб чиқариш ва молиявий жихатдан ўзаро муносабатлари "Суғориш учун сув етказиб бериш тўғрисида"ги шартнома билан белгиланади. Унга биноан ССБ белгиланган меъёр бўйича сув етказиб беришни, коллектор-дренаж сувларини чиқариб ташлашни, сув ҳисоблаш воситаларининг ишлай олиши ва ишончилигини таъминлаши лозим. ССБ бошқа ҳеч қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олмайди. Сувни берухсат ва меъёрдан ортиқ даражада олганлик учун уч хисса кўп тарифда жарима солинади, жорий тўловларни кечиктирганлар учун ҳар бир кечиктирилган кунга 1,5% ҳажмида пеня тўловлари олинади, 20 кундан ортиқ кечиктириш ҳоллари содир бўлганда ССБ сув беришни тўхтатиб қўйиш ва тўловлар амалга оширилгандан кейингина уни яна давом эттириш ҳуқуқига эга.

Кўплаб фермер хўжаликларининг вужудга келиши ҳамда сувдан ҳақ тўлаб фойдаланиш сувдан фойдаланишни ташкил этишда қатор муаммоларни, биринчи навбатда, сувни тақсим этишни ташкил этиш ва сувни ҳисобга олиш, сув хўжалиги хизматларига ҳақтўлаш, хўжалик ичидаги тармоқли техник хизмат билан таъминлаш ва бошқа муаммоларни келтириб чиқарди.

Бундай шароитда фермерлар ушбу умумий муаммоларни ҳал қилиб бериши мумкин бўлган, Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СИУ) шаклидаги жамоатчилик ташкилотини тузишга рағбатлантирилди. Бунга шунингдек, чет эл маслаҳатчиларининг хўжалик ичида сувдан СИУ орқали фойдаланиши ташкил этиш соқасидаги тажрибасидан фойдаланиш бўйича катъий тавсиялари ҳам ёрдам берди.

Қуйида 1997 йил СИУни ташкил этиш ишларини бошлаб юборган Чимкент вилоятининг Жетисой туманила СИУни ташкил этиш тажрибалари баён қилинди. СИУни ташкил этиш сувдан фойдаланувчиларнинг умумий йиғилиши билан бошланиб, унда СИУни ташкил этиш ҳақидаги Таъсис шартномаси ва унинг Устави қабул қилинди.

Кўрсатилган ҳужжатлар лойиҳасига эга бўлган туман маъмурияти (ҳокимият) вакиллари ва ССБ йиғилишининг ташаббускори бўлиб чиқдилар. Ушбу ҳужжатлар ҳокимиятда рўйхатдан ўтди ва шу вақтдан бошлаб СИУ ҳуқуқий жихатдан келиб чиқадиган барча хўжалик атрибутларига эга бўлган ҳуқуқий ташкилотга айланди.

Йиғилишда шунингдек, СИУ президенти (майда СИУлар учун) ва бошқаруви (йирик СИУлар учун), тафтиш комиссияси сайлаб олинади, харажатлар сметаси, СИУ бадалларининг ҳажми, ёлланма ишчиларнинг сони ва улар иш ҳақининг ҳажми тасдиқланади. Алоҳида СИУлар томонидан хизмат кўрсатиладиган майдон 3,0дан 14,0 минг га ораллиғида бўлиб, у ўнлаб ва юзлаб аъзоларига эга бўлиши мумкин. Шунга мувофиқ ёлланма ходимлар сони ҳам 3тадан 25та гача бўлиши мумкин. СИУ таъминоти учун сарфланган харажатлар ҳисобга олинмайди, балки ССБ сув хўжалиги хизматининг тахминан 30% нархида тенг деб қабул қилинди.

Бугунги кунда СИУ ишлаб чиқариш биносига, техникага, асбоб-ускуналар ва бошқа мулкларга эга эмас. Уларнинг асосий вазифаси фермерлар ўртасида сувни тақсимлашни ташкил этиш, сув хўжалиги хизматлари учун бадаллар йиғиш ва улар учун ССБдан ҳақ тўлашдан иборатдир. СИУ маъмурияти ва унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар СИУ Устави билан қатъий белгилаб кўйилади. СИУлар давлат томонидан кўллаб-қувватланмайди ва улар нотижорат ташкилотлар ҳақидаги умумий қонунлар доирасида фаолият кўрсатади.

СИУга аъзолик ихтиёрий равишда амалга оширилади ва «СИУга кирмасдан туриб, ССБ билан сув хўжалиги хизматини яртиш учун тўғридан-тўғри шартнома тузувчи маълум фермерлар гуруҳи ташкил этади. СИУ, одатда, ягона сув йўллари - хўжаликлар ва уларнинг гуруҳлари хизмат кўрсатадиган сув майдонларида ташкил этилади.

### **3. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ХЎЖАЛИК ИЧИДА СУВДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ (ТАЖРИБАЛАРНИ УМУМЛАШТИРИШ)**

Дунёда сув хўжалик системаларини фақат давлат тузилмалари орқали тўлик бошқариш ҳоллари борган сари жуда кам учрамоқда. Фақат давлат томонидан бошқариш принципи ва бу жараёндан сувдан фойдаланувчиларни чиқаришни амалга ошириш давлатга жуда қимматга тушади. Шу сабабли давлат сув хўжалиги системасини бошқариш бўйича вазифаларининг бир қисмини сувдан фойдаланувчилар ташкилотларига, кўпроқ сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СИУ) деб номланган ташкилотларга топширади. Охирги таъриф сув ресурсларидан фойдаланувчи кишилар (шахслар)нинг уюшган гуруҳини англатиб, у сув хўжалиги системасини у ёки бу шаклда бошқаришда иштирок этади ва унинг таъминоти ва тараққиёти бўйича вазифаларни бажаради. СИУнинг мавжуд шакллари куйидаги вариантлар бўйича тасниф қилиш мумкин:

- давлат билан ҳамкорликда бошқариш;
- давлат томонидан бошқариш пайтида сувдан фойдаланувчилар системасининг мулкка эгаллиги;
- сувдан фойдаланувчилар тўлик назорат қилишади.

Вариантларнинг бир-биридан фарқи - бу, аслини олганда, давлат ва сувдан фойдаланувчилар ўртасида сувни тақсимлаш ва мулкни-таъминлашни бошқариш бўйича масъулиятни тақсим этишдир. Биринчи ва иккинчи вариантлар энг кўп тарқалган шакллар ҳисобланади.

Охирги вариант жуда ҳам кам, асосан, катта бўлмаган маҳаллий даражадаги тармоқларда учради.

Сувдан фойдаланишни бошқариш давлатнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланиб, у орқали сув ресурсларидан фойдаланишнинг салбий оқибатлари олдини олиш мақсадидаги назорат қилиш ва таъсир қилиш ишлари тушунилади. Бошқариш ишлари сув ресурсларини тақсимлаш соҳасида, сувдан фойдаланувчилар ва халқхўжалиги тармоқлари ўртасидаги баҳсларни хал этишда, сувнинг сифатини сақлаб туришда, баҳо

белгилашда ва фаолиятининг бошқа сохаларида амалга оширилади. Давлат ва сувдан фойдаланувчилар ўртасидаги вазифаларни тақсим этиш ҳам сув хўжалиги тизимлари даражасига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Кўп системага эга бўлган дарё ховузлари даражасида давлат деярли ҳамма вақт асосий рол ўйнайди. Асосий тизим даражасида сувдан фойдаланувчи муайян қарорлар қабул қилишда иштирок этиши мумкин, бироқ давлат тизимининг эгаси сифатида, мунтазам ролини сақлаб қолади ҳамкорликда бошқариш кўпроқ тармоқ ости даражасида ва сувдан фойдаланувчилар ўртасида сув ресурсларини тақсимлашда, давлатнинг иштироки энг кам бўлган даражада учраб туради.

Сувдан фойдаланишни СИУ орқали ташкил этиш ривожланган мамлакатларда деярли ҳар тарафлама кенг тарқалиб, ушбу шакл сув ресурсларини бошқаришнинг самарали шакли сифатида мустахкам мавқега эга.

Кейинги йилларда ушбу шаклни ривожланаётган мамлакатларда ҳам биргаликда жорий этиш бошланди. Бунта қуйидаги омиллар ёрдам беради:

- ерга хусусий эгалик ва жуда кўп майда ер эгаларининг мавжудлиги;
- бозор муносабатларининг ривожланиши ва капитал бозорининг шаклланиши;
- қадимги демократик анъаналар ва кишиларнинг ўзларини бирлаштириш қобилияти.

**Уюшмани ташкил этиш.** СИУ мавжуд хўжаликни бошқариш тизимида ташки таъсирлар остида, биринчи навбатда ўзини давлат сув хўжалиги ташкилотлари кўринишида ифода этган давлат таъсирида вужудга келади. Улар ердан фойдаланувчилар ўртасида СИУнинг мақсад ва вазифалари, унинг мавжуд сувдан фойдаланувчи ташкилотларидан афзал жиҳатларини тушунтириб тарғибот ишларини олиб борадилар. Бироқ, СИУ ташкилоти, умуман олганда, тўғридан-тўғри СИУга катта ишонч билан қарайдиган ва унинг ишлари ташқаридан келтирилгани учун эмас, балки ўзлари тузгани учун ҳам шахсий маъмурият билан сувдан фойдаланувчилар томонидан тузилади. СИУ мавжуд сув хўжалиги тизимлари асосида тузилганда анча самарали бўлади, чунки бу ерда сувдан фойдаланувчилар талабларини мувофиқлаштиришдаги қоидалар ва муносабатлар бўйича малака ва ишлаб чиқариш йўллари сақланиб қолади.

**Уюшма аъзолари.** Агар СИУ аъзолари мумкин қадар манфаатларга эга бўлсалар шу қадар барқарор бўлади. У мумий манфаатлар сув ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлгани учун ҳам, СИУ кўп ҳолларда сув ресурсларининг ягона манбасига эга бўлган суғориш тармоқлари чегарасида шаклланади.

Суғориш тармоқлари чегарасида СИУ сувдан фойдаланувчилари доирасини кенгайтириш зарур. СИУда сувдан фойдаланувчилар гуруҳининг иштирок этмаслиги уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенгсизлигини келтириб чиқарди, шунингдек СИУга келиб тушадиган потенциал тушумларни қисқартиради. Бу эса СИУ аъзолари ва унга аъзо бўлмаганлар ўртасида тенгликни келтириб чиқарди, ҳатто СИУ аъзолари сони кўпчиликни ташкил

этган холларда ҳам улардаги асосий ўринни маҳаллий элита эгаллаб олиб, улар маълум шахслар манфаати йўлидаги сиёсатни олиб борадилар. Шу нуктаи назардан СИУ аъзолигига иложи бўлса бошқаларни, саноат, шахар ва ирригацияга тегишли бўлмаган сувдан фойдаланувчиларни жалб этиш керак.

**Уюшманинг катталиги.** СИУнинг худудий катталиги масаласи оддий иш эмас. Амалда улар 2 га дан 200,0 минг га. гача бўлган майдондан ва бир нечтадан бир неча мингтагача сувдан фойдаланувчилардан ташкил топади. Мадомики, майдон сув келтириш масофасига, аъзолар эса сувдан фойдаланувчилар талабларини мувофиқлаштириш мураккаблигига таъсир этар экан, СИУнинг майдон масаласидаги асосий мураккаблик майдон ва аъзолар сони ўртасидаги тақсимотда вужудга келади. Тажриба шуни кўрсатадики, анча йирик СИУ сувдан фойдаланувчилари талабларини мувофиқлаштиришда вақтни кўлдан бой беришлари мумкин, бироқ СИУнинг иқтисодий самарадорлиги томонидан фойда кўрадилар, яъни камроқ харажатлар сарфлайди. Майда СИУ сувдан фойдаланувчилар талабларини анча юқори даражада мувофиқлаштиришлари, сувдан фойдаланиш қоидаларини жуда кам ҳолларда бузишга йўл қўйишлари бироқ жуда катта солиштирма харажатлар сарфланиши билан ажралиб туради. Йирик СИУ аъзолари йирик ер эгалари бўлган ҳолатда, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш куп харажатларни талаб қилмаганда анча самарали ҳисобланади. Майдон жиҳатдан йирик ҳисобланган СИУ ва кўплаб майда ер эгалари учун сарф харажатлар сув хўжалиги тармоғининг транспорт, алоқа, автоматлаштириш, эксплуатация ходимларининг малакаси юқори бўлиши каби инфратузилмаси тараққий қилган бир пайтда анча қисқдриши мумкин.

**Уюшмалар Федерацияси.** СИУ иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлларида бири ташкилотларнинг федератив тизимидир. Бу сув хўжалиги тармоғини бошқаришдаги ҳар қандай даражадаги СИУ ўртасидаги ишларни мувофиқлаштиришини амалга оширишга имкон беради. Умумий сув ресурслари манбаи билан боғлиқ бўлган маҳаллий даражадаги СИУ анча юқори даражадаги сув тақсимотини амалга оширадиган СИУда ўз вакилларига эга бўлишлари мумкин. Юқори даражадаги СИУ эса янада юқори даражадаги бирликка тўпланиши мумкин ва хоказо, охир-оқибатда эса бутун тармоқда пирамидасимон тузилма ҳосил бўлади. Бундан ташқари тармоқ СИУга фаолият спектрини кенгайтиришга имкон беради, сувдан фойдаланувчилар ва давлат тузилмаси ўртасидаги муносабатларни енгилаштиради. Сувдан фойдаланувчиларнинг фикрига, мухтор СИУ бошқа ташкилотлар билан, бошқа манфаатдор гуруҳлар билан бўлган муносабатлар жараёнида катта салмоққа эга бўлган СИУ федерацияси каби самарадор бўлолмайди. Федерацияга мансуб тузилманинг муҳим ютуғи сув ресурсларини тақсим қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида сувдан фойдаланувчилар нуфузини оширишдир.

**Уюшма объектлардан фойдаланиш шакллари.** СИУ объектларидан

фойдаланишнинг уч хил тури мавжуд. Биринчиси - эксплуатация ишларини сувдан фойдаланувчиларнинг ўзи бевосита меҳнат қилиш билан бажарадилар. Иккинчисида эксплуатация ишлари фақат ёлланма ходим воситасида бажарилади. Ва ниҳоят учинчиси сувдан фойдаланувчилар ва ёлланма ходимнинг биргаликдаги меҳнатидан иборат.

Биринчи усул кичик СИУлари, яъни маҳаллий сув манбаларидан фойдаланмайдиганлар учун тегишли. Иккинчиси, жуда кенг тарқалган шакл бўлиб, йирик СИУ ёки уларнинг федерацяларида қўлланилади. Учинчи усул эса хўжалик ичидаги тармоқ сувдан фойдаланувчилар томонидан, хўжаликлараро тармоқ ёллаган ходим томонидан таъминланган холларда амал қилади.

СИУ хизматчилари ролини ташкилий ва техник жиҳатларга ажратиш мумкин. Ташкилий хизмат вазифалари (президентлик лавозими, кенгаш аъзолари, хизматчи вазифалари) СИУ ўз ишлари билан боғланган бўлса, техник ва вазифалар сув хўжалиги тармоғи техник эксплуатацияси билан шуғулланади. Аввалгилари, одатда, СИУ аъзолари ичидан сайлаб олинади ва ҳар доим ҳам ўз вазифаларини бажарганликлари учун ҳақ олишмайди. Техник лавозимларни, одатда, сувдан фойдаланувчи ёки СИУ аъзоси бўлмаган ёлланма ходимлар эгаллайди. Шунга мувофиқ, СИУ йирик ва мураккаб тузмиларни бошқаришни бошлагани сари, янги-янги хизмат вазифалари: мутахассис бошқарувчилар, иктисодчилар, аудиторлар, ҳуқуқшунослар ва ундан кейин социологлар, компьютер операторлари, тупроқшунослар ва бошқалар пайдо бўлади. СИУ ва давлат тузилмалари ўртасидаги фарқ СИУ сайлов жараёнида ҳамда раҳбар ва техник ходимларнинг ҳисобот беришида кўрилади. Давлат тизимида раҳбар ва техник ходимлар юқори структуралар томонидан тайинланади ва уларнинг олдида ҳисобот беради. Раҳбар ва техник ходимларнинг СИУ аъзолари олдида ҳисобот бериш механизми вазифаларнинг борган сари ихтисослашиб боришида катта аҳамият касб этади.

**Ташқи шарт-шароитлар.** СИУ барқарор ишлаши фақатгина СИУ ички тузилишини мукамал ташкил этиш билангина эмас, балки ташқи шароитнинг таъсири ташқи ёрдам ва ташқи омилларни жалб этиш кабилар билан ҳам боғлиқдир. СИУни ташкил этиш ва бошқариш ишларига қисқа муддатли ёрдам кўрсатиб, унинг самарасини жуда тез вақт ичида намоён бўлишини кутадилар, шундан кейин эса улардан пайдо бўлаётган муаммоларни ташқи ёрдам ва ташқи омилларсиз уддалай билишларини кутадилар. Агар СИУ дастлабки пайтларда муваффақиятларга эриша олмаса, улар мана шу асосида сув хўжалиги комплексини бошқаришнинг истикболсиз ташкилотлари қаторига қўшиб қўйилади. Шунинг учун ҳам СИУнинг барқарор ва самарали ишлаши учун қандай таъсир ва ёрдамлар чоралари кўрилиши керак деган масалани жуда муҳим деб ҳисоблаш керак.

**Сувдан фойдаланувчилар учун рағбатлантирувчи омиллар.** СИУнинг дастлабки ютуқлари ва барқарор ишлаши сувдан фойдаланувчилар учун сезиларли бўлган рағбатлантирувчи омиллар билан боғлиқ бўлиб, бу нарсалар сувдан фойдаланувчиларнинг СИУда фаол иштирок этишлари учун

муҳим омил ҳисобланади. Сувдан фойдаланувчилар сув хўжалиги тармоғини таъминлаш ва ривожлантиришда жиддий харажатлар сарф этар эканлар, улар мана шу харажатларнинг бошланғич ёки кейинги босқичларда крпланишидан тўғридан-тўғри манфаатдордирлар. СИУни ташкил этиш ва ривожлантиришда сувдан фойдаланувчиларни рағбатлантиришга кўмак берадиган асосий тадбирлар қуйидагилардан иборат.

Сув хўжалиги тармоғини техник такомиллаштириш сувнинг исроф бўлишини пасайтиришни таъминлайди, эксплуатация учун харажатларни иқтисод қилади.

Анча самарали ва ишончли усулда сув келтириш. Сувдан фойдаланувчилар жуда арзон сув ва энергияни ҳар доим ҳам афзал деб билмайдилар. Улар ишончли ва қулай бўлган хизмат учун анча кўп маблағ тўлашга ҳам тайёр.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва даромадларнинг ошиб бориши. Сув хўжалиги хизматини яхшилаш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг потенциал ўсиши сувдан фойдаланувчилар учун муҳим рағбатлантириш омили ҳисобланади. СИУ сувдан фойдаланувчилар ҳуқуқининг кенгайтирилиши сувдан фойдаланувчиларга ташқи ва ички масалаларни ўзлари ҳал этиш имконини беради. Ўз зиммасига анча кенг вазифаларни олган сувдан фойдаланувчилар хизмат учун ҳақ тўлашни аниқлаш, сув узатиш жадвалини тузиш, сув олиш учун ҳуқуқ бериш ёки уни олиб қўйиш ва бошқа масалаларни ҳил этишда катта таъсир кўрсатадилар. Шунингдек, сувдан фойдаланувчилар ўртасидаги СИУ ва ташқи ташкилотлар ўртасида сув тақсимлаш билан боғлиқ келишмовчиликларни ҳал этадилар. Сувдан фойдаланувчилар ўзларига тегишли қарорларни қабул қилишда иштирок этган вақтларда кўпинча баҳслар тезкор ва дўстона ҳал этилиши мумкин. Харажатларни қисқартириш ва келишмовчиликларни ҳал этиш шарт бўлган ижтимоий танглик даражасини пасайтириш сувдан фойдаланувчилар учун энг яхши рағбатлантириш ҳисобланади.

**СИУнинг молиявий бойлиги.** Сув хўжалиги тармоқларини таъминлаш учун катта маблағнинг кераклиги ва давлатнинг ушбу маблағни қоплай олмаслиги уларни СИУ бошқармасига бериб юборилиши учун асосий сабаб бўлади. Бироқ ушбу харажатларни тўлиқ қоплашда СИУнинг молиявий имкониятлари тўлиқ ҳисобга олинмайди. Давлатнинг катта субсидияларини талаб қиладиган тизимлар СИУ маблағи ҳисобидан таъминлана олишларига умид килолмайдилар. Бундай ҳолларда СИУ таъмирлаш эксплуатация ишлари ҳажмини қисқартиришга мажбур бўлади ёки бу ҳол банкротликка олиб келиши мумкин. Агар сувдан фойдаланувчиларнинг таъминлаш учун сарфлайдиган харажатлари суғорилади-ган ерлардан олинадиган ялпи ёки соф даромадининг катта қисмини ташкил этса, у ҳолда СИУнинг барқарор ва муваффақиятли ишлаши эҳтимолдан узоқ. Бу айниқса, эксплуатация учун катта чикимлар сарфлаш билан машинада суғориш системасига тегишлидир.

**Асосий сиёсат.** Маҳаллий даража доираси ва ирригация секторидан ташқаридаги давлат сиёсати СИУ фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.

Жамоатчилик фаолияти учун очилган маъмурий децентрализация, режимлар СИУ фаолияти учун қулайдир. Шунинг билан бирга тоталитар режим ҳар доим ҳам СИУ тузиш учун тўсик бўлолмайди. Молиявий децентрализациялаштириш сиёсати СИУнинг тараққиёти учун қулай шароитлар яратиб беради. Сув учун баҳо белгилаш сиёсати ҳам СИУ ташкил этишга жиддий таъсир кўрсатади. Сув хўжалиги суғориладиган майдонга боғлиқ ҳолда ҳақ тўлашнинг асосий нормаси нарх белгилашнинг, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда жуда кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Гарчи, суғоришнинг самарадорлиги нуқтаи назаридан, сув миқдорига ёки унинг муқобил нархи учун ҳақ тўлаш нарх белгилашнинг анча мукаммалашган механизмини қўллаш жуда қийин, катта миқдордаги сувдан фойдаланувчиларга эга йирик сув хўжалиги системалари шароитида деярли қўллаш мумкин бўлмайди. Бундай шароитларда СИУ йирик давлат системасидан сувни сотиб олувчи "улгуржи харидор" сифатида майдонга чиқади, шундан кейин сувдан фойдаланувчилардан сув учун пул йиғиб олади. Экин майдонлари таркибини сувдан фойдаланувчиларнинг ўзлари томонидан белгиланишига ва уни оптимал нархларда сотишга имкон берадиган қишлоқ хўжалиги сиёсати СИУ тараққий этишига ёрдам беради. Сувдан фойдаланувчиларга топширилган қишлоқ хўжалиги ўсимликларини экишга ва уларни белгилаб берилган нархларда сотишга мажбур этадиган давлат сиёсати сувдан фойдаланувчиларда ўз маблағларини сув хўжалиги системасини бошқариш учун сарф этиш учун бершига ундамайди. СИУни ташкил этишда агросервис инфратузилмасини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотувчи бозорларни ривожлантириш ижобий таъсир кўрсатади.

**Ҳуқуқий база.** СИУнинг барқарор ишлаши қонун билан белгиланган ҳуқуқий мавқеи ҳамда ҳуқуқ ва бурчлари билан боғлиқ бўлиб уларнинг бозор муносабатлари шароитларида давлат корхоналари билан ҳамкорлик қила олишларига имкон яратади. Қўйидаги асосий шартлар қонун чиқариш йўли билан мустахкамланган бўлиши лозим.

СИУнинг сувни тақсимлаш ва давлат сув хўжалиги тармоғидаги келишмовчиликларни ҳал қилишда иштирок этиш ҳуқуқи.

Ўз аъзолари ресурсларини сафарбар қилиш ҳуқуқи (ва потенциал бошқа манбалардан ҳам). Хизматга ҳақ тўлаш ҳажминини аниқлаш ҳуқуқидан ташқари ҳақ тўламаётганларга сув бершини тўхтатиш ёхуд жиддий жазо чораларини кўриш ҳуқуқи.

Банкда ҳисоб рақами очиш ва иш юритиш ҳамда ҳуқуқий шахс сифатида кредитлар олиш.

Ирригация иншоотларига эгалик қилиш ва (ёки) сувдан фойдаланиш ҳуқуқи. СИУни мустахкамлашдан ташқари ирригация иншоотларига эгалик қилиш сувдан фойдаланувчилар манфаатдорлигини оширади ва уларни самарали ишлатишга бўлган рағбатини оширади. Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи энг кам тарқалган ҳодиса ҳисобланади, бироқ СИУга сув ресурсларини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради ва агар сувни иқтисод қилиш: суғориш майдонларини кўпайтириш, намликни

яхши кўрадиган, иқтисодий жихатдан фонда келтирадиган ўсимликларни етиштириш, ортиқча сувни сотиш каби шаклларда фонда келтирса, сувни иқтисод қилиш учун рағбатлантирувчи омил ҳисобланади.

Раҳбарият фаолиятини назорат қилиш учун шароит яратиш. Молиявий ва ишлаб чиқариш раҳбарлари фаолиятини назорат қилиш механизмининг мавжуд эмаслиги СИУ аъзоларининг айрим гуруҳлари ўртасида ишончсизликнинг пайдо бўлишига жиддий сабаб бўлади.

Сув хўжалиги системасида таъмирлаш эксплуатация ишларини бажаришда пудратчиларни эркин танлаш ҳуқуқи.

### **Хулоса ва таклифлар**

СИУнинг кўп мамлакатларда амалда фаолият кўрсатиш тажрибаси шуни кўрсатадики у сув хўжалиги тармоғидаги иш кўрсаткичларини давлат структураларига ва уюшмаган сувдан фойдаланувчиларга нисбатан яхшилаш учун кўпроқ ёрдам беради. Жумладан, сув тақсимлашни ишончли, тезкор ва объектив амалга ошириш, эксплуатация ва тубдан таъмирлаш учун харажатларни камайтириш, суғориладиган ерлар маҳсулдорлигини оширишга имкон беради. Буни сувдан фойдаланувчиларда сув хўжалиги истеъмолларини бошқаришга ҳақиқатдан таъсир эта олиш имкониятлари борлиги ва сувга бўлган ҳақиқий эҳтиёж ҳақидаги анча сифатли ахборотларга эга эканлиги билан тушунтириш мумкин. Ундан кейин, сув хўжалиги тармоғини таъминлаш ва ривожлантириш бўйича муайян чиқимлар сарфлаётган сувдан фойдаланувчилар кўшимча харажатларни иш хақи фондини, моддий-техник ресурслар учун харажатларни оқиллик билан пасайтириш ҳисобига камайтиришдан манфаатдордирлар. Шу билан бирга сувдан фойдаланувчилар сув хўжалиги тармоқларининг молиявий бадавлатлигидан кам манфаатдор эмаслар, чунки уларнинг молиявий аҳволи ҳам шунга боғлиқ.

СИУни ташкил этиш учун сув ресурсларини бошқаришнинг мавжуд ташкилий тузилишидан ёки иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги мавжуд намуналардан бор имкониятларни ишга солиб фойдаланиш мумкин.

СИУнинг аъзолари ижтимоий аҳволи, мулкӣ аҳволи ва келиб чиқиши жихатидан бирбирига нисбатан ўхшаш бўлса, бундай СИУ анча барқарор бўлади.

СИУнинг ягона оптимал майдони мавжуд эмас. СИУнинг ўсиб бориши билан харажатларнинг умумий миқдори ошиб боради ва унинг аъзолари вазифаларининг бажарилишини назорат қилиш қийинлашади. Шунинг билан бирга катта СИУлар учун солиштирма чиқимлар камаяди ва сув хўжалиги тизимини бошқариш бўйича анча катта кўламдаги ва мураккаб вазифаларни бажариш имкони пайдо бўлади. СИУ федерациясининг ташкил топиши уларга майда СИУ афзаллигини сақлаб калган ҳолда катта масштабда фаолият кўрсатиш имконини яратади.

СИУ доирасида тузилма ва вазифалар унинг тижоратлашганлиги ва бозор муносабатларининг тараққиёт даражаси билан боғлиқ, Уларнинг ривожланиши туфайли Уюшма аъзолари меҳнатини алмаштириш тўғридан-тўғри ихтисослашган ёлланма ходим меҳнатидан фойдаланиш имконияти



туғилади.

СИУни ташкил этишнинг иккита модели жуда кенг таркалган.

Биринчи модел СИУ ишларида барча аъзоларининг тўғридан-тўғри иштирок этишлари билан ишлайди ва одатдагидек у кичик кўламда бўлади. Бундай ташкилотлар ижтимоий жихатдан ўхшаш ва ижтимоий жихатдан бир-бирига яқин ҳамда ер участкаларига, ривожланмаган бозор муносабатларига ва суғоришнинг содда технологиясига эга бўлган жамоалар учун ўринлидир.

Иккинчи модел анча катта кўламдаги СИУлар эга бўлиши мумкин бўлган анча ихтисослашган ташкилотни намойиш этади. Улар умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан эмас, балки асосан сув хўжалиги фаолияти билан шуғулланадилар. Бундай СИУлари анча йирик ер эгалиги, сезиларли даражада ривожланган бозор ва мукамал технологиялар асосида яратилади.

Сувдан фойдаланувчиларнинг СИУдан манфаатдорлигининг кафили уларнинг уюшмаларда иштирок этишлари учун чиқимлардан келадиган фойдани ошириш ёки тенглаштириш ҳисобланади.

Давлат ҳам, агар СИУлар унинг сув хўжалигини таъминлаш ва ривожлантириш учун берадиган субсидияларининг пасайишига ёрдам берадиган бўлса, СИУ тузиш ва уларни кўллаб қуватлашдан манфаатдордир.

СИУга бирлашган сувдан фойдаланувчилар анча юқори даражада бўлган мураккаб сув хўжалиги тармоғини бошқаришга қодирдир. Бироқ, бунинг учун сувдан фойдаланиш қоидалари давлат томонидан доимий кўллаб-қувватланиши ва СИУнинг узок муддат барқарор туриш учун тегишли ҳуқуқий таъминот талаб этилади. Бу ташки ташкилотлар билан ўзининг ўзаро муносабатларини самарали аниқлашга имкон берувчи фавқулодда муҳим шарт ҳисобланади. Ҳуқуқий асос СИУ аъзоларининг маҳаллий шароитга мослашишлари, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тенглаштириши лозим бўлгани учун ҳам етарли даражада мослашувчан бўлиши керак.

СИУ ўз зиммасига қўшимча вазифалар олганига қараб давлатнинг мавқеи ўзгариши мумкин бўлсада, давлат СИУнинг узок вақт барқарор ишлашини таъминлаш учун ўз мавқеини сақламоғи лозим. Давлатнинг доимий вазифаларига: сувдан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ва унга тузатишлар киритиш, сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш, СИУ фаолияти учун зарур ҳуқуқий базани таъминлаш, малакали ходимлар тайёрлаш, шунингдек қайта таъмирлаш ва янги сув хўжалиги иншоатлари қуриш дастурларини маблағ билан таъминлаш кирди.

#### **4. СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАСИНИНГ ТУРЛИ ВАРИАНТЛАР БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИГА ОИД ТАВСИЯЛАР**

##### **4.1. СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАСИ (СИУ) СУҒОРМА ЕРЛАРИНИНГ ХУДУДИЙ МИҚДОРИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ БАҲОЛАШ**

Сувдан фойдаланувчилар Уюшмаси (СИУ)нинг худуди, солиштирма харажатларини камайтириб, унинг худуди ортиши билан боғлиқ сарф харажатларнинг кўпайиши ўртасида аниқ тўхтамга келишдан иборатдир. Модомики, сув хўжалиги тизимидан фойдаланиш солиштирма харажатлари барқарор бўлар экан, СИУнинг хэр бир аъзосига кегадиган солиштирма харажатлар уларнинг кўпайиши билан камаяди. Аммо СИУ аъзолари сони кўпайиши билан бирга сувдан фойдаланиш талабларини мувофиқлаштиришга сарфланадиган харажатлар миқдори кўпаяди: сувни тақсимлаш ва ҳисоботни ташкил этиш, ижронинг назорати, табиий хўжалик омилларидаги ўзгариш пайтида сувни тақсимлашга тузатиш киритиш. Бундан ташқари сувдан фойдаланиш интизомларига риоя қилмаганларни аниқлаш бўйича ишлар қийинлашади, СИУ аъзолари кўпайиши билан бирга жарималарни солиш ва бадалларни ундириш ўсиб боради ҳамда уларни кузатиб бориш учун харажатлар ўсади.

Қоида бузувчиларни аниқлаш ва уларга нисбатан муқаррар жазо бериш СИУ барқарор ишлашининг асосий омили ҳисобланади, акс ҳодда СИУ обрўсига путур етказилади. Унинг ишлаш қобилиятига ишончсизлик туғилади ва аъзолари ўртасида низо чиқади.

СИУ энг мақбул майдони масаласини хал қилиш осон эмас. Асосий қийинчилик СИУ аъзоларининг сони ва суғориш майдони ўртасидаги ўзаро нисбатни ўйғунлаштириб улар фаолиятини таъминлайдиган майдондаги сув хўжалик объектларининг сони ва узунлигини аниқдашдир. Аъзоларнинг сони эса сувдан фойдаланиш талабларини мувофиқлаштириш мураккаблигига таъсир кўрсатади. Шу нарса равшанки, йирик СИУларни бошқариш кичикларига °араганда мушкулроқ. Баъзилар СИУни ўртача майдони 40 га яқин бўлиши керак деб ҳисоблайдилар (Осиё), бошқалар эса амалий маълумотларга асосланган ҳолда, анча йирик бўлган СИУлар (5000 дан 10000 га.гача) яхши ишлайди (Жанубий Америка) дейдилар. Бу тафовут СИУ самарадорлигини баҳолашда турли мезонлар билан изоҳланади — Осиёда бу мезон сувдан фойдаланиш талабларини мувофиқлаштириш даражасига, Жанубий Америкада эса, СИУ аъзоларининг солиштирма харажатларига қараб аниқланади.

Шундай қилиб, СИУнинг "мақбул майдони" мавжуд эмас. Йирик фермерлик хўжаликларининг майдони бир неча минг гектаргача бўлиши мумкин, лекин аъзолари сони унчалик катта бўлмай, талабларни мувофиқлаштириш катта чикимларга олиб келмайди. Бу СИУнинг "Америкача модели"дир. Кичик фермер хўжаликлари шароитида куп сонли

аъзоларни унча катта бўлмаган СИУга бирикгириш маъқулроқ, бу СИУнинг "Осиёча" моделидир.

Бундан ташқари, СИУ майдонига сувдан фойдаланишни ташкил этиш бўйича иш ҳджди ва таркиби, шунингдек сув хўжалиги тизими ва турли мамлакатлардаги солиқ ва кредит сиёсати таъсир кўрсатади.

Ягона СИУнинг энг мақбул майдонининг йўқлиги шунга оlib келадикки, бир хил хўжалик шароитларида ташкил этилишининг дастлаб-ки босқичида улар турли майдонга эга бўлади. Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида фермер хўжалиklarининг майдони 5,0 дан бир неча ўн гектаргача, СИУ майдони эса 3,0 мингдан 14,0 минг гектаргача ўзгариб туради. Қирғизистон Республикасида фермер хўжалиги майдони 5-30 га бўлиб СИУ майдони 1,0 дан, 1,8 минг гектаргача ўзгариб туради.

#### **4.2. СИУ НИНГ ТУРЛИ ВАРИАНТЛАР БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИ ТЎҒРИСИДА ТАВСИЯЛАР**

Ердан фойдаланувчилар ва улар фаолияти шароитларининг кўп қирралилиги сабабли СИУ фаолиятининг ягона шаклда бўлишини тавсия этиб бўлмайди. СИУни ташкил этишининг қуйидаги вариантлари тавсия этилиши мумкин:

- а) Фаолияти тугатилаётган ширкат ва жамоа хўжалиklари базасида;
- б) Ширкат хўжалиklари таркибидаги фермер хўжалиklари базасида;
- в) Мустақил фермер хўжалиklари базасида;
- г) СИУ федерацияларини тузиш.

СИУ фаолияти тугатилаётган жамоа ва ширкат хўжалиklари базасида тузилиши қуйидаги шарт-шароитларда энг мақбул вариантлардан ҳисобланади:

- сув хўжалик объектларига (хоналар, техника, асбоб-ускуналар, транспорт, алоқа воситалари ва хоказо) техник хизмат кўрсатиш инфратузилмаси сакланади, бу эса сув хўжалиklари объектларидан фойдаланишда сарфланадиган харажатларни кескин қисқартиради;

- давлат сув хўжалик ташкилотларида ишлаган ва иш тажрибасига эга бўлган ходимларни сув хўжалик объектларига хизмат кўрсатиш учун сақлаб қолинади;

- СИУ аъзоларининг аксарияти дўстона ва қариндошчилик муносабатларига эгалар, бу эса СИУ да соғлом психологик муҳит бўлишига олиб келади, шунингдек улар ижтимоий ўз-ўзини бошқаришда иштирок этиш тажрибасига эгалар.

Ҳозирги пайтда фермер хўжалиklarининг сони кам ва бир ширкат хўжалиklари худудлари бўйича алоҳида гуруҳларга бўлинган. Бу шароитларда СИУ ни ташкил этишда иккита схема маъқул, биринчи схема СИУ ширкат хўжалиklари худудида жойлашган фермер хўжалиklари ҳисобидан тузилади.

Фермерларнинг сони чегараланганда (йигирма киши атрофида) юридик шахе ҳукуқисиз тузилиши мумкин, фермерларнинг сони катта бўлса - юридик шахе ҳукуқи билан тузилади. Биринчи ҳолда у иккиламчи сувдан

фойдаланувчи бўлганлиги учун сув хўжалик ташкилотига СИУнинг сувга бўлган эҳтиёжи талабномасидан келиб чиқиб хўжалик билан шартнома тузади.

Иккинчи ҳолатда СИУ шундай шартномани ширкат хўжалиги билан ҳамда бевосита сув етказиб берувчи туман сув хўжалиги бошқармаси билан тузади.

Охирги вариантда қуйидаги мажбурий шартлар зарур.

- сувдан фойдаланишга махсус рухсатнома олиш (лицензия);

- СИУ суғориладиган ерларига ягона сув тармоқлари (ички хўжалик шохобчаси, хўжалиқаро канал и ва хрказо) томонидан хизмат кўрсатилиши.

Иккинчи схема фермер хўжалиқлар ва ширкат хўжалиқлари базасида тузилган СИУ, бу "а" вариантыда қайд этилган бир неча шароитларда энг қулай вариант ҳисобланади. Бундай схема, агарда барча фермер хўжалиқлари ширкат хўжалиги чегарасида суғориладиган ерларнинг анча майдонини эгалласа (25 фоиз ва ундан кўпроқ) мақсадга мувофиқдир. Бу схема бўйича СИУни ташкил этиш уни барқарор фаолият юритишининг асосий шarti бўлиб, фермер ҳуқуқларини камситмайдаган СИУни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилишдир.

СИУни «в» варианты бўйича тузишда ягона сув тизимига бириктирилган (хўжалиқлараро канал, хўжалиқдаги тақсимловчи канал ва уларнинг гуруҳлари) фермер хўжалиқларини жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Одатда, сув тармоқдари бошқа сувдан фойдаланувчиларга ҳам (саноат, коммунал, алоҳида ширкат хўжалиқларнинг участкаларига) хизмат кўрсатади, шунинг учун уларга СИУ нинг тўлиқ ҳуқуқли иштироки керак бўлади. Ягона суғориш тизими атрофи чегарасида имкон борича кенг микёсда сувдан фойдаланувчиларни жалб қилиш зарур.

СИУда алоҳида сувдан фойдаланувчи гуруҳларнинг иштирок этмаслиги, СИУнинг бошқариш органларидаги ваколат ва мажбуриятларида, ҳуқуқларида тенгсизликка олиб келади, бу эса бошқа сувдан фойдаланувчилар ва СИУ аъзолари ўртасида ортиқча кескин муносабатларни келтириб чиқаради.

Алоҳида СИУга хизмат кўрсатаётган майдон, биринчи навбатда сув хўжалиги тизимининг ҳолати, техникавий даражаси, махсус қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ҳисобга олган холла, шунингдек, алоҳида фермер хўжалиқларининг майдонидан келиб чиққан холда аниқланиши керак. Жумладан, фермер хўжалиги узумчилик, боғдорчилик, сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса, бундай фермерлар учун Республика Ҳукуматининг қарори билан ажратиладиган майдон ўртача 0,45 гектарни ташкил этади. Демак, бу ерда СИУ аъзоларининг сони 100 ва ундан ортиқ бўлган, СИУкинг ўртача майдони чек-танган, 45-50 гектардан иборат ҳудудга "Осиё" модели тўғри келади.

СИУнинг ва унинг аъзоларининг сонини чекланган миқдори ушбу хўжалиқлараро канали хизмат кўрсатадиган суғориладиган ерлар майдони билан белгиланади.

Ғалла ва пахтачилик билан шуғулланадиган фермер хўжалиқлари учун

юқорида кайд этилган қарорда белгиланган ўртача участка майдони 10 гектарни ташкил этади. Агарда 100 киши ва ундан ортиқ аъзолар сонидан келиб чиқадиган бўлсак, СИУнинг ўртача майдони 1000 (минг) га ва ундан ортиқни ташкил этади, бу тегишли суғориш манбаи хизмат кўрсатадиган алоҳида фермер хўжаликларининг майдонига боғлиқ.

СИУнинг федератив бирлашмасини ташкил қилишни сув хўжалиги мажмуасини қайта қуриш тузилмасининг иккинчи босқичида амалга ошириш керак. Фермерларга аввалги сувдан фойдаланувчилар ташкилоти билан киёслаб СИУнинг амалий устунлигини баҳолаш учун вақт бериш керак ва СИУ федерациясини ташкил қилиш моҳиятларини тўлиқ англаган ҳолда қарор қабул қилишлари лозим. Федерациянинг асосий устунлиги шундаки, у СИУ автономиясига қараганда кам харажатлар билан катта сув хўжалиги иш фаолиятини амалга ошириши мумкин.

СИУ Федерацияси алоҳида СИУ талабларини энг юқори сув тизими бошқарув органлари олдига қўйиб, етарлича қондириш имкониятига эга бўлади. У шунингдек фермерлар ва давлат сув хўжаликлари ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатни мувофиқлаштиради, чунки у кўп сонли сувдан фойдаланувчилар номидан иш юритиб, СИУ ёки унинг алоҳида аъзоларига қараганда катта обрўга эга.

СИУ Федерациясини сув хўжалиги тизими бошқаруви тузилган тамойилларга мувофиқтузиш керак. Агар охиргиси ирригация-хавза белгилари бўйича бошқарилса, унда СИУ Федерацияси шундай тамойиллар асосида тузилиши керак. Модомики, Республикада сув хўжалиги тизимининг бошқаруви ҳудудий-маъмурий белги бўйича тузилган экан, унда СИУ Федерациясини тузишда ҳам шу тамойилга амал қилинади, яъни туман, вилоят ва ҳокazo федерациялари ташкил этилади.

#### **4.3. СУҒОРИШ ЁКИ ЗОВУР ТАРМОҒИНИ ИШЧИ ХОЛАТДА САҚЛАШНИНГ МАҚСАДИ.**

Суғориш ёки зовур тармоғини ишчи ҳолатда сақлаш, сувни олиб келиш, етказиб бериш ёхуд ортиқча сувни суғориш майдонидан ташқарига чиқариб ташлашдан иборат. Шу маънода қуйидагилар мақсад қилиб олинади, оқилona хизмат курсатиш орқали тармоқда ҳар доим юқори ишлаш шароитини таъминлаш, талабга жавоб берадиган хизмат кўрсатиш ва янгилаш орқали тармоқ воситаларидан фойдаланиш муддатини юқори ва сифатли бўлишиги эришиш, юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларни иложи борича кам маблағ сарфлаб амалга ошириш, ҳамда сув етказиб беришни, айниқса ҳосилга зарар етиши мумкин бўлган шароитда сувни тўсиб қуйишни олдини олиш. Тармоқдаги барча воситалар бўйича маскур хизмат кўрсатишга амал қилиш ҳар қандай суғориш ёки зовур тармоқларидан фойдаланиладиган муваффақиятининг гаровидир.

**Суғориш ёки зовур тармоғини ишчи ҳолатда сақлаш дастури ҳақида умумий маълумот.**

Маълумки, ҳар қандай қурилма ва восита ишлатилгани сайин емирилиб

боради. Бироқ бу ҳолат кучайиб кетмаслиги учун хавфли ёки қонқарсиз ҳолатларни аниқлаш ва ўз вақтида тузатиш учун доимий огоҳликда бўлиш жуда муҳимдир. Қурилма тагидан чакки ўтиши, бетонларнинг емирилиши, умумий чириш ёки кутармани ювилиб кетишдан асраш ишларини пайсалга солиб зудлик билан амалга оширмаслик натижасида сезиларли зарар қилиниши мумкин. Кўплаб муаммоларга илк огоҳлантиришдаёқ эътибор қаратилса, улар жиддий тус олмайди, мабодо, муаммо тезлик билан хал қилинмаса, у халокатли оқибатларга олиб келиши ва катта зиён етказиши мумкин.

СИУ назорати ва жавобгарлиги остида суғориш ва зовур тармоғини кўздан кечириш ва химоя қилиш мунтазам равишда олиб борилиши керак. Назорат оралиқ масофа жихоз ёки восита, фойдаланиш кўлами ва фаслга боғлиқ. Табиий офатлар (сув тошқини, сел, зилзила ва довул) дан сўнг ёки ёрилган жойларни тузатилгандан кейин режадан ташқари назорат олиб борилади. Назорат ҳақидаги маълумотлар техник ҳолат тўғрисидаги махсус дафтарга ёзиб борилади ва тармоқдаги хизмат кўрсатиш буюджети ва уни амалга ошириш режасини таёйрлаш учун фойдаланилади.

Нормал кўрик кўпинча қуйидаги бандларни ўз ичига олади. Бу ва бошқа техник хизмат кўрсатиш фаолияти ушбу қўлланмада батавсил баён этилаган:

- Коллектор, зовур тармоқлари, каналлар ва кўтармалар ҳолати;
- Очик зовур ва каналлардаги лойқа ва сув ўтлари ҳажми;
- Лоток ва ариқлардан сув оқиши;
- Бетон, темир-бетон ва метал қурилмалар ҳамда уларнинг таркиби;
- Сув тўсиқлари, кўтаргич, механик ва электрик асбоблари;
- Коллектор- зовур тармоқлари (кузатув қудуқлари, коллектор-зовур тармоқларидаги сув чиқиш йули ва х.к.з);
- Сув ўлчагич ва механизмлар ҳолати;
- Суғориш ва зовур тармоқлари ёнидаги йўллари ҳолати;
- Тармоқдаги самарадорлик кўрсаткичлар;
- Тармоқлар ва асбоб-ускуналар хавфсизлиги турлари ва зиён сабаблари;

Техник зизмат кўрсатиш намуналари кўпинча қуйидагилардан иборат бўлади:

- Зовур остлари, ён бағирлари ва четларини, шунингдек, зовур бўйларидаги химоя кўтармалари, назорат йўллари, коллектор-зовур тармоқларини бегона ўтлардан тозалаш;
- Зовурларни лойқа ва чиқиндидан тозалаш;
- Зовур ён бағирларидаги чуқурчаларни таъмирлаш, қурилмаларга яқин ерни тозалаш ва зиён етган қурилмаларни таъмирлаш;
- Йўл остидаги қувурлар, кўприк устунлари ва шлюзларни лойқадан тозалаш;
- СИУ бошқарувчининг тегишли рухсатсиз қурилган хар қандай кўтарма, сув йўли иншоат ва бошқа қурилмаларни зовурлардан олиб ташлаш;
- Кўтармалар ва зовур бағирларидаги хар хил жониворларнинг уяларидан

тозалаш, емирилиш оқибатида юзага келган кичик ёриқларни ямаб-текислаш;

- Канал ва ариқлар юзасидаги кичик ёриқларни бетон билан таъмирлаш.

Техник хизмат кўрсатиш бўйича ходимлар ҳам қўйидаги суғориш ва зовур тармоғи таркибидаги мониторинг ва қонун бузилиши холларини олдини олишда жалб қилиш мумкин:

- Берухсат бирор зовурдан фойдаланиш;
- Сувдан оқилона фойдаланмаслик;
- Суғориш тармоғига шўр зовур сувини оқизиш;
- Суғориш тизимига ифлос ва яроқсиз ҳамда чиқиндиларни ташлаш;
- Зовур устига берухсат кўприқлар қуриш, кўзланмаган жойда зовурларни кесиб ўтиш;
- Қўшни ер эгалари қурган қурилмаларни бузиш, уларга тегишли зовурларни хайдаб ташлаш орқали ҳуқуқ бузарлик қилиш;
- Зовур ёки коллекторлар доирасида берухсат ҳар қандай текширув қурилмалари барпо этиш;
- Эгатлаб суғоришини ёпиқ зовури тармоғига оқизиш;
- Ёпиқ зовури тармоқи устида чуқур илдизи дарахтлар ўтказиш;
- Шўр зовур сувларидан ВМЭ ва СИУ нинг махсус рухсатини олмасдан экинни суғориш фойдаланиш (ВМЭ- бу Вилоят Мелиорация Экспедицияси бўлиб, у кишлок ва сув хўжалиги вазирлигининг бир бўлимидир. Унинг вазифаларига қўйидагилар киради: асосий коллектор-зовур тармоқларини бошқариш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини назорат қилиш (сизот сувлари сатхининг жойлашиш жадвалини тузиш, шўрланишни мониторинг ва назорат қилиш).

Сув олиб келишда каналлар, сув ўтлари ва зарарқунандаларни назорат қилиш, кирфок ва остки катламнинг емирилиши, деградация ва тартибга солиш каби масалалар ахамиятсиз кўринсада, лекин аслида булар эътибор талаб қилинадиган муаммолар сирасига киради. Одатда жиддий эмас деб қурилган муаммолар жуда кўп вақт оладиган бўлиши ва вақтида олди олинмаса қимматга тушиши мумкин. Суғориш каналларига хос муаммоларнинг кўпчилиги коллектор-зовур тармоқларга тегишлидир.

Ер текислаш каби йирик кўламли ишларни бажаришда кўпинча техникадан фойдаланиш инсон кучидан фойдаланишга кўра самаралироқ ҳисобланади. Бироқ, мувофиқ равишда арзон баҳо ва кўнгилли ишчи кучи мавжуд бўлган кўп холларда кўл иши техникаларга қараганда самаралидир. Демак, кўл кучи ёки техникадан фойдаланиш бажариладиган иш учун сарфланадиган харажат ва ишнинг табиатига қараб, воситаларнинг қай бири қулайроқ эканига боғлиқ бўлади. Таъмирлаш янгилаш ишларида керакли материалларни ишлатиш муҳимдир. Бунга фойдаланиладиган бетон агрегат ва цементнинг мувофиқ булиши, бир-бири яхши аралашуши ва қўйилиши киради. Қоплама ва майдони материалларни туғри танлаш ва ишлатиш ҳам яна бир мисолдир. Кўпгина янги СИУ нинг энг муҳим вазифасига мавжуд барча восита ва жихозларнинг, бошқа актив ва пассивларнинг тўлиқ руйхатини тузиш ва баҳолаш, муҳим техник хизмат кўрсатишни аниқлаш ва

бажаришни тартибга келтириш ҳамда ходимлар амалга ошириш мумкин бўлган ва бюджет ҳолатидан келиб чиқиб ишчи ҳолатда сақлаш ружасини тузиш керак. Ушбу мақсадда СИУ йиллик иш режасининг бир қисми йиллик ишчи ҳолатда сақлаш режаси ишлаб чиқилади.

Сувдан суғоришда турли бошқа мақсадларда ҳам фойдаланадиган ҳамда тизимни бошқарадиган ва ишчи ҳолатда сақлайдиган ташкилот ҳам мфхсус ҳолатларга мослашиши шарт. Умуман олганда, барча сувдан фойдаланувчилар тузилмадаги воситаларни ишчи ҳолатда сақлашга баравар хиссасини қўшиши лозим.

### **Техник хизмат кўрсатувчи ходимлар ва уларнинг мажбуриятлари.**

Техник хизмат кўрсатувчи ходимларнинг сони ва зарурий мансабларнинг тури аввало тизим катталиги, сув етказиб бериш ва ортиқча сувни ташлаш вақтига боғлиқ. Албатта кичик суғориш тизими оз сонли ходимлар ишлашини талаб этади. Бундай тармоқда техник ходимлар ишчи ҳолатда сақлаш вазифасини ҳам бажаради. Йирик тармоқларда эса алоҳида ишчи ҳолатда сақлаш гуруҳини тузиш мумкин. Жуда йирик тармоқлардагина бир неча ишчи ҳолатда сақлаш гуруҳлари тузилади. Ходимлар сонининг қанчалигидан қатъий назар, ишчи ҳолатда сақлаш ходимларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- Барча воситалар ташкилот ва бюджет қонун ва қоидалари доирасида мувофиқ тартибга кўра фойдаланилади;
- Профилактик ишчи ҳолатда сақлаш дастури синишларни ва кутилмаган инқирозларни камайтирган ҳолда туғри бошқарилади;
- Керакли муҳандислик маслаҳати таъминланади ва бошқа барча техник хизмат ходимларига мавжуд воситалардан ишлатиш қўлланмаси такомиллаштирилади;
- Ускуна ва материалларни сотиб олиш ўз вақтида амалга оширилади.

Тармоқларнинг катталиги ва тегишли талабларга кўра, мансаб ва мавқеларнинг турфа хили мавжуд. Лекин барча ишлар мансаб ёки ишчилар сонидан қатъий назар, ўз ўрнида бажарилиши шарт. Хар бир техник хизмат ходими бор имкониятдан фойдаланиб, ситқидилдан меҳнат қилиши шарт. Самарасиз ходимлар ташкилотга ётдир ва улар ишга олинмаслиги керак. Ўзбекистонда мироблар одатда сувни назорат қилиш, етказиб бериш ва ҳисоб-китоб қилишга масъулдирлар, шунингдек, улар кичик техник хизмат ва ишчи ҳолатда сақлаш бўйича мутахассисларга яқиндан ёрдам беришади. Мироб бажарадиган муҳим вазифалардан яна бири шуки, у тармоқни назорат қилиб, ишчи ҳолатда сақлаш учун зарур бўлган воситаларни белгилайди, шунингдек, у ишдаги муваффақиятларни аниқлаб, бу ҳақда тегишли раҳбар ходимги ҳисобот беради. Яхши ишчи ҳолатда сақлаш ва асбоб-ускуна амалиёти ўзаро боғлиқдир. Ўз ишининг устаси бўлган мироб асбоб-ускунанинг ишчи ҳолатда эканига доимо талабчан назар билан қарайди, мабодо ишдан чиққан ускунани ўзи таъмирлай олмаса, дархол малакали мутахассисни ёрдамга чақиради. Ишчи ҳолатда сақлаш бўйича раҳбар ходим мироб ёки бошқа ходим малакасини ошириши керакми-йўқми, тезда аниқлай билади ва барча ходимларни тегишли малакага эга эканини таминлайди



хамда керакли ўринда уларнинг ўрнини алмаштиради. СИУдаги хар қандай лавозимга ходим тайинлашда ундаги қобилият, малака ва ишчанлик рухи асосий омил қилиб олинши керак. Танланган ходимлар бир неча муддатга яқиндан назорат қилиниши лозим, улар нафақат кўрсатмаларни англаб етган бўлишлари, балки зарур ҳолларда мавжуд масала бўйича ўз мустақил ҳулосаларига ҳам эга бўлишлари даркор.

Йирик тармоқларда устахона гуруҳи асбоб-ускуналарни ишчи ҳолатга келтириши ва тамирлаши мумкин. Кичик тармоқларда ҳам ишчи ҳолатда сақлаш ходимлари ҳам устахонада, ҳам далада иш бажаришлари мумкин. Йирик тармоқларда механик-электрик сингари ходимларни банд этадиган двигатель, электр мотор, насос, сув ўлчагич ва бошқаларни таъмирлашга оид етарли иш бўлади. Бундай ходимлар турли чизмалар ва электр диаграмаларни ўқиш, шунингдек тармоқни ҳаракатга келтириш мезонларини яхши тушунган бўлиши лозим. СИУ ёхуд ходимнинг ўзи бундай иш учун талабга жавоб берадиган ва тегишли асбобларга эга бўлиши зарур. Хар бир ташкилот шартнома тузаётган томоннинг иқтисодини ёки техник хизмат кўрсатиш ускунасини ва таъмирлаш ишини белгилаб олиши керак.

#### **Суғориш ёки зовур тармоғини ишчи ҳолатда сақлаш режаси.**

Суғориш ва зовур воситаларидан узоқ муддат ва оқилона фойдаланишига яхши ишчи ҳолатда сақлаш ҳамда дастурларни мунтазам равишда такомиллаштириш ва янгилаш орқали эришиш мумкин. Ишчи ҳолатда сақлаш дастурининг муваффақиятли бўлиши учун режалаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Режалаштиришнинг асослари давомли равишда юзага келадиган профилактик, даврий ва кундалик фаолиятларни ўз ичига олиши керак. Бундан ташқари, фавқулодда ҳолатларга тегишли жавоб бериш учун кўзда тутилмаган режалар ҳам ишлаб чиқилиши зарурдир.

Ишчи ҳолатда сақлаш режаси назоратлар натижасида келиб чиққадиган устувор ишчи ҳолатда сақлаш фаолиятини баҳолашга асосланади. Бунда қуйидаги жиҳатга аҳамият берилади:

- СИУ суғориш ва зовур тармоғидаги техник ҳолатни мунтазам назорат қилиш ва ишчи ҳолатда сақлашни талаб этадиган барча қурилмалар, воситалар ва машиналарнинг рўйхатини тузиш;
- Кундалик ва даврий (асосий) техник хизмат кўрсатишни ажратган ҳолда талаб қилинадиган иш кўламини аниқлаш;
- Ишчи ҳолатда сақлаш бўйича вазифаларни амалга оширишда зарур бўлган асбоб-ускуна ва ишчи кучини аниқлаш;
- Ишчи ҳолатда сақлаш ва таъмирлашнинг устунлигига қараб бюджетни лойихалаштириш.

Барча воситалар кўзланган мақсадда ишлатилиши учун тегишли ҳолатда сақланиши зарур. Воситани ишчи ҳолатда сақлашнинг зарурати топография, геология, ўлчам ва қўйилган мақсад каби турли омилларга боғлиқ бўлади. Баъзи воситалар маълум бир тармоқдаги қурилма учун нихоятда зарур бўлгани ҳолда худди шундай бошқа бир тармоқда унчалик аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин. Ишчи ҳолатда сақлаш дастурини тузишда жугрофик

ўрини ҳам ҳисобга олинади. Масалан, қиш фаслида совуққа чиддамсиз бўлган воситаларни суғориш даврида сувни беҳуда ишлатиш талаб этилмайди.

### **Ишчи ҳолатда сақлаш турлари.**

Умуман олганда, типик СИУ суғориш ва зовур тармоқлари учун хос бўлган ишчи ҳолатда сақлаш турлари уч йирик категорияга бўлинади:

- Кундалик ишчи ҳолатда сақлаш;
- Даврий ишчи ҳолатда сақлаш ва реабилитация;
- Махсус ишчи ҳолатда сақлаш/фавқулодда таъмирлаш.

### **Кундалик ишчи ҳолатда сақлаш.**

Кундалик ишчи ҳолатда сақлаш тўғридан-тўғри СИУ даги имконият ва мажбуриятга тегишли босқичдир. Афсуски, бу яна шундай босқички у СИУ ишчи ҳолатда сақлаш ходимлари ва сайловчи фермерлар ўз вазифаларини, бундай техник хизматни амалга оширишдан кўзланган қондани аниқ тушиниб олгунча ҳамда тармоқни самарали назорат қилиш ва ишчи ҳолатда сақлашда зарур бўлган техник билим ва ташкилий тузилмага эга бўлгунча ахамиятга молик бўлмаслиги ёки ортга сурилиши мумкин.

Кундалик ишчи ҳолатда сақлаш йил давомида мунтазам равишда таъмирланадиган ва қайта таъмирлаш ишларини ўз ичига олади. У меъёрий тартиб-қоидалар, меъёрий режалаштириш ва меъёрий ижрога эга. Кундалик ишчи ҳолатда сақлаш фаолият ва вазифалари режа тузишни талаб этади ва бу режа ходимлар ва аъзолар томонидан муваффақиятли амалга ошириши шарт. Режадаги фаолият ва уни амалга ошириш учун кундалик вақт СИУ ходими томонидан тайёрланиб бажарилмаса ҳамда аъзолар томонидан қўлаб-қувватланмаса, баъзи ишчи ҳолатда сақлаш амалияти амалга ошмай қолади ва натижада жиддий муаммолар юзага келиши мумкин. Кундалик ишчи ҳолатда сақлашга куйидаги мисол булади: кичик каналларни лойкадан тозалаш ва қирғоқни таъмирлаш, кириш йуллари ва ерни текислаш, металлларни бўйаш, суғориш кранини ишчи ҳолатда сақлаш, бегона ўтлардан тозалаш ва бошқалар.

Кундалик ишчи ҳолатда сақлаш учун СИУ аъзолари жавобгардир. Бунга боғлиқ ишлар одатда СИУ нинг ишчи ҳолатда сақлаш бўйича ходимларига етказилади ва улар томонидан амалга оширилади. Бу шуни кўрсатадики, ишчи ҳолатда сақлаш бўйича ходимлар, ишчилар, техник ва молиявий ресурслардан фойдаланиш қобилиятига ва ваколатига эга бўлишлари зарур. Сув олиб келиш ва уни назорат қилиш учун ишчи ҳолатда сақлашга бўлган талаблар ниҳоятда муҳимки, агарда бу талабга жавоб берадиган даражада ва мунтазам равишда бажарилмаса, тармоқнинг сув етказиб бериш қуввати қисқаради. СИУга техник хизмат кўрсатиш (ёки бошқарув ва операциялар) натижасида етказиб бериш ишончсиз бўлиб қолса, фермер СИУ хизмати учун тўловларни тўлашдан бош тортишлари эҳтимолдан холи эмас. Тегишли тўловларсиз керакли техник хизмат кўрсатиб бўлмайди. Бундай ҳолат тармоқ хизматидан фойдаланувчиларнинг кўпчилиги учун тартибсиз ва қониқарсиз сув етказиб берилишига сабаб бўлади.

### **Даврий ишчи холатда сақлаш ва реабилитация.**

Ишчи холатда сақлаш бу тури мавсумий сув етказиб беришнинг исталган пайтидан амалга ошириш мумкин бўлмаган таъмирлаш ишларини ўз ичига олади ва фақат суғориш тизими ёпиқ бўлганда режалаштириши зарур. Даврий ишчи холатида сақлаш одатда йилда бир марта бажариладиган вазифа, лекин экиндан хосил олиш ва суғориш талабларидан келиб чиқиб йилда икки бора амалга оширилиши мумкин.

Даврий ишчи холатда сақлашда қуйидагилар мисол бўлади:

- машина ва асбоб-ускуналарни батавсил кўздан кечириш;
- асосий суғориш каналлари, сифонлар, тўғон хавзалари, йирик суғориш регуляторлари, тақсимловчи ва ўлчов қурилмаларини таъмирлаш, каналларни чиқинди ва лойқалардан тозалаш;
- сув тўсиш иншоатлар беркитмалар ва бошқа жихозларни янгилаш;
- асосий зовурни очиш ва х.к.з.

Даврий ишчи холатда сақлаш талаблари СИУ ходимининг мунтазам назорати ва текшируви орқали аниқланадики, бу ходим қуйилган талабларни ишчи холатда сақлаш бўйича йиллик режага киритилишини эътиборга олиши зарур.

### **Махсус ишчи холатда сақлаш фавқулодда таъмирлаш.**

Махсус ишчи холатда сақлаш зудлик билан бажариладиган ёки вақтинча таъмирни ўз ичига олиб, у тизимдаги кўкқисдан юз берган қуйидаги бузилиш холатдан кейин сув етказиб беришни таъминлаш мақсадида ташкил этилади: асбоб-усқунанинг бузилиши, қурилманинг емирилиши, канал сувининг тошиб кетиши, ва тоқларнинг ёрилиш ёки вақтичалик канал ё лоток қисмларига бўлган эҳтиёж.

Махсус ишчи холатда сақлаш талаб этилган ва мавжуд техник жисмоний ва молиявий манбаларга кўра амалга оширилади. Бундан фавқулодда вазиятни ортга суриб бўлмайди, чунки у шошилинич бўлиб, тез харакатни талаб этади. Умуман олганда, махсус ишчи холатда сақлаш фермерлар ишида ноқулайлик туғдираётган канални ёпиб қўйишдан иборат. Шунинг учун ҳам бундай ноқулайликни камайтириш учун махсус ишчи холатда сақлаш иложи борича тезроқ бошланиб, қисқа муддатда бажарилиши керак. Таъмирлаш зарарнинг таъсирини камайтириш йуллари:

Фавқулодда суғориш ва зовур тармоқларини ўз вақтида тамирлаш энг мақбул, кундалик ва даврий ишчи холатда сақлаш ишни туғри ташкил қилинг;

• Суғориш давридан олдин зарурий чора-тадбирлар кўриш керак. Каналларни суғориш давридан аввал лойқадан тозалаш. Ернинг емирилиши ёки эрозияга учрашини олдини олиш учун каналнинг қиялик коэффицентини туғирлаш.

• СИУ омборида сув тўсиқлари учун эҳтиёт қисмларни сақланг. Суғориш даври келмасидан туриб носоз детал ва механизмларни текшириш. Улар ишлатилмайдиган фаслда алмаштирилладиган деталларни яхши сақланг.

• Суғориш даврида техник хизматиغا яроқли ва таъмирлаш усқуналарини ҳамда ходимларни зудлик билан иш бошлашга шай холда ушлаб туринг.

• Сув тусиқлари ва бурагич вақти-вақти билан ёғлаб туринг ва чиришга

қарши чораларни қўланг. Инсон ва хайвонлардан зиён етмаслиги учун кўриқлаш хизматини жорий қилинг.

- СИУ ходими фавкулотда ҳолатларда жавоб бериши учун тегишли ишчи кучи ва асбоб-ускуна юборишга имконият ва ваколатга эга бўлиши керак.

## **5. СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАСИНИ (СИУ) ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

### **5.1. СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАСИНИ (СИУ) ТАШКИЛ ЭТИШ СХЕМАСИ**

Юқорида қайд этилган СИУлар фаолият юритиши учун мавжуд шароитлар ва ердан фойдаланиш шаклларида келиб чиққдн ҳолда, СИУ ни ташкил этишнинг иккита схемаси тасвирланмоқда:

- СИУ ни фаолияти тугатилаётган зиёнли жамоалар базасида ташкил этиш;
- Мавжуд фермер хўжаликлари базасида ташкил этиш.

Фаолияти тугатилаётган жамоа хўжаликлар базасида СИУни ташкил этиш бўйича ташаббускор бўлиб, туман қишлоқ сув хўжалиги бошқармаси номидан маҳаллий маъмурият чиқади. Охиргиси, жамоа хўжалигининг бошқаруви билан биргаликда жамоа хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишини чақиради. Умумий йиғилишда СИУнинг мақсади, вазифалари ва ишлаши тўғрисидаги ахборотни етказади. Йиғилиш қарори билан СИУни ташкил этиш бўйича қайта ташкил қилинаётган хўжалик аъзолари, мугахассислари ва раҳбарларидан иборат Комиссия (қуйида Комиссия) тузилади, шунингдек СИУни ташкил этиш муддатлари аниқланади.

Комиссия вазифасига қуйидагилар киради:

- қайта ташкил қилинаётган хўжалик аъзолари ўртасида СИУнинг афзалликлари ва моҳияти тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- сув хўжалигига мўлжалланган асосий жамғармалар ва мулк қийматини қайта баҳолаш, рўйхатга олиш ишларини ташкил этиш;
- бериладиган баланс ва жамлама далолатномасини тузиш;
- таъсис шартномаси лойихаси, СИУ Устави, сув хўжалик хизматлари бўйича шартнома ва СИУни ташкил қилиш ва фаолият юритиш учун зарур бўладиган бошқа ҳужжатларни тайёрлаш;
- қайта ташкил этилаётган хўжалик аъзолари таъсисчилар йиғилишини тайёрлаш ва ташкил этиш .

Қайта ташкил қилинаётган хўжалик Комиссия томонидан тайёрланган ҳужжатлар асосида Бошқарув томонидан олдиндан кўриб чиқилиб, мақулланганидан сўнг, таъсисчилар йиғилишига кўриб чиқиш учун такдим этилади. Хўжалик аъзолари бу йиғилишда ўз нуктаи назарларини баён этиб ва такдим этиладиган ҳужжатларга ўзгариш ва кўшимчалар киритиш бреча таклифларни киритади. СИУни ташкил этиш ва такдим этиладиган ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор кўпчиликнинг очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Худди шундай тартиб билан СИУнинг тафтиш Комиссияси (тафтишчи), бошқарув вакили ва бошқарув раиси сайланади. Такдим этилган таъсисчилар ҳужжатида камчиликлар мавжуд бўлса,

Комиссияга кдйта ишлаш учун, кайта ишлаш муддатини кўрсатган ҳолда, кдйтариб берилади.

Таъсисчилар йиғилишининг қарори баённома билан расмийлаштирилади, баённомага йиғилиш раиси ва котибининг имзолари чекилади ва кдйта ташкил қилинаётган хўжаликнинг мухрлари билан тасдиқланади.

Таъсисчилар йиғилиши ўтказилгандан сўнг олди-берди далолатно-маси тузилади, СИУ га қабул қилаётган масъул шахе ва қайта ташкил қилинаётган хўжалиқдан топшираётган моддий жавобгар шахе томонидан имзоланиб, СИУ раиси ва Комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

СИУнинг раиси уч кун муддат ичида СИУнинг жойини давлат рўйхатидан ўтказиш учун таъсисчилар ҳужжатларини такдим этиши ке-рак. СИУ крнунчилик билан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади. СИУ давлат рўйхатидан ўтиши биланоқ ташкил этилган деб ҳисобланади.

Комиссия қайта ташкил қилинаётган хўжалик маъмуриятдан зарур ахборотларни олиш ва ишлаб чиқиш учун уларни жалб қилиш ҳуку-қига эга. Комиссия шунингдек ўз ишининг ошкоралигини ва унинг натижалари ишончлигини таъминлаши шарт.

- СИУни ташкил этишнинг иккинчи схемаси бўйича ташаббускор бўлиб мавжуд фермер хўжаликлари базасидаги маҳаллий сув хўжалиги ташкилоти чикдди, у СИУнинг потенциал аъзолари сафидан ташаббускор гуруҳни шакллантиришда иштирок этади. Унинг вазифасига қуйидагилар киради;

- Тузилаётган СИУ майдони ва дастлабки иштирокчилар таркибини аниқлаш;

- Тузилаётган СИУ потенциал аъзолари ўртасида унинг мақсади ва вазифалари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- СИУ нинг Устави, Таъсисчилар шартномаси лойихасини, сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома ва СИУга зарур бўлган бошқа иш-ҳужжатларни тайёрлаш;

- СИУ аъзоларнинг Таъсисчилар йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш.

Таъсисчилар йиғилишида қуйидаги масалалар хал қилинади:

- СИУ таркибига кириш учун истак билдирган фермер хўжаликлари ва бошқд сувдан фойдаланувчиларнинг таркибини узил-кесил аниқлаш;

- СИУнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши бўйича Устав Таъсис шартномаси ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш;

- СИУ Устави белгилаган бошқарув органларини сайлаш;

СИУ томонидан тузилган ҳужжатларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини аввалгиларига ўхшаш тарзда амалга ошириш.

## **5.2. СИУ НИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИ БЎЙИЧА НАМУНАВИЙ НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР**

СИУни ташкил қилиш ва фаолият юритишининг тартиб ва шартларини аниқловчи асосий норматив ҳужжатлар таркибига қуйидагилар киради:

а) сув истеъмолчиларини бирлаштириш ва СИУ ташкил қилиш бўйича Низом;

б) СИУ ташкил қилиш ҳақида намунавий Таъсис шартномаси (тавсиявий хужжат);

в) СИУнинг намунавий Устави.

## **Сув истеъмолчиларини бирлаштириш ва сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ташкил этиш бўйича НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар.

1. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ўз молиявий ва моддий-техник ресурслари ҳисобига ички хўжалик суғориш тармоқларини техник эксплуатация қилиш ва сувдан фойдаланишни ташкил этиш учун ихтиёрий нотижорат сув истеъмолчилари бирлашмаси сифатида тузилади.

2. Уюшмани қуйидагилар асосида тузиш мумкин:

а) фаолияти тугатилаётган жамоа хўжаликлари базасида ва уларнинг ерларида фермер хўжаликларини тузиш.

б) мавжуд фермер хўжаликлари базасида.

II. Фаолияти тугатилаётган жамоа хўжаликлари базасида сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ташкил этиш.

Фаолияти тугатилаётган хўжаликнинг аъзолари, мутахассислари ва раҳбарлари таркибидан иборат Комиссиянинг (кейинчалик Комиссия) умумий йиғилиш қарорига биноан уюшма тузилади. Комиссия таркибида уюшмани ташкил этишда ташаббускор бўлган туман қишлоқ сув хўжалиги бошқармаси вакиллари ҳам қатнашадилар. Умумий йиғилиш уюшма ташкил этиш муддатларини ҳам белгилайди.

2. Комиссия:

- фаолияти тугатилаётган аъзолар ўртасида уюшманинг устунликлари ва моҳияти тўғрисида танишвиқот-тушунтириш ишларини олиб боради;

- сув хўжалигига мўлжалланган асосий фондлар ва мулк қийматини қайта баҳолаш, рўйхатга олиш ишларини ташкил этади;

- Уюшма Устави, таъсисчилар шартномаси ломихаси ва сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш учун шартномаларни тайёрлайди;

- олди-берди баланси ва жамлама далолатномагини тузади;

- кейинчалик умумий йиғилишга тавсия этиш учун Уюшма бошқарув органига номзодларни танлайди;

- Уюшманинг таҳминий таркибий тузилмасини ва ҳақ тўланадиган ходимлари сонини белгилайди;

- Уюшманинг ички хўжалик суғориш тармоқларини техник эксплуатация қилиш учун дастлабки харажатларни аниқдайди;

- Уюшмани таъминлаш ва унинг Устав жамғармасини яратиш учун Уюшма аъзоларидан йиғиладиган бадал миқдорини белгилайди;

- яқка хўжаликлар аъзоларининг таъсис йиғилишини тайёрлайди ва ташкил этади.

3. Комиссияга қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

- сув хўжалигига мўлжалланган асосий фондлар ва мулк қийматини қайта баҳолаш ҳамда рўйхатга олишда фаолияти тугатилаётган хўжалик

ишчиларини жалб қилиш;

- сув хўжалигига мўлжалланган асосий фондлар ва мулк кийматини кайта баҳолаш ва рўйхатга олиш учун белгиланган муддатда бирламчи ҳужжатларни такдим этишни фаолияти тугатилаётган хўжалик раҳбари зиммасига юклаш.

4. Комиссия қуйидагиларга мажбур:

- ўз ишида ошкораликни таъминлаш;

- фаолияти тугатилаётган хўжалик аъзоларининг талаби бўйича уларнинг манфаати билан боғлиқ бўлган ахборотни такдим қилиш;

- ўз иш натижаларининг аниқдигига жавоб бериш.

5. Фаолияти тугатилаётган хўжаликнинг бошқарув ташкилоти томонидан сайланган раис Комиссия фаолиятини бошқаради. Комиссия аъзолари ўз лавозими мажбуриятларини ижро этиш тартибда унинг ишида катнашадилар, Комиссияда ишлаганлар учун кўшимча ҳақ тўланмайди.

6. Комиссия томонидан тайёрланган ҳужжат ва материаллар фаолияти тугатилаётган хўжаликнинг бошқарув органи томонидан куриб чиқилгандан сўнг, аъзоларининг таъсисчилари йиғилишига кўриб чиқиш учун такдим этилади.

7. Таъсисчилар йиғилишининг ваколатига қуйидагилар киради:

- Уюшмани тузиш бўйича қарор қабул қилиш;

- Комиссия томонидан такдим қилинган ҳужжатларга кўшимча ва ўзгаришлар киритиш;

- сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш бўйича тузилган шартномани, Уюшма Устави ва таъсисчилар шартномасини тасдиқлаш;

- Устав томонидан белгиланган уюшманинг бошқарув органини сайлаш;

- Уюшма ходимлари сонини ва ташкилий таркибий тузилмасини тасдиқлаш;

- Уюшманинг ички хўжалик суғориш тармоқларини техник эксплуатация қилиш учун харажатларни тасдиқлаш.

8. Таъсисчилар йиғилишининг қарори кўпчиликнинг оддий очиқ овози билан қабул қилинади. Тугатилаётган хўжаликнинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Таъсис йиғилишининг қарори баённома билан расмийлаштирилади, йиғилиш котиби ва раисининг имзолари қўйилади ҳамда фаолияти тугатилаётган хўжаликнинг мухри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан такдим қилинган ҳужжатларда жиддий камчиликлар бўлса, муддати кўрсатилиб, кайта ишлаб чиқиш учун кайтарилади.

9. Таъсисчилар йиғилиши ўтказилгандан сўнг олди-берди далолатномаси тузилади, у қабул қилаётган масъул шахе ва топшираётган моддий жавобгар шахе томонидан имзолангандан сўнг Комиссия ва Уюшма раислари томонидан тасдиқланади.

10. СИУ нинг раиси уч кун муддат ичида Уюшманинг жойини давлат рўйхатидан ўтказиш учун таъсисчилар ҳужжатларини такдим этиши керак. Уюшма қонунчилик билан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади. Уюшма давлат рўйхатидан ўтиши биланоқ ташкил топган деб

хисобланади.

11. Комиссия Уюшма бошқаруви органи қарори билан тугатилади. Комиссия фаолияти тугатилгандан кейин унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар уюшма архивига топширилади.

### **III. Мавжуд фермер хўжаликлари базасида СИУни ташкил этиш**

1. Уюшмани ташкил этишда ташаббускор бўлиб туман ҳокимлиги номидан маҳаллий маъмурият чиқади, у Уюшмани тузаётган потенциал қатнашчилар (5-7 киши) сонидан ва туман қишлоқ сув хўжалиги бошқармаси (гуруҳ раҳбари) вакили, шунингдек балансида суғориш тармоқлари бўлган, Уюшма ҳудудига хизмат кўрсатаётган хўжаликнинг барча вакиллари таркибида ташаббускор гуруҳни (қуйида гуруҳ) шакллантиради.

Гуруҳ аъзорлари унинг ишида ўз хизмат мажбуриятлари юзасидан жамоатчилик асосида катнашади, бунда уларнинг ишига кўшимча ҳақ, тўланмайди.

2. Гуруҳ вазифасига қўйидагилар киради:

- суғориш тармоғи ҳавзасида тузилаётган уюшманинг ҳудудий майдони ва дастлабки қатнашчилар таркибини аниқлаш;

- уюшмага бериладиган асосий маблағлар қийматини қайта баҳолаш ишларини олиб бориш ва олди-берди далолатномасини тайёрлаш;

- сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш учун тузилган шартнома. Уюшма Устави ва Таъсисчилар шартномаси лойиҳасини тайёрлаш;

- кейинчалик умумий йиғилишга тавсия этиш учун Уюшма бошқарув органларига номзодларни танлаш;

- тахминий таркибий тузилма ва Уюшма ходимлари сонини аниқлаш;

- Уюшманинг ички хўжалик суғориш тармоқларини техник эксплуатация қилиш учун дастлабки харажатларни аниқлаш;

- Уюшмани таъминлаш ва унинг Устав жамғармасига Уюшма аъзоларидан йиғиладиган бадал қийматини белгилаш;

- Уюшманинг потенциал қатнашчилари Таъсис йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш.

3. Уюшма қатнашчилари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- фермер ва деҳқон хўжаликлари;

- дала ҳовли кооперативлари ва боғдорчилик жамоатари;

- ташкилотлар ва корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликлари;

- бошқа турдаги сув истеъмолчилари;

4. Алоҳида уюшмани ташкил этишда қуйидагилар тавсия этилади:

- боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган хўжаликлар учун Уюшманинг ўртача майдони 30-60 гектар, аъзоларининг тахминий сони 100 ва ундан ортиқ киши;

- пахтачилик ва ғаллачилик йўналишлардаги хўжаликлар учун Уюшманинг ўртача майдони 1000-1200 гектар, аъзоларининг тахминий сони эса 100 ва ундан ортиқ, киши;

- Уюшма аъзоларига, уларнинг ерлари хизмат кўрсатилаётган суғориш тармоғи ҳавзасида зич жойлашганида ягона сув тармоғи (хўжаликлараро



каналли, ички хўжалик тақсимловчи каналли ёки уларнинг гуруҳи) оркали хизмат кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Суғориладиган ер майдонларининг миқдори ва алоҳида Уюшма қатнашчиларнинг сони чегараланмайди.

5. Гуруҳ томонидан тайёрланган ҳужжатлар таъсисчилар йиғилишида кўриб чиқиш учун тақдим этилади ва уларнинг ваколатига қуйдагилар киради:

- Уюшмани тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- тақдим этилган ҳужжатларга кўшимча ва ўзгаришлар киритиш;
- сув хўжалик хизматларини кўрсатиш учун тузилган шартнома,

Уюшма Устави ва Таъсисчилар шартномасини тасдиқлаш;

- Устав билан белгиланган Уюшма бошқарув органини сайлаш;
- Уюшманинг ходимлар сони ва ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- Уюшманинг ички хўжалик суғориш тармоқларини техник эксплуатация қилиш харажатларини тасдиқлаш;

- Уюшмани таъминлаш ва унинг Устав жамғармасига Уюшма аъзоларидан йиғиладиган бадал миқдорини тасдиқлаш.

Таъсисчилар йиғилишининг қарори кўпчиликнинг оддий очик овози билан қабул қилиниб, баённомалар йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади. Уюшманинг хдр бир аъзоси битта овозга эга.

6. Гуруҳ томонидан тақдим қилинган ҳужжатларда асосли камчиликлар бўлса, уларни бошқарув томонидан ишлаб чиқилади ва кейинчалик Уюшманинг навбатдаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун тақдим қилинади.

7. Таъсисчилар йиғилиши ўтказилгандан сўнг олди-берди далолатномаси расмийлаштирилади, уни Уюшма бошқармасига хўжаликнинг асосий хўжалик фондларини топшираётган моддий жавобгар шахс ва Уюшманинг олаётган жавобгар шахси имзолайдилар. Олди-берди далолатномаси мазкур хўжаликнинг ва Уюшманинг раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

Уюшма раҳбари уч кун муддат ичида Уюшманинг жойини давлат рўйхатидан ўтказиш учун таъсисчилар ҳужжатларини тақдим этиш керак. Қонунчилик билан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади. Уюшма давлат рўйхатидан ўтиши биланок ташкил этилган деб ҳисобланади.

9. Гуруҳ фаолияти Уюшма бошқарув органининг қарори бўйича тугатилади. Фаолияти тугатилгандан кейин унинг барча ҳужжатлари Уюшманинг архивига топширилади.

#### **IV. Уюшманинг вазифаси, ҳуқуқи ва мажбуриятлари:-**

1. Уюшма қуйидаги вазифаларни ҳал этиш учун тузилди:

- Уюшма аъзолари ўртасида сув тақсимотини ташкил этиш;
- Уюшма балансида турган фермерлараро суғориш тармоғини техник эксплуатация қилиш;

- фермерларнинг балансида турган суғориш тармоғига техник хизмат кўрсатиш;

- давлат сув хўжалик тузилмалари, маҳаллий ҳукумат ташкилотларида, бошқа идора ва муассасаларда Уюшма аъзорлари, сувдан

фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш.

2. Уюшма фаолиятини Таъсисчилар шартномаси, Устави ва бошқа ҳужжатлар асосида тартибга солади, уларни у мустақил ишлаб чиқади ва амаддаги қрнунчилик доирасида амалга оширади.

3. Уюшма юридик шахе ҳисобланади, мустақил балансига, банкларда ҳисоб ва ўзга рақамларга, ўз номи ёзилган бланкаларига, думалок мухрига, тамгасига, ажратилган мулкига эга. Давлат, унинг органлари ва ташкилотлари Уюшма мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ўз ўрнида Уюшма ҳам давлат мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

4. Уюшма мулки қуйидагилардан иборат:

- Уюшмага фойдаланиш учун берилган асосий сув хўжалиги фондларидан;

- хўжалик фаолияти пайтида иш, хизмат кўрсатиш, маҳсулотларни сотишда тушган даромадлар ҳисобидаги тушумлардан.

Уюшмага фойдаланиш мақсаднда берилган сув хўжалик фондларини сотиш, ижарага бериш, алмаштириш, инъом қилиш ва вақтинчалик фойдаланишга бериш таъқиқланади.

5. Уюшманинг мажбуриятлари:

- белгиланган сувдан фойдаланиш қоидаларига асосан олинадиган сув ресурсларини тақсимлаш;

- ўз худудидан зовур ва пайнов сувларни чиқариб ташлашини таъминлаш;

- белгиланган сувдан фойдаланиш қоидаларига ва сув олиш лимитига риоя қилиш;

- ўз балансида турган суғориш ва коллектор-зовур тармоқларининг иш ҳолатида туришини таъминлаш;

- сувдан фойдаланиш учун давлат ташкилотларида махсус рухсатномаларни расмийлаштириш;

- мелиорация ва сув назоратини юритиш;

- давлат сув хўжалик ташкилотлари билан сувни етказиб бериш учун шартномалар тузиш.

6. Уюшманинг ҳуқуқлари:

- ўз иши ва хизматларини мустақил ёки шартнома асосида тайинланган нарх ва тарифлар бўйича, шунингдек қонунчиликда кўзда тутилган давлат нархлари бўйича амалга оширади;

- Уюшма Уставини ва шартнома шартларини бузганлиги учун жарима ва санкциялар жорий этиш ва уларни ундириш;

- Уюшма аъзолари бадалларни ўз вақтида тўламаган ҳолларда, уларга сув беришни тўхтатиш ва тўлаб бўлгандан сўнг уни яна очиш.

7. Уюшма аъзоларининг мажбуриятлари:

- уларнинг балансида турган суғориш ва зовур тармоқларининг иш ҳолатида туришини таъминлаш;

- сувни муҳофаза қилиш ва фойдаланишни тартибга солиш бўйича қонуний талабларга риоя қилиш.

8. Уюшма аъзоларининг ҳуқуқлари:

- Уюшманинг бошқарув органига сайлаш ва сайланиш;
- уларнинг манфаатларига тааллуқли масалаларнинг муҳокамасида катнашиш;
- ўрнатилган сув лимитларини олишга кафолат, қўшимча сув ресурслари борлигида эса — уларни олишга имтиёз берилиши;
- жамоат манфаатига тааллуқди Уюшма бошқаруви фаолияти тўғрисидаги ахборотларни олиш;
- Уюшма ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолда ундан мулкӣ давволарни талаб қилиш.

9. Уюшма аъзолари ўзларининг юридик ва хўжалик мавқеларини тўлиқ ҳолда сакдайдилар, уларнинг Уюшма билан ўзаро муносабатлари эса иқтисодий ишлаб чиқариш характериға эға ва Уюшма маъмурияти билан сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш учун тузилган шартнома томонидан тартибға солинади.

10. Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш, Уюшма бошқарув органи ва уларнинг ишчи ходимларини таъминлаш учун аъзолар ҳар йилги жорий бадалларни киритишлари керак, уларни бир ставкали (суғориладиган ер гектари ёки сув беришда ҳар бир кубометр сувға) тарифдан ёки икки ставкали (зовур ерларининг гектари учун ва ҳар бир кубометрға) тарифдан келиб чиққзн ҳолда тайинланади. Тарифлар меъёрий фонди ва суғурта жамғармасини шакллантиришни ҳисобға олган ҳолда юқоридаги харажатларнинг копланишидан келиб чиқиб белгиланади.

11. Уюшмага аъзолик ҳуқуқлари қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- Уюшма аъзосининг ўз истаги бўйича;
- бирлашма Уставида белгиланган муддатларда Уюшмага бадаллар ва хизмат хаклари тўланмаганда;
- шартнома мажбуриятлари ва Устав қоидалари бир неча бор бузилган ҳолларда;
- сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва фойдаланишни тартибға солиш бўйича қонуний талаблар бузилган ҳолларда;
- синганликни эълон қилиш қонунчилигиға асосан Уюшма аъзоси синган деб эълон қилинган ҳолда;
- қонунчиликка мувофиқ равишда синганлигини эълон қилинганидан сўнг, Уюшма аъзоси синганлиги маълум бўлса.

12. Уюшмага аъзолик тўхтатилган бўлса, бу ҳол унга сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш ва сув берилмасликка асос бўла олмайди, қачонки у ўз вақтида ҳақтўлаб турган ҳамда бу қонунчилик асосида кўзда тутилмаган бўлса. Агар Уюшма аъзоси корхона таркибидан чиқиш пайтида қарзлари бўлса, қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ундан ундирилади.

13. Уюшма аъзолари, Уюшма маъмурияти, бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасидаги мулкӣ ва бошқа мунозаралар, агарда томонлар келишувға келмасалар, суд тартибида ҳакамлар суди билан ҳал этилади.

14. Уюшма фаолияти қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- ваколати бўлган қонуний ва ижроия ҳуқуматнинг қарори бўйича;

- суд тартибида Уюшма синганлиги тўғрисида эълон қилинса;
- Уюшма аъзоларининг умумий йиғилишида камида 4/5 аъзолари катнашиб, кўпчиликнинг 2/3 овози билан қабул қилинган қарори бўйича;

Юқорида кайд этилган барча ҳолларда Уюшма фаолияти амалдаги қонунчиликка мувофиқтўхтатилади.

15. Алохида Уюшмалар ўз ишини мувофиқлаштириш ва ўз манфаатларининг самарали ҳимояси учун юридик ва хўжалик мустақилликларини саклаган ҳолда Уюшма Федерациясига бирлашишлари мумкин.

Уюшма Федерацияларини ирригация-ҳавза тамойилига (хўжаликаро суғориш тизими, кичик дарёлар бўйича) ёки маъмурий - ҳудудий белгиларга (туман, вилоят ва ҳоказо) ёндашган ҳолда тузиш мақсадга мувофиқдир.

**Сув истеъмолчиларини бирлаштириш ва сувдан фойдаланувчилар  
уюшмасини ташкил этиш тўғрисида намунавий  
ТАЪСИС ШАРТНОМАСИ**

20 \_\_\_\_ й. " \_\_\_\_\_ " \_\_\_\_\_

1.Шартнома қатнашчилари: мазкур шартноманинг 1-Иловасида кўрсатилган.

2.Қатнашчилар сувдан фойдаланувчилар " \_\_\_\_\_ "  
(уюшма номи)

уюшмасини таъсис этадилар, у қуйида Уюшма деб номланади.

Уюшма Узбекистан Республикасининг қонунчилиги, шунингдек мазкур шартнома ва ўзининг Уставига асосан иш юритади.

3.Уюшма манзили \_\_\_\_\_

4.Уюшма шартнома қатнашчиларига хизмат кўрсатадиган, коллектор - зовур ва суғориш тармоқларининг эксплуатациясини ташкил этиш учун тузилмоқда.

5.Уюшма юридик шахс ҳисобланади. У ўз номидан шартномаларни тузишга, мулкларни сотиб олишга ва мажбуриятларни бажаришга, судларда даъвогар ва жавобгар бўлиб чиқишга ҳақлидир.

б.Уюшма фаолиятини таъминлаш учун қатнашчиларнинг бадаллари ҳисобига \_\_ сўм миқдордаги Устав жамғармасини тузади, шу билан бирга Уюшма рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 10 кун ичида кечиктирмасдан сўмни ва \_\_\_\_\_ ойдан кечикмай қолган маблағ \_\_\_\_\_ сўм киритилади.

Қатнашчиларнинг Устав жамғармасидаги улуши ушбу шартнома ва 1-иловага асосан аниқланади.

7.Уюшма қатнашчиларининг мажбуриятлари:

- Уюшма Устави ва ушбу шартнома белгилаган тартибда кўшимча бадаллар ва омонатларни киритиш;

- таъсисчилар ҳужжатларига риоя қилиш;

- Уюшма томонидан юклатилан мажбуриятларни бажариш.

8.Уюшма қатнашчиларининг ҳуқуқлари:

- Уюшма бошқарувида қатнашиш;

- Уюшма фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш;

- таъсисчилар хужжатларида белгиланган ҳолатларда уюшма сафидан чиқиш.

9. Уюшма даромади моддий ва шунга тенглаштирилган харажатларга, иш хақиға, кредитлар ва солиқларга ва бошқа мажбурий тўловларга ажратилгандан сўнг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва уюшма ёлланма ходимларига кўшимча иш хақи тўлаш учун ишлатилади.

10. Уюшма фаолияти натижасида пайдо бўладиган зиёнлар қуйидагилар ҳисобига копланди:

- суғўрта жамғармаси;

- суғўрта жамғармаси крпламаган қисмини катнашчилар шартнома-сининг кўшимча бадаллари.

11. Мазкур шартнома муддатга тузилган ва имзоланиши биланоқ кучга киради. Шартнома катнашчиларнинг келишуви бўйича ўзгартилиши, кўшимчалар киритилиши ва тухтатилиши мумкин.

12. Уюшма таъсисчиларининг имзолари сув истеъмолчилари турлари кўрсатилган ҳол 1—иловада берилган.

СИУнинг Таъсис шартномасига оид  
1-илова

**\_\_\_\_\_ Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси Таъсис шартномаси  
катнашчиларнинг ва уларнинг Устав жамғармасига бадаллар  
миқдоря Р Е Е С Т Р И**

СИУ аъзоларининг  
умумий йиғилишида  
«ТАСДИҚЛАНДИ»

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_й.

СИУ раиси \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., имзо, мухр)

Сувдан фойдаланувчилар номи	Сувдан фойдаланувчилар вакили Ф.И.О., лавозими	Суғориладиган майдон (га)	Сувдан фойдаланувчилар бадалларининг миқдори, минг сўм			Сувдан фойдаланувчи вакилининг имзоси
			Сув истеъмолчилининг тури	Умумий	Жумладан жорий	
1	2	3	4	5	6	7

**СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАСИ**

(номи)  
**НАМУНАВИЙ УСТАВИ**

Э с л а т м а: Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси рўйхатга олинган кундан бошлаб жорий бадаллар 10 кун ичида, калган бадаллар \_\_\_\_\_ ой ичида киритилади.

Қайд қилинди \_\_\_\_\_

(кайд қилинган жойи, куни)

(лавозими, ФИО. Имзо, мухр)

## Умумий қоидалар

1.1. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси – деб \_\_\_\_\_  
(номи)

номланади, келгусида Уюшма, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сугориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш, сувдан фойдаланиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг умумий манфаатларини давлат ҳамда бошқа идора ва ташкилотларда ифодаламоқ мақсадида Уюшмага кирувчи ердан фойдаланувчилар — Таъсисчилар мажлисининг қарорига асосан тузилади.

1.2. Уюшма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Таъсис шартномаси, ва мазкур Уставга биноан ўз аъзоларининг пул ва моддий бадаллар киритиши ҳисобига ўз-ўзини молиялаштириш асосида олиб боради.

1.3. Уюшма даромад олишни кўзламаган нотижорат ташкилот бўлиб тузилади. Уюшманинг даромадлари ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти ни ривожлантириш ва кенгайтириш учун сарф қилинади.

1.4. Уюшма ҳуқуқий ташкилот бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан рухсат этилган ҳуқуқий ташкилотнинг барча вазифа ва мажбуриятларини бажариш ҳуқуқига эга. Уюшма ўз номи битилган думалоқ муҳрига, тамга ва бланкаларига, банкларда ўз ҳисоб рақамига ҳамда холис мулккага эгадир.

Уюшманинг тўлиқ ва қисқа номи: тўлиқ номи сувдан фойдаланувчилар уюшмаси; қисқа номи \_\_\_\_\_ СИУ

\_\_\_\_\_ Уюшма манзили вилояти, \_\_\_\_\_ тумани, \_\_\_\_\_ кўрғони, \_\_\_\_\_ кўчаси, \_\_\_\_\_ уй.

## 2. Уюшманинг асосий вазифалари

2.1. Уюшма фаолиятига қуйидагилар киради:

- сув ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш;
- давлат сув хўжалик ташкилотларидан сувларни олиш ва уни Уюшма аъзолари ўртасида тақсимлаш;
- фермерлараро ва мелиоратив тармоқларни техник эксплуатация қилиш;
- сув ресурсларини бошқариш ва кенгайтириш учун ижтимоий ва хусусий молиявий ресурсларни жалб этиш.

2.2. Бу вазифаларни бажариш учун Уюшма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш ва тақсимлаш учун тизимий бўлим ва корхоналар барпо этиш;
- кўчар ва кўчмас мулкларни олиш, ижарага олиш, сотиб олиш, куриш ва барпо этиш ҳамда уларни баланс ҳисобидан чиқариш;
- ўзига тегишли бўлган мулкни юридик ва жисмоний шахсларга сотиш, алмаштириш, ижарага бериш, вақтинча фойдаланиб туришга тақдим этиш;

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни ҳамда хизматларни ўзи мустақил равишда белгилаган баҳо ва тарифлар бўйича, қонунчилик белгилаган ҳолларда эса, давлат томонидан белгиланган нарх-наво бўйича сотиш;

- банк ва бошқа кредитлардан фойдаланиш;
- пул маблағларини банклардаги ҳисоб рақамларида сақлаш, шунингдек барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит ва касса операцияларини амалга ошириш;
- молия ва солиқ идоралари томонидан белгиланган бухгалтерик ва статистик ҳисоботларни ҳамда ўз фаолиятининг ҳисоботини амалга ошириш.

### **3. Уюшма аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва вазифалари**

3.1 Уюшма аъзолари ҳуқуқий ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Ушбу шахслар Уюшма ҳудуди чегараларидаги кўчмас мулкнинг эгалари, ёхуд ижарага олувчилар, уларнинг хизматларидан фойдаланувчи бўлиши ҳамда Уюшмага бадалларни киритишлари лозим.

3.2. Уюшма ва унинг аъзоларининг ўзаро муносабатлари Уюшма томонидан уларга кўрсатиладиган хизматларни белгиловчи шартномалар асосида аниқланади. Шунингдек, Уюшма ўзига аъзо бўлмаган, лекин унинг ҳудудида жойлашиб хизматидан фойдаланаётган бошқа сувдан фойдаланувчилар билан ҳам шартнома тузиши мумкин.

3.3. Уюшма аъзолари ўзининг ҳуқуқий ва ҳўжалик мавқеини сақлайди, Уюшма мажбуриятлари учун жавобгар эмас, худди шунингдек Уюшма ўз аъзоларининг мажбуриятларига жавобгар эмасдир.

3.4. Уюшма аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Уюшма бошқарув органига сайлаш ва сайланиш;
- ўз манфаатларига тегишли бўлган масалалар муҳокамасида оғзаки ёки ёзма тарзда иштирок этиш;
- белгиланган муайян миқдордаги сув лимитини олиш, қўшимча сув ресурслари мавжудлигида эса биринчилар тарзида олиш;
- ўзининг сув ҳўжалик объектларида Уюшма ёрдамида ёки бошқа турлар билан ирригация-мелиорация хизмат кўрсатиш шакллари мустақил белгилаш;
- Уюшма бошқарув органи фаолияти тўғрисидаги ўз ижтимоий ва шахсий манфаатларини ифодаловчи маълумотларни олиш;
- Уюшма аъзолари учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш;
- Уюшма фаолияти ва хизматларига ўз эҳтиёжлари тўғрисида таклифларни киритиш;
- ўз буюртмалари бўйича бажарилган Уюшманинг пуллик хизматларининг ҳажми ва сифати устидан назорат олиб бориш;
- ушбу Уставда кўрсатилганидек, шартномада белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганда, ҳуқуқдари бузилганда Уюшма маъмуриятига мулкий даъво қилиш;
- Уюшма маъмуриятини олдиндан хабардор этган ҳолда, белгиланган лимитдаги сувнинг бир қисмидан хоҳлаган муҳлатда фойдаланмаслиги мумкин, бинобарин бу уларни пуллик ва моддий бадалларни тўлашдан озод этмайди.

3.5. Уюшма аъзоларининг мажбуриятлари:

белгиланган бадалларни ҳамда Уюшма хизматлари учун ҳақни ўз вақтида тўлаш;

- ушбу Устав қоидаларига, шартнома мажбуриятларига, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва ва фойдаланишни тартибга солувчи қонунчилик томонидан белгиланган талабномаларга риоя қилиш;

- сувларнинг ҳажми ва етказиб бериш муддатини, ирригация-мелиорация хизматларининг амалга оширилишини Уюшма билан олдиндан келишиб сшиш;

- белгиланган лимитдаги сувларни олиш ва сувлардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш;

- ўз балансида бўлган сув хўжалик объектларини ишга яроқди ҳолатда сақлаш;

- сув ўлчаш воситаларининг сақланишига жавобгар бўлиб, бордию, улар айби билан яроқсиз ҳолатга келса, келтирилган зарар ўрнини тиклаш ва таъмирлаш учун харажатларни қоплаш;

- фермерлараро ирригация-мелиорация тармоқларидан сув олиш учун кўшимча пунктлар, кўтарма ва тўсикларни қуришни Уюшма билан келишган ҳолда амалга ошириш.

3.6. Уюшманинг янги аъзоларини қабул қилиш номзод томонидан Уюшма раиси номига ёзма равишда ариза бериш йўли билан амалга оширилади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- номзоднинг анкета маълумотлари;

- кучмас мулк мавжудлигини тасдиқловчи маълумотлар.

Уюшма аъзолигига қабул қилиш қарори Уюшма Бошқаруви томонидан ҳал қилинади. Бордию, қабул қилинмаса, номзод умумий мажлисга муурожаат этиш ҳуқуқига эга. Умумий мажлис ҳам аризани рад этса, у ҳолда номзод қонунчиликка мувофиқтегишли чораларни кўриши мумкин.

3.7. Уюшмага аъзо бўлиш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- Уюшма аъзосининг ўз хоҳишига биноан;

- белгиланган олти ой муддатда бадаллар киритилмаганда ёки Уюшманинг хизмат ва ишларига ҳақтўланмаганда;

- Устав, шартнома ва сув қонунчилигига бир неча бор риоя қилинмай Уюшма ёки унинг айрим аъзоларига моддий зиён келтирганда;

- банкротлик қонунчилигига мувофиқ Уюшма аъзоси синди деб эълон қилинса;

- Уюшма томонидан хизмат кўрсатилаётган кўчмас мулк эгаси ўзгарганда.

Уюшма аъзолигининг тугатилиши Уюшма Бошқаруви томонидан ҳал қилинади. Уюшма Бошқаруви қароридан норози бўлганлар Уюшманинг умумий мажлисига шикоят қилишлари ёхуд қонунчиликка мувофиқ чора кўришлари мумкин.

3.8. Уюшма аъзолигидан чиққан шахслар қонунчиликка мувофиқ тўла ҳажмда ва белгиланган муддатларда хизмат ҳақларини тўлаб борсалар уларга сув бермаслик ва бошқа хизматларни кўрсатмаслик учун асос бўла олмайди.



3.9. Уюшма таркибидан чиққан аъзосига унинг таъсис бадаллари қайтарилади. Бунда у чиқаётган пайтдаги молиявий инфляция инобатга олинади. Бордию, собиқ аъзо Уюшма олдида қарздор бўлса, бунда таъсис бадалининг қиймати қарзларни қоплашда ҳисобга олинади. Қарзларнинг қолган қисми амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундириб олинади.

#### **4. Уюшманинг мажбурият ва ҳуқуқлари**

##### **4.1. Уюшманинг мажбуриятлари:**

- сувдан фойдаланишда белгиланган қоидаларга мувофиқ сув ресурсларининг муайян миқдорини Уюшма аъзолари ўртасида тақсимлаш;
- Уюшма аъзоларининг сугориладиган ерлардан дренаж ва оқава сувларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;
- олинadиган ва тақсимланадиган сув ресурсларининг ҳисобини олиб бориш;
- Уюшма аъзоси айби билан белгиланган маълум бир муддатда сув етказиб берилмаса, у ҳолда белгиланган лимит доирасида бошқа бир муддатда етказиб берилмаган сув қопланиши керак.

##### **4.2. Уюшма қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- ўз ихтиёридаги мавжуд сув ресурсларининг аввал белгиланган лимитли Уюшма аъзоларини олдиндан хабардор этган ҳолда оператив равишда ўзгартириш;
- Уюшма аъзолари томонидан маълум бир муддатга белгиланган лимитдан ортиқ сув олинса, у ҳолда кейинги бир бўлак муддатда бериладиган сув ҳажмини қисқартириш;
- Ушбу Устав ва шартнома мажбуриятларига риоя қилмаган Уюшма аъзоларига санкция ва жарималарни солиш мумкин.

#### **5. Уюшманинг бошқарув органлари**

##### **5.1. Уюшма бошқарув органи қуйидагилар ҳисобланади:**

- Уюшма аъзоларининг умумий мажлиси;
- Уюшма бошқаруви;
- Бошқарув раиси;
- Уюшманинг тафтиш комиссияси.

5.2. Умумий мажлис Уюшма бошқарувининг олий органи ҳисобланади. Умумий мажлисда Уюшманинг барча аъзолари бир овозга эга бўлган ҳолда иштирок этадилар. Уюшма аъзоси бўлмаган ва меҳнат шартномаси бўйича унда ишлаб келаётган шахслар умумий мажлисда маслаҳат овози билан иштирок этишлари мумкин.

##### **5.3. Умумий мажлис вазифаларига қуйидагилар қиради:**

- сув хўжалиги хизматларини кўрсатишда Уюшма Устави ва шартномаларини тасдиқлаш ҳамда уларга кўшимча ва ўзгаришлар киритиш;
  - Уюшма раисини, бошқарув аъзоларини ва тафтиш комиссиясини сайлаш;
  - Уюшма аъзолигига қабул қилиш, истисно қилиш, унинг сафидан чиқиш, шикоятларни кўриб чиқиш;
- ташкилий тузилмани, ёлланган ходимлар сонини, уларга тўланадиган иш ҳақи миқдорини ва тартибини тасдиқлаш;

- Уюшма аъзолари томонидан киритилаётган бадаллар миқдорини тасдиқлаш;
- Уюшманинг жорий ва истиқболдаги ишлар режасини, бюджета, уларни бажариш ҳисоботларини тасдиқлаш;
- Уюшма аъзоларига белгиланган сув лимитларини тасдиқлаш;
- Уюшма хизмати ва ишларига ҳақтўлаш тарифлари ва қийматини тасдиқлаш;
- ушбу Устав ва шартнома мажбуриятларини бузганлар учун жарима тури ва миқдорини тасдиқлаш;
- тафтиш комиссиясининг ҳисоботини кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш;
- Уюшмани кўшма ва бошқа корхоналар, ижтимоий бирлашмаларда иштирок этиш даражасини белгилайди.

5.4. Умумий мажлис Уюшма бошқарувининг қарори бўйича камида йилда бир маротаба, шунингдек Уюшма аъзоларининг тўртдан бир қисмининг талаби бўйича чақирилади. Бунда умумий мажлис йиғиладиган санадан етти кун олдин мажлис олиб бориладиган жой, санаси, соати ва кун тартиби ёзма равишда битилган таклифномалар юборади. Қачонки оддий овозлар сони кўпчиликни ташкил этса, мажлис ҳақиқий деб ҳисобланади.

5.5. Умумий мажлис очиқ овозлар бериш йўли билан олиб борилади. Яширин овозлар мажлисда иштирок этаётган аъзоларнинг учдан бир қисми талаб этгандагина олиб борилади. Умумий мажлиснинг қарорлари кучга кириши учун оддий овозлар кўпчиликни ташкил этиши керак. "Тарафдор" ва "қарши" овозлар сони тенг бўлган ҳолларда овозлар бошқатдан берилади. Агарда ушбу вазият яна такрорланса, Уюшма раиси ёки унинг ўринбосарининг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

5.6. Ҳар бир мажлисда, мажлис ўтказиш жойи, санаси, мажлис чақириғи тўғрисида маълумотномаларни жўнатиш вақлари, мажлис иштирокчилари тўғрисида маълумотлар, иштирок этмасликнинг (узрли, узрсиз) сабаблари, кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалалар, иштирокчиларнинг чиқишлари, ҳар бир масала бўйича қабул қилинган қарорларнинг қисқача баёни баённомада ёритилади. Баённома Мажлис раиси ва котиби томонидан имзоланади ва келгуси мажлисда тасдиқланиши лозим. Умумий мажлисга Уюшманинг ёлланма ишчилари ва бошқа шахслар таклиф қилинишлари мумкин.

5.7. Уюшма фаолияти, ҳамда жамоатчилик манфаатларини ифодаловчи Уюшма бошқаруви органлари қарорлари билан танипшокчи бўлган манфаатдор шахслар ўз ҳисобларидан ушбу қарорларнинг нухасини олишлари мумкин.

Умумий мажлис томонидан сайланган Уюшма бошқаруви органининг мансабдор шахслари мавқеи, улардан аввал сайланган бошқарув органи ўз ваколатларичи топширганларидан сўнг кучга киради. Уларнинг аъзолари эса қайта сайланишлари, яъни муддатларга тасдиқланишлари мумкин. Янги бошқарув органи сайланиб тасдиқлангунга қадар вазифаларни аввалги бошқарув органи амалга оширади. Ўз хохиши билан ишдан кетмоқчи

бўлганлар умумий мажлисга ёзма равишда ариза билан мурожаат этадилар. Берилган аризалар янги шахслар сайланганларидан кейин кучга киради.

5.9. \_\_\_\_\_ Уюшманинг ижроия органи бўлиб Уюшма аъзоларидан \_\_\_\_\_ киши уч йил муддатга сайланган Уюшма бошқарувчилари ҳисобланади. Уюшма бошқарувчилари вазифасига қуйидагилар киради:

- 5.3. бандда келтирилган масалалар бўйича умумий мажлисга таклифларни тайёрлаш;

- умумий мажлис қарорлари, ушбу Уставнинг қоидалари ҳамда конун томонидан белгилаб берилган сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва фойдаланишни тартибга солиш тўғрисидаги талабаларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш;

- ушбу Устав ва шартнома мажбуриятларига риоя қилмаган шахсларга санкция ва жарималар солиш;

- Уюшма аъзоларининг ўзаро тортишувларини уларнинг уюшмага бўлган эътирозларини кўриб чиқиш ва шу масалалар бўйича қарорлар чиқариш;

- шошилич вазиятларда умумий мажлис вазифасига кирувчи масалалар бўйича қарор қабул қилиш ва келгуси мажлисда уларни тасдиқлаш;

- умумий мажлисни чақиртириш ва унинг ўтказилишини ташкил этиш борасида қарор қабул қилиш;

- Уюшмага аъзо бўлиш, истисно қилиш ва сафидан чиқариш масалаларини кўриб чиқиш ҳамда қарорлар чиқариш;

- Бошқарув мажлиси камида ойида бир маротаба чақиртирилади, зарурият туғилганда эса Раис қарорига асосан чақиртирилади.

5.10. Бошқарув аъзолари жамоатчилик асосида ишлайдилар, аъзоларнинг иш ҳақи уларнинг Бошқарув фаолиятида иштирок этган ишлари билан боғлиқ бўлган харажатларига тўланади.

Бошқарув раислигига 18 ёшдан катта, Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлган шахслар сайланиши мумкин, ушбу шахе Уюшма аъзоси бўлиши шарт эмас. Раис лавозимига қуйидаги шахслар сайлана олмайдилар:

- Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлмаса;

- балоғат ёшига етмаган, ҳуқуқлари бўлмаган ва ишга лаёқатсизлар;

- охирги беш йил мобайнида банкротга учраганлар;

- жазога ҳукм этилганлар ва тергов остида бўлганлар;

- ўз муддатида тўланмаган ҳамда Уюшма олдида ундирилиши лозим бўлган қарзларга эга бўлганлар;

- Уюшма пул маблағларини олдин бошқарганлар ва эгаллаган лавозимига нолайиқ деб овоз этилганлар.

5.11. Раиснинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Уюшманинг ирригация-мелиорация тизимининг ишга тушишини ҳамда сув ресурсларини аъзолар ўртасида тақсимланишини ташкил қилади;

Ушбу Уставга мувофиқ Уюшма мулкни бошқаради, юридик ва жисмоний шахслар билан битим операцияларини амалга оширади, ишончномалар топширади, банкларда ҳисоб рақамларини ва бошқа ҳисобларни очади;

- Уюшмага ишчиларни ёллайди, иш лавозимларидан озод этади;
- Буйруқ ва фармойишларни чиқаради, пул маблағлари билан боғлиқ ҳисобот ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;
- Ушбу Устав ва шартнома мажбуриятларига риоя қилмаганлардан жарима ва бадалларнинг ундирилишини таъминлайди;
- Уюшма номидан фаолият юритиш ҳамда суд, ташкилот, корхона ва бошқа органлардаунинг вакили бўлиши мумкин.

5.12. \_\_\_\_\_ Тафтиш комиссияси раис ва аъзо таркибида уч йил муддатга сайланади ва унинг аъзолари янги муддатларга қайта сайланишлари мумкин.

Тафтиш комиссия вазифасига қуйидагилар киради:

- Уюшма иши устидан молиявий назорат олиб бориш;
- кассадаги ҳисобларни чорақда бир маротаба таҳлил қилиш ва текшириш;
- Уюшманинг молиявий фаолияти бўйича олиб борилган текширувлар ҳисоботини Умумий мажлис ва Бошқарувга такдим этиш.

5.13. Тафтиш комиссияси истаган пайтида молиявий текширувни амалга ошириши мумкин ва бу ҳақда Бошқарувни хабардор этади. Бордию, Уюшма фаолиятида жиддий молиявий қрнунбузарликлар аниқланса, Тафтиш комиссияси Бошқарувдан навбатдан ташқари Умумий мажлисни чақиртиришни сўраши шарт.

5.14. Тафтиш комиссиясининг қарори оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади. Қарордан қоникмаганлар ўз фикрларини баённомада баён қилишлари мумкин.

Тафтиш комиссияси аъзоларининг меҳнат ҳақлари миқдорини Умумий мажлис белгилайди. Агарда, Тафтиш комиссияси аъзолари узрсиз сабаблар билан икки кенгашда иштирок этмаса, Тафтиш комиссияси раисининг қарори билан аъзоликдан четлатилади. Бордию, бошқа сабабларга кўра Тафтиш комиссия аъзосининг фаолияти тўхтатилса, Умумий мажлис навбатдаги кенгашида кўшимча сайловларни амалга оширади.

6. Уюшма бюджетининг ташкил топиши ва сарфланиши.

6.1. Уюшма мулки қуйидагилардан ташкил топади:

- Уюшма бошқарувига бериладиган асосий фонд ва бошқа қиммат-баҳо ашёлар;
  - Уюшма эгалик қиладиган мулк.
- Уюшма бюджетный ташкил қилувчи омиллар қуйидагилардир:
- Уюшма аъзоларининг пуллик ва моддий бадаллари;
  - хўжалик фаолиятининг иши ва хизматларидан олинган даромадлар;
  - банклар ва бошқа кредиторларнинг кредитлари;
  - қонун тарафидан ман этилмаган ўзга манбалар.

Уюшма ўз бюджетный мустақил равишда ташкил этади ва сарфлайди, шунингдек ўз аъзоларининг даромадларини кўтариш ва хизматларига бўлган эҳтиёжларини инобатга олиб ривожланиш истиқболини белгилайди.

6.2. Уюшманинг молиявий йили календар йилига тўғри келади. Ишлаб чиқариш режаси ва бюджети ўтган йилнинг ноябридан кечикмай

тасдикланади, улар бўйича ҳисоботлар эса кейинги йилнинг биринчи чораги давомида тасдиқланади.

6.3. Бадал ва муайян лимитларни тақсимлаш учун ўз аъзоларининг ер кадастрини тузади. Уюшма аъзолари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида кадастрга хар йили (зарур бўлса) ўзгартиришлар киритилади.

6.4. Уюшма аъзолари томонидан киртилган бадаллар жорий ишларга ва ривожланишга ажратилади. Жорий бадаллар Уюшманинг фермерлараро ирригацион тармоқларини таъминлаш ва таъмирлашга тўланади. Ривожланиш бадаллари суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ва сув таъминотини яхшилашга йўналтирилган дастўрни амалга ошириш, янги ерларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш харажатларини камайтиришга йўналтирилади.

Ривожланиш бадаллари, хар бир Уюшма аъзоларига дастўрни амалга оширишдан тушган фойдалар ҳисобидан пропорционал миқдорда тақсимланади.

Уюшма аъзоларининг сув хўжалик объектларига ирригация-мелиорация хизмати кўрсатиш бўйича Уюшма хизматлари учун ҳақ тўлаш миқдори, тартиби ва муддатлари хар бир Уюшма аъзолари билан алоҳида тузилган шартнома асосида белгиланади.

6.5. Уюшма иши ҳамда хизматларининг киймати ва тарифлари қонунчилик томонидан белгиланган бўлмаса, Умумий мажлис томонидан уларни тўлаш тартиби ва муддатлари белгиланади.

6.6. Уюшма аъзоларига санкция ва жарималар қуйидаги ҳолларда белгиланади:

- рухсатсиз белгиланган лимитдаги сувдан ортиқ олинганда;
- Уюшма билан келишмаган ҳолда хўжаликни ирригация—мелиорация тармоқларида кўтарма ва тўсикдарни ўрнатганда;
- фермерлараро ирригация—мелиорация тармоқларидаги сув улчайдиган иншоот ва воситалар ишдан чиққанда;
- Уюшма олдида мазкур Устав қоидалари ва шартнома мажбуриятларининг қоидалари бузилганда;
- Уюшмага бадаллар ҳамда унинг иш ва хизматларининг ҳақи ўз вақтида киритилмаса, санкция шакли ва жарималар миқдорини Умумий мажлис белгилайди.

6.7. Уюшма харажатлари, Уюшма бюджети Умумий мажлис томонидан тасдиқланганига мувофиқтақсимланиши лозим. Йил давомида бюджетнинг даромадлар қисмига тушумлар тушишига қараб, Бошқарув уларни тартибга солиб Умумий мажлисда тасдиқлайди.

**7. Уюшма ишчиларининг меҳнатларини ташкил қилиш ва меҳнат ҳақларини тўлаш.**

7.1. Уюшманинг меҳнат жамоасини, меҳнат шартномаси асосида ўз меҳнатлари билан унинг фаолиятида иштирок этаётган барча аъзолари ташкил қилади.

7.2. Ишчиларни ишга қабул қилиш ва озод этиш мазкур Устав ва амалдаги

қонунчилик асосида амалга оширилади. Уюшма ўз ишчиларига қонун томонидан кафолатланган минимал миқдордаги иш ҳақини, меҳнат шароитини, ҳамда ижтимоий муҳофазани таъминлайди. Уюшма даромадлари ҳисобига тўланадиган кўшимча меҳнатхақлари, унинг тайинланиши ва тартиб-қоидалари Умумий мажлис томонидан белгиланади.

7.3. Иш кунининг тартиби ва давомийлиги, таътил ва дам олиш кунларини бериш тартиблари, сменалаб ишлашлар амалдаги Меҳнат кодексига мувофиқ Бошқарув томонидан белгиланади.

### **8. Уюшмани тугатиш ва қайта ташкил қилиш.**

8.1. Уюшмани тугатиш ва қайта ташкил қилиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

а) қарор чиқариш ҳуқуқига эга бўлган қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳукумат органларининг қарорлари бўйича;

б) суд иши Уюшмани банкрот деб эълон қилган ҳолларда;

в) Уюшма Умумий мажлисининг қарори билан.

8.2. Уюшмани тугатиш ва қайта ташкил қилиш 8.1-бандининг а) ва б) бўлимларига асосан бўлса, у амалдаги қонунчиликка ёки қабул қилинн қарорга мувофиқ амалга оширилади.

8.3. 8.1-банднинг в) бўлими бўйича Уюшмани тугатиш ва қайта ташкил қилиш тўғрисидаги қарори Умумий мажлиснинг учдан икки қисмининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. *Бунда* Уюшма аъзолари умумий сонининг бешдан тўрт қисми иштирок этиши шарт.

Тугатиш комиссияси Умумий мажлис томонидан сайланади ва унинг қарори амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

## **6. СИУ НИНГ СУВ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ИРРИГАЦИЯ МЕЛИОРАЦИЯ СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР ТАВАСИЯЛАР**

Сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари ва сувдан фойдаланувчилар Уюшмаси (СИУ) хўжалик юриштишнинг мустақил субъектлари бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ўзаро муносабатлари маъмурий характерни эмас, балки иқтисодий ишлаб чиқариш характерини олға суради. Бундай муносабатлар амалдаги қонунчиликка ҳамда хўжаликни бошқариш тажрибасига мувофиқ, ёзма равишдаги мажбурият шартномаларини тузиш йўли билан амалга оширилади. Шу сабабли сув хўжалик ташкилотлари билан СИУнинг ўзаро муносабатлари ва турли сув хўжалик хизматларини кўрсатишга дойр шартномалар ёзма равишда расмийлаштирилиши лозим.

СИУ сув хўжалиги хизматларини кўрсатишга дойр шартномаларни, баъзи масалалар нуқтаи назаридан Район туман кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан тузиши мақсадга мувофиқдир. Чунончи:

- Туман кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси СИУ нинг суғориш сувларига бўлган асосий эҳтиёжларини бевосита етказиб беришни амалга оширади;

- Туман кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси СИУ ҳамда ўзга сув

хўжалик фойдаланиш ташкилотларига сув хўжалик хизматларини кўрсатишга дойр барча масалаларни оператив равишда, кам харажатлар билан ҳал қилиш имкониятига эга.

Шартнома мазмунида қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

- томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- кўрсатилаётган сув хўжалиги хизматининг сифати ва сув ҳисоботининг тартиби;
- кўрсатилаётган сув хўжалиги хизматлари учун молиявий ҳисобкитоблар тартиби;
- шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда санкция ва жарималар;
- шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда томонларнинг мулкый жавобгарлиги;
- томонларнинг ўзаро келишмовчиликларини ҳал қилиш тартиби;
- шартнома муносабатларини тутатиш ва узайтириш тартиби.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, шунингдек сув хўжалик эксплуатация ташкилотлари ва сувдан фойдаланувчиларнинг ўзаро муносабатларининг хусусиятларини ва уларни келажакда ўзгартиришни инобатга олиб, сув хўжалиги хизматларини кўрсатишга доир намунавий шартноманинг иккита варианты таклиф қилинади:

- сувдан бепул фойдаланиш;
- сувдан пуллик фойдаланиш.

Намунавий шартномалар мажбурий норматив ҳужжат бўлиб эмас, балки тавсия этилаётган ҳужжат қаторига киради.

Шартномага ўзгартиришлар, тўлдиришлар киритиш, хаттоки муайян жойлардаги табиат шароитларига қараб баъзи қоидаларни чиқариб ташлаш мумкин. Булар хусусан туман кишлок ва сув хўжалиги бошқармасини СИУ сув хўжалик объектларидаги ирригация-мелиорация хизматларига тегишлидир. Айни пайтда уларнинг кўпчилиги зарур қурилиш-таъмирлаш кучларига эга эмаслар ва шунинг учун зарур ишларни бажара олмайдилар.

Уларни таъмирлаш учун СИУ қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари-ни воситачи сифатида жалб қилиши мақсадга мувофиқ эмасдир, чунки булар СИУ учун қўшимча харажатларини келтириб чиқаради.

Бундай ҳолларда СИУ қурилиш-таъмирлаш ишлар бўйича Район кишлок ва сув хўжалиги бошқармаси воситасисиз бошқа тузилмаларни жалб қилиши мақсадга мувофиқдир.

СИУ хизматлари учун ҳақтўлаш тарифлари билан боғлиқ масалалар бўйича, бизнинг нуқтаи назаримизда, қатор мунозаралар пайдо бўлмоқда. Таклифлар турлича: етказиб келтирилган сув учун, суғориладиган ерлар майдони учун, ҳамда униси ва буниси учун (биргаликда). Биз одилон равишда охириги вариантни таклиф қиламиз. Иш жараёнида, ҳар бир конкрет ҳолларда СИУ тарифларни шундай кўллаши лозимки, бунда ирригация-мелиорация тармоқларининг техник даражаси, фермерларнинг иқтисодий ахволи, ҳамда СИУ таъминланишига дойр зарур харажатлар инобатга олиниши лозим.

Шартномаларда, шунингдек иқтисодий санкциялар миқдори белги-ланмаган

(жарималар, пеня ва бошқалар). Бизнинг нуктаи назаримизда булар директив тартибда эмас, балки СИУ аъзолари томонидан белгила-ниши лозим.

**Ирригация мелиорация хизматини кўрсатиш ва сув етказиб бериш  
бўйича СИУ ва туман сув хўжалиги ташкилоти ўртасидаги  
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА**

20 й.

\_\_\_\_\_вилоятининг

\_\_\_\_\_тумани,

Қишлоқ ва сув хўжалиги Бошқармаси. қуйида "Таъминотчи" деб номланмиш \_\_\_\_\_НО

мидан

(лавозими. Ф И. О.)

амалдаги туман қишлоқ ва сув хўжалиги тўғрисидаги Низом асосида, бир томондан, ва сувдан фойдаланувчилар уюшаси \_\_\_\_\_

(н о м и)

қуйида "Истеъмолчи" деб номлануччи \_\_\_\_\_

(лавозими, Ф И О )

номидан сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг амалдаги Устави асосида, иккинчи томондан, сувни бериш ва ирригация-мелиорация хизматини кўрсатиш учун қуйидаги шартларга асосан ушбу шартномани туздилар.

1. Таъминотчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1.1. Таъминотчининг мажбуриятлари: \_\_\_\_\_

- Ушбу шартноманинг 1 -иловасига мувофиқ сувни бериш жадвали бўйича тайинланган лимитга асосан Истеъмолчига сув берилишини қуйидаги хўжалик шохобчалари бўйича таъминлаш \_\_\_\_\_  
(хўжалик идорасининг номи)

- Истеъмолчининг буюртмаси бўйича унга белгиланган лимит чегарасида хўжалик шохобчаси бўйича сув бериш вақти ва ҳажмини таксимлаш;

- Истеъмолчига Таъминотчининг айби билан белгиланган муддатда сув берилмаса, уни бошқа бир оралиқ муддатда белгиланган лимит чегарасида қоплаш;

- сув ресурси манбаси камайган лойиха сув хўжалиги тизимидан умумий сув таъминотига мутаносиб узгаришда Истеъмолчига лимитдаги сув беришни ўзгартириш;

- кушимча сув мянбалари бўлса Истеъмолчи билан олдиндан келишиб уларга етказиб бериш;

- Истеъмолчининг вакили иштирокида хўжалик шохобчаларидан олинган сув ҳажмини ўлчашни амалга ошириш:

- Истеъмолчини хўжалик шохобчаларидаги сувни ҳисобга олиш воситалари билан таъминлаш, уларни аттестациядан ўтказиб ва мунтазам равишда текширувни ўз вақтида ўтказиш;

Истеъмолчининг сугориладиган ерларидаи чиқадиган қувур запайнов



сувларини хўжаликлараро коллекторлар ердамида чиқариб ташлашни таъминлаш;

- ушбу шартноманинг 1-иловасига асосан Истеъмолчи сугорма ерларининг мелиоратив ҳолати мониторинги ва сув хўжалик объектларига ирригация-мелиорация хизматларини кўрсатишни амалга ошириш.

#### 1.2. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

- сув хўжалиги тизимидаги мавжуд сув ресурсларига ва йиллик ёғин миқдорига қараб, кечикмасдан (5 кун атрофида), зарур ҳолларда Истеъмолчи билан келишиб ва унга олдиндан хабар қилган ҳолда белгиланган лимитларни ўзгартириш;

- Истеъмолчининг айби бўйича маълум бир муддатда белгиланган лимитдан ортиқча сув ишлатилса, бошқа бўлак муддатда сувни мувофиқ равишда қисқартириш;

- сув хўжалиги тизимида сув ресурслари танқис бўлган ҳолларда сувдан фойдаланувчиларга сувни навбатма-навбат бериш тартибини қўллаш;

- агарда шартлашилган муддатда Истеъмолчининг вакили қатнашмаса, сув беришни биртомонлама, мунозарасиз ўлчаш;

### 2. Истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 2.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- белгиланган лимитдаги сувни олишга, кўшимча сув ресурслари борлигида эса — уларни устивор олиш;

- Таъминотчи томонидан кўрсатиладиган сув, иш ва хизматларга ўз эҳтиёжлари тўғрисида таклифлар бериш;

- ўзига белгиланган лимит билан амадаги сув берилиши мувофиқлигини назорат қилиш;

- Таъминотчидан ўз хўжалик шохобчаларидаги сувни ҳисобга олиш воситаларини навбатдан ташқари текшириш ишларини ўтказишни талаб қилиш, уни ўтказишга кетган харажатларни тўлаб, техник талабларга мувофиқ бўлмаган ҳолларда эса - ўзгартириш ёки зарур таъмирлаш ишларини ўтказиш;

- Истеъмолчининг буюртмалари бўйича бажариладиган таъминотчининг пуллик ишларини, хизматларининг сифат ва ҳажмини назорат қилиш;

- Таъминотчига олдиндан (камида 5 кун ичида) хабар бериб сув бериш белгиланган лимитининг бир қисмидан воз кечиш;

- шартнома ва бошқа мажбурият қоидаларини бузганлиги учун Таъминотчига нисбатан мулкӣ даъво қилиш.

#### 2.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- ўзига белгиланган сув бериш лимитига риоя қилиш;

- ўзининг балансида турган сув хўжалик объектларининг ишга ярокли ҳолатда туришини таъминлаш;

ушбу шартномада белгиланган иш ва хизматларга ўз вақтида ҳақ тўлаш;

- Таъминотчига сувни бериш муддати, ҳажми, иш ва хизматларга бўлган ўз эҳтиёжлари тўғрисидаги буюртмани ўз вақтида такдим қилиш;

- уз хўжалик шохобчаларидаги сув ўлчаш воситаларининг бутлигига жавобгар бўлиш;

- сувга бўлган эҳтиёж ўзгарса ёки рад этилса, кечиктирмасдан (5 кун камида) таъминотчига хабар бериш;

- хўжаликлараро суғориш ва коллектор тармоқларида кўшимча сув тўсиқлари, кўтармаларни ўрнатишни Таъминотчи билан келишилган ҳолдагина амалга ошириш;

- олдиндан келишилган муддатда хўжалик шохобчаларида сувни ўлчаш ишларини олиб боришда ўз вакили иштирокини таъминлаш;

- келишилган кўрсаткич ва шакллар бўйича ер-сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича Таъминотчига маълумотларни такдим қилиш.

### **3. Ахдлашаётган томонларнинг ўзаро муносабатлари.**

3.1. Истеъмолчининг хўжалик шохобчаларига сувнинг келиш ҳисобини ахдлашаётган томонларнинг вакиллари ҳар куни амалга оширади. Ахдлашаётган томонларнинг бири бўлмаса, бир томонлама сувни ўлчаш ишлари амалга оширилади, унинг натижалари шубҳасиз ҳисобланади.

3.2. Истеъмолчига қуйидаги ҳолларда жарима қўлланилади:

- Истеъмолчининг айби бўйича белгиланган лимитдан ортиқ сув олинса;

- ўзбошимчалик билан (рўйхатга олинмаган) исталган сув ресурслари манбаларидан сув олинса;

- хўжаликлараро суғориш ва коллектор тармоқларидаги сувни ҳисобга олиш иншоотларини бузса;

- Таъминотчининг иш ва хизматларига уз вақтида ҳақ тўланмаса.

3.3. Истеъмолчининг айби бўйича, ўзбошимчалик билан белгиланган лимитдан ортиқсув олинган ҳолларда, амалдаги қонунга мувофиқ унга жарима солинади. Риоя қилмаганлик факти бўйича Истеъмолчининг вакили таклиф қилиниб, Таъминотчи вакили томонидан тегишли далолатнома расмийлаштирилади. Агарда Истеъмолчининг вакили келмаса ёки рад этса, юридик кучга эга бўлган бир томонлама далолатнома тузилади. Лимитдан ортиқ ёки ўзбошимчалик билан сув олиш факти охириги риоя қилмаганлик онидан бошлаб белгиланади. Таъминотчи билан лимитдан ортиқсув олишга келишиб олинса, жарима солинмайди.

3.4. Авария, табиий офатлар ва сув ресурсларининг танқислиги сабаблари бўйича Истеъмолчига белгиланган лимитдан кам сув берилса, Таъминотчи мулкий жавобгар бўлмайди, етказилган зарар суғўрта ташкилотлари томонидан копланadi.

3.5. Хўжаликлараро суғориш ва коллектор тармоқларида кўтарма ва тўсиқ мосламалари ўрнатилган, каналдаги дамбалар тешилган, улчов во ситалари ва иншоотлар бузилган ҳолларда Истеъмолчи ўз ҳисобидан тузатади ёки Таъминотчига етказилган зиён миқдорига тенг бўлган товон пулини тўлайди.

3.6. Истеъмолчининг лимитдаги сувни қайта тақсимлаш ёки ўзгартириш тўғрисидаги буюртмаси ўзгариш лозим бўлган муддатдан камида 5 кун олдин қабул қилинади. Кўрсатилган муддатдан кечиктириб берилган буюртманинг ижросига кафолат берилмайди.

3.7. Истеъмолчининг сув хўжалиги объектларига ирригация-мелиорация хизматларини кўрсатиш бўйича Таъминотчининг иш ва хизмат ҳақини тўлаш,

тугатиш ва хизматлар (каналларни тозалаш, нов ва иншоотларни таъмирлаш, текислаш ва бошқалар) турлари қабул қилиб олинганидан кейин амалга оширилади, умумий қийматдан фоиз миқдорида аванс берилади.

3.8. Истеъмолчининг айби бўйича ирригация-мелиорация ишларини олиб бориш учун Таъминотчига шароитлар яратиш берилмаган ҳолларда, айбдор ҳар бир кечикқан кун учун шу муддатга режалаштирилган ишнинг умумий қийматидан \_\_\_\_\_ фоиз миқдорида жарима тўлайди.

3.9. Таъминотчининг айби бўйича ирригация-мелиорация хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ҳолларда, у ҳар бир кечикқан кун учун шу муддатга режалаштирилган ишнинг умумий қийматидан \_\_\_\_\_ фоиз миқдорида жарима ҳақини тўлайди.

3.10. Истеъмолчи томонидан ирригация-мелиорация хизматини кўрсатиш бўйича жарима, иш ва хизмат ҳақларини тўлаш муддати кечикқан ҳолларда, ундан ҳар бир кечикқан кун учун тўланмаган сумманинг \_\_\_\_\_ фоиз миқдорда пеня ундирилади.

#### 4. Қўшимча шартлар.

4.1. Ушбу шартноманинг амалдаги муддати уч йил: 200\_\_\_\_йил "\_\_\_\_" \_\_\_\_\_дан 200\_\_\_\_йил "\_\_\_\_" \_\_\_\_\_гача қилиб белгиланади.

Томонларнинг розилиги бўйича шартнома бекор қилиниши ёки кейинги йилгача муддати узайтирилиши мумкин. Бунинг учун таклиф киритилаётган томон иккинчи томонига шартнома муддатини бекор қилиши ёки узайтириши тўғрисида бир ой олдиндан хабар бериши керак.

4.2. Шартномани тўхтатиш, бекор қилиш, бир томонлама ўзгартириш ва унинг бошқа шартларини асоссиз бажаришдан воз кечиш ҳолларида, айбдор томон ушбу шартноманинг кўзда тутилган жарималаридан ташқари бошқа томонга бой берилган фойда ва келтирилган зиёнларни қоплайди.

4.3. Шартномадаги мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаган ҳолларда айбдор томон бошқа томонга бой берилган фойда ва келтирилган зиёнларни қоплайди. Шартнома мажбуриятлари томонларнинг ўзаро келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

Ушбу шартнома бўйича пайдо бўладиган барча мунозаралар томонларнинг ўзаро келишуви бўйича, ҳакамлар судида ҳал этилади, агарда томонлар муросага келолмасалар Таъминотчининг жойлашган жойи бўйича амалдаги қонунчиликка мувофиқ судлов тартибида ҳал қилинади.

4.5. Ушбу шартномага Таъминотчи Истеъмолчига навбатдаги муддатга тақдим қиладиган иш ва хизматлар қийматининг рўйхати илова қилинади (1-илова), у ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади ва ҳар йили янгиланган турилади.

Томонларнинг банкдаги ҳисоб рақамлари ва ҳуқуқий манзиллари:

Таъминотчи

Истеъмолчи

\_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О)

\_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О)

\_\_\_\_\_  
(имзо)  
М.Ў.

\_\_\_\_\_  
(имзо)  
М.Ў.

**1. Кўрсатиладиган иш ва хизматларнинг рўйхати:**

т/р	Иш ва хизматларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Ижро муддати					Смета киймати (минг сўм)
			январь	февраль		ноябрь	декабрь	
1.	Истеъмолчининг чегарасида сув бериш	л/с, минг м <sup>3</sup>						
2.	Суғориш каналларини тозалаш	км, минг м <sup>3</sup>						
3.	Зовур тармоқларини тозалаш	км, минг м <sup>3</sup>						
4.	Каналдаги дамбаларни таъмирлаш	км, м <sup>3</sup>						
5.	Канал копламаларини каналларни таъмирлаш	км, м <sup>1</sup>						
6.	Новларни таъмирлаш	дона						
7.	Новларни алмаштириш	дона						
8.	Гидроиншоотларни таъмирлаш	дона						
9.	Ер сиртини режалаштириш текис-лаш	га.						
10.	Сизот сувларнинг сатҳини аниқлаш	нуёта дона						
11.	Сизот сувлар минерализациясини аниқлаш	проб, дона						
12.	Ерларни шўрланганлигини аниқлаш	проб, дона						
13.	Насосларни таъмирлаш	дона						
14.	<b>Бошқа иш ва хизматлар</b>							

2. Иш ва хизматларга ҳақтўлаш шартлари  
 а) ягона баҳолар асосида смета қиймати ҳисобланган

---

(арга далил)

б) иш ва хизматлар қийматига таъсир этувчи омиллар (ёнилғи, электроэнергия, моддий-техникавий ресурслар ва ўзгарган ҳолларда баҳолар мувофиқ равишда ўзгартирилади.

в) иш ва хизматларнинг айрим турлари бажариб бўлингандан кейин олдиндан уларнинг умумий қийматидан фоиз миқдорида аванс тўланади.

**Пуллик сув хўжалик иш ва хизматларини кўрсатиш бўйича  
 Намунавий шартнома**

200 й.

" " "

\_\_\_\_\_ тумани Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, қуйида  
 "Пудратчи" деб номланади, \_\_\_\_\_

(лавозими, И.Ф.О.)

номидан амалдаги Устав асосида, бир томондан, ва сувдан фойдаланувчилар  
 Уюшмаси \_\_\_\_\_, қуйида \_\_\_\_\_

---

(номи)

"Буюртмачи" деб номланади, \_\_\_\_\_  
 (лавозими, И.Ф.О.)

номидан амалдаги Устав асосида, иккинчи томондан, пулли сув хўжалик иш  
 ва хизматларини кўрсатиш учун ушбу шартномани туздилар.

1. Пудратчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

1.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартноманинг 1 — иловасига асосан сувни бериш жадвали тайинланган лимитга мувофиқ Буюртмачига сув берилишини қуйидаги хўжалик шохобчалари бўйича таъминлаш.

---

(хўжалик шохобчасининг номи)

- Буюртмачининг буюртмаси бўйича унга тайинланган лимитга миқдор чегарасида хўжалик шохобчаси бўйича сув бериш ҳажмини ва вақтини тақсимлаш;

- Буюртмачи ва унинг вакили йштирокида сув келишини ҳисобга олишни амалга ошириш;

- Буюртмачига лимит чегарасида маълум бир оралик, муддатда сув берилмаса, уни бошқа бўлак муддатда қоплаш;

- Буюртмачининг хўжалик шохобчаларини сув ўлчаш воситалари билан жиҳозлаш, уларнинг техник ҳолатини назорат қилиб, мунтазам равишда текширув ўтказиш;

- Буюртмачининг суғориладиган ерларидан зовур ва пайнов сувларни чиқдрий ташлашни таъминлаш;

- Мазкур шартноманинг 1-иловасига асосан Буюртмачи суғорма ерларининг мелиоратив ҳолати мониторинги ва сув хўжалик объектларига ирригация-мелиорация хизматларини кўрсатишни амалга ошириш.

#### 1.2. Пудратчининг ҳуқуқлари:

- сув хўжалиги тизимидаги мавжуд сув ресурслар ҳажми ва йиллик ёғин миқдорига қараб, Буюртмачига (5 кундан) кечикмасдан хабар қилиб, зарур ҳолларда у билан келишиб сув олиш лимитини мувофиқ равишда тезкор ўзгартириш;

- Буюртмачининг айби билан белгиланган лимитдан маълум бир муддат оралиғида сув ортиқча ишлатилса, бошқа бўлак муддатда сувни мувофиқ равишда қисқартириш;

- сув хўжалиги тизимида сув ресурслари танқис бўлган ҳолларда сувдан фойдаланувчиларга сувни навбатма-навбат бериш тартибини кўллаш;

- агарда шартлашилган муддатга Буюртмачининг вакили келмаса сув беришни бир томонлама шубҳасиз ўлчаш.

### 2. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- белгиланган лимитдаги сувни иолиш, қўшимча сув ресурслари борлигида эса уларни устивор олиш;

- ўзига белгиланган лимитдаги ва амалда берилган сувнинг мувофиқлигини назорат қилиш;

- Пудратчи томонидан ўзининг сув хўжалик объектларига устивор ирригация-мелиорация хизматларини кўрсатилиши;

- Пудратчининг иш ва хизматларига бўлган ўз эҳтиёжлари тўғрисидаги таклифларни бериш;

- ўзининг талаблари бўйича Пудратчи бажарган пуллик иш ва хизматларнинг сифати ва ҳажмини назорат қилиш;

- шартнома ва бошқа мажбуриятларни бажармаган ҳолда Пудратчига мулки даъво қилиш.

#### 2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- белгиланган сув олиш лимитига риоя қилиш;

- мазкур шартномада белгиланганидек, Пудратчининг иш ва хизмат ҳақларини ўз вақтида тўлиқ тўлаш;

- ўзининг балансида турган сув хўжалиги объектларини соз ҳолатда туришини таъминлаш;

- сув хўжалик тизимида ирригация-мелиорация хизматларини кўрсатиш ва бошқа ишларни бажариш, сувни бериш муддати ва ҳажмини Пудратчи билан олдиндан келишиб олиш;

- сувга бўлган эҳтиёж ўзгарса ёки маълум муддатда сув олиш рад этилса (5 кундан) кечиктирмасдан Пудратчига хабар бериш;

- ўз хўжалик шохобчаларида сув ўлчаш воситалари ва иншоотларининг бутлигига жавобгар бўлиш;

- хўжалик ирригация-мелиорация тармоқларида қўшимча сув тўсиқлари, кўгармалари ўрнатишни Пудратчи билан келишилган ҳолдагина амалга ошириш;

- келишилган кўрсаткич ва шакллар бўйича ер-сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича Буюртмачига маълумотлар бериш.

### **3. Молиявий ҳисоблар тартиби**

3.1. Ирригация-мелиорация ва сувни етказиб бериш бўйича хизматлар учун ҳисоб-китоб Пудратчига қуйидаги тарифлар бўйича амалга оширилади: 1 м<sup>3</sup> сув учун асосий, қўшимча, жаримали ва гектар бўйича. Белгиланган лимит чегарасида амалда олинган сув ҳажми учун асосий тариф, қўшимча тариф эса - Пудратчида ортиқча сув ресурслари борлигида ва Буюртмачининг буюртмасига мувофиқ белгиланган лимитдан ортиқ сувнинг амалдаги ҳажмига ҳақ тўлада қўлланилади. Жарима тарифи эса Буюртмачининг айби бўйича сув ҳажмини ўз бошимчалик билан лимитдан ортиқ ишлатилганда қўлланилади.

гектар бўйича тариф зовур тармоғи бор бўлган, ерни амалий майдонидан келиб чиқиб, суғориладиган ерларга мелиорация хизматлари кўрсатилгандаги ҳақни тўлашда қўлланилади.

3.2. \_\_\_\_\_ Кейинги йилнинг "        "        гача Буюртмачи Пудратчига

ушбу шартноманинг 1-иловасига мувофиқ сугориладиган ерларга мелиорация хизмати ва сувни бериш бўйича хизмат қийматидан 25 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Юқорида қайд этилган хизматлар учун сувни олиш-бериш далолатномаси асосида ҳар ой ҳақ тўланади. Пудратчи томонидан тақдим этилган сув ҳажми Буюртмачи билан келишилмаса, унга ҳақ тўланмайди.

3.3. \_\_\_\_\_ Буюртмачи сув хўжалик объектларига ирригация-мелиорация хизмати бўйича Пудратчига алоҳида тугатилган ишларга мувофиқ далолатномалар асосида уларнинг қийматидан фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди.

### **4. Ахдлашаётган томонларнинг мулкий ўзаро муносабатлари.**

4.1. Буюртмачининг хўжалик шохобчаларида сувни ҳисобга олиш тартиби ҳар куни Пудратчининг вакили томонидан Буюртмачининг вакили иштирокида амалга оширилади ва махсус "Сувни ҳисобга олиш журнали"га ёзилади, тақвим ойнинг охирида эса "Сувни бериш-олиш далолатномаси" расмийлаштирилади. Сув ўлчовининг тўғрилиги тўғрисида иккала томоннинг даъволари 10 кун ичида кўриб чиқилади ва метрологик хизмат экспертлари жалб қилинган ҳолда ҳал этилади, уларнинг хизмат ҳақини айбдор томон тўлайди.

4.2. Буюртмачининг сув шохобчалари бўйича лимитдаги сувни қайта тақсимлаш ёки ўзгартириш тўғрисидаги буюртмаси ўзгартириш муддатидан камида 5 кундан олдин қабул қилинади. Кўрсатилган муддатдан кечиктирилиб берилган буюртманинг ижросига Пудратчи кафолат бермайди.

4.3. Жарималар қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

- Буюртмачининг айби бўйича белгиланган лимитдан ортиқ сув олинса;
- Пудратчининг айби бўйича Буюртмачига лимитдан кам сув берилса;
- исталган манбалардан сув ресурслари ўзбошимчалик билан олинса;

- Пудратчи билан келишилмаган ҳолда хўжаликлараро мелиоратив тармоқларида кўтарма ва тўсиқлар мосламаси урнатилса;

- хўжаликлараро ирригация-мелиорация тармоқларида сувни ҳисобга олиш воситалари ва иншоотлари бузилса;

- Пудратчининг иш ва хизматларига ўз вақтида ҳақтўланмаса;

- томонларнинг шартнома мажбуриятларидаги бошқа қоидалари бузилса.

Буюртмачининг айби бўйича белгиланган лимитдан ортиқ сувни олинса, унга лимитдан ортиқ олинган ҳар бир метр куб сувга жарима тарифи бўйича жарима солинади. Риоя қилмаганлик факти бўйича Буюртмачининг вакили таклиф қилиниб Пудратчининг вакили томонидан тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади. Агарда Буюртмачининг вакили келмаса ёки рад этса, ҳуқуқий кучга эга бўлган бир томонлама далолатнома тузилади. Пудратчи билан лимитдан ортиқ сувни олиш келишиб олинса, жарима солинмайди.

Пудратчининг айби бўйича лимитдан кам сув берилса, у сув ҳажми лимитдан кам метр куб учун жарима тарифи бўйича Буюртмачининг зиёнларини қоплайди. Риоя қилмаганлик факти бўйича Буюртмачи Пудратчининг вақилини таклиф қилиб, тегишли далолатномани тузади ва Пудратчининг Уставига мувофиқ қарор қабул қилиниб унинг манзилига юборилади. Пудратчининг вакили келмаса ёки рад жавобини берса, юридик кучга эга бўлган бир томонлама далолатнома тузилади.

4.5. Авария, табиий офатлар ва сув манбаларининг танқислиги сабаблари бўйича Буюртмачига белгиланган лимитдан кам сув берилса, Пудратчи мулкий жавобгар бўлмайди, етказилган зарар суғўрта ташкилотлари томонидан қопланади.

4.6. Рўйхатга олинмаган сувни олиш ва ўзбошимчалик билан сувни эгаллаш бўйича Буюртмачига нисбатан 4.4.-бандда баён этилган жарима солинади ва қоида бузувчининг ҳисобидагаи рўйхатга олинмаган сув олиб кўйилади.

4.7. Лимитдан ортиқ, кам ёки ўзбошимчалик билан сув олиш фактларининг вақти охири риоя қилмаганлик онидан бошлаб белгиланади.

4.8. Буюртмачи томонидан хўжаликлараро ирригация-мелиорация тармоқларидаги кўтарма ва тўсиқ мосламалари, каналдаги дамбалар тешилса, ўлчов воситалари ва иншоотлар бузилса, етказилган зиённи ўз ҳисобидан тузатади, ёки зиён миқдорига тент бўлган тоюн пулини тўлайди. Шундай бузилиш фактлари бўйича Буюртмачи вакили таклиф этилиб тегишли далолатнома расмийлаштирилади, агарда у рад этса, ҳуқуқий кучга эга бўлган бир томонлама далолатнома тузилади.

4.9. Агарда Буюртмачи келишилган лимитни ёки талаб қилинган сув ҳажмини камида 5 кун ичида қабул қилишдан воз кечса, асосий тариф бўйича ҳисобланиб олинмаган ҳажмнинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.10. \_\_\_\_\_ Буюртмачининг айби бўйича ирригация-мелиорация ишларини олиб бориш учун Пудратчига шароитлар яратиб берилмаган ҳолларда, у ҳар бир кечикқан кун учун шу муддатга режалаштирилган айрим



иш турларининг кийматидан фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Пудратчининг айби билан сув хўжалик объектларига ирригация-мелиорация ишлари бўйича мажбуриятлар ўз муддатида бажарилмаса, у ҳам шундай жарима тўлайди.

4.11. \_\_\_\_\_ Барча турдаги тўловлар, шунингдек жарима тўлаш муддати кечикқан ҳолларда айбдор томондан хар бир кечикқан кун учун, умумий, жумладан тўланган кун ҳам ҳисобланиб, суммадан \_\_\_\_\_ фоиз миқдорида пеня ундирилади. Мелиорация хизмати ва сувни бериш бўйича хизматлар учун тўловлар 20 кундан кечикса, Пудратчининг Буюртмачига-сув беришни тухтати Қўйишига ҳақки бор ва белгиланган тўлов ва жарималарни тўлаб бўлингандан сўнг, уни қайтадан бериши мумкин.

### 5. Қўшимча шартлар.

5.1. \_\_\_\_\_ Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати уч йил бўлиб 200\_\_и "\_\_\_" \_\_\_\_\_дан 200\_\_й "\_\_\_" \_\_\_\_\_гача даврга белгиланади, томонларнинг розилиги бўйича шартнома бекор қилиниши ёки муддати узайтирилиши мумкин. Бунинг учун таклиф қилаётган томон иккинчи томонга шартнома муддатини бекор қилиши ёки узайтириши тўғрисида бир ой олдиндан хабар бериши керак.

5.2. Шартнома муддатини тўхтатиш, бекор қилиш, бир томонлама ўзгартириш ва шартноманинг бошқа шартларини бажаришдан далилсиз воз кечилган ҳолларда, айбдор томон ушбу шартноманинг кўзда тутилган жарималаридан ташқари бошқа томонга бой берилган фойда ва келтирилган зиёнларни қоплайди.

5.3. Шартномадаги мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаган ҳолларда айбдор томон бошқа томонга бой берилган фойда ва келтирилган зиёнларни қоплайди.

Шартнома мажбуриятлари томонларнинг ўзаро келишувига биноан ўзгартирилади.

5.4. Ушбу шартнома бўйича пайдо бўладиган барча мунозаралар томонларнинг ўзаро келишуви бўйича, ҳакамлар судида ҳал этилади, агарда томонлар мурасага келолмасалар, Пудратчининг жойлашган жойи бўйича амалдаги қонунчиликка мувофиқ суд тартибида ҳал қилинади.

5.5. Ушбу шартномага Пудратчи Буюртмачига тақдим қиладиган иш ва хизматлар қиймати рўйхати илова қилинади (1-илова), у ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади ва хар йили янгилаб турилади.

### Томонларнинг ҳукукий манзили

Буюртмачи	Пудратчи
_____	_____
(лавозими, Ф.И.О.)	(лавозими, Ф.И.О.)
_____	_____
(имзо)	(имзо)
М.Ў.	М.Ў.

**1. Кўрсатиладиган иш ва хизматларнинг ҳажми, қиймати ва уларни бажариш муддатининг рўйхати.**

Т/Р	Иш ва хизматларнинг номи	Улчов бирлиги	Ижро муддати				Смета қиймати, минг сўм
			январь	февраль		декабрь	
1	Буюртмачининг чегарасида сув бериш	л/с, минг м <sup>3</sup>					
2	Ерларга мелиоратив хизматларни кўрсатиш	минг, с\м, га.					
3	Суғориш тармоғини тозалаш	км., минг м <sup>3</sup>					
4	Зовур тармоғини тозалаш	км, минг м <sup>3</sup>					
5	Гидроиншоотларни таъмирлаш	дона					
6	Канал дамбаларини таъмирлаш	км, минг м <sup>3</sup>					
7	Қоплама каналларни копламаларини таъмирлаш	м <sup>3</sup>					
8	Насос мосламаларини таъмирлаш	дона					
9	Суғориладиган участкалар юзасини	га					
10	Бошқа ишлар						

**2. Сув хўжалиги иш ва хизматларига ҳақ тўлаш шартлари.**

а) Ерга мелиоратив хизматларни кўрсатиш ва сув бериш тарифи қуйидагиларга мувофиқ қабул қилинган (меъёрий хужжзтляр далилларн келтирилсин)

б) бошқа иш ва хизматларга ягона баҳолар қуйидагилар асосида қабул қилинган.

в) Иш ва хизматларнинг (ёнилғи, элеклр энергия, моддий-техник ва бошқа ресурслар) қиймати олинганда тариф ва баҳолар шунга мувофиқ равишда ўзгартирилади.

**Фермерлар ва СИУ ўртасида пулли сув хўжалик иш ва хизматларини кўрсатиш бўйича**

**НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА**

200 й

\_\_\_\_\_ сувдан фойдаланувчилар

(номи)

уюшмаси, қуйида **Уюшма** деб номланади, \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ номидан

(лавозими. Ф.И.О.)

Устав асосида иш юритадиган, бир томондан ва сувдан фойдаланувчилар  
Уюшмасининг аъзоси \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ куйида

(номи)

**Истеъмолчи** деб номланади, \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ номидан,

(лавозими, Ф.И.О.)

иккинчи томондан ушбу шартномани пулли сув хўжалик иш ва хизматларини кўрсатиш учун туздилар.

### **1. Уюшманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

Б.1. Уюшманинг мажбуриятлари:

- белгиланган лимитга ва сув бериш жадвалига (ушбу шартномага \_ сонли илова) мувофиқ истеъмолчига сув берилишини таъминлаш;
- Истеъмолчининг буюртмасига мувофиқ унга белгиланган лимит чегарасида тақсимот нуктаси бўйича сувни вақтида тақсимлаш;
- Истеъмолчига белгиланган лимитдан маълум бир муддатда сув кам берилган ҳолларда, берилмаган қисмини бошқа бўлак муддатда қоплаш;
- Истеъмолчининг суғориладиган ерларидан зовур ва пайнов сувларини чиқариб ташлашни таъминлаш;
- Истеъмолчининг суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолати (ерлар шўрланганлиги, сизот сувларнинг сатҳи ва минералтаъияси) назоратини таъминлаш;
- ушбу шартноманинг \_\_\_\_\_ - сонли иловасига асосан Истеъмолчининг ерларидаги ирригация-мелиорация тармоқларига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш;
- Истеъмолчининг сув тақсимлаш иншоотларини сув улчаш воситалари билан жиҳозлашга, уларни таъмирлаб, вақти-вақти билан текшириб туриш.

### **1.2. Уюшманинг ҳуқуқлари:**

- мавжуд сув ресурсларига ва йиллик ёғин миқдорига қараб, Истеъмолчига белгиланган лимитдаги сувни ўзгартириш, бу ҳолда унга олдқирок (10 кун ичида) хабар бериш, зарур ҳолларда эса у билан келишиб олиш;
- Истеъмолчининг айби бўйича белгиланган лимитдан ортиқча сув маълум бир оралиқ муддатда ишлатилса, шунга мувофиқ бошқа бўлак муддатда сув беришни қисқартириш;
- сув ресурслари кескин танқис бўлган шароитда, сувни навбатма-навбат тартибда бериш.

### **2. Истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **2.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:**

- кафолатли лимитдаги сувларни олиш, қўшимча сув ресурслари бўлса уларни устивор олиш;
- ўзининг ирригация-мелиорация объектларига устивор техник хизматлар кўрсатилиши;
- Истеъмолчига бериладиган лимитдаги сувни амадда олинган сув миқдорига мувофиқлигини назорат қилиш;

- Уюшманинг иш ва хизматларига бўлган ўз эҳтиёжлари тўғрисида таклифлар киритиш;

- ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаса, Уюшмага нисбатан мулкий даъво қилиш;

- Уюшма Истеъмолчининг буюртмаси бўйича бажарадиган пулли иш ва хизматлар сифати ва ҳажмини назорат этиш.

2.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномада белгиланганидек иш ва хизматларга ўз вақтида ҳақ тўлаш;

- ўзига белгиланган лимитдаги сувга риоя қилиш;

- ўз балансида турган ирригация-мелиорация объектларини соз ҳолда тўтиш;

- сувни бериш муддати ва ҳажмини, ирригация-мелиорация объектларига техник хизмат кўрсатиш ишларини олиб боришни Уюшма билан олдиндан келишиб олиш;

- ўзининг сув оладиган шохобчаларининг бутлилигига масъул бўлиш;

- Уюшма билан келишилган ҳолдагина ирригация-мелиорация тармоқларида кўшимча кўтарма ва тўсиқ мосламаларини жойлаштириш;

- белгиланган муддатда сувдан воз кечса ёки сув истеъмолининг ҳажми ўзгарса, Уюшмага олдиндан 5 кун ичида хабар бериш.

### **3. Истеъмолчи ва Уюшманинг ўзаро мулкий муносабатлари.**

3.1. Истеъмолчига нисбатан қуйидаги ҳолларда жарима солинади:

- истеъмолчининг айби бўйича белгиланган лимитдаги сувдан ортикча олинса;

- сув ресурслари манбаларидан сувни исталганча ўзбошимчалик билан олса;

- Уюшманинг розилигисиз хўжаликлараро ирригация-мелиорация тармоқларида кўтарма ва тўсиқларни ўрнатса;

- хўжаликлараро ирригация-мелиорация тармоқларидаги ўлчов мосламалари ва иншоотларига шикаст етказса;

- Уюшманинг иш ва хизматлари учун ўз вақтида ҳақ тўламаса;

- томонларнинг бошқа мажбуриятларини бузса.

3.2. Истеъмолчининг айби бўйича белгиланган лимитдаги сувдан ортикча ишлатилса, унда лимитдан ортик ҳар бир  $\text{м}^3$  сув учун \_\_\_\_\_ сўм жарима солинади. Шунга ўхшаш қоидалар бузилиши қайтарилса, жарима шунга яраша  $\text{сўм}/\text{м}^3$  миқдорида оширилади.

Қоидани бузганлик тўғрисидаги факт истеъмолчининг вакили иштирокида Уюшма вақилининг далолатномасига мувофиқ қайд этилади. Агарда Истеъмолчининг вакили келмай ёки рад жавобини берса, қий кучга эга бўлган бир томонлама далолатнома тузилади.

3.3. Агарда Уюшма айби бўйича белгиланган лимит чегарасидаги сув етказиб берилмаса, унга ҳам худди шу тартибда жарима солинади. Етказиб бермаганлик факта Уюшма вакили иштирокида тегишли далолатнома билан қайд этилади. Уюшма вакили келмаса ёки рад жавобини

берса бир томонламали далолатнома тузилиб маъмуриятга юборилади, ва унга нисбатан Уюшма Уставига мувофиқ қарор қабул қилинади.

3.4. Авария, табиий офатлар ва суғориш манбаларида сувнинг танқислиги сабабли Истеъмомчига белгиланган лимитдан кам сув берилса, Уюшма мулкӣ жавобгарликка тортилмайди, аксинча етказилган зарар суғурта ташкилотлари томонидан қопланади.

3.5. Истеъмомчи рўйхатга олинмаган сув манбаларидан ўзбошимчалик билан фойдаланса, 3.2-бандга мувофиқ жарима солинади ва рўйхатга олинмаган сув ресурслари Истеъмомчидан олиб кўйилади.

3.6. Хўжаликлараро ирригация-мелиорация тармоқларидаги кўтарма, тўсиқ мосламалари, дамбалар тешилса ва гидроқўприклар, иншоотлар Истеъмомчи томонидан бузилса, у ўз ҳисобидан камчиликларни тузатади ёки етказган зарарнинг миқдорига тенг пул сифатида кўшимча ҳақтўлайди. Бутурдаги қоидабузарлик истеъмомчининг вакили иштирокида тегишли далолатнома билан кайд этилади. Агарда охирги қатнашишдан воз кечса, юридик кучга эга бўлган бир томонламали далолатнома тузилади.

3.7. Истеъмомчининг лимитдаги сувни қайта тақсимлаш ёки ўзгартириш ҳақидаги талаби камида 5 кун олдин муддатда қабул қилинади. Буюртма кўрсатилган муддатдан кеч бериши, бажарилишига қафолат берилмайди.

3.8. Ўзбошимчалик билан сувдан фойдаланиш ва лимитдан ортиқ сув олиш қоидабузарлик факти охирги сув бериш ўлчанган дакикадан белгиланади. Уюшма айби бўйича лимитдан кам сув берилганлик вақти ҳам худди шундай тарзда белгиланади. Лимитдан ортиқ сувни олиш Уюшма билан келишилса, жарима солинмайди.

3.9. Истеъмолига тақсимланган сув ҳажми ҳисоби ҳар куни Уюшма ва Истеъмомчи вакили иштирокида амалга оширилади. Истеъмомчи вакили келмаса, Уюшма сув миқдорини бир томонлама ўлчашга ҳаққи бор, унинг натижалари шак-шубҳасиз ҳисобланади.

3.10. Уюшманин; жорий хизматлари учун ҳақни Истеъмомчи ушбу шартноманин \_\_\_\_\_ -сонли иловасига мувофиқ ҳар чорак ва кейинги чоракда ги ойнинг 10-санасигача тўлайди. Йил бошида Истеъмомчи Уюшманин жорий хизматлари қийматидан унга 25 фоиз миқдорида аванс тўлайди.

3.11. Истеъмомчининг ирригация-мелиорация объектларига техник хизмат кўрсатиш бўйича тугалланган иш турлари (суғориш), зовур тармоқларини тозалаш, нов ва иншоотларни гаъмирлаш, новларни алмаштириш, режалаштириш ва бошқалар) бажарилгандан сўнг қабул қилиш далолатномаси асосида Уюшмага хизмат хақи тўланади.

3.12. Истеъмомчининг айби бўйича ирригация-мелиорация объектларига техник хизмат ишларини олиб бориш учун Уюшмага шароитлар яратиб берилмаса, у ҳар бир муддатдан ўтган кун учун шу муддатга режалаштирилган иш қийматидан фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Агарда Уюшма айби бўйича техник хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаса, Уюшма Истеъмомчига худди шу тартибда жарима тўлайди.

3.13. Жорий тўловлар, жарималар, техник хизмат ва иш учун ҳақ

муддатдан ўтказиб тўланса, айбдор томондан ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун уларнинг суммасидан фоиз миқдорида жарима ундирилади. Истеъмолчи томондан тўловлар муддати 20 кундан ошиб кетса, Уюшма Истеъмолчига сув берилишини тўхтатиб қўйишга ҳаққи бор, тўлов ва жарималарни тўлаб бўлгандан сўнг сув беришни йўлга қўяди.

3.14. Истеъмолчи барча тўловларни Уюшманинг кассасига нақд пул шаклида киритади ёки Уюшманинг ҳисоб рақамига ўтказди.

#### 4. Қўшимча шартлар.

4.1 \_\_\_\_\_ Ушбу шартноманинг амалдаги муддати уч йилга 200\_\_йил "\_\_" \_\_\_\_\_дан 200\_\_йил "\_\_" \_\_\_\_\_гача белгиланади ва томонларнинг розилиги бўйича шартнома бекор қилиниши, кейинги муддатларга узайтирилиши мумкин, бунда бир томон иккинчи томонни шартнома муддатини бекор қилиши ёки узайтириши тўғрисида бир ой олдиндан хабардор қилиши керак.

4.2. Агар шартнома муддати тўхтатилса, бекор қилинса, бир томонлама ўзгартирилса ёки шартноманинг бошқа шартларини асоссиз бажаришдан воз кечиса, айбдор томон ушбу шартноманинг кўзда тутилган жарималаридан ташқари бошқа томонга бой берилган фойда ва келтирилган зиёнларни коплайди.

4.3. Шартномадаги мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаган ҳолларда айбдор томон бошқа томонга бой берилган фойда ва зиёнларни коплайди. Шартнома мажбуриятлари томонларнинг ўзаро келишувига қараб ўзгартирилиши мумкин. Ушбу шартнома бўйича пайдо бўладиган барча мунозаралар томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ҳакамлар судида ҳал этилади, агарда томонлар ўзаро муроасага келолмасалар, Уюшманинг жойлашган жойи бўйича амалдаги қрнунчиликка мувофиқ судлов тартибида ечилади.

4.5. Ушбу шартномага Уюшманинг навбатдаги муддатга мулжалланган иш ва хизматлари қийматининг рўйхати илова қилинади, у ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланиб ҳар йили янгилаб турилади.

#### Томонларнинг ҳуқуқий манзили

Буюртмачи	Пудратчи
_____	_____
(лавозими, Ф.И.О.)	(лавозими, Ф.И.О.)
_____	_____
(имзо)	(имзо)
М.Ў.	М.Ў.

**Пулли сув хўжалик иш ва хизматларини 200\_ йилга кўрсатиш учун  
№ \_\_\_\_\_ -шартномасига № \_\_\_\_\_ -илова**

1. Кўрсатиладиган пулли иш ва хизматлар рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатлари

т/р	Сув хўжалиги бўйича иш ва хизматларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Ижро муддати			
			январь	февраль	март	апрель
1	Истеъмолчининг чегарасида сув бериш	л/с, минг м <sup>1</sup>				
2	Сугориш тармоғини тозалаш	п/м, м <sup>3</sup>				
3	Зовур тармоғини тозалаш	п/м, м'				
4	Канал дамбаларини таъмирлаш	п/м, м <sup>1</sup>				
5	Новларни таъмирлаш	Дона				
6	Новларни алмаштириш	Дона				
7	Гидроиншоотларни таъмирлаш	Дона				
8	Ер сиртини планлаштириш	Га				
9	Сизот сувлар сатҳини ва минерализациясини аниқлаш	нукта сони, олиш ва ўлчаш				
10	Ерларнинг шўрланганлигини аниқлаш	нукта сони, олиш ва ўлчаш				
11	Бошқа иш ва хизматлар					

*Жадваянинг давоми*

Ижро муддати								Жаъми	Режавий қиймати минг с\м
май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		

2. Сув хўжалик иш ва хизматларига ҳақ тўлаш шартлари:  
а) режалаштирилган қиймат Уюшманинг Кенгаши (умумий йиғилиш) томонидан тасдиқланган ягона баҳолар ва тарифлар асосида ҳисобланган (\_-сонли баённома 200\_ йил " " дан).

б) сув хўжалигининг иш ва хизматлари қийматини бегировчи омиллар ўзгарганда (ёнилғи, электр-энергия, моддий-техник ресурслар ва бошқалар) тариф ва баҳолар мувофиқ равишда ўзгартирилади.

в) сув хўжалиги учун иш ва хизматларга уларнинг амалда бажарилганлиги бўйича ҳақ тўланади.

г) сувни бериш бўйича Уюшманинг жорий хизматлари қуйидагилардан иборат:

жами \_\_ сўм, жумладан I чоракда \_\_ сўм, II чоракда сўм, III чоракда \_\_ сўм, IV чоракда \_\_\_\_\_ сўм.

200\_ йил 10 январигача Истеъмолчи Уюшманинг жорий хизматлари учун ҳақидан \_\_\_\_\_ сум миқдорида аванс сифатида тўлаши керак.

Қолган тўловлар кейинги ойнинг 10 санасигача амалга оширилади.

### Томонларнинг ҳуқуқий манзили

Буюртмачи	Пудратчи
_____ (лавозими, Ф.И.О.)	_____ (лавозими, Ф.И.О.)
_____ (имзо)	_____ (имзо)
М.Ў.	М.Ў.

## 7. СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАСИНИНГ ИЧКИ ХЎЖАЛИК ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА МУВАҚҚАТ НИЗОМ

### 7.1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

СИУнинг ташкилий тузилмаси ва уни таъмирлаш-қурилиш техникалари билан жихозлаш қуйидаги асосий омилларга боғлиқ:

- хизмат кўрсатиладиган суғориладиган ерлар майдониغا;
- ички хўжалик ирригация-мелиорация тизимининг техник даражасига;
- СИУ ўз кучлари билан бажарадиган таъмирлаш-тиклаш ишларининг қиймати ва ҳажмига.

СИУ фаолияти турли-туман шароитда тузилишига қараб, унинг турли ирригация-мелиорация тизимининг техник даражасига қараб, шунингдек бажариладиган таъмирлаш-тиклаш ишларининг хилларини ҳисобга олган ҳолда, ташкилий таркибий тузилмасини ишлаб чиқишда ва уни таъмирлаш-қурилиш техникаси билан жихозлашда қуйидаги вазиятлар инобатга олинади:

- СИУ суғориш тармоқ каналларининг шакли (ер ўзанида, бетон қопламали, новлар);
- СИУнинг коллектор-зовўртармоқларининг очиқёки ёпик турдалиги;
- СИУнинг мунтазам ишчи ходимлари сони улар хизмат кўрсатадиган аниқсуғориладиган ерлар майдониغا асосланиши;
- таъмирлаш-тиклаш ишлари СИУнинг уз кучлари билан бажарилиши;
- ҳар бир аниқ ҳолатда таклиф қилинадиган ташкилий-таркибий тузилма ва унинг таъмирлаш-қурилиш техникаси ирригация-мелиорация тармоғи узунлиги, унинг техник даражаси ва гидроиншоотлар билан жихозланганлиги, таркиби, ҳажми ва бажариладиган таъмирлаш-тиклаш ишларига асосланиб ўзгартирилиши.



Ташкилий таркибий тузилмасини ишлаб чиқишда ва таъмирлаш-курилиш техникаси билан жихозлашда қуйидаги методик ҳужжатлардан фойдаланилган.

Ички хўжалик мелиоратив тизимларда таъмирлаш-фойдаланиш ишларини ташкил этиш ва режалаштириш бўйича Йўриқнома. Тошкент - 1998 йил.

Ўзбекистондаги иншоотлар ва ички хўжалик мелиоратив тизимини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш тўғрисида Низом. Тошкент - 1997 йил.

Ўзбекистон Республикаси гидромелиоратив тизимининг техник хўжалиги. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ҳисоботи 1995 йил учун.

## **7.2. СИУ ХОДИМЛАРИНИНГ ШТАТ РЎЙХАТИ ВА ТАШКИЛИЙ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ**

### **СИУ бошқаруви маҳкамаси**

СИУраиси	- 1
Иш юритувчи	- 1
Ҳисобчи	- 1
Омборхона мудир	- 1
Қоровул	- 4
Фаррош	- 1

### **Таъмирлаш-тиклаш ишлари гуруҳи**

Катта муҳандис (раис ўринбосари, гуруҳ раҳбари) — 1

Муҳандис-механик — 1 киши, ҳар 20га техника бирлигига.

Электрик - 1 киши, ҳар бир 150-200 шартли электр ускуналари бирлигига.

Навбатчи машинист — 1 киши, 2 та насос мосламаларига.

Механизатор— 1 киши, ҳар бир таъмирлаш-курилиш техникаси бирлигига.

Мавсумий ишчи-таъмирловчи — 1 киши, 1 йилда 300 000 сўмлик иш бажариш ҳисобига.

### **Мелиорация ва сугориш гуруҳи**

Муҳандис (гуруҳ раҳбари) - 1 киши.

Участка гидротехниги — 1 киши, сугориладиган 300-500 гектар ерга. Назоратчи — 1 киши, сугориладиган 300-500 гектар ерга, ёки 8-10 км ирригация-мелиорация тармоғига.

Бошқарувчи — 1 киши, 15-20 та бошқарув пунктига.

### **Таъмирлаш-тиклаш ишлари гуруҳи қуйидаги вазифаларни бажаради:**

- ички хўжалик ирригация-мелиорация тизимларида таъмирлаш-тиклаш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- насос мосламалари ва таъмирлаш-курилиш техникасига техник хизмат кўрсатиш ва таъминоти;

Мелиорация ва сугориш гуруҳи қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ички хўжалик ирригация-мелиорация тизимида сувдан фойдаланишни ташкил этиш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатининг назорат қилиш;
- ирригация-мелиорация тизимидаги объектлар ҳолатининг техник назорати ва карови.

### **7.3 СИУ МУҲАНДИС-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИНИНГ МАНСАБ ЙЎРИҚНОМАСИ**

#### **СИУ раиси.**

СИУ раисининг мажбуриятларига қуйидагилар киради:

- ички хўжалик тизимини ривожланхириш ва фойдаланиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш;
- СИУ Бошқарувини чақириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- СИУ номидан фаолият юритиш ва унинг манфаатларини судда, ташкилотлар ва муассасаларда ҳимоя қилиш;
- СИУнинг штат ходимларига меҳнат ҳақини тўлаш тартиби, миқдори ва меҳнат мажбуриятлари бўйича дастўрни ишлаб чиқиш;
- СИУ бюджета ва ишлаб чиқариш-молиявий фаолиятининг режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини ташкиллаштириш;
- СИУ хизматларига ҳақ тўлаш баҳолари ва тарифларни ишлаб чиқиш;
- СИУ ишлаб чиқариш-молиявий фаолияти бўйича ҳисоботларни тайёрлаш;
- СИУ фаолиятини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш;
- СИУ аъзоларидан тўлов ва бадалларни қабул қилиш, СИУ Устави ва шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ҳолларда жарима солиш, уларнинг ундирилишини талаб қилиш;
- СИУ аъзоларининг тўлов ва бадаллари тўғрисида таклифлар тайёрлаш;
- СИУ мулкни бошқариш, хуқўқий ва жисмоний шахслар билан битимлар тузиш, ишончномалар бериш, банкларда ҳисоб ва ўзга рақамлар очиш;
- СИУ ишчилари ва иш фаолияти учун зарурий буйруқ ва фармойишларни чиқариш;
- СИУга ишчиларни ёллаш ва бўшатиш;
- СИУ Бошқаруви ва умумий йиғилиш қарорларининг ижросини назорат этиш;
- СИУ Устави қоидалари ва шартномадаги мажбуриятлар, шунингдек мавжуд қонунчилик талаблари бажарилишини кузатиш;
- СИУ манфаатларига мое равишда кўшма ва бошқа корхоналарда иштирок этиш ҳақида таклифлар бериш;
- шошилиш ҳолларда Бошқарув вазифасига кирувчи қарорларни қабул қилиш, кейинчалик уларни Бошқарув тасдиғига тақдим этиш;
- ирригация-мелиорация тармоқларини текшириш бўйича комиссияда иштирок этиш ва тугалланган таъмирлаш-тиклаш ишларини қабул қилишни ташкил этиш;
- таъмирлаш-тиклаш ишларига оид лойиха- смета ҳужжатларини ва техник топшириқни тасдиқлаш;

- мамлакатимиз ва хориж фан-техникаси илғор ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни ташкил этиш;

### **Таъмирлаш ишлари бўйича катта муҳандис.**

Катта муҳандис мажбуриятларига қуйидагилар киради:

- таъмирлаш-тиклаш ишларини режалаштириш учун ирригация-мелиорация тизимидаги объектлар ҳолатининг текширувини гашкил этиш;

- таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш бўйича лойиха-смета хужжатлари ва техник топшириқларни ишлаб чиқиш;

- Ирригация-мелиорация тизимидаги объектларда таъмирлаш-тиклаш ишларининг режасини ишлаб чиқиш;

- ирригация-мелиорация тизимидаги объектларда таъмирлаш-тиклаш ишларини ташкил этиш;

- ирригация-мелиорация тизимидаги объектларда таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш ҳисоботи ва назорати (махфий иш) далолатномаси, оралиқ қабул қилиш далолатномаси, таъмирлаш-тиклаш ишларини ижро ведомости, бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларини қабул қилиш далолатномаси);

- таъмирлаш-тиклаш ишларини механизмлар, қурилиш материаллари, ёнилғи-мойлаш материаллари, эхтиёт қисмлар билан таъминлаш;

- таъмирлаш-тиклаш ишлари объектлари бўйича қурилиш материаллари, меҳнат ресурслари, техникасини тақсимлаш;

- таъмирлаш-қурилиш базаси ва техникаси русумини замонавийлаштириш ва янгилаш бўйича таклифлар киритиш;

- насос мосламалари ва қурилиш техникасини таъмирлаш;

- иш қоидалари ва хавфеизлик техникаси бўйича инструктаж ўтказиш, уларга риоя қилишларига жавобгар бўлиш;

- таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича моддий-техника ресурсларини ҳисобдан чиқариш учун далолатномалар тузиш.

### **Муҳандис-механик.**

Муҳандис-механик мажбуриятига қуйидагилар киради:

- электр ускуналар, насос мосламалар ва таъмирлаш-қурилиш техникасидан фойдаланишни ташкил этиш;

- таъмирлаш-қурилиш техникаси ва ускуналарининг йиллик ва ойлик (чорак) иш режаларини ишлаб чиқиш;

- таъмирлаш-қурилиш техникаси ва ускуналаридан фойдаланишни ташкил этиш ва назорат қилиш;

- таъмирлаш-қурилиш техникаси ва ускуналар, насос мосламалар ва электр асбобларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни ташкил этиш;

- электр асбоблар, насос мосламалар ва таъмирлаш-қурилиш техникасини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ва фойдаланишда моддий-техник ва молиявий ресурсларни режалаштириш таъминлаш;

- насос мосламалари, электр асбоблар ва таъмирлаш-қурилиш техникасини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, фойдаланиш бўйича моддий-техник ва молиявий ресурслар харажатининг ҳисоботини юритиш ва назоратини амалга ошириш;

- таъмирлаш-курилиш техникаси ва асбобларидан фойдаланиш бўйича ҳисоботни юритиш;

- насос мосламалари, электр асбоблар ва гаъмирлаш-курилиш техникасини замонавийлаштириш ва янгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- таъмирлаш-курилиш техникаси, ускуналар, насос мосламалари ва электр асбобларнинг техник ҳолатини назорат этиш;

- агрегатлар, технологик ускуналар, ёнилғи-мойлаш материаллари ва эҳтиёт қисмларни алмаштириш фондиди ўз ўрнида сарф қилиш ва вақтида тўлдириш, шунингдек уларни ҳисобдан чиқариш;

- хавфсизлик техникаси ва иш юритиш қоидаларига амал қилиш бўйича масъул бўлиш;

- хавфсизлик техникаси бўйича журнални юритиш ва инструктаж олиб бориш.

### **Мелиорация ва суғориш бўйича муҳандис**

Суғориш ва мелиорация бўйича муҳандис мажбуриятига қуйидагилар киради:

- сувдан фойдаланиш ички хўжалик режаларини тузиш;

- сув бериш ва суғориш жадвалларини ишлаб чиқиш;

- фермер хўжаликлари ўртасида сув тақсимотини ташкил этиш;

- сувдан фойдаланиш ва тақсимотнинг назорати ва ҳисоботини ташкил этиш;

- ички хўжалик ирригация-мелиорация тизими (ХИМТ) ҳолатини техник назорат қилиш ва қаровни ташкил қилиш;

- ХИМТни таъмирлаш-тиклаш ишларининг режаси бўйича таклифлар бериш;

- бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларини қабул қилиш ва ХИМТ объектларининг ҳолатини текшириш бўйича комиссия ишида катнашиш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаб бориш (ерларнинг шўрланиши, сизот сувларининг сатҳи, минералланганлик даражаси);

- ХИМТнинг техник ҳолатини яхшилаш, сувни самарали ва тежамли ишлатиш, унинг бефойда сарф қилинишини қискартириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича таклифлар бериш;

- фермерларни замонавий техника билан таъминлаш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

- сув ўлчаш воситаларини мунтазам равишда текшириш, таъмирлаш ва аттестациядан ўтказишни ташкил этиш;

- ХИМТ сув ва ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

- СИУнинг сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш ҳисоботини юритиш.

### **Участка гидротехниги**

- ХИМТ объектларининг техник назорати ва ҳолатига қаров ишларини амалга ошириш;

- сувдан фойдаланишни режалаштириш учун бошланғич маълумотларни тайёрлаш;

- фермер хўжаликлари ўртасида оператив сув тақсимотини амалга ошириш;
- фермер хўжаликларида сувдан фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисоботини юритиш;
- ХИМТда таъмирлаш-тиклаш ишлари режасига таклифлар бериш;
- сув ўлчаш воситаларини мунтазам текширувини амалга ошириш;
- ХИМТнинг сув ва ер кадастрини юритиш.

**ИМТда таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш учун СИУнинг асосий таъмирлаш-қурилиш техникаси билан жиҳозланганлик намунавий табели**

1.ХИМТда таъмирлаш-тиклаш ишларининг асосий турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- очик коллектор-зовур ва суғориш тармоқларини тозалаш;
- каналларнинг бетон копламаларини таъмирлаш;
- ёпиқзовўртармоғини ювиш ва унинг иншоотларини таъмирлаш;
- новтизимидаги баъзи новларни алмаштириш;
- гидротехник иншоотларини гидростларни таъмирлаш,
- шўр ерларни ювиш учун валикларни қуриш ва текислаш;
- суғориш участкаларини жорий текислаш.

2.ХИМТ очик суғориш ва коллектор-зовур тармоқларининг турли хил ўлчам ва шаклда мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, 1-жадвалда типлари бўйича уларнинг шартли туркумлари келтирилган:

**1 - ж а л в а л**

Типлар	Техник характеристика		
	Туби бўйича кенгликги м	Чуқурлиги, м	Тикликнинг қиялиги
Сугориш каналлари I II III	0,6 0,6- 1,2 1,2 - 3,0	1,0 0,8 - 1,5 1,0 - 2,0	1 1 1:1,0- 1,5 1:1,5-2
Коллектор ва човурлар I II	0,6 --1,2 1,2 - 3,0	3,5 3,5- 5,0	1:1,5 1:1,5-2,0

Очиқтурдаги каналлар, коллекторлар ва зовурларнинг техник ҳолати амалдаги лойқаланиш чуқурлиги - «h» ва йўл қўйиладиган чуқурлик «h» билан таккослаш орқали баҳоланади.

Агар  $h_i < h$  — бўлса, канал ишга лаёқатли ҳолатда бўлиб,  $h_i > h$  — да эса, канал ни тозалаш талаб этилади.

2-жадвалда сув сатҳи максимал сув сарфидагидан юқори қўтарилмаган ҳолат учун каналдан меъёрдаги сув оқиб утган шароитда лойқа босишнинг йўл қўйиладиган қийматлари ва миқдорлари берилган.

**2-жадвал**

Типлар	Йўл қўйилган лойқа босиш калинлиги	Тозалашнинг солиштирма ҳажми м <sup>3</sup> /п.м.
Суғориш каналлари I II III	0, 35	0,33 0,54 1,43
Коллектор ва зовурлар I II	0,35 0,50	0,54 1.82

3. Таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказиш учун зарур бўлган механизмлар ва машиналар сони хар йилги аниқ ХИМТ иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$Q_{ке}$  — "е" типдаги иншоот бўйича бажарилган "к" турдаги таъмирлаш-тиклаш ишларининг ҳажмини,  $n_{ij}$  — "j" типдаги "i" турдаги машина ва механизмларнинг йиллик самарадорлигини билдиради.

4. ХИМТ датаъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш учун механизация воситаларининг намунавий тўплами 3-жадвалда кўрсатилган.

3-жадвал

Механизация воситаларининг номи	Механизация воситаларининг хизмати
1	2
1. Канал тозалогич (М-14, М-15 туркум)	1 ва 11 типлардаги суғориш каналларини тозалаш
2. Ускунаси ўзгарадиган эскаватор, чўмичининг ҳажми 0,4-0,65 м <sup>3</sup> (7-304 туркум)	111 типдаги суғориш каналларини, тозалаш; I типдаги дрен ва коллекторларни тозалаш.
3. Бульдозер (Д-806 туркум)	Траншеяларни текислаш, дамбаларни тиклаш, ер сиртини
4. Ускунаси ўзгарадиган эскаватор билан (7-625.Б тури)	11 типдаги чуқурлиги 6.0 метргача коллекторларни тозалаш
5. Ювиш агрегата (ПДТ — 125 туркум, комплектда)	Епиқ зовурларни ювиш
6. Трактор тиркамаси билан (1,4	Юк ва курилиш материалларини
7. Автокран (А -75 туркум)	Новларни монтаж ва демонтажи, юк ортиш ва тушириш ишлари
8. Бетон аралаштиргич	Бетон қопламасини таъмирлаш
9. Сув сепиш машинаси	Тикланган дамбаларни текислашдан олдин сув сепиш
10. Муштсимон мола	Ер дамбаларини текислаш
11. Грейдер (ГН-28 туркум)	Суғориш участкалари ва йўл полотносини текислаш
12. Текисловчи (ПА-3 туркум)	Суғориш участкаларини текислаш
13. Марза ясовчи (ВД туркум)	Суғориш участкаларида марзаларни тиклаш
14. Марза текисловчи	Марзаларни текислаш
15. Автомашина (УАЗ-452 туркум)	СИУ раҳбариятига хизмат кўрсатиш
16. Юк автомашинаси (ГАЗ—53 туркум)	Юк ва хизмат кўрсатаётган ходимларни ташиш

## **8. СИУ ИЧКИ ХЎЖАЛИК ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ ТИЗИМИГА СЕРВИС ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ ВА УНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА**

### **8.1. У МУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ички хўжалик ирригация-мелиорация тизимга сервис хизмати кўрсатиш ва уни ташкил этиш бўйича қўлланма (қуйида Қўлланма) сув хўжалиги таркибий тузилмалари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (қуйида СИУ) учун фойдаланиш хизматлари кўрсатишга мўлжалланган.

2. Ички хўжалик ирригация-мелиорация тизимига (қуйида ХИМТ) сервис хизмати кўрсатиш бўйича асосий чора-тадбирлар қуйидагилар ҳисобланади:

- ички хўжалик сувдан фойдаланиш режасини тузиш ва амалга ошириш;

- ХИМТ ҳолатини техник назорат ва парвариш қилиш.

3. ХИМТда носозликларни бартараф қилиш бўйича профилактик чораларни ўтказиш йўли билан ХИМТни барвақт яроқсиз ҳолга келишдан ўз вақтида сақлаш мақсадида техник назорат ва парвариш ишлари суғориш даврида амалга оширилади.

Жорий ва капитал таъмирлаш ишлари ХИМТ жиддий шикастланганда ёки яроқсиз ҳолга келганда асосан вегетация оралиғи даврида олиб борилади.

Ички хўжалик сувдан фойдаланувчилар режаси ушбу қўлланмада кўриб чиқилмайди, у бошқа услубий ҳужжатларда берилган.

4. ХИМТга сервис хизмати кўрсатишнинг нормал ташкил этилишини таъминлаш учун СИУ қуйидаги техник ҳужжатларга эга бўлиши керак:

- СИУ ердан фойдаланувчилари чегарасида жойлашган гидро иншоотлар, гидropостлар, кудукдар, маҳаллий суғориш манбалари ва насос мосламалари кўрсатилган 1:25000 масштабдаги ирригация-мелиорация тизими харитасига;

- ХИМТнинг техник паспортига;

- доимий ва вақтинча реперларнинг рўйхат жадвалига;

- сизот сувларининг сатҳи, минерализацияси, кузатув кудукдари ва тупроқ хусусиятлари кўрсатилган 1:25000 масштабдаги тупроқ-мелиоратив харитасига;

5. ХИМТга сервис хизмати иккита вариант бўйича кўрсатилади:

- СИУнинг ёлланма ходимлари кучи билан;

- СИУнинг ёлланма ходимлари билан жалб қилинган сув хўжалик ташкилотларининг кучлари ҳамкорлигида.

Сервис хизмати вариантини танлаш СИУда етарли даражада меҳнат ва моддий техника ресурслари, таъмирлаш-қурилиш кучлари ва таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказишдаги солиштирма харажатларга асосланади.

Улар етарли даражада бўлса, сервис хизмати кўрсатиш учун биринчи

вариант танланади.

6. Сервис хизматининг иккинчи варианты бўйича СИУнинг ёлланма ходимлари сувдан фойдаланишни ташкил қилиш, ХИМТни жорий назорат ва парвариш қилиш, шунингдек ХИМТнинг иш лаёқатлилигини таъминлайдиган бошқа майда профилактик ишларини амалга оширади.

Ҳажми катта ва сермеҳнаттаъмирлаш-тиклаш ишлари сув хўжалиги гашкилотлари билан шартнома бўйича бажарилади.

## **8.2. ИЧКИ ХЎЖАЛИК ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ НАЗОРАТИ ВА ПАРВАРИШИ**

1. Фермерлараро белгиланган ХИМТнинг парвариши ва жорий назорати СИУнинг ёлланма ходимлари томонидан, фермернинг балансида турган ХИМТ эса бевосита фермернинг ўзи томонидан ўтказилади.

2. ХИМТнинг қуйидаги элементларига жорий назорат ва парвариш кулланилади:

- доимий ва даврий характердаги суғориш ва оқава сув каналлари;
- суғориш ва оқава сув каналларидаги гидротехник иншоотлар (сув бошқарув кулокдари, тўсик иншоотлари, шаршаралар ва тезокарлар, кўприклар);
- очик ва ёпиктурдаги коллектор-зовўртармоғи;
- коллектор-зовур тармоғида гидротехник иншоотлар (кузатув кудуклари, зовур қўйилиш жойи, сувни қабул қилгич);
- ёпик зовурдаги зовур усти полосаси;
- кузатув кудуклари;
- гидрометрик постлар;
- суғориш ва коллектор-зовур тармоғи бўйлаб назорат ва уларга кириш йўллари.

3. Техник назорат кўз билан кузатувдан, зарур ҳолларда асбоблар ёрдамида ХИМТ иш қобилиятининг ҳолатини (5-10 кун ичида бир марта) мунтазам равишда текширувдан иборат.

Кузатув пайтида қуйидагилар аниқланади:

- иншоотлар ва асбоб-ускуналарнинг яроқлилиги, носозлиги ва унинг сабаблари;
  - ХИМТ элементларининг ишдан чиқиш ёки шикастланиш хусусиятлари;
- ХИМТ объектларида авария вазиятлари.

4. Техник кузатувни ўтказиш пайтида қуйидаги тақикданган фактларга эътибор бериш керак:

- транспорт воситаларида мўлжалланмаган жойларда каналлардан ўтишга;
- тозаланмаган ва оқава сувларни каналларга ташлашга;
- канал қияликларида молларни ўтлатиш ва ҳайдашга;
- канал бермаси четидан камида 0,5 метр масофада ерларни шудгор қилишга;
- очик коллекторларда тупроқтўсикдарни ўрнатишга;



- СИУ тавсиясисиз коллектор-зовур сувларидан суғоришга фойдаланишига;
- ёпиқ зовурдаги кузатув кудукларининг герметик ҳалқаларининг бузилишига, уларга устки сувларни ташлаш учун туйнуклар очишга;
- заруриятсиз кузатув кудуклардан қопқоқларни олишга;
- кузатув кудуғига ахлатларни ташлаб, зовур кувурларидаги туйнукларни беркитиб қўйишга;
- кудукдан камида 2 метрдан кам доирада тракторлар ёрдамида кишлок хўжалик ишларини амалга оширишга;
- зовур устки полосаларида чуқур илдизли буталар, дарахтлар экишга;
- зовурларнинг қўйиладиган жойларини ахлатлар билан ифлослашга;
- ёпиқ зовурларнинг қўйиладиган жойлари устидан устки пайнов сувларини ташлашга;
- қўйиладиган жойлардаги зовур кувурларини очиб олиш ва чиқариб ташлашга;

5. Барча кайд этилган бузилишлар ХИМТнинг ҳолати бўйича махсус техник назорати журнаliga киритилади (1-илова).

ХИМТда авария ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин бўлган шикстланишлар аниқданса, дарҳол СИУ раҳбариятига хабар берилади.

6. Техник парвариш одатда, техник кузатув билан бирга бажарилади ва ХИМТнинг ишга лаёқатлилигини сусайтиришга олиб келадиган бузилишларни тез суръатда бартараф этиш бўлиб ҳисобланади. Техник парвариш бўйича энг кўп бажариладиган иш турлари қуйидагилар ҳисобланади:

- каналлар ўзанини сув ўсимликлари, чиқиндиклар, ахлатлардан тозалаш;
- йўлнинг икки четидаги ариқлардаги, йўл бўйи тепаликларидаги, хдмоя дамбаларидаги ва канал чети қияликларидаги ўтларни ўриш;
- ён қияликдаги алоҳида нурашларни, иншоотдан тупроқ чўкмалари тушишини бартараф қилиш ва иншоот шикастларини тузатиш;
- шлюз рослагичларни, кувурл'и ўтиш жойларини ва кўприклардаги сув туйнукларини лойқалардан тозалаш;
- СИУ рухсатсиз каналларда ўрнатилган ясама тўгонлар, кўприклар, тўсиқларни бартараф этиш;
- дамбалар, қияликларда хайвонлар инларини йўқотиш, икдим таъсирида пайдо бўлган ёриқларни бартараф этиш;
- бетон каналлар ва нов тармоғининг уланиш жойларидаги камтикларни, майда ёрилган жойларни улаш.

### **8.3. ИЧКИ ХЎЖАЛИК ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ ТИЗИМИДА ТАЪМИРЛАШТИКЛАШ ИШЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ**

КТаъмирлаш-тиклаш ишларини режалаштириш учун асос бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ХИ МТ ҳолатининг техник назорат журнаli (1-илова);
- ХИМТ техник ҳолатини режали текшириш.

2.ХИМТ техник ҳолатини режали текшириш оммавий суғоришлар тугатилгандан кейин (октябрь-ноябрь) СИУ Бошқаруви аъзолари таркибидаги Комиссия ва унинг бош мутахассислари томонидан амалга оширилади. Комиссияни СИУ Бошқарувининг қарори тайинлайди, унда унинг таркиби, иш муддати ва тасдиқлаш учун тақдим қилиши лозим бўлган ҳужжатлар кўрсатилади.

3.Комиссия техник назорат журналидаги умумлашган материаллар асосида (1-илова) кейинчалик текшируви лозим бўлган объектларни белгилайди, шикастланиш турларини, уларни бартараф этиш бўйича техник вазифалар тузиб, иш ҳажми ва турларини аниқлайди. ХИМТ объектларини тиклаш учун бажариладиган лойиха-смета ҳужжатлар тузиш бўйича техник вазифа катта ва мураккаб техник масаладаги зарур ахборотлар йиғиб бўлингандан сўнг амалга оширилади.

ХИМТ объектларининг техник ҳолатини текшириш пайтида энг куп бузилиш турлари қуйидагилар бўлиши мумкин: Очиксуғориш ва коллектор-зовур тармоғи бўйича:

- ёввойи ўсимликлар ўсиши ва лойқа босиши;
  - каналларнинг кўндаланг кесими бўйича ўпирилиш ва дамбаларнинг кулаши;
  - ёғин чўкиндиларидан қияликдаги ўпирилишлар, ер қазийдиган ҳайвонлар инларининг кўпайиб кетиши;
  - бетон копламали каналлардаги ёрилмалар, чуқурчалар, кемтиклар;
  - ХИМТ фойдаланиш талабларига жавоб бермайдиган ясама тўғонлар, вақтинча сув чиқаришга мослаштирилган тупроқтўсиклар ва сув кулоклари;
  - темир-бетон новларда ёрилмаларнинг пайдо бўлиши, бирлашган жойларда зичлигининг бузилиши;
  - қоплама каналлардаги темир-бетон плиталарнинг сурилиши ва тушиб кетиши;
- Очиксуғориш ва коллектор-зовуртармоқларининг иншоотлари бўйича:
- нормал вазиятга нисбатан айрим халка ва блокларнинг сурилиши;
  - бетон устидаги ёрилмалар, ўпирилишлар;
  - сув урилма иншоотининг сув кириш, чиқиш жойларидаги қияликларининг бузилиши;
  - металл конструкцияларнинг емирилиши;
  - сув кириш ва чиқиш жойларининг лойқа босиши;
  - кўтарматўғон кулфларнинг ишдан чиқиши;
  - чиқинди ушлайдиган панжараларнинг деформацияланиши ва уларга чиқиндилар тикилиб қолиши;
  - зичланган кулфлар герметикнинг бузилиши;
  - кўтарма механизмлар ва улар калитларининг ишдан чиқиши;
  - сув оқадиган трубалар ёрилиши, бузилиши ва уларнинг туйнукларида лойқа тўпланиши;
  - нов тармоқларида дюкерлар ва бурилма қудуқдарни лойқа босиши;
- Ёпиқ коллектор-зовур тармоғи ва улардаги иншоотлар бўйича:
- зовур қувурларини тўлик ёки қисман лойқа босиши;

- зовур усти кенглигининг сезиларли даражада деформацияси;
- зовур қувурлари бирлашган ҳалқаларда оралик, устки қисмларининг бузилиши, қопқоқпарнинг йўқлиги;
- зовур қудуқларини лойқа босиши ёки уларга ахлатлар тиқилиб қолиши, зовур қувурларида сув сатҳининг кўтарилиши ва сув ҳаракатига тўсқинлик қилиши;

- зовурларнинг қўйиладиган қисми бузилиши ёки тупроқ босиб қолиши.

Иншоотларга бориш ва назоратчилик йўллари бўйича:

- ўтиш кўприклари ва йўл полотноси деформацияси;

- тепаликлар ва кемтиклар Қияликларининг қулаб тушиши. Бундан ташқари фермерларнинг буюртмалари бўйича уларнинг балансида турган ХИМТ объектларининг ҳолати текширилади, шунингдек, маҳаллий суғориш участкаларидаги паст-баланд зоналарни баҳолаш учун жорий ишлар режалаштирилади.

ХИМТдаги энг катта ишлар бўлиб суғориш ва коллектор-зовур тармоқларини тозалаш ҳисобланади ва уни қуйидаги шароитларда ўтказиш тавсия этилади:

- меъёрий ҳолатга нисбатан канал қиялиги ва тубини 35 см ва ундан ортиқча лойқа босиши;
- каналларнинг бор бўйламини ёввойи ўсимликлар ва сув ўтлари қоплаши;
- коллекторларга келиб қўйиладиган жойларда зовурлардаги сув сатҳининг коллектордагига нисбатан паст бўлиши (сув тўсқичлар йўқлиги ва қияликларнинг қулаб тушиши);
- зовур қувурларининг чиқиш жойларида туйнугини бор бўйича ва зовур қудуқларининг пастигача лойқа босиши ва чиқиндилар билан тўлиши;
- зовур қудуқларида сувнинг йўқлиги ёки сувнинг суест оқиши.

4. Текшириш натижалари бўйича ХИМТнинг техник ҳолатини баҳолаб (2-илова), текширув далолатномаси тузилади, уни Уюшма Бошқаруви тасдиқлайди ва шу далолатнома асосида қуйидаги тартибда лойиха-смета ҳужжатлари тузилади:

-ХИМТ объектлари бўйича таъмирлаш қийматининг молиявий-смета ҳисоб-китоблари;

- суғориш участкалари ва йўл тармоқлари, каналлар бўйича ер иш ҳажми кўрсатилган кўндаланг ва бўйлама профиллар;

- бошқа объектлар (иншоотлар, ёпиқ қувур ва нов тармоқлари ва бошқа) бўйича зарур чизмалар, кўндаланг кесимлар, схемалар, эскизлар;

- асосий қурилиш материаллари ва қурилиш буюмларига (цемент, ёғоч, металл қурилмалар, новлар, қувурлар, темир-бетон плиталари ва бошқалар) бўлган талаб;

- қурилиш машиналари, механизмлари ва автотранспортга эҳтиёж;

- қўшимча меҳнат ресурсларига эҳтиёж;

5. Лойиха-смета ҳужжатлари асосида ва ихтиёрида бўлган молиявий, моддий-техник, меҳнат ресурслари ва таъмирлаш-қурилиш қувватидан

келиб чиққан ҳолда таъмирлаш зарур бўлган ХИМТ объектлари белгиланади ва таъмирлаш-тиклаш ишларининг режаси (3-илова) тузилади.

Унда қуйидаги кўрсаткичлар мавжуд:

- ХИМТ объектлари (таъмирга мухтож суғориш каналлари, коллекторлар ва зовурлар улардаги иншоотлари билан, йўллар, суғориш участкалари ва х.к), уларнинг жойларини кўрсатган ҳолда;

- таъмирлаш-тиклаш ишларининг киймати, ҳажми ва турлари;

- механизмлар, материаллар ва кўшимча меҳнат ресурсларига эҳтиёж;

- таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш муддати;

- таъмирлаш-тиклаш ишларининг ижрочилари.

Агарда таъмирлаш-тиклаш ишларини бажаришга ташки томондан пудратташкilotлари жалб қилинса, улар билан олдиндан шундай ишларнинг бажарилиш муддати ва ҳажми келишиб олинади.

Таъмирлаш-тиклаш ишларининг режаси СИУнинг умумий йиғилишига олиб чиқилади ва у тасдиқланганидан сўнг уни ижро этиш учун киришилади.

#### **8.4. ИЧКИ ХЎЖАЛИК ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ ТИЗИМИДА ТАЪМИРЛАШ-ТИКЛАШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ**

1. Бажарилган ишларнинг жорий ҳисоботи қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

- яширин ишларнинг далолатномалари;

- ораликда қабул қилинган далолатномалар (4-илова);

- бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг жамғарма ведомости (5-илова).

- Юкорида кайд этилган ҳужжатларда таъмирлаш-тиклаш ишларининг амалда бажарилган ҳажми ва киймати, смета ҳужжатлари ва режа кўрсаткичларидан чекиниш, шунингдек ижро этиш сифати йа курилиш материаллари ва буюмларининг сарфи кўрсатилади:

Бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг кўрсатилган амалий кўрсаткичлари ХИМТ объектларини асбоб-ускунай билан ва кузатув текширувлари асосида ва уларни шунга ўхшаш ҳужжатларга илова қилинган (2-илова) кўрсаткичлар билан қиёслаб баҳоланади.

Жумладан, очиқ суғориш ва коллектор-зовур тармоғини тозалашда, асбоблар ёрдамида участкаларни текислашца, айрим участкаларнинг назорати съёмка қилинади. Иншоотларда бажарилган ишларнинг ҳажми ва сифати тузатилган участкаларнинг узунлигини ўлчаш, тўғон қулфлар нормал ҳаракатини ва бошқа элементларни кузатув усулда текшириш билан баҳоланади.

Ёпиқ горизонтал зовурларнинг ишга лаёқатлилиги ораликдаги кузатув кудукларида сув сатҳи кўтарилишининг йўқлиги билан белгиланади, шунингдек зовўрнинг қўйиладиган жойига сувнинг эркин оқиши билан, нов тармоқдарининг тикланиш сифати эса таянч, улов жойларни ва сув

кулоқдарини кузатув бўйича ва асбоблар билан ўлчовлар асосида текширилади.

2. Оралиқ қабул қилинган бажарилган ишларга тузилган далолатномалар иш ҳақини тўлаш ва сарф қилиб бўлинган материаллар ва буюмларни ҳисобдан чиқариш учун хизмат қилади.

Бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг жамғарма ведомости режани бажариш бўйича бажарилаётган ишларнинг муддати кечикқан ҳодда, шунингдек ҳисобот ҳужжатларни тузиш учун тадбирларни қабул қилиш ва ҳисобга олиш учун хизмат қилади.

3. Оммавий-вегетация суғорув ишларини бошлашдан олдин бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларини ушбу кўлланманинг 3.2-бандида қайд этилган Комиссия комплекс равишда қабул қилади. Комиссия бевосита жойларда бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг сифати ва ҳажмини баҳолайди ва қўйидаги техник ҳужжатларни кўриб чиқади:

- ХИМТнинг техник ҳолатини текшириш далолатномаси;

- таъмирлаш-тиклаш ишларининг дал олатномаси;

- яширин таъмирлаш-тиклаш ишларининг дал олатномаси;

- бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг оралиқда қабул қилинган далолатномаси;

- бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг жамғарма ведомости.

4. Комиссия тасдиқланган техник ҳужжатларга мувофиқтопирилган ХИМТ объектлари бўйича фақат тугалланган таъмирлаш-тиклаш ишларини қабул қилади.

Қабул қилиш натижалари бўйича ХИМТ объектларида (6-илова) бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларини қабул қилиш 65%ича далолатнома тузилади, унда ишларнинг амалий ҳажми ва қиймати, дастлабки иш режасига киритилган кўшимчалар ва ўзгаришлар, объектлар ва тугалланмаган таъмирлаш-тиклаш ишларининг рўйхатлари қайд этилган ва уларни тугаллаш муддатлари кўрсатилган бўлади.

Қабул қилиш далолатномаси СИУ Бошқаруви томонидан тасдиқланади ва бажарилган ишга ҳақ тўлаш учун ва тугалланмаган ишларни тугатиш учун асос бўлади.

5. Таъмирлаш-тиклаш ишларининг сифатини яхшилаш ва уларни ижро этиш муддатини қисқартириш мақсадида қўйидагилар тавсия этилади:

- бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишлари учун жорий ҳақ тўлашни тўлиқ ҳажмда эмас (амалий харажатлардан 70-80%), балки якуний ҳисобкитоблар, қабул қилиш далолатномаси асосида амалга ошириш;

- таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажариш учун СИУнинг ёлланма ходимларини мукофотлаш (лавозим маошидан 1,5 бараваргача )ни амалга ошириш, бу харажатлар мақоми СИУ бюджетида олдиндан кўзда тутилган бўлиши керак;

- таъмирлаш-тиклаш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилмаган ҳолларда жорий ва тўлиқ ҳақтўлаш ўртасидаги фарқ қийматининг тегишли қисми ушлаб қолинади.

Ирригация-мелиорация тизимидаги объектлар бўйича бажарилган

куидаги таъмирлаш-тиклаш ишлари фойдаланишга қабул қилинсин.

1. Ирригация-мелиорация тизимидаги объектларнинг техник ҳолатига майдонни меъёрий суғоришни таъминлайди.

2. Ирригация-мелиорация тизимидаги қуйидаги объектлар бўйича таъмирлаш-тиклаш ишлари режадаги муддатда бажарилмаган (сифатсиз бажарилган):

Объект номи	Таъмир-тиклаш иш турлари	Иш ҳажми			Қиймати, минг. сўм.		Эслатма
		ўлчов	режа	амалда	режа	амалда	
1	2	3	4	5	6	7	8

3. Тугалланмаган ва қабул қилинмаган таъмирлаш-тиклаш ишларининг умумий қиймати минг сум. Уларни бажариш белгиланган муддати 200\_ йил " \_\_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ гача

4. Ирригация-мелиорация тизимидаги тугалланмаган ва қабул қилинмаган таъмирлаш —тиклаш ишлари \_\_\_\_\_ гектар майдонда меъёрий суғориш ишларини ўтказишни таъминламайди.

Комиссия раиси: \_\_\_\_\_

(ИМЗО)

Комиссия аъзолари: \_\_\_\_\_

(ИМЗО)

## 8.5. МЕЛИОРАТИВ (ЗАХ КОЧИРИШ) ТИЗИМЛАРИНИ ИШЛАТИШ.

### 1. Умумий булим.

1.1. Мелиоратив (зах кочириш) тизимларини ишлатиш бўйича Ушбу рисола (кейинги матнларда «Рисола» деб юритилади) суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, махсулдорлигини ошириш, мелиоратив (зах кочириш) тизимларини бехатар ишлатиш учун амалга ошириладиган ташкилий, техник-эксплуатацион тадбирларни уз вақтида ва пухта бажарилишини уз ичига олади.

1.2. Рисолада келтиритган коидаларни бажарилиши зах кочириш тизимларини ишлатиш, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш Билан шугулладиган, қайси ташкилотга буйсунишидан катъи назар, ҳар бир эксплуатация хизмати учун мажбурийдир.

1.3. Мелиоратив тизимларни техник ишлатиш мелиоратив тизимнинг барча элементларини техник соз ва бехатар ишлайдиган ҳолатини маклаш ва уларни куриклашни ташкил этиш, ерларни экинлар илдизи ривожладиган катламида энг яхши сув тартиб (режим)ини ҳосил қилиш, кишлок хужалиги меҳнати ва мелиорацияладиган ерлардан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишдан иборатдир.

1.4. Мелиоратив тизимлар бир хужалик фойдаланадиган ернинг чегараси ичида булса-хужаликнинг ички, бир неча хужаликлар майдонини уз ичига оладиган булса-хужаликлараро, бир неча туманларни ер майдонларига

хизмат киладиган булса-туманлараро, худи шундай, вилоятлараро тизимлардан ташкил топган булиши мумкин.

1.5. Мелиортив тизимладаги зах кочирувчи каналлар ва коллекторларни муътадил (нормал) холати.

- етарли даражада дренаж, ташлама, катастрофик сув сарфларини утказиш қолиятига эга булиш,
- коллекторларни вертикал туташиши етарли булиши, яъни дам (подпор) хосил килмасдан сувни равон чиқариб юборилиши,
- сувни минимал (энг кам) сарфидан то максимал (энг куп) сарфигача коникарли ишлаши,
- узанида ювилиш ва дамбасини сув ёриб кетиш хавфи булмаслиги.

1.6. Мелиортив тизимлардаги коллектор ва каналларда қуйидаги қурилма ва усқуналар, иншоатлар булиши мумкин.

- вертикал дреналар,
- утиш жойлари, куприклар, қувурли йул утказгичлар, қора молларни утиш жойлари,
- гидрометрик постлар, улчов қудуклари, реперлар, курсатгичлар,
- назорат йуллари,
- алоқа линиялари.

## **2.Мелиоратив (зах қочириш) тизимларини техник ишлатиш (эксплуатация) хизматининг ҳуқуқ ва вазифалари.**

Эксплуатация хизмати:

2.1. Хужаликлар ички мелиоратив тизимлари ва улардаги иншоатларни ишлатиш буйича фермер, ширкат ва бошқа хужаликларга техник ёрдам қусатади.

2.2. Мелиоратив тизимлар атрофидаги қуриб қолган усимликларни ёқиб юборилишига Қарши тадбирларни утказади.

2.3. Хужаликларни ички мелиоратив тизимларини ишлатувчи мутахассисларни малакавий тайёрғарлигини яхшилаш тадбирларини белгилайди.

2.4. Қишлоқ хужалигида сугориладиган ерлардан тулик фойдаланиш буйича техник ва ташкилий-хужалик тадбирларини утказади.

2.5. Мелиоратив (зах қочириш) тизимларини сел ва тошқин сувлари Билан ювилиши, лойқага тулиб қолишидан химоя қилади.

2.6. Эксплуатация ишларини механизациялаштириш, автоматика ва телемеханикани жорий қилиш, эксплуатация ишларини арзонлаштириш тадбирларини ишлаб чиқади.

2.7. Хужаликлардаги шурланган ерларни ювиш самарадорлигини баҳолайди.

2.8. Гидрогеологик ва тупроқ мелиорация экспедициялари, мелиоратив лабораториялар, баланс створлари, қузатиш қудуклари тармоғи, коллектор-дренаж тизимидаги гидростлар ишларини назорат қилади.

2.9. Мелиоратив тизимларда ишлаб чиқариш тадқиқотларини, кадастр ишларини олиб боради.

2.10. Тасарруфидаги мелиоратив тизимларни ишини яхшилаш, таъмирлаш

ва бошка ишларни молиялаштириш юзасидан юкори ташкилотларга таклифлар билан чиқади.

### **3. Мелиоратив (зах қочириш) тизимларини ишлатиш учун керак буладиган техник ҳужжатлар.**

3.1. Мелиоратив тизимларни тугри ишлатишни ташкил қилиш учун эксплуатация (ишлатиш) хизмати қуйидаги ҳужжатларга эга бўлиши керак.

- тизимни ёки унинг баъзи бир қисмини доимий ишлатишга қабул қилиш-топшириш далолатномаси,
- мелиоратив тизимлар ёки унинг қисмлари, тизимни барча элементлари, иншоатлари курсатилган картографик материал,
- коллектор киргоқларини мустаҳкамланган қисмларини, мустаҳкамловчи материал, узунлиги курсатилган руйхати,
- асосий иншоатларнинг схемалари ва уларни техник эксплуатация (ишлатиш) қоидалари,
- тизим ва иншоатларнинг паспортлари,
- доимий ва вақтинчалик реперлар ва киргоқларнинг белгиларини руйхатлари.

### **4. Мелиоратив тизимларни техник ишлатиш (эксплуатация қилиш) тадбирлари.**

4.1. Мелиоратив тизимларни техник ишлатиш тадбирлари.

- тизимдаги барча техник қурилмаларни иши ва техник ҳолатини назорат қилиш ва уларга хизмат қурсатиш,
- тармок ва иншоатларни таъмирлаш, каналлар ва сувни қабул қилувчи қурилмаларни лойка ва усимликлардан тозалаш, дрена ва коллекторларни тозалаш,
- тизимни техник даражасини қутариш учун доимий равишда қайта қуриш ва қушимча жиҳозлаш ишларини олиб боришдан иборат.

4.2. Мелиоратив тизимларга техник қаров мунтазам равишда амалга оширилиши ва аниқланган қамчиликлар зудлик билан бартараф қилиниши шарт.

4.3. Мелиоратив тизимларни ишлайдиган ҳолатини таъмирлаш учун техник қаровнинг қуйидаги ишлари бажарилиши лозим.

- очик коллекторлар, сув қабул қилувчи иншоатлар, ёпик тармоқларни қуриқлаш,
- сув дам бўлиб окмаслиги учун дрена ва коллекторлардан сувни қабул қилиб оладиган дарё ва каналларда сув сатҳини паст ушлаш,
- иншоатлар, коллектордаги бузулиш ва шикастланишларни олдини олиш,
- ер усти сувларини коллекторларга ташлаш учун сувни қабул қилиб оладиган даганак, филтрларни тузатиш,
- коллекторлар ва иншоатлардаги майда шикастланишларни тузатиш, киргоқ белгиларини қуйиш,
- иншоатларни гидромеханик қурилмаларини занглашига Қарши ишларни амалга ошириш, қутарғичларни вақтида ёглаб туриш, репер, пикетларни хар йили буяш,
- коллекторлардан қора моллар ва бошка хайвонларни утқишиш учун етарли



микдорда утиш жойлари, куприклар куриш,

- иншоатларни сел ва тошкин сувларини утказиб юборишга, кишки мавсумга тайёрлаш.

4.4. Коллектор ва дреналарни маълум бир участкалари ишини назорат килиш ва иншоатларига техник каровни амалга ошириш учун узанни доимий таъмирловчилар-айланиб чиқарувчи ёки уларнинг доимий звеноси далолатномалар тузиб, хар бир кишига 10-12 км узунликдаги хужаликлараро ёки магистрал коллекторлар тугри келадиган килиб, бириктириб куйилади.

4.5. Мелиоратив тизимларни техник холати ва ишини назорат килиш, икки хил булиб, кузх Билан ва индустрментлар ёрдамида назорат килишдан иборат, хамда бундай ишлар узлуксиз равишда йил буйи олиб борилади.

4.6. Мелиоратив тизимлар устидан назорат куйидагилардан ташкил топади.

- мелиоратив тизимнинг баъзи бир элементларини ишлатиш коидаларига риоя килишни назорати,

- ердан фойдаланувчилар томонидан ишлатиш (эксплуатация) коидаларини бажарилишини назорат килиш,

- кузатув кудуклари, гидростлардаги сув сатхини улчаш йули Билан сув тартибини (режими)ни кузатиб бориш,

- ёнгинга Карши тадбирларни бажарилишини, ёнгин булганда уни учирилишини назорат килиб бориш,

- авария булиши мумкин булган жойларни белгилаш ва урганиш.

4.7. Кузатиш кудуклари ва бургуланган кудуклар таянч тармогини жойлаштириш хамда жихозлаш, грунт сувлари тартиби ва сугориладиган ерларда грунт сувларининг минерализация таркибини кузатиб бориш хамда бу маълумотларга кайта ишлов бериш кишлок ва сув хужалиги вазиригининг махсус кулланмаларига мувофик амалга оширилади.

4.8. Иншоатлар, коллекторлар ва дреналар йилига 2-3 марта бахорда сел ва тошкин сувлари утгандан сунг ёзда ва кузда текширилиб чиқилади.

4.9. Кузги текшириб чиқишлар натижасида комиссичлар томонидан таъмирлаш ишларининг хажмлари белгиланиб дефект далолатномалари тузилади, лозим булса лойиха-смета хужжатлари килинади ва келгуси йил иш режасига киритилади.

## **5. Мелиоратив тизимларни таъмирлаш.**

5.1. Мелиоратив тизимларда жорий, капитал ва авария-тиклаш таъмирлаш ишлари булиши мумкин.

5.2. Жорий ва профилактик таъмирлаш ишлари йилига 2 марта-бахорда, сел ва тошкин сувлари утгандан сунг ва кузда, музлаш бошлагунча, тизимни эксплуатация килиш сарф-харажатлари хисобидан бажарилади.

5.3. Жорий таъмирлаш сув кабул килувчи курилмалар, коллекторлар, иншоатлар ва тизимнинг бошка элементларида табиий факторлар, шунингдек, тизимдан фойдаланиш коидаларини бузулиши натижасида хосил булган майда-чуйда, 20%дан кам емирилишга эга булган бузулишларни тузатишни уз ичига олади.

5.4. Жорий таъмирлаш ишларига куйидагилар киради.

- ёник тармоқдаги дренаж куйиладиган жойлар, кудуклар ва бошка иншоатларни таъмирлаш,
- иншоатлар, коллекторлар ва йуллернинг баъзи бир участкаларини таъмирлаш, каналларнинг киргокларини кияликлари ва тубини мустахамлаш,
- каналларнинг кияликларига ут экиш,
- яшаш, ишлаб чикариш ва омборхона курилмалари хамда иншоатлари, алока ва электр узатиш линияларини майда-чуйда таъмирлаш ишлари,
- сув улчаш постлари, кузатув кудуклари, киргок белгиларини тузатиш, шунингдек, уларни агар бузулган булса, кайта тиклаш,
- коллекторлардан кора моллар утадиган жойлар, утиш жойлари ва бошка шунга ухшаш жойларни таъмирлаш.

5.5. Капитал таъмирлаш мелиоратив тизим ва ундаги иншоатларнинг баъзи бир элементларини тулик кайта тиклаш ишларидан иборат.

5.6. Капитал таъмирлаш ишларига куйидагилар киради.

- дарё ва коллекторларни окизинди ва лойка чукиндиларидан тозалаш,
- коллекторлар ва сув кабул килувчиларнинг копламаларини кайта тиклаш,
- окимни тугриловчи-бузулган траверс иншоатлар, бунда, дамбалар, сув тусгичларни кайта тиклаш,
- ишдан чиккан дренаж линиялари ва коллекторларнинг баъзи бир тизимларини кайта тозалаш ёки бокатдан ёткизиш,
- вактинчалик ёгоч ишшоатлар-шлюз-тартибга солувчилар, куприклар, кувурлар, йул утказгичлар ва бошка иншоатларни тулик ёки кисман кайта куриш,
- дренаж куйиладиган ва бузулган жойлар, гидротехник иншоатлар, йул иншоатларининг элементлари алмаштириш,
- ишлаб чикариш сув ховузлари ва сув олувчи жойларни (20-50%) емирилиши окибатида бузулган жойларни кайта тиклаш.

5.7. Авария-тиклаш, таъмирлаш ишлари коллекторлар, химоя говлари, бинолар, иншоатлар, йуллерни тошкин ва бошка табиий ходисалар хамда талофатлар таъсиридаги йирик бузулишларини бартараф килишни уз ичига олади.

5.8. Авария-тиклаш, таъмирлаш ишларига, назарда тутилмаган ва бажарилишини оркага суриб булмайдиган куйидаги ишлар киради.

- дамбаларни сув ювиб кетган жойларини беркитиш ва кайта тиклаш,
- коллекторлар ва иншоатларни ёнгин таъсирида тулик ёки кисман ишдан чиккан элементларини кайта тузиш ва кайта тиклаш,
- тошкин ва сел натижасида ишдан чиккан йул тукмаси, куприклар ва кувурларни кайта тиклаш,
- дарёлар, коллекторлар, каналлардаги сув сатхини кутарувчи иншоатларни кайта тиклаш.

5.9. Тозалаш ишларининг хажмини аниклаш учун сув кабул килувчилар ва коллекторлар икки йилда камида бир марта нивелирлаб чикилиши шарт.

5.10. Лойихани шикастланиш ва бузулишларга олиб келувчи камчиликларига.

- грунтни ва гидрогеологик шарт-шароитларни етарли текширилмаганлиги,
- геодезик улчаш ва суви тунланадиган (зах кочириладиган) майдонни аниклашда йул куйилган хатолар.

5.11. Курилишнинг камчиликларига куйидагилар киради.

- лойихадан четга чикиш,
- коллекторларни нотугри вертикал туташтириш,
- ерни ёмое текислаш,
- киргок кияликлари ва дреналарни ёмон мустахкамлаш.

5.12. Ишлатиш камчиликларига куйидагилар киради.

- каналларни уз вақтида тозаламаслик,
- дреналар ичини илдизга тулиб усиб колиши,
- киргоклар кияликларини бузулиши.

**6. Мелиоратив (зах кочириш) тизимларидаги сув қабул килувчи каналлар ва коллекторлар, иншоатлар, ката хажмдаги ташлама сув туланадиган куллар ва дамбаларни ишлатиш.**

6.1. Сув қабул килувчиларни ишлатиш. Сув қабул килувчиларнинг нормал техник холати.

- коллектор вак дренали куйилиш жойлари,
- вегетация даврида сувга бостирилмаса,
- пастаги ерларни сув босмаса,
- узанида суви равон окиб,
- суви кушиладиган жойлар ва коллекторлар упирилиб тушмаса.

6.2. Сув қабул килувчиларда эксплуатацияни куйидаги ишлари амалга оширилади.

- узанлар, киргоклар, иншоатлар, гидростлар ва киргок белгиларини техник соз холатда ушлаб туриш,
- узанлар ва гидроиншоатларни тошкин сувларини утишига тайёрлаб куйиш.

6.3. Коллекторлар ва сув ташловчи тркатларни ишлатиш.

Коллекторларнинг барча турларини нормал техник холати куйидаги шартлар билан аникланади.

- коллекторларнинг чукурликлари лойихада белгиланган чукурликка тенг булиши керак, чукурликнинг камайишига йул куйилмайди,
- коллекторлар узанлари, бошка тартибдаги коллекторлар билан вертикал туташган жойлар мустахкамланиб, ювилмайдиган килиб куйилган булиши керак.

6.4. Коллекторлар ва сув ташловчи трактларда куйидаги эксплуатация ишлари амалга оширилади.

- узанларни таъмирлаш, мустахкамлаш, даганаклар урнатиш,
- колекторлардан тошкин ва сел сувларини авариясиз утказиб юборишга тайёрлаб куйиш.

6.5. Мелиоратив (зах кочириш) тизимларидаги гидротехника иншоатлари ва насос станцияларини ишлатиш. Тизимдаги гидротехника иншоатлари техник соз холатда булиши ва куйидаги шартларга жавоб бериши керак.

- иншоатларнинг тешиклари коллекторлардаги нормал сатхдан ошмасдан максимал сарфни утказишни таъмин этиш,

- металллар курилмалари зангламаган, чиримаган булиши керак.

6.6. Иншоатлардаги эксплуатация ишлари куйидагиларни уз ичига олади.

- иншоатларни тошкин ва сел сувларини утказиб юборишга тайёрлаш ҳамда уларни беталофат утказиб юбориш,

- иншоатларни барча элементларини улчаб тури шва назорат килиш,

- техника хавфсизлиги ва мехнат мохофазаси коидаларини бажариш.

6.7. Катта хажмдаги ташлама сув тупланадиган кулларни ишлатиш. Бундай куллар табиий хосил булган пастликлар ёки куллар булиб зах кочириш тизимларини ташлама сувларини туплаш ва кейин чикариб юборишга хизмат килади.

6.8. Польшдер (зах кочириш тизимларининг сувини туплаб насос станциялари ёрдамида чикариб юбориш) тизимларини ишлатиш.

6.9. Польшдер тизимларини ишлатиш (эксплуатация) хизмати куйидаги ишларни бажариб боради.

- сув сатхини кутарилиш ва тушиш графигини тузади ва ха рун кунликда сувни тортиб чикариш баландлигини аниклайди,

- зах кочириш меъёридан келиб чикиб коллекторларни даврий равишда энг кам ва энг куп хисобий сув сарфини аниклайди,

- насос станциясининг электр энергиясига булган талаби аниклайди.

6.10. Польшдер тизимидаги насос танцияси коллектордаги сув сатхини энг кам холатидан энг куп холатигача ишлатилади.

6.11. Дамбаларни ишлатиш (эксплуатация килиш). Химоя дамбалари куйидаги шартлар бажарилганда техник соз хисобланади.

- сув сизиб утаётган грунт заррачалари сув Билан чикмаётган булса,

- дамбанинг керакли жойларида утиш ва тушиш жойлари булса.

6.12. Дамбаларни эксплуатация килиш ишлари.

- дамба тошкин пайтида шикастланиш ва бузулишдан саклаш,

- дамба ва иншоатларни холатини назорат килиш.

6.13. Тошкин ва сел сувларини беталофат утказиб юбориш учун тошкин комиссияси тузи шва тошкин хавфи бор жойларда кечаю-кундуз навбатчилик ташкил килиш.

6.14. Эксплуатацион гидрометрик таркибига инженер, техник ва постлар, скваженаларни кузатувчилар киради. Эксплуатацион гидрометрия куйидаги ишларни бажаради.

- сув кабул килувчилар, коллекторлар, куллар, насос станциялари ва тартибга солувчи иншоатлардаги гидростларда сув сатхини кузатиш,

- кудуклар створлари буйлаб грунт сувларининг сатхини кузатиш.

6.15. Реперлар коллекторлар буйлаб киргок четидан 0,5м масофада хар 1км узокликда урнатилади.

6.16. Эксплуатация хизмати тизимларни эксплуатация килиш хусусиятларидан келиб чикиб, тизимни эксплуатация ишларида куллаш мумкин буладиган килиб, техник хавфсизлиги ва мехнат мухофазаси курсатмаларига наикликлар киритиши ҳамда бу аникликлар киритилган курсатмаларни барча ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимлар томонидан бажарилишига эришиши зарур.

## **7. Мелиоратив (зах кичириш) тизимларини ривожлантириш.**

7.1. Мелиоратив тизимларни ривожлантиришни якин келажак режаси, тизимни замонавий ҳолатини характерлайдиган, лойиха ишланмалари материаллари ва тизимнинг ишидаги мавжуд камчиликларнинг батавсил тахлили асосида тузилади.

7.2. Мелиоратив тизимларни ривожлантириш перспектив режасида куйидаги масалалар ишлаб чиқилиши керак.

- кишлок хужалиги экинларини ҳосилдорлигини ошириш,
- сугориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш,
- тизимни, коллекторлар, каналлар ва иншоатларни қайта тузиш ва қуриш.

7.3. Ишлар режалаштирилаётганда таъмирлаш ишларини молиялаштиришни манбаси бюджет, хужалик ҳисоб рақамидаги маблағ ва уларни бажарилиш навбати алоҳида-алоҳида шунингдек, кулланилиши кутилаётган тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги кутилади.

7.4. Мелиоратив (зах кочириш) тизимларнинг ҳар йилги барча жорий ишлари перспектив режа схема ва лойихалар асосида амалга оширилади.

## **8. Эксплуатацион тадбирларни режалаштириш ва ҳисобот.**

8.1. Ишлаб чиқариш режалари юқори ташкилотлар белгиланган муддат ва шаклда эксплуатацион тадбирлар, капитал таъмирлаш, тизимни қайта тузиш ва мукаммаллаштириш булимлари алоҳида-алоҳида курсатилиб тузилади.

8.2. Эксплуатацион муҳим (сугориш мавсумига тайёргарлик, Шур ювиш, тошқин ва сел сувларини беталофат утказиб юбориш, сугориш мавсумидан кейинги таъмирлаш ишлари ва б.ш.у.) тадбирларини уз вақтида бажариш учун тезкор режалар тузилади.

8.3. Коллектор-дренаж тизимининг эксплуатация хизмати юқори ташкилотларга ахборот бериш, тезкор статистик ҳисобот бериш йули Билан ҳар чоракда ва ишлаб чиқариш молиявий йиллик ҳисоботларни йигиб боради.

## **9. Эксплуатация хизматининг эҳтиёжи учун махсус фойдаланишга берилган ер майдонлари.**

9.1. Эксплуатация хизматининг махсус эҳтиёжлари учун коллекторлар, каналлар буйлаб ва гидротехника иншоатлар атрофидан ерлар ажратиш республиканинг конунчилиги Билан белгиланади.

9.2. Мелиорациянинг махсус эҳтиёжи учун ажратилган ерларда қурилиш қилиш, қовлаш, қурилиш материалари ва кишлок хужалиги маҳсулотлари омборлари, шунингдек, конунчиликда назарда тутилмаган бошқа ишларини олиб бориш, шахсий манфаатларда фойдаланиш, мелиорация ва сув хужалигининг манфаатига зид равишда фойдаланиш тақиқланади.

## **10. Мелиоратив тизимлар кадастри.**

10.1. Мелиоратив тизимлар кадастр захи ва шури қочириладиган ер фонди, унинг мелиоратив ҳолатини ҳисобга олиш, керакли техник ҳужжатларини тузиш, шунингдек, коллектор-дренаж тизимида эксплуатацион тадбирларни белгилаш мақсадида олиб борилади.

10.2. Кадастр, паспортлаштириш утказиш ва паспорт шакллари тулдирлиш тугрисидаги курсатмаларга мувофиқ, «статистик бошқармалари»

Билан келишиб тасдиқланган шакллардаги суғориш тизимлари ва иншоотлари паспортлари асосида олиб борилади.

10.3. Мунтазам равишда кадастрни олиб бориш, паспортлаштириш пайтида, хар йилги жорий узгаришларни ёзиб боришдан иборат.

## **9. ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТИЗИМЛАРИДА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ИШЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси МДХ давлатлари ичида асосий пахтачилик базаси ҳисобланади. Бу минтақа қадимдан ердан унумли фойдаланадиган ўлка бўлиб, асосий қишлоқ хўжалиги экинлари суғориш ёрдамида етиштирилади. Бу ишлар тизимларни, каналларни ва гидротехник иншоотларини эксплуатация қилиш натижасида эришилади.

Ўрта Осиё ерларининг асосий сув манбаи Амударё ва Сирдарё бўлиб, Ўзбекистон ерларини сув билан таъминлашда Зарафшон, Чирчиқ, Сўх, Қашқадарё, Сурхондарё, Исфайрам, Шохимардон ва бошқалар қатнашади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидаги бўлимлар, каналлар, гидротехник иншоотлар, насос станциялари муҳофаза мосламалари, тўсиб турувчи дамбалар, инспектор йўллари, фуқароларга ва ишлаб чиқаришга тегишли иморатлар, телефон тармоғи, радиобогланиш, электр тармоғи ва бошқалар иш ҳолатини сақлаб туриш бўйича ишларга раҳбарликни амалга оширади. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги суғориш манбасидан сувни олиш ва уни керакли микдорда ва муддатларда фермер, деҳқон хўжаликларига етказиб беришни таъминлайди.

Эксплуатация хизмати кенг қўламдаги ишларни олиб боради.

- Режали сувдн фойдаланишни амалга оширади;
- Хўжаликлараро суғориш коллектор – дренаж тармоғи, сув олиш иншоотлари, богланиш (узловые) иншоотлари, насос станциялари сув омборлари ва вертикал дренаж қудуқлари ва барча эксплуатацион мосламаларни соз ҳолатда сақлаш бўйича ишларни олиб бориш ;
- Хўжаликларда сувдан унумли фойдаланишни назорат қилишни амалга ошириш;
- Ерларни мелиоратив ҳолатини назорат қилиш;
- Хўжалик ичи суғориш ва коллектор тармоғини эксплуатация қилишда техникавий хизмат кўрсатиш;
- Каналлар тармоғи, боғланма иншоотлар, насос станциялари, дамбаларни, қудуқларни ва эксплуатацион жихозларни қўриқлашни амалга ошириш;
- Тизимларни эксплуатация қилиш ва такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқариш тадқиқотларини ўтказиш;
- Тизимда эксплуатацион ишларни бажариш учун техникавий маълумотлар зарур ва эксплуатация пайтида йиғилади;
- 25-йиллик иқлим маълумотлари (хаво харорати, ёгинлар, буғланувчанлик, хаво намлиги, шамол).

- 10-15 йиллик гидрологик ва гидрогеологик маълумотлар (дарё ва каналлардаги сув сарфлари, лойқалик, ер усти ва ер ости сувларининг минерализацияси, ер ости сувлари сатхлари, филтрация коэффициенти ва бошқалар);
- суғориш майдонлари ва режими тупроқ ҳолатлари тизимнинг техникавий ҳолати ва сувдан фойдаланувчилар ҳақида маълумотлар;
- таъмирлаш ишлари каналлар ва коллекторлар - дренаж тармогини сув ўтказиш қобилиятини тиклаш учун йўналтирилган. Уларга каналларни оқизиклар ва ўсимликлардан тозалаш, дамбаларни лойихадаги белгигача тўлдириш. Каналлардаги дамбаларда ҳосил бўлган ёриқликлар, тешиқларни бекитиш, сув ювган жойларни тўлдириш ва бошқалар киради. Иншоатни тамирлашга, сув ювган ёриқ ва тешиқларни ямаш, яроқсиз қисмларни алмаштириш. Щит затворларини тузатиш, қуриш қудуқлари, скважиналар ва дренаж мосламаларини тузатиш киради. Қурилманинг металл қисмлари - кўтариш механизмлари, рамалар ва бошқаларни занглашдан асраш учун кузда уларни мазут ёки ёғлар билан сурилади.
- суғориш тармоғи ва иншоотлардаги носозликларни аниқлаш ва кераккли материалларни тайёрлаш учун, суғориш мавсуми тугаши билан СИУ томонидан махсус комиссия ташкил этилиб зарур сарф-харажатлар белгиланади.
- Ўзбекистондаги суғориш тизимларидаги таъмирлаш ишларининг асосий турларига қуйидагилар киради;
- каналлар гидротехника иншоотлари, насос станциялари, гидрометрик постлари, фуқаролар ва ишлаб чиқаришга тегишли бинолар, алоқа мосламалари фойдаланиладиган йўллар, вертикал дренаж қудуқлари тўсиб турувчи дамбалар;
- сув тошқинидан муҳофаза қилиш ва дарёдан сув олишда ростлаш ишларини ўтказиш;
- гидротехника иншоотлари, гидрометрик постлари, бинолари, алоқали фойдаланиладиган йўлларни ва насос станцияларини капитал таъмирлаш.
- таъмирлаш ишларида масъул ташкилотлар кераккли жихозларни тайёрлаб қўйишлари керак.

Мелиоратив тизимдаги зах қочириш тармоқларини мўътадил (нормал) иш ҳолати қуйидагилар билан белгиланади:

- етарли даражада зах, ташлама, катастрофик сув сарфларни ўтказиш қобилиятига эга бўлиши;
  - туташ тугунларида дам (подпор) ҳосил қилмаслиги;
  - турли сув сарфларида қоникарли ишлашлари;
  - ўзан ва ён қирғоқларини ювилмаслиги;
  - ўзанни лойқа босмаслиги ва унда бегона ўтларни ўсмаслиги;
  - ўзандаги иншоотларни қоникарли ишлаши;
- Бунинг учун уларда қуйидаги техник тадбирлар амалга оширилиши

режалаштирилади:

- улардаги сув тартиб (режим)ини бошқариш (улардаги сув сатхларини нормал ҳолатда ушлаб туриш);
- тизимдаги барча техник қурилмаларни ишчи ва техник ҳолатини назорат қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш;
- тармоқ ва иншоотларни таъмирлаш, лойқа ва ўсимликлардан тозалаш;
- тизимни техник даражасини кўтариш мақсадида доимий равишда қайта кўриш ва қўшимча жихозлаш.

Мелиоратив тизимларни ишлайдиган ҳолатини таъминлаш учун техник қаровнинг қуйидаги ишлари бажарилиши лозим:

- очик коллектор ва ёпиқ зовурлар, улардаги иншоотлар, сув қабул қилиш объектларини кўриқлаш;
- сув дам (подпор) бўлиб оқмаслиги учун сув қабул қилгичларни сув сатхини пасайтиришга эришиш;
- зах сув ўзанида ҳосил бўлган тўсиқларни (ўпирилиб тушган тупрок тўпланган чўп ва х.о.) мунтазам тозалаб туриш;
- суғориш сувларини зах қочириш тармоқларига тушишини олдини олиш;
- зах қочириш тармоқларидан махсус ўтиш жойларини барпо қилиш;
- улардаги иншоотлар гидромеханик қурилмаларини занглашига қарши ишларни амалга ошириш.

Зах қочириш тармоқлари ишини доимий назорат қилиш ва уларга техник қаровни амалга ошириш учун техник хизмат гуруҳ (хар бир хизматчига 10-12 км) тузилиб улар ўз кузатувларини махсус қилинган Кундалик ишлар ҳажми ва далолатномаларда қайд этишади.

Кундалик ишлар ҳажми асосида уларга ҳақ тўлаш тавсия этилади. Назорат 2-хил кўринишда кўз билан кузатув ва инструмент ёрдамида олиб борилиб ва унда:

- мелиоратив тизимнинг баъзи бир элементларини ишлатиш қоидаларига риоя қилиш назорати;
- ердан фойдаланувчилар томонидан зах қочириш тармоқларини ишлатиш қоидалари бажарилишини назорат қилиш;
- мелиоратив тизимлар ва иншоотларни ишлатишни кузатиб бориш, шунингдек, тизимнинг баъзи бир элементлари ва иншоотларидаги бузилиш ҳамда ишдан чиқиш сабабини аниқлаш;
- кузатув қудуқлари, гидростлардаги сув сатхини ўлчаш йўли билан сув тартибини кузатиб бериш;
- юқори ҳосил етиштириш ва ердан яхши фойдаланишга шароит яратиш мақсадида, лойихага мувофиқ ердан фойдаланишни ва мелиорацияланган ерларда агротехника қоидаларини бажарилишини назорат қилиб бориш ишлари бажарилади.

Мелиоратив тизимларда учраши мумкин бўлган бузилишлар ва уларни тузатиш тадбирлари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.



1- жадвал.

Мелиоратив тизимларда учрайдиган асосий бузилишлар ва уларни тузатиш тадбирлари.

Бузилишларнинг асосий турлари	Бузилишларни тузатиш тадбирлари
1	2
Коллекторларда тошқин, ёмгир таъсири остида оқизинди (лойқаларни чўкиб қолиши.	Лойқа чўкишини олдини олиш мақсадида лойқа чўкиши мумкин бўлган жарликлар, қияликларни мустаҳкамлаш, коллекторларга лойқа чўкмайдиган профилларни бериш тадбирлари бажарилади.
Ёндан қўшилувчи коллекторларни нотўғри вертикал туташishi ва тизимнинг юқори қисмидан ювилиши натижасида коллекторларда оқизиндиларни чўкиши	Тизимни юқори қисми мустаҳкамланади, остона қурилиб нишаблик камайтиради.
Нишабликларни бузулиши ҳамда ювилиш ва лойқа чўкишига йўл қўймайдиган нишабликдан фарқ қилувчи нишаблик таъсирида коллекторларнинг ўзанини ювилиши ва унда лойқа чўкиши.	Қияликларни тўғрилаш ва тезоқар шаршаралар Қуриш, тош териб мустаҳкамлаш ва бошқа қурилмалар қуриб ювилиш ва лойқа босишни бартараф қилинади.
Грунт чўкиши натижасида коллекторларни бузилиши	Шундай таркибдаги грунт билан коллектор қирғоғи шиббланиб профил тўғриланади.
Коллекторда дарахтлар, ўт ўсимликларнинг ўсиши, сув ўтказиш қобилиятини пасайиши, сувни дам (подпор) бўлиб оқиши.	Коллекторда дарахтлар, ўт ўсимликлари ўсишига йўл қўйилмайди, коллекторни қирғоқлари ва қирғоқ қияликлари (откоси) йилига 2 марта тозаланади.
Коллекторни ковлаганда уларни четига уйилган тупроқ (ковальер) қирғоқ четига яқин жойлашиб, босими остида коллекторнинг(откоси) қиялигини бузса.	Кавальер 0,5 м дан кам баландликда текисланади, кавальерни орқасида тўпланадиган сувларини ташлаш учун даганак (воронка) қилинади.
Қияликларни ёмгир суви билан ювилиши, каналда оқизиндини чўкиб қолиши.	Ювилган қирғоқ чим билан мустаҳкамланади, ёмгир сувини йигиб тушириб юборадиган ариқчалар қуриш орқали бартараф қилинади.
Грунтларни музлаши ва музи эриши	Чим бостирилади, ўт экилади.

натижасида коллекторларнинг қирғоғини бузилиши ёриқлар ҳосил бўлиши.	
Кичик радиус орқали коллектор бурилган жойларида туби ва қияликларининг ювилиши.	Коллекторнинг ювиладиган ботик қисмига шагал тош тўкиб, чим бостирилиб ёки бетон плиталар ётқизирилиб мустаҳкамланади.
Коллекторни кенгайган жойларида оқизиндиларни чўкиб тўпланиши.	Коллекторга қайта профил берилади (бун, траверс дамбалари) баъзи бир ҳолатларда нишабликни ошириш учун тўғриланган трасса қурилади.
Коллекторни нотўғри ишлатилиши натижасида бузилиши (ўз вақтида тозаламаслик қияликларида мол боқиш, хашаклар ва тошлар ва бошқа нарсаларни уйилиб қолиши, ўтиш жойлари, транспорт ўтиши натижасида зарарлар ва х.к.)	Эксплуатация (ишлатиш) қоидаларини тўғри бажариш таъминланади ва камчиликлар бартараф этилади.
Кўприклар, қувурли ўтиш жойлари, шаршара, сув сатҳини тартибга солувчи (регуляторлар) иншоотлар ва бошқа иншоотларни тошқин суви, муз асосини чўкиши таъсирида бузилишлари.	Тошқин сувлари ўтиши олдиан иншоотлар сув ўтиш жойлари тозаланиб, таянч девор қияликлардаги музлар уриб майдаланиб камчиликлар тuzатилади, асос мустаҳкамланади, Асосий гидроиншоотларда навбатчилик ташкил қилиниб материалларни авария захираси тайёрлаб қўйилади.
Сув қабул қилувчи (водоприёмниқ) ни ўт ва лойқа босиши оқибатида зах сув қўйиладиган жойларда дам (подпор) ҳосил бўлиши.	Сув қабул қилувчи ва сув ўтказувчи коллекторни тозалаб ва чуқурлаштириб дам (подпор) йўқотилади.
Ётиқ ёпиқ зовур қувурларини туташ ораликларда қувурларни лойқа босиши.	Дренажлар қайта ётқизирилиб камчиликлар бартараф қилинади. Бир қувурни кўтарганда бошқалари кўшилиб кўтарилиб чиқса ётқизиш юқори сифатли бўлган ҳисобланади, ётиқ ёпиқ зовур нишаблигининг энг кам қиймати 0,002, оқимининг энг кам тезлиги 0,2 м/с бўлиши керак.
Ётиқ ёпиқ зовур қувурлари туташган ораликларда ўсимлик илдизларини кириб қолиши (илдиз билан тўлиши).	Дарахтлардан 10 м дан кам бўлмаган масофадан янги зовур ётқизилади ва қувурлар туташган жойлар рубероид билан изоляция қилинади.
Ерларни чўкиши, сув билан ювилиши таъсирида зовур қурилган жойларни бузилиши.	Бузилган жойлар ишончли (сеткали) конструкциялар билан алмаштирилади. Ювиладиган жойлар ва

қияликлар мустақкамланади.
----------------------------

Мелиоратив тизимларга техник хизмат кўрсатишни асосий вазифаларидан бири тизимнинг ҳолатини ташкилий хўжалик, техник ва мелиоратив яхшилаш, эксплуатация ишларига ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланилган ҳолда индустриал саноат асосида, Янги техника ва ишлаб чиқаришни жорий қилиш, эксплуатация ишлари ва суғориладиган ерлардан олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини пасайтириш талабларидан келиб чиқиб, тизимни доимий равишда мукамаллаштириш ва ривожлантиришдир. Бунда қуйидаги масалалар ишлаб чиқилиши керак:

- Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш;
- суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш;
- мелиоратив ҳолати ёмонлашиб қишлоқ хўжалигида ишламаётган ерларни қайта ишга тушириш, суғориладиган майдонларни, захи, шўри қочириладиган майдонларни кенгайтириш;
- гидрогеология-мелиорация эксплуатацияси ёки коллектор-дренаж тизимларининг ташкилий тузилмасини яхшилаш;
- тизимни, коллекторлар, каналлар ва иншоотларни қайта тузиш ва қайта қуриш;
- тизимни иншоотлар ва қурилмалар, назорат йўллари, алоқа воситалари, автоматика ва телемеханика қурилмалари билан жиҳозлаш;
- таъмирлаш ишлаб чиқариш корхоналари ва ишлаб чиқариш базаларини туман ва вилоятдаги ишлаб чиқариш қувватларига боғлаб, саноат асосида ривожлантириш;
- эксплуатация ишларига янги техника, технология, ишлаб чиқаришни илгор тажрибаларини қўллаш.

Келажак режада мўлжалланаётган ишларнинг ҳажми ва тахминий қиймати қуйидаги формула ёрдамида аниқланади,

$$C = 1/100 \sum B A, \text{ сўм};$$

Бу ерда B- ҳар бир иншоотнинг баланс қиймати (сўм),

A- ҳар бир иншоотга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашга сарфланадиган харажатнинг меъёрий қиймати (%).

Буни 2 жадвал бўйича аниқлаш мумкин.

2-жадвал.

Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларининг тахминий сарф харажатлари ва даврийлиги.

№	Мелиоратив тизимлар элементларининг номи	Хизмат қилиш муддати	Таъмирлаш даврийлиги, йил		Иншоотларни баланс қийматидан фоизларда (%) техник сарф хажатлари		
			Қапитал таъмирлаш	Жорий таъмирлаш	Таъмирлаш		
					Қап. ...	Жорий	Жами
1	2	3	4	5	6	7	8
	Коллектор-дренаж тизими:						
1.	Очиқ коллектор тармоғи	30	10	3	2,4	3.5	5, 2

2.	Ёпик Коллектор дренаж тизими						
2.1	Асбестоцемент қувур	100	20	5	0,5	0,5	1,0
2.2	Сопол қувурли	100	20	5	-	-	-
2.3	Пластмасса қувурли	50	15	5	0,6	0,7	1.3
2.4	Ганчар (сопол) қувурли	100	15	5	0,7	0,7	1.4
2.5	Вертикал дренаж	30	23	-	6,0	-	-
2.6	Коллектор дренаж тизимидаги иншоотлар, жумладан:						
2.6.1	тўсувчи иншоотлар ва тартибловчи сув очкичлар (темир-бетонли, бетонли ва тошли): сув сарфи:						
	1-10 м <sup>3</sup> /с , темир-бетонли, бетонли ва тошли	40	8	1	1.3	0.2	1.5
	1м <sup>3</sup> /с дан кам темир-бетонли, бетонли	20	7	1	1.3	0.2	1.5
	ёғочли	10	5	1	3.2	0.2	3.4
2.6.2	Перепад ва тезоқарлар (темир-бетонли, бетонли-тошли)сув сарфи:						
	1-10 м <sup>3</sup> /с	40	10	1	1.3	0.2	1.5
	1м <sup>3</sup> /с дан кам,	20	7	1	1.3	0.2	1.5
	жумладан, ёғочли	10	5	1	3.2	0.2	3.4
2.6.3	Қонсоли шаршарақлар: Темир –бетонли сув	25	8	1	1.3	0.2	1.5
	Сарфи: 10м <sup>3</sup> /сдан кам, жумладан,ёғочли	10	5	1	3.2	0.2	3.4
2.6.4	Темир-бетонли Дюкерлар, сув сарфи: 1-10 м <sup>3</sup> /с	40	10	1	1.3	0.2	1.5
	1м <sup>3</sup> /сдан кам,	10	5	1	1.3	0.2	1.5
	жумладан,ёғочли	10	5	1	3.2	0.2	3
2.6.5	Қувурлар-сел ўтказгичлар, темир бетонли, бетонли, Металли,	40		1		0.2	
	жумладан,ёғочли	10	7 5	1 1	1.6 3.2	0.2	1.8 3.4
2.6.6	Қўприқлар, йўл ўтказгичлар: -металли:	80	20	1	0.8	1.8	2.6
	-темир-бетонли	90	15	1	1.6	1.8	3.4
	бетон ва тошли	90	10	1	1.6	1.8	3.4
	ёғочли	10	5	1	3.2	0.2	3.4
2.6.7	Гидропостлар, сувни окизиб туширгичлар (водосливлар). Сув ўлчаш створлари ва жиҳозлари	10	2	1	1.3	2.2	3.5
2.6.8.	Йўллар: Асфальт қилингани	40	10	1	3.0	3.0	6.0
	Бетонли	60	10	1			
	Тош терилгани	30	8	1			
	Тошли ва шағал тошли	30	5	1	3.0	4.0	1.0

Гудрон қилингани	10	3	1			
Тупрокдан шакл берилгани	20	3	1			4.0

Қўйидагида канал ва коллетор-зовурларни тозалаш учун зарур экскаватор драглайнларнинг техник кўрсаткичлари келтирилган. (Муратов А. маълумоти).

Кўрсаткичлар	Экскаватор турлари					
	ЭО-3311Г	Э-304Г	ЭО-4111Б	Э-10011Е	Э-1252Б Э-1251Б	Э-2503
1	2	3	4	5	6	7
Қувват манбаи	Д-654	Д-654	Д-108	Д-108	ЯМГ-288 Э-1252Б КО-52-4к Э-1251Б	МА-94
Қуввати, квт	37	37	60	80	90	160
Иш ускуналари	Тескари чўмичли, драглайн, грейфер, юк кўтаргич		Тўғри ва тескари чўмичли драг-лайн, грейфер юк кўтаргич.		Чўмичли юк кўтаргич	Тўғри чўмичли, драглайн
Юргизувчи жиҳозлари	Дамли ғилдирак		Занжир тасмали			
Механизмларни бошқариш	Босимли ҳаво ёрдамида				Босимли суюқлик	Бос.хаво электр
Буралиш супа-часининг орқа тарафи радиуси $R_x$ , м.	2,7	3,0	3,23	3,88	3,6	5,0
Буралиш ўқидан ҳартум зулфига бўлган масофа,	0,75	0,65	1,0	1,15	1,3	1,6
Буралиш супа-часининг кенглиги, $B$ , м.	2,50	2,35	2,78	3,1	3,5	4,29
Баландликлари: зулфи ўқиники кабинасигача	1,07 2,7	1,38 3,06	1,5 3,25	1,57 3,6	1,57 3,6	2,07 4,52
Икки оёқли тиргакники	3,09	3,14	3,5	3,42	4,04	6,3
Оралик масофа Бур. супа. Ости-С	0,94	1,27	1,0	10,1	1,15	1,22
Юрг кўпри. Ости-С <sub>1</sub>	0,31	0,47	0,3	0,36	0,27	0,35
Пой (база) $B$ , м	2,8	3,82	3,42	3,98	4,0	5,17

Занжир тасма кенглиги, $B_1$ м	----	0,84	0,58	0,6	0,66	0,9
--------------------------------	------	------	------	-----	------	-----

### Экскаватор драглайларнинг асосий иш ўлчамлари

Иш ўлчамлари	Хобот (стрела)	Хисобот ўрнатилиш бурчаги	ЭО-3311Г	ЭО-4111Б	Э-10011Е Э-10011АС	Э-1252Б Э-1251Б	Э-2502 Э-2502
1	2	3	4	5	6	7	8
Ўрнатилиш радиуси $R_0$	-	-	1,5	2,2	2,6	2,6	2,9
Ўзи турган сатҳдан энг кичик кавлаш радиуси $R_I$ тўғри туриб ковлаганда ёнбош туриб ковлаган	-	-	2,5	2,5	2,6	2,5	3,0
	-	-	3,5	3,2	3,4	3,6	3,9
Ўзи турган сатҳдаги энг катта кавлаш радиуси $R$ , м	асосий	30	7,7	10,8	13,1	13,4	18,0
		45	6,8	9,3	11,6	11,7	15,8
	узайтирилган	30	9,9	13,3	15,5	13,4	25,6
		45	8,7	11,7	13,6	11,7	21,7
Энг кичик кўчиш масофаси $l_0$ , м	-	-	1,0	1,5	1,7	1,9	2,0
Тавсия қилинадиган тўғри кавлаб ўтиш кенглиги (кўчиш масофаси 2м) «Атавсия»	асосий	30	10,8	16,3	20,8	21,4	41,6
		45	9,6	14,2	18,0	18,4	35,6
	узайтирилган	30	15,1	21,4	24,8	26,8	41,7
		45	13,2	18,4	21,4	25,4	36,1
Тўкиш радиуси $R_{тўк}$ , м	асосий	30	7,3	10,0	12,2	12,4	16,6
		45	6,1	8,3	10,2	10,4	14,0
	узайтирилган	30	9,4	12,5	14,2	14,8	23,8
		45	7,9	10,4	12,0	12,2	19,3
Тўкиш баландлиги $H_T$ , м	асосий	30	2,4	3,5	3,1	4,0	6,9
		45	4,1	3,5	6,1	6,5	10,5
	узайтирилган	30	3,8	5,3	5,2	5,5	10,3
		45	8,6	8,0	8,3	8,3	16,9

### Экскаватор драглайларнинг иш ўлчамлари

Кўрсаткичлар	ЭО-3311Г	Э-304 Г	ЭО-4111Б	Э-10011Е	Э-1252	Э-1251 Б	Э-2503 Э-2505
1	2	3	4	5	6	7	8
Чўмич сизими	0,5	0,4	0,65	1,0	0,75	1,5	3,0
Чўмич ўлчами: кенглиги: ташқ и ички узунлиги	0,87	0,84	1,04	1,0	0,98	1,25	1,6
	0,78	0,74	0,95	0,9	0,88	1,05	1,4
	0,87	0,82	1,04	1,2	1,15	1,2	1,6
Экскаваторнинг ўрнат. Радиуси $R_0$ , м	1,5	1,15	2,2	2,5	2,5	2,6	2,9
Ўзи турган сатҳдаги энг кичик кавлаш радиуси $R_I$ а) тўғри ковла. б) ёнла ковла.	2,5	2,5	2,5	2,5	2,5	2,6	3,9
	3,5	3,5	3,2	3,4	3,4	3,6	3,9
Энг кичик кўчиш масофаси, $l_0$	1,0	1,0	1,5	1,7	1,7	1,9	2,0
Ҳаргум узунли	10,5	10,5	13,0	12,5	15,0	12,5	25

Таргум ўрнати-лиш бурчаги, град	30	45	30	45	30	45	30	45	30	45	30	45	30	45
Ўзи турган сатҳдаги энг катта ковлаш радиуси $R$ , м	11,1	10,2	11,1	10,2	14,3	13,2	13,5	12	16	14	14	12	19	17
Энг ката тўкиш радиуси $R_{тўк}$ , м	10	8,3	10	8,3	12,5	10,8	12,1	10,2	14,4	12,1	12,4	10,4	16,8	14
Ковлаш чуқурлиги $H_{ков}$ , м	7,6	6,1	7,8	6,1	10	7,8	9,4	7,4	12	9,5	9,5	7,5	13	10,2
Тўкиш баландлиги $H_m$ , м	6,3	6,0	3,8	6,0	5,3	8,0	4,1	6,6	5,3	8,4		6,5	6,9	10
Тавсия қилинадиган тўғри кавлаб ўтиш кенглиги (кўчиш масофаси 2,0 м бўлганда)	10,8	9,6	10,8	9,6	16,8	14,2	20,8	18	20	18	21,4	18	21	18
Массаси, т.	11,3	13,4	13,4	13,4	20,1	20,1	35	35	35	35	40	40	40	70
Грунтга кўрсатиладиган босим, кПа	—	—	30	30	65	65	87	87	87	87	87	87	87	87
Бир ишчи цикл вақти, сек	18	18	18	18	21	21	23	23	23	23	24	24	24	24

### Ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи меъёрлари

№	Курилиш машиналар	Ўлчов бирлиги	Ёнилғилар		Мойлар											
			Бензин	Дизель ёнилғиси	Дизель мойи	Автол	Веретён мойи	Нигрол	Гидросисте ма мойи	Компрессор мойи	Индустриал мойи	Солидол	Графитли маз	Темир арқон мази		
1	Экскаваторлар	Кг/Маш-с														
	ЭО-3211		0,04	3,6	0,17	0,03	-	0,04	0,09	0,03	0,04	0,06	0,12	-		
	ЭО-3311Б		0,04	4,2	0,17	0,03	-	0,04	-	0,03	0,04	0,15	0,12	0,04		
	Э-304		0,04	3,6	0,17	-	-	0,04	-	0,03	0,04	0,15	0,12	0,05		
	(ЭО-3111Г)		0,04	4,4	0,17	-	-	0,04	-	0,05	0,04	0,15	0,12	0,10		
	ЭО-4111Б		0,15	7,6	0,4	-	-	0,06	-	0,05	0,04	0,5	0,06	0,12		
	Э-10011Е		0,15	7,6	0,4	-	-	0,06	-	-	0,04	0,25	0,07	0,12		
	ЭО-6111Б		0,15	22	0,6	-	-	0,12	-	-	0,17	0,12	0,07	0,15		
	Э-2503		0,15	10,2	0,6	-	-	0,25	0,09	-	0,17	0,12	0,09	0,12		
	Бульдозерлар															
	ДЗ-42		-	4,8	0,3	0,04	0,04		0,09	-	-	0,04	-	-		
	ДЗ-54		0,1	6,4	0,3	0,04	0,04		0,09	-	-	0,05	-	-		
	ДЗ-28		0,23	6,7	0,4	0,04	0,04		0,09	-	-	0,05	-	-		
	ДЗ-34С		0,23	19,5	0,5	0,04	0,04		0,16	-	-	0,06	-	-		
	ДЗ-118	0,23	19,5	0,55	0,04	0,04		0,1	-	-	0,07	-	-			

**Биринчи температура зонаси учун экскаваторларнинг йиллик иш вақти  
фондини аниқлаш жадвали**

Кўрсаткичлар	Чўмич сиғими 0,4-0,65 м <sup>3</sup> бўлган экскаваторлар	Чўмич сиғими 0,65м <sup>3</sup> дан ката экскаваторлар
Бир йилдаги ишсиз кунлар сони	164	161
Шу қаторда байрам ва дам олиш кунлари		
Машиналарни кўчириш	112	112
Об-ҳаво сабаблар	14	5
Техник қаров ва ремонт	6	6
Ремонт корхонасига элтиш ва ремонтни кутиш, кун	21	27
Олдиндан кутилмаган сабаблар, кун	4	4
Йил давомида ишчи кунлар сони, кун		
Бир кундаги ўртача иш соатла-ри сони	7	7
Йил давомида иш соатлари со-ни, с		
	201	204
	16,4	16,4
	3296	3346

Эксплуатацион тадбирларни бажарилиши устидан юқори ташкилотларга ҳар кунлик, ўн кунлик ёки ўн беш кунлик, ойлик тезкор ахборот ва маълумотлар бериб борилади. Ахборотлар ва маълумотларнинг ишончлилиги учун бошлик ёки бош инженер жавобгардир.

Суғориш майдонларини мелиоратив ҳолатини назоратини мелиорация бошқармаси (вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари гидрогеологик мелиоратив экспедициялар) амалга оширади ва улар қуйидаги йўналишларда иш олиб боришади:

- ерларнинг шўрланиши ва ботқоқланиши туфайли қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетмаслигини, ҳамда шу сабабли ҳосилдорликни пасайишини олдини олиш;
- олдин шўрланган ва ботқоқлашган ерларни тиклаш;
- гидротехник ва агротехник тадбирлар комплекси ёрдамида ерларни мелиоратив ҳолатини тиклаш;

Мелиоратив хизмат гуруҳлари қуйидагиларни амалга оширади:

- зах қочириш тармоқларига, улардаги иншоотларга сизот сувлар сатҳини ва уларни минераллашганлигини мунтазам назорат қилиб бориш; зах қочириш ва ташлама тармоқлар орқали суғориш майдонидан чиқарилаётган зах сувлар ва тузларни ҳисобини олиб бориш; назорат қудуқларига, тик зовурларга техник хизмат кўрсатиш; гидроизогипс ва мелиоратив районлаштириш хариталарини тузиш, уларга ўзгартиришлар киритиб бориш;
- сувдан фойдаланувчиларга шўр ювишни амалга ошириш, хўжалик ички ЗҚТдан фойдаланиш ва уларни мукаммаллаштириш бўйича амалий ёрдам бериш;
- шўри ювилган майдонларни самарадорлигини баҳолаш;
- суғориш жараёни ва суғориш майдонларини мелиоратив ҳолатини кузатиб бориш;



- гидрогеологик ва тупроқ-мелиоратив эспедиция, мелиоратив лаборатория, назорат қудуқлар тармоғи, ЗҚТдаги гидростлар ишинг назорати;
- ерларни шўрланишини олдини олиш, шўрланиш ва ботқоқланишга қарши тадбирларни белгилаш;
- ерларни мелиоратив ҳолатини ёмонлашувига сабаб бўладиган экинларни зах қочириш тадбирларисиз экилишини бартараф этишни назорат қилиш;

Мелиоратив тизимларда ҳар йили махсус назорат ҳайъатини кузатувлари натижаларида тузилган далолатномаларига асосан уларни таъмирлаш режалари тузилади. Тасдиқланган режалар асосида таъмирлаш ишлари бажарилади. Гидромелиоратив тизимларга техник хизмат кўрсатиш амалиётида жорий, капитал ва авария-тиклаш таъмирлаш ишлари бажарилади.

Жорий ва профилактик таъмирлаш ишлари йилига 2 маротаба баҳорда ва кузда амалга оширилиб унда табиий омиллар, шунингдек тизимдан фойдаланиш қоидаларини бузилиши натижасида ҳосил бўлган майда-чуйда 20 % дан кам емирилишга эга бўлган бузилишларни тузатишни эътиборга олади.

Жорий таъмирлаш ишлари смета-молиявий ҳисоб-китоблар ва дефект (нуқсон) далолатномалари асосида олиб борилади. Дефект (нуқсон) далолатномалари, кузда, таъмирлаш ҳажмлари ўлчаниб тузилади.

Бу ишлар турқумига асосан тизимларни лойқа ва ўтлардан тозалаш, қирғоқларни тозалаш ва мустаҳкамлаш, яшаш, ишлаб чиқариш ва омборхона қурилмалари, ҳамда иншоотлар алоқа ва электр узатиш линияларини майда-чуйда таъмирлаш ишлари ва бошқа ишлар мисол бўлиб улар тизим ишини тўхтатмасдан бажаради.

Капитал таъмирлаш ишлари заруриятдан келиб чиқиб бир неча йилда бир бажарилади. Улар тизим ва ундаги иншоотларнинг баъзи бир элементларини тўлик қайта тиклаш ишларидан иборат. Бундай ишлар лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Бу ишлар таркибига иншоот конструкциясини алмаштириш, тизим қисмларини тўлик тиклаш, баъзида тўлик алмаштириш каби ишлар кириб бу ишларни махсус қурилиш ташкилотлари бажаради.

Авария тиклаш таъмирлаш ишларига назарда тутилмаган ва бажарилиши орқага суриб бўлмайдиган ишлар кириб, улар табиий офатлар (сел, ер қимирлаш, тошқин ва ҳ.о.) авария туфайли содир бўлади. Бу ишларга барча техник ва меҳнат ресурсларини жалб қилиб, улар куну-тун бажарилади.

Тизимларни жорий ва капитал таъмирлашга оид ишлар характери ва ҳажми ҳар йили суғориш мавсуми тугагач махсус ҳайъат томонидан тизим ва иншоотларни кузатув асосида тузилган дефект жадвали асосида аниқланади.

Махсус ҳайъат дефект жадвалини ҳақиқатдаги ҳолат билан таққослаб далолатнома (акт) тузади. Бу далолатнома (акт)да қилинадиган ишларни тури, ҳажми ва муддатлари кўрсатилади.

Иншоот ва тизимни таъмирлаш канал, зовурларни тозалаш ишлари куз

ва баҳор фаслларида бажарилади. Бу ишларни бажариш учун машина ва механизмлар аниқлангач таъмирлаш ишларини календар графиги тузилади.

## 9.1. СУВ ХУЖАЛИГИ ТАШКИЛОТЛАРИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ХИЗМАТИ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БУЙИЧА КУРСАТМАЛАР.

### **1.Сув хужалиги ташкилотлари эксплуатация хизматининг асосий вазифалари.**

1.1.Сув манбалашидан, режани равишда, сувни олиш ва уни белгиланган муддатларда истеъмолчи-хужаликларга етказиб бериш.

1.2.Барча гидротехника иншоатлари ва улардаги гидротемеханик ускуналар ва курилмалар, сув улчаш курилмалари, алока воситалари, назорат йулларини техник ҳолатини куз билан кузатиб чиқиш ҳамда уларга техник каровни амалга ошириш.

1.3.Ишлаб чиқариш тадқиқотлари махсус кузатишларни утказиш иложи борича, уларни хажмини камайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш.

1.4.Таъмирлаш-кайта тиклаш ишларини уз вақтида, сифатли қилиб амалга оширилишини таъмин этиш.

1.5.Иншоатларни ишлатиш бўйича техник хужжатларни юритиш, кундалик, хар ун кунлик, ойлик, чораклик, ярим йиллик, йиллик ҳисоботларни тузиш.

1.6.Гидротехника иншоатларининг хавфсизлик декларациясини тузиш ва белгиланган тартибда назорат органига тақдим қилиш.

1.7.Гидротехника иншоатларини кадастр ишларини олиб бориш ва ҳисоботини тузиш, давлат сув кадастрини «Сувдан фойдаланиш» бўлимини юритиш.

1.8.Сугориш тармоқлари, иншоатларни бошқаришга автоматика ва телемеханикани жорий қилиш ва х.к.

### **2.Иншоатларни беҳатар ишлатилиши курсаткичлари.**

2.1.Юқори бѐефида дам ҳосил булмайдиган, пастки ва юқори бѐефларида энг кам ва энг куп сув сарфи окканда ювилиш ва лойка чуқиши булмайдиган.

2.2.Ёғочли қисмлари чиримаган, синмаган, замбуругли касалликларга учрамаган.

2.3.Иншоатларнинг остидан сизиб утадиган сувнинг босими сундириладиган, тесқари фильтр ива дренаж тизими муътадил ишлайдиган.

2.4.Иншоатларда урнатилган барча НУА техник соз ва муътадил ишлайдиган, улчаш ишлари, муддатларига риоя қилиниб, мунтазам олиб борилади.

2.5.Иншоатларнинг номи, техник тавсифи, курилган ва қайта курилаган йили, лойихачи ташкилоти ёзилган тахта урнатилаётган ва реперлар руйхати булган.

2.6.Электр двигателлари насос агрегатларини иш гилдиракларини керакли тезликда айлантира оладиган ва қувватга эга.

2.7.Эксплуатация хизмати бошқарув аппарати мутахассислари, гидротехника иншоатларига хизмат курсатувчи муҳандис-техник, ёрдамчи мутахассислари зарурий малакага ва касбга эга булишлари шарт.

### **3.Барча гидротехника иншоатлари, сув омборлари акваторияси, улардаги гидротехник ускуналар, сув улчаш қурилмаларини техник ҳолати ва бехатар ишлашини назорат қилиш.**

3.1.Кўз билан кузатиш мунтазам ва даврий бўлиб ҳар кунлик ва лойихада белгилангандек даврий равишда гидротехника иншоатларини техник ҳолатидаги ўзгариш ва бузулишларини тавсилоти ҳамда таъсирини чизиб кўриб чиқишдан иборат бўлади.

3.2.Йил бошида кузатиш ишларини йиллик календар ишлари тузилиши лозим, унда ҳар бир гидротехника иншоати техник ҳолатини кузатиш ишлари турлари курсатилган, уларни олиб бориш муддатлари белгиланган бўлиши керак.

3.3.Авария ҳолатларида, кузатиш ишларининг йиллик графигидан ташқари, вазиятдан келиб чиқиб, мунтазам равишда, авария ҳолати бартараф қилингунча кузатиш ишлари олиб борилади.

3.4.Кузатиш ишлари натижалари буйича ҳисобот тузилади у йиллик эксплуатация тадбирлар ҳисоботига киритилади ва унга, барча графиклар ва таҳлиллар, таклиф ва тавсифлар иловалар киритилади.

#### **4.Техник қаров.**

4.1.Иншоатлар ва уларнинг гидромеханик ускуналари устидаги қуқимлар ҳар қуни суқуриб олиниши, артиб тозаланиши шарт.

4.2.Ер тешар, кемирувчан хайвонлар пайдо бўлганлиги сезилса, уларга Қарши қурашиш хизматиға буюртма бери шва бундай зарарқунандаларни уқкотиш чораларини қуриш.

4.3.Иншоатлар қишки мавсумға тайёрлаб қуқилиши, ҳар қуни музлаш жараёни қуқутилиши иншоатларнинг тешиқлари, қуқим ушловчи панчарчлари олдидаги муз майдаланиши, затворлар ишончли ишлатилиши таъминлаш учун, лозим бўлса, қутарғичлар ва затворларнинг иситиш чоралари қуқурилиши зарур.

4.4.Қундалиқ техник ҳужжатлар, журналлар тулғазилиши, уларни йуқолмаслиги учун барча чоралар қуқурилиши лозим.

#### **5.Эксплуатацион тадбирларни бажарилиши буйича йиллик-техник ҳисоботини тарқибини.**

5.1.Қуриш.

5.2.Умумий бўлим.

5.3.Сувни режали таксимлаш ва етқазиб бериш.

5.4.Сув манбаларининг характеристикаси ва сув таксимлаш ҳамда етқазиб бериш режаси.

5.5.Кузатиш ишлари.

5.6.Иншоатларға техник қаров ишлари.

5.7.Иншоатларни таъмирлаш ишлари.

5.8.Иншоатларни техник муқаммаллаштириш ишлари.

5.9.Машина, механизмлар ва ер қазиш техникаларнинг ишларини таҳлили.

5.10.Йиллик иш яқунлари, солиштирма курсатғичлар, ҳулоса ва таклифлар.

#### **6.Сув ҳужалиги ташқилотларининг эксплуатация хизматини ишини ташқил этиш.**

6.1. Эксплуатацион тадбирларни тасликлаган режаси ташкилоти бажарилиши кутилаётган таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун вазирликнинг рухсатномаси хисобланади.

6.2. Ташкилот тасаруффидаги барча гидротехника иншоатлари ва улардаги гидромеханик ускуналар ҳамда қурилмаларга техник қаров Ушбу эслатманинг 4-мавсудагидек олиб борилади.

6.3. Эксплуатация хизмати атроф-муҳит ва экологияни ишлаб чиқиш, уни бажарилиш ва амалга оширилишини таъминлаши зарур.

6.4. Эксплуатация хизматини ишини олиб боришга муътадил шароит яратиш мақсадида лозим бўлса, ташкилотнинг, дустлик, ҳамкорлик алоқаларини йулга қуйиш зарур.

## **10. Ирригация тизимларида оқизикларга қарши кураш**

Ўзбекистон бўйича хўжалиқаро суғориш тармоғида ўртача йиллик тармоқни тозалашнинг солиштирма ҳажми 28 м<sup>3</sup>/га ни, хўжалиқлараро коллекторларда 20 м<sup>3</sup>/га ички хўжалиқ суғориш тармоқлари учун 21 м<sup>3</sup>/га ва ички хўжалиқ коллектор тармоқлари учун бор йўғи 16 м<sup>3</sup>/га тармоқларни тозалашнинг энг катта солиштирма ҳажми Амударёнинг қуйи ва ўрта оқимларида жойлашган тизимларга тўғри келади. Хоразм вилоятида улар 88 м<sup>3</sup>/га, Бухоро вилоятида эса 75 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этади.

Оқизиклар одатда суғориш манбалари бўлган дарё ва сойлардаги тизимларга тушади. Дарё ва сойларнинг лойқалиги ёмғир ва қор ёққанда сув йиғиш хавзасининг ювилишига боғлиқ. Дарё суви қанчалик лойқа кўп бўлса, тизимига шунчалик оқизиклар ҳам кўп тушади. Баъзида оқизиклар тизим ичида ҳосил бўлади. Улар канал қирғоқларини ювилиши ва ўпирилиши натижасида ҳосил бўлади. Оқизикларнинг канал ўзанида йиғилиши канал нишаби ва сув сарфи ҳамда оқизик ўлчами ва каналдаги сув оқимининг юк ташиш хусусиятига боғлиқдир. Йирик ўлчамдаги оқизиклар магистрал каналнинг, ўрта ўлчамдаги оқизиклар таксимот тармоғига ва қисман хўжалиқ тармоғида йиғилади. Майда қум муаллақ оқизиклар кўринишида хўжалиқ тармоғига тушади. Майда лой заррачалари эса, сув билан суғориш далаларига тушади.

Каналнинг лойқа босишини олдини олиш учун каналдаги амалдаги сувнинг оқиш тезлигини ошириш керак. Бунинг учун канал бошланиши дарё бўйича юқорида кўчирилади, канал қирғоқлари текисланади, димланиши йўқотилади, канални бетон билан қоплаб ғадир –будирлик коэффициенти камайтирилади, табиий ўзан тозаланади ва бошқалар. Ирригация тизимига тушадиган оқизиклар ҳажмини дарёнинг юқори қисмида ювилишга мойил жойларни маҳкамлаш, эрозияга қарши ишлар (дарахт эқиш, ювилиш жойларини маҳкамлаш ва бошқалар), тиндиргичлар ўрнатиш экскаватор ёрдамида оқизикларни олиб ташлаш керак. Каналларни тозалаш ҳажмини камайтириш эксплуатацион харажатларни камайтириш ва бунинг натижасида сувдан фойдаланувчилар учун нормал шароит пайдо бўлади. Каналлардаги ва тиндиргичлардаги оқизикларни тозалаш учун сузувчи земснаряд МЗ-6, канал тозалагич МР-10 канал тозалагич ЭМ-202,

канал тозалагич МР-12А, канал тозалагич КН- 0,6 лардан фойдаланилади.

### 11. Суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициентини аниқлаш ва уни ошириш тадбирлари

Суғориш тармоқларида сув сарфининг исрофи, бу тармоқларнинг техник ҳолатига уларнинг қандай шароитда эксплуатация қилинишига боғлиқ.

Каналдаги сув исрофининг келиб чиқишига сабабчи омилларни аниқлаш уларни камайтиришга олиб келувчи чора тадбирларни топиш катта аҳамиятга эгадир.

Одатда суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициентларини аниқлаш учун текширилаётган ариқнинг бир қисми сув ўлчовчи асбоб ва ускуналар билан жихозланади.

Каналнинг шу қисмига келаётган сув сарфи  $Q_1$  м<sup>3</sup>/с ва шу қисм охиридан чиқиб кетаётган сув сарфи  $Q_2$  м<sup>3</sup>/с бўлади. Ўз- ўзидан маълумки,  $Q_1 > Q_2$ , чунки ариқнинг тажриба учун қабул қилинган қисмида сувнинг бир қисми чиқиб туриб шимилишга, сув юзасидан бугланиб кетишга сарфланади;

$$S = Q_1 - Q_2, \text{ м}^3/\text{с}$$

Каналнинг бош қисмига оқиб келаётган сув миқдори  $Q_1$  шу қисм охиридан чиқиб кетаётган сув сарфи  $Q_2$  плюс икки қисм ўртасидаги сув исрофларига тенг .

$$Q_1 = Q_2 + \sum (Q_1 \delta L / 100),$$

Бу ерда  $\delta$  - каналнинг 1 км оралигидаги сув исрофи, % да  $Q_1$  га нисбатан;  $L$ -тизимдаги каналнинг ишчи узунлиги, км:

Мавсумда фойдаланадиган каналлар тармогининг фойдали ҳаракат коэффициентини.

$$\eta = 1 - \delta L / 100$$

Бу ерда  $\delta$  -мавсумий фойдаланадиган тармоқдаги солиштирма сув исрофи, % да хар 1км га,  $L$ -каналнинг амалдаги узунлиги, км.

А.Н.Костяков ва САНИИРИ доимий фойдаланиладиган тармоқнинг миқдорини аниқлаш учун қуйидаги формулаларни таклиф этишди. Улар ёрдамида каналдаги сув исрофи аниқланади.

3-жадвал	Доимий фойдаланадиган каналнинг $\delta$ миқдори	
Тупроқ тури	А.Н.Костяков бўйича	САНИИРИ бўйича
Енгил	$\delta = 3,4/Q^{0,5}$	$\delta = 2,8/Q^{0,5} \dots 3,5/Q^{0,5}$
Ўртача	$\delta = 1,9/Q^{0,4}$	$\delta = 1,87/Q^{0,5} \dots 2,3/Q^{0,5}$
Оғир	$\delta = 0,7/Q^{0,3}$	$\delta = 1/Q^{0,5} \dots 1,3/Q^{0,5}$

САНИИРИ формулаларидаги  $\delta$  қиймати махраждаги сув сарфи  $Q$  дан квадрат илдиз чиқариб аниқланади. Айрим каналлар учун  $\delta$  қиймати

қуйидаги формуладан топилади  $\delta = A/Q^m$

A ва m коэффициентларининг қийматлари сув исрофларини балансли ўлчашлари асосида топилади.

Сугориш тармоқларида ФИК қийматини кичик булишлиги сугориш тармоқларини лойихалашда уларни улчамларини керагидан катта булишлигига, сув манбасининг сугоришлик қобилиятини камайтиришликка, сугориш майдонларини мелиоратив ҳолатини ёмонлашувига, сугориш каналларида лойка чуқиш ва уни тозалаш каби ортикча ишларга сабаб булади. Шунинг учун ҳам сугориш тармоқларида сув исрофгарчилигига қарши курашиш, уларнинг ФИК қийматини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда сугориш тармоқларини ФИК қийматини оширишда техникавий ва эксплуатацион чора-тадбирлар қулланилмоқда.

Бу тадбирлар асосан уларни қуриш жараёнида аксарият ҳолларда эса улардан фойдаланиш жараёнида амалга оширилади.

**1.Техникавий чора-тадбирлар-** *асосан сугориш тармоғи узанидан сувни сизиб йуқолишига қарши қулланиладиган ишлар мажмуаси ҳисобланиб улар орқали канал узан тупроғини сув утказувчанлик қобилияти камайтирилиши ёки махсус узидан сувни жуда кам сув утказадиган қопламалар ҳосил қилиниши кузда тутилади..*

**Канал узан тупроғини сув утказувчанлик қобилиятини камайтириш тадбирлари:**

Каналларни кундаланг ва буйлама узанларини ундан сувни сизиб утиш миқдори ( $S_n$ )ни минимал қийматга жавоб берадиган қилиб ҳосил қилиш.

Канал узанини шиббалаш. Бу услубда сув исрофи 50-60% га камаяди. Уни амалга ошириш йуллари турличадир. Тупрок оптимал намликка эришганда (огир соф тупроқларда 22-25 %, урта соф тупроқларда 21-23 %, енгил соф тупроқларда 15-18 %, кумок тупроқларда 12-15 %) экскаватор хартумига осилган огирлиги 3-5 т.ли юк (темир бетон, плита) 3-5 м баландликка қутарилиб бир жойга 3-9 маротабагача ташланади. Зичланган тупрок қалинлиги 40-50 см булишлиги ва у 3-5 йил хизмат қилиши мумкинлиги Мирзачулда утказилган тажрибалардангина маълумдир.

Кичик каналларда галтакли матин (коток)лар ҳам қулланилади.

Даврий ишлайдиган каналларни узанини юмшатиш.

Бу усулда даврий ишлайдиган сугориш тармоқларини узани уларга сув беришдан олдин ва сунгра 10-15 см чуқурликдаги культиваторлар билан юмшатилишига асослангандир. Бу усулда ушбу каналларда сув исрофгарчилиги 40 %гача камайиши қузатилган.

Қолматаш қилиш (лойка чуқтириш).

Бу усул канал узанидаги тупрок говақлари (йирик заррачалар орасидаги бушлиқлар)ни сувдаги лойка заррачалари билан тулдиришга асослангандир. Сувдаги лойка зарраларини канал узанига чуқиши натижасида узанни сизилиш коэффициенти қийматини кескин камайиб кетиши (20-30 маротаба) сугориш амалиётида олдиндан маълум ҳам ва ҳозирда ҳам у айниқса Марказий Осиё лойка сув манбаларидан (Амударё, Сирдарё, Зарафшон) сугориш тизимларига сув олинганда намоён қилиб туради. Бу ҳолат айниқса

кайта курилган Аму-Бухоро ва Коракум каналларида жуда кул келган. Канал узанида лойка чукишини тадкикоти бу жараённи амалга ошириш учун куйидаги ишларни бажариш мақсадга мувофиқлигини курсатади.

Кольматация килинадиган юза аввало текисланиб сунгра юза 20-25 см чуқурликда юмшатилади, каналга лойка сув тулдирилади. Лойка чуқрак сув чиқарилиб канал узани нормал намликка етишгач тупрок зичлаштирилади (галтакли матинни юргазиш, подани канал узани буйича хайдаш ва х.о.)

Сунъий лойка чуқтиришдаги тадкикотларни курсатишга  $d/D > 0,15-0,2$  (А.Н.Патрашев тавсияси) булишлиги такозо этилади, бу ерда D-кольматация килинадиган тупрок заррачасини улчами. d- кольматация киладиган (сувдаги лойка) тупрок заррачасини улчами.

Кумок тупрокли кольматация килинадиган юзани 1 м<sup>2</sup> га 5-10 кг гил берилади. Кольматация килинадиган канални узунлиги 0,1-1 км орасида булади. Кольматация даврида каналдаги сув тезлиги 0,05-0,20 м/с. каналдан фойдаланиш даврида эса ундаги сув оким тезлиги 0,6-0,7 м/с дан ошмаслиги тавсия этилади.

#### Бентонит гил тупроклари куллаш.

Бу тупроклар таркибида “монт-мориллонит” минераллар мавжуд булиб, тупрок намланганда улар жуда кучли даражада шишиб узидан сув утказмайдиган хусусият касб этади. Марказий Осиёда катта микдорда бентонит захиралари мавжуд (Хоразм, Ангрэн, Бухоро, Далварзин ва х.о.)лигини хисобга олсак, уларни кум ва шагалли канал узанларида куллаш яхши натижалар берганлигини тажрибалар тасдиқлаган.

Тажрибада фильтрация коэффициентини 20,8 м/кун булган кумни 15-17 % бентонит ва 85-83 % кумдан иборат хосил килинган 10 см ли экран аралашмадан сунгги фильтрация коэффициентини 0,0017 м/кун булганлиги аниқланган.

#### Грунтни битумлаш.

Кумок тупрокни битум эмульсияси билан аралаштириб ёки иссик битум эмульсиясини тугридан-тугри узанга бериш оркали амалга оширилади.

Биринчи холатда 50°С гача иситилган битум эмульсияси 16-24 % хажмида кумок тупрок билан аралаштирилиб канал узанига ёткизилади ва зичланади. Иккинчи услубда эса 150°С гача киздирилган битум эмульсияси 1 м<sup>2</sup> юзага 4-9 кг микдорида сепилиш оркали амалга оширилади. Эмульсия таркибида битум 40-50 % булиши ва битум маркаси П булиши керак.

Бу тадбир 3-4 йилгача уз таъсирини утказиб сув исрофини 2-4 маротабагача камайтиради.

Грунтларни тузлаш натижасида грунтнинг сув утказувчанлиги кескин камаяди. Улар 2 хил куринишда- очик юзага ва химояланган юзага киздирилган ош тузини юкори концентрация эритмасини сепиш оркали (1 м<sup>2</sup> очик юзага 5 кг туз, химояланган юзага 3 кг туз эритмаси) амалга оширилади. Бундай юзаларда утлар усмайди ва 5-8 йил хизмат килиб, унда сув исрофи 2 маротабага камаяди. Аммо карбонатли грунтлар учун бу услуб кул келмайди.

Грунтларни силикатлаш грунтга суюк шишани албатта босим остида

беришга асосланган. Бу холда натрий кремнефторид, ёки кальций хлорид эритмаси билан силикат кислота ажралиб тупрок кавакчаларида маҳкам урнашиб қолади.

Бу тадбир шур тупрокларда ва ёгингарчиликда яхши натижа бермайди, лекин совуқка чидамли ва пластикдир.

### **Канал узани сувни кам утказадиган копламалар билан коплаш.**

Бетон ёки темир бетон копламалар. Канал узанини бундай копламалар билан коплаш асосан сув жуда танқис булган тизимларда сув тэзлигини бошқариш зарурияти болган тизим қисмлари ва иншоотларда, канал узани куп утказувчан

тупрокларда лойихаланганда кулланилиб улар сув исрофгарчилигини 90-95%гача камайтириш имконини беради ва узок йиллар хизмат қилади.

Бетон копламаларни қалинлиги урта тупрокларда 7-15 см, буш тупрокларда 18-20см булса, темир бетон копламалар ва плиталар 5-8 см қалинликка ётқизилади. Канални ён деворини қиялиги  $m > 1-1,5$ . Улардаги конструктив (хар 3-4 м даги) ва харорат (хар 10-12 м даги) чоклар аксарият холларда, умумлаштирилиб улар мастика, корасақичлар билан тулдирилади. Бу копламани устунлиги ва камчиликлари, қурилиш жараёни, уларга қуйиладиган талабалар билан сиз кишлок хужалик гидротехник мелиорация курсидан танишсиз.

. Нов(лоток) ва қувурлар. Хозирги вақтда асосан хужалик ички сугориш тармоқлари нов (лоток) ва қувурлар билан жихозланмоқда. Бу холатда сув исрофгарчилиги 96-98%гача камайтирилибгина қолмасдан бу тизимларда хосил қилинадиган босимдан кишлок хужалик экинларини сугоришда фойдаланиш мумкин. Новлардан тугри фойдаланилганда улар узок муддат хизмат қилиши муқаррар ва улар 200-900 л/с сув сарфига мулжалланиб уларда сув тезлиги 6 м/с гача булиши рухсат этилади. Қувурлар асбестоцемент ёки платмасса материалдан ясаиб уларни ер остига жойлаштирилиши ЕФҚни қийматини ошириш имконини беради.

Асфальт (битум минерал моддалар аралашмаси) материалли копламалар. Бу копламаларни қалинлиги 5 -8 см булиб, улар зичланган ёки 10-15 см қалинликдаги шагал ётқизилган тушам устига ётқизилади.

Бу копламаларни ут улан тешиши мумкинлигини ҳисобга олиб асфальт ётқизиладиган асосга суюқ бетон копламаси тушалиши ёки асос гербицидлар билан ишлов берилиши керак. Бу коплама материал очик қуринишда: а) арматураланган ёки арматураланмаган асфальт бетон, «буйра»лар устидан 20 см қалинликдаги маҳаллий тупрок тушами тушалади. Бу копламалар сув исрофини 80-90 % камайтириб узок хизмат қилиши аниқланган.

Пластик (эгилувчан) материалли копламалар. Қалинлиги 0,1-0,2 мм булган пластмасса плёнқалари (полиэтилен, поливинилхлорид ва х.о.) сув исрофини 90-95 %га камайтирсада 2-3 мавсумдан сунг (айникса агарда уларни устида химоя тушам булмаса) уз хусусиятларини йукотиши қузатилган. Бу копламалардан бетон коплама тушамларини қатламлари орасида ҳам қуллашади. Бу копламаларни устига химоя қатлам (тупрок, ёки бетон



тушалганда, уларни хизмат муддати узаяди.

. гил тупрокли копламалар ёки гил экранлар.

Бу экран ёки коплама гил ва огир соғ тупрокларни узларини ёки бентонит билан аралашмасини 30 см ли тушами куринишида ёки устида 30-40 см ли тупрок тушами булган 5-8 см ли тушам куринишида булади. Бундай копламалар сув исрофини 60-80%га камайтиради. Шу уринда таркиби 60-65 %гил, 35-40 % кум шагал булган калинлиги 10-15 см булган глинобетон тушами хам сув исрофини камайтиради. Бундай экранли каналдаги сувни тезлиги 0,7-0,8 м/сдан ошмаслиги керак.

.Тош ва гишт копламалар асосий тогли ва тог олди сугориш тизимларида куллинилиб сув исрофини 50-60%га камайтириши ва 20-30 йил хизмат килиши кузатилган. Бу тадбир асосан кул кучи билан бажарилишини хисобга оладиган булсак жуда киммат ва кам унумли тадбирлар таркибига киради.

Юкорида келтирилган сув исрофини камайтириш тадбирларини узаро таккослаш ва самарадорлигини куйидаги жадвалдан куриш мумкин.

Сугориш тармоклари умумий узунлигини кискартириш. Бизга маълумки сув исроф киймати тизим узунлигига тугри пропорционал, яъни канал канча узун булса сув исрофи шунча куп булади. Сугориш каналлари узунлигини камайтириш учун сугориш майдонлари кайта курилиши (сугориш далалари кенгайтирилиши (12-20 га), ерлар текисланиши, замонавий сугориш техникалари кулланилиши ва х.о.) керак.

Сувдан навбат билан фойдаланишни жорий этиш. Бизга маълумки сув исрофини солиштира кийматини аниклашда каналдаги сув сарфи канча катта булса солиштира киймат шунчалик кичик булади, демак сув исрофи хам кам булади. Сугориш суви камчил даврларда сув сарфини сув истеъмолчилари уртасида таксимотида навбатни жорий этиш, сугориш сувини бир сугориш майдонига туплаш иш унуми ва тизимни ФИК кийматини оширишга олиб келади.

4-жадвал Сув исрофига карши кулланиладиган тадбирларни самарадорлиги.

Сув исрофгарчили-гига карши тадбирлар.	1м <sup>2</sup> юзига сарф буладиган материал.	Хизмат муддати, йил	Сув исрофини камайтириш фоизи.
Бетон копламалар			
а)монолит	0,07-0,04м <sup>3</sup>	25-30	95
Б)йигма	0,05-0,1м <sup>3</sup>	50	95
В)нов(лоток)	-	40-50	96
Г)кувур	-	>20	98
Асфальт копламалар	0,03-0,08 м <sup>3</sup>	5-6	98
Пластик копламлар:			

А)полиэтилен	0,05-0,27 кг	3-7	95
Б)поливинил-хлорид	0,05-0,27 кг	3-7	95
Тош ва гишт копламалар:	50-100 кг	20-30	50-60
Грунтларни тузлаш	3-5 кг	5-8	60-70
Грунтларни силикатлаш	-	5-8	50-60
Гил экранлар	0,1-0,35 м3	10	60-80
Грунтларни битумлаш	4-9 кг	3-4	60
Бентонитни куллаш	0,01-0,06	2-5	80
Колматация килиш	5-10 кг	12	60
Канал узанини юмшатиш	-	1-2	40
Канал узанини шиббалаш	-	3-5	50-60

## **2.Эксплуатацион чора-тадбирлар:**

Сувдан фойдаланиш режаси асосида фойдаланиш. Бу режадан четланиш(сувни кам ёки керагидан ортик олиш ёки белгиланган муддатларда олмаслик, сугориш режаларини бажармаслик), хужасизлик ва сувдан самарасиз фойдаланиш натижасида ортикча сув исрофгарчилигига сабаб блади. Бу холатлар билан (сувдан фойдаланиш режасини амалга ошириш) булимларда батафсил танишган эдик.

Сугориш тармоқларини уз вақтида таъмирлаш, ут босган каналларни уз вақтида тозалаш. Сугориш тармоқларини уз вақтида, яъни сугориш мавсумидан олдин таъмирламаслик ёки авария булган жойларда тезда чора тадбирлар белгиламаслик катта микдордаги сув исрофига сабаб булади. Бунинг учун тизимдаги техник хизмат ташкилотлари ишни режа асосида амалга оширишлари ва улар керакли техника, материал ва жихозлар билан таъминланган булишлари керак. Сугориш тармоқларида бегона утларга карши курашишда каналга сув очишдан 3-4 хафта олдин канал узани гербицидлар билан ишлов берилиши керак. Ут билан копланган мелиоратив тармоқлар мавсум олдидан тозаланиши керак, чунки тозаланмаган канал тозаланган каналга нисбатдан 25-30 % куп сув исроф килади.

Даврий ишлайдиган каналларнинг ёрилган узан юзасини юмшатиш.

Сугориш каналларини нормал иш режимини таъминлаш. Уларга ортикча сув куймаслик, улардан сув ташлашни чеклаш, уларни димлани окишига йул куймаслик ва х.о.

Сув сатхи устида (айникса сув омборларида) мономолекуляр пленка хосил

килиш, яъни сув билан аралашмайдиган ва парланмайдиган ёгли спирт (ортадеканол, гексадеканол ва х.о.)ни  $1 \text{ м}^2$  юзага  $0,05 \text{ г}$  микдорда сув сатхига ёйиш. Бу холда сув юзасидан буладиган парланиш (кунига)  $77\%$ гача камайиши кайд этилган.

Сув исрофига карши кулланилган хар кандай тадбирлардан сунг сугориш каналларини ФИК куйидагича аникланади:

$$\eta = Q_{\text{нет}} + (1 - N/100) Q_{\text{и.копламали}}$$

$$N = (1 - Q_{\text{и.копламали}} / Q_{\text{й.копламасиз}}) 100\%$$

бу ерда:  $Q_{\text{нет}}$ -канални нетто сув сарфи ;  $Q_{\text{и.копламали}}$  ,  $Q_{\text{й.копламасиз}}$  - ушбу каналда копламада ва копламасиз сув исроф микдори.

Хаётда у ёки бу сув исрофгарчилигига карши курашиш тадбирларини куллаш куйидагиларга богликдир.

- 1.Кулланиладиган материалларни мустахкамлиги ва чидамлилиги.
- 2.Махаллий табиий шарт шароитларда тадбирни куллаш имконияти мавжудлиги.
- 3.Кулланиладиган тадбирларни бажаришда ишни механизациялашганлиги.
- 4.Экологик ва иктисодий хисоб-китоблар.

Маълумингизки хар кандай сув исрофгарчилигига карши уълланиладиган тадбир узини иктисодий домондан оклай оладиган булиши шарт. Бу эса иктисод килинган сувнинг кийматига богликдир. Шунинг учун хам у ёки бу тадбирни куллашдан олдин иктисодий солиштириш хисоб-китоблари бажарилади. Жумладан куйидаги тенгсизлик каноатлантирилганда тадбирни куллаш буйича ишларни амалга ошириш мумкин булади:

$$C < 86,4 Q_{\text{нет}} G t A / \chi r$$

Бу ерда  $C$  –  $1 \text{ м}^2$  канал узанига килинган тадбирдан кетган харажат,

$Q_{\text{нет}}$ - канални нетто сув сарфи,

$G$  – солиштира сув исроф киймати,

$t$ - канални 1 йилдаги иш кунлари сони,

$A$ -  $1 \text{ м}^3$  иктисод килинган сув киймати,

$\chi$ - канални хуланган кундаланг кесим улчами,

копламинг 5 йиллик хисобдаги 1 йиллик арматизация киймати.

## **12.Сугориладиган ерлар шурланиши сабаблари ва уларни яхшилаш тадбирлари.**

Сугориш тармоклари ночор, коллектор-зовурлар уз вақтида тозаланмаган ва далалар ер юзи текисланмаган ерларда мелиоратив холати ёмонлашади ва экинларнинг хосилдорлиги анча паст бўлади, (фото 1,2,3,4,5,6 ва 1-график).



Фото 1. Шўрланган ерда гузаниче ҳолати



Фото 1. Шўрланмаган ерда гузаниче ҳолати




Фото 3. Ишламайдиган коллектор ўзанинг ҳолати



Фото 4. Коллектор ўзани лойқа ва бегона ўтлар билан тўлган



Фото 5. Ер юзи текисланмаган даладарда сугориш сифати



Фото 6. Таъмирланмаган нов каналдан сув исрофи

Ер ости сувлари сатҳини қандай оптимал чуқурликка тушириш керакклиги асосан ер ости сувларининг минерализациясига экинлар илдининг кайси чуқурликгача тушиши, тупроқнинг механик таркиби ва сув физикавий хусусиятларига ва иқлими жихатларига боғлиқ.

Марказий Осиёда тупроқларнинг шўрланиши мумкин бўлган критик чуқурликлар қуйидагича ер ости сувларининг минерализацияси 7 г\л бўлганида -1,5 м; 5 г\л да -2,2 м; 1,5 г\л да -1,5 м. Ер ости сувлари сатҳи критик чуқурликдан юқори бўлганда тупроқнинг капиллярлари орқали юқорига йўналтирилган ер ости сувларининг бугланиши содир бўлади.

Ер ости сувлари билан бирга кимёвий таркиби турли тузлар ҳам юқорига кўтарилиб, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлаштиради.

Фарғона водийсининг иқлимий ва тупроқ-гидрогеологик шароитлари учун 1 метрли тупроқ қатламидаги тупроқга қўшилган 0,03 % ли хлорли минерал ўғит гўзанинг ҳосилдорлигини оширади. Агар тупроқда 0,1% ли хлор қўшилган бўлса, гўзанинг униб чиқиши 17 суткага кечикади. Шундай қилиб, тупроқнинг 1 метрли қатламида хлор миқдорининг керакгидан ошиб кетиши гўзанинг униб чиқиши, гуллаши, кўсақларининг очилишини кечиктиради ва ҳосилдорликни камайтиради. Яхши сув ўтказувчи тупроқларда  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  тузларининг улуши 0,1% ;  $\text{NaCl}$  - 0,2% дан кам; ва  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  - да 0,5% дан кам бўлишига йўл қўйилади.

Тупроқнинг 0,01%ли хлорнинг бўлиши ўсимликнинг ҳолатига таъсир кўрсатади. Тупроқда тузлар йигиндисининг 0,1% гача бўлганда ўсимликлар нормал ўсиб чиқади; 0,2...0,4% да ўсимликлар озроқ қийналган бўлади ; 0,4...0,6% да – ўртача қийналганлик; 0,6...1,0% да жудаям қийналган бўлади. Тупроқда зарарли тузларнинг, 1% дан ошиши ўсимликларнинг қуриб қолишига олиб келади. Хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолатини ёмонлашмаслиги учун мунтазам равишда мелиоратив нвзорат ўтказиш, тупроқнинг шўрланиш даражасини, ер ости сувларининг сатҳи ва минерализациясини кузатиш керакк. Ер ости сувлари сатҳини кузатиш учун 3.....5 м қудуқ қазилади.



Фото 7. Кузатув кудук

Қудукқа диаметри 8...10 см асбест еки темир қузури ўрнатилади. Қудук тагига қалинлиги 10...15 см шагал аралаш қум сепилади. Қувурнинг пастки қисмида ер ости сувлари кириши учун диаметри 3...5 см бўлган тешикчалар қолдирилади. Қудук усти металл коққоқ билан бекитилади. Кузатиш олиб бориладиган қудуклардаги створлар орасидаги оралиги 1..1,5 км этиб белгиланади. Кузатиш қудуклари каналлар, коллекторлардан нарироқда ўрнатилади. Қудук атрофи тупроқ билан тўлдирилади.

Қудуклардаги кузатиш створлари жойнинг хусусиятига қараб белгиланади. Қудуклар план ва баландлик бўйича бир жой баландлигига боғланади. Мелиоратив шароитга қараб кузатиш қудуклари 100...150га майдонга битта скважина этиб белгиланади. Ер ости сувлари сатхи ўн кунда бир марта кузатилади. Ер ости сувларининг минерализацияси бахорда (01.04) ва кузда (01.10) кузатилади ва барча кимёвий тахлиллар лабораторияда бажарилади.

Шурланган тупроқлар деб унинг фаол катламида маданий кишлоқ хужалик экинларини нормал ривожланишига акс таъсир курсатадиган ва уларнинг хосилдорлигини пасайтиришга сабаб буладиган, сувда эрийдиган ва тупроққа ютилган минерал тузлар тупланган тупроқлар тушинилади.

Усимлик ривожини учун акс таъсир қилаётган тузларнинг микдори тузлар таркиби, усимликни биологик хусусияти тупроқнинг сув-физик хусусиятига боғлиқ булиб, улар турличадир. Улар тупроқ сувларининг сифатига кура аниқланилади. Уларни таркиби турлича булсада, жуда куплаб ҳолатларда 3 та катион-  $\text{Na}^1$ ,  $\text{Mg}^{11}$ ,  $\text{Ca}^{11}$  ва 3 та анион  $\text{Cl}^1$ ,  $\text{CO}_3^{11}$ ,  $\text{SO}_4^{11}$  билан хусусиятланади.

$\text{Na Cl}$	$\text{Na}_2\text{SO}_4$	$\text{Na}_2\text{CO}_3$
$\text{MgCl}_2$	$\text{MgSO}_4$	$\text{MgCO}_3$
$\text{CaCl}_2$	$\text{CaSO}_4$	$\text{CaCO}_3$

Кумир кислота ( карбонатлар –  $\text{CO}_3$ ) тузлари сувда кийин эрувчан булганлиги туфайли эритмада енгил ажралади ва манбадан чиқиш жойлари яқинида чуқма ҳосил қилади. Олтингугурт кислота тузлари эрувчанлиги бўйича карбонатлардан устундир. Сувда жуда енгил ва тез эрийдиган тузлар бу хлорли тузлар ҳисобланади.

Тузларни таркибига кура тупроқда куйидаги шурланиш турлари фарқланади. Карбонатли, сульфат карбонатли, карбонат сульфатли, сульфатли, хлор-сульфатли, сульфат-хлоридли ва хлоридли. Хлоридли тузлар сувда енгил эрувчан булганлиги сабабли улар тупроқнинг ер юза ҳамда сизот сувларининг устки катламида жойлашган булади, бу катламлар усимлик учун ута зарарли ҳисобланади.

Тупроқдаги тузларнинг маълум таркибида ундаги осмотик босим

усимлик илдиз тукчаларининг суриш кучидан хар доим юкори булганлиги сабабли, усимлик шур тупроклардаги нам ва озука элементларини тулик узлаштира олмайди. Ундан ташкари тупрок эритмасидаги меъеридан ортик булган зарарли тузлар тупрокдаги озука моддаларини хосил килиш ва уларни парчалаб беришда хизмат киладиган микробиологик флора ва фауна улдиради. Шу билан бирга тупрокнинг сув физик хусусиятларини ёмонлаштириб боради.

Тупрокларни шурланиши минераллашган сизот сувлари режимига узвий богликдир, сугориш майдонларида уларнинг режими уз урнида сугориш режими ва кишлок хужалик экинларини сугориш техникаси билан аникланади. Сизот сувлари сатхини ер юзасига якинлашиши сизот сувларини кескин парланишини купайишига, бу холат эса тупрокнинг юза катламини шурлашига олиб келади.

Тупрокда йул куйилган тупрок эритмасининг концентрация микдори сувда эрийдиган тузларнинг сифат таркибига боглик булиб тупрок массасининг  $\lambda_a=0,03-0,5\%$  оралигида булади.

Бир хил тупрок, ундаги тузлар микдорига караб, турлича йул куйилган минимал намлик микдорига эга булиши мумкин. Тупрок таркибига унда сувда эрийдиган тузларни йул куйилган микдорини белгиловчи дастлабки маълумотлар, бу тузларнинг усимликка турлича таъсир этишини курсатади. Одатда, тупрокда биратуласига бир неча тузларнинг мавжудлиги, ундаги йул куйилган тузлар таркиби фоизини юкори эканлигини курсатади. Бошка томондан турли усимликларни шурга чидамлилиги турличадир. Яхши сув утказувчан тупрокларда йул куйилган тузларнинг таркиби:

$\text{Na}_2\text{CO}_3 < 0,1\%$ ,  $\text{NaCl} < 0,2\%$ ,  $\text{Na}_2\text{SO}_4 < 0,5\%$  булади.

Кишлок хужалик экинлари тупрокда йул куйилган тузлар микдорини тугри белгилаш учун аввало тупрок шурланишини тугри фарклай билиш керак.

Улар 2 хил булиб:

1)Шурхок тупрокларда «Na» тупрокдаги ютувчи комплекс таркибига кирмайди, лекин хлорид,сульфат ва натрий карбонат эритмалар концентрацияси сезиларли даражада булади.

2)Шуртоб тупрокларда эса “ Na ” тупрокдаги ютувчи комплекс таркибида булиб сувда эрувчи тузларни тупрок сувидаги концентрацияси жуда кам микдорда учрайди. Кургокчил минтакада асосан шурхок тупроклар купрок таркалган булиб, уларни шурланиш даражаси куйида берилган.

5-жадвал

Тупрокларни шурланиш даражаси.

Тупрокни шурланиш дара-жаси	Каттик колдик, % массага нисбатан	С1 % масса нисбатан.
Шурланмаган	<0,3	<0,01
Кам шурланган	0,3-1	0,01 – 0,04
Урта шурланган	1 – 2	0,01 - 0,1

Кучли шурланган	2 – 3	0,04 - 0,3
Шуршок	>3	> 0,3

Тупрокнинг туз режими деганда, тупрок таркибида ва унинг айрим катламларида, мавсумий метеорологик шарт-шароитлар ва сугориш таъсирида, сувда осон эрийдиган тузларни ҳаракат ва тупланиши жараёни тушунилади.

Марказий Осиёда туз режими борасида олиб борилган куп йиллик тадқиқотларни натижасига кура, сизот сувлари устида жойлашган шур тупрок катламида туз захираларининг умумий миқдори нисбатан секин узгаришини ҳайдов катламида эса йилни мавсумларига, тупрокка ишлов бериш, етиштирилладиган экин турига, уларни сугориш режимига қараб кескин узгаришини кузатиш мумкин.

Тупрокнинг туз режимини баҳолашда мавсумий аккумуляция (чуқиш) коэффициенти маълум бир тупрок катламидаги сувда осон эрийдиган тузларни кузги миқдорини унинг баҳорги миқдорига нисбатидан фойдаланилади.

Юқорида келтирилганлардан қуриниб турибдики шурланишни асосий сабаби шур сизот сувлар сатҳини кутарилиши экан.

Сизот сувларини сатҳини кутарилиш даврлари, сабабларини йиллар қирқимида билиш сизот сувлар сатҳини тартибга солиш ва шу билан бирга шурланган майдонларда эксплуатацион тадбирлар белгилаш имконини яратади.

Сизот сувлар сатҳи шурланган майдонларда амалда назорат кудуклари орқали, сугориш мавсумида ҳар 5 кунда бошқа вақтларда ҳар 10 кунда, уларда сув сатҳини улчаш орқали назорат қилиб борилади.

Шурланган майдонларни ҳисоби асосан йилига бир маротаба (ёзда) экин майдонларини экинлар билан қопланганлиги ва шур босган тупроқларни рангига қараб намуналар олиш йули билан аниқлашади.

Сугориш майдонларини ботқокланиш ва шурланишига қарши қураш тадбирлари қуйидагича:

Сугориш майдонларини ботқокланиш ва шурланишига қарши қураш умум мажбурий ва алоҳида тадбирларни уз ичига олади.

#### Умум мажбурий тадбирлар.

1) Сизот сувларини таъминотини ва сугориш майдонларига туз қиримини /судан режали ва меъёрий фойдаланишини жорий қилиш, сугориш тармоқларини ҳолатини ва улардан фойдаланишни яхшилаш, сугориш жараёни ва техникасини мукамаллаштириш, сугориш тизимини Ф.И.К.ни ошириш, мавжуд сугориш тизимидаги ноинженерлик элементларни алмаштириш ва қайта таъмирлаш, ерларни капитал текислаш, чеклайдиган тадбирлар.

2) Сизот сувларини ер юзасидан парланишини қамайтирадиган /утли алмашлаб экиш, такрорий ва ер юзасини тулик қоплайдиган экинларни экиш, тупрок дондорлигини саклаш, сугориш тармоқлари ва йул ёқалари буйлаб дарахтлар экиш, сизот сувларидан сугоришда фойдаланиш/



тадбирлар.

Табиий зовурланмаган сугориш майдонларида факат огохлантирувчи мелиоратив тадбирлар масалани тулик ечмайди. Шунинг учун ҳам бундай майдонларда тупрокни туз режимини бошқариш ва минераллашган сизот сувлари сатхини бошқариш сунъий курилган зовурлар ёрдамида амалга ошиши мумкин.

Сугориладиган тупрокни туз режимини бошқариш усулларига:

1. Тупрокка ишлов бериш.
2. Утли алмашлаб экишни жорий қилиш.
3. Вегетация даврида тупрокни узвий намлатиб туриш.
4. Кишки профилактик сугоришларни утказиш.
5. Мунтазам шур ювишлар қиради.

Шур тупрокларни чуқур хайдаш айникса, ёгингарчилик йиллари тупроклари мавсумий чучуклаштиришда яхши натижа беради.

Сугоришдан сунг тупрокларни чуқур юмшатиш (10-15 см га) тупрокни устки катламидан тупрок намини 20-30% кам парланишига олиб келиб тупрок шурланишини секинлаштиради.

Ўзбекистонда утказилган илмий тадқиқот ишларининг натижасига кура беда экинини экилиши, сугориш майдонида мавжуд сизот сувларини сатхини 50-100 см.га пасайтириш билан бирга ер юзасидан тупрок ва грунт сувларини парланишини анча камайтиради экан. 3-йиллик беда экин майдонларида тупрокни сув физик хоссаларини яхшиланганлиги ва тузларни фаол катламдан чуқуррок катламга чуққани кузатилган. Илмий тадқиқот ишларини хулосасига кура сугориладиган шур тупроклардан юкори хосил олиш ва ундаги туз режимини бошқариш учун тупрокни фаол катламида сугоришлар орасида намлик миқдорини чегаравий нам сигимини 80-85 % орасида саклаш керак экан.

Кишки профилактик сугоришлар асосан хайдов ва хайдов ости катламлардан сувда осон эрийдиган тузларни тупрокдан ювиш мақсадида утказилади. Бунда тупрокдаги туз миқдори узгармасида тупрокнинг устки катлами чучуклашиши ва экилган уругни яхши униб чиқиши ва ёш ниҳолни ривожланиши учун оптимал шароит тугилади.

Шурхок ва кучли шурланган тупрокларда унинг устки катламидаги ортикча тузлар уруг экилганича ювилиш шarti билан экин экилиши мумкин. Шунинг учун ҳам, бундай тупрокларда албатта шур ювилади. Шур ювиш марказий Осиёнинг шурланган дашт тупрокларини узлаштиришдаги ягона воситадир. Шур ювиш албатта сунъий ётик ёки тик зовурлар билан жихозланган ерларда амалга оширилиши шарт, чунки зовурланмаган ва сизот сувлар оқими таъминланмаган сугориш майдонларида Шур ювиш нафақат умумий Шур ювиш миқдорини камайтиради, балки бу майдонларда бошқа тузларни тикланишига олиб келади.

Сизот сувлар сатхини бошқаришда критик чуқурлик тушунчалари мавжуддир.

Сизот сувларининг критик чуқурлиги (ортикча намикиш учун- куритиш меъёри) деганда сизот сувларининг тупрокни шурлантirmайдиган ва

боткоклантирмайдиган чукурлиги тушунилади. Бу киймат капилляр кутарилиши тезлиги ва баландлигига, тупрокдаги тузлар таркибига, табиий иклимий шарт-шароитига, илдиз катлам чукурлигига боглик булиб, куйидаги умумий курунишда ёзилади:

$$h_{кр} = h_a + h_k, \text{ м}$$

Бу ерда  $h_{кр}$  - сизот сувларининг критик чукурлиги, м  
 $h_a$  - илдиз катлам (фаол катлам) чукурлиги, м  
 $h_k$  - капилляр кутарилиш баландлиги, м

Тупрок таркибига боглик капилляр кутарилиш баландлигини куйидаги жадвалдан кабул килиш мумкин.

6-жадвал. Капилляр кутарилиши баландлиги.

Грунт	$h_k$ , м
Урта йирикликдаги кум	0,15-0,35
Майда йирикликдаги кум	0,33-1,0
Кумок тупрок	1,0-1,5
Енгил кумок тупрок	1,5-2,0
Урта кумок тупрок	2,0-3,0
Огир кумок тупрок	3,0-4,0
Гил тупрок	4,0-5,0

Илдиз катлам калинлиги экин турига караб гўза учун 0,8-1,2 м кўп йиллик ўтлар учун 1,5-2,5 м га тенг бўлади. Бу кийматлардан келиб чиккан холда Марказий Осиё минтакаси учун  $h_{кр}$  киймати 5-6м гача боради. Амалиётда буни таъминлайдиган зовурларни куришни иложи йўк ва иктисодий томондан улар ўзини окламайди хам.

Бу борада ўтказилган тажриба ишларини натижалари шўрланган ўзбекистон Республикаси сугориш майдонларида “ $h_{кр}$ ” ни кийматини анча кичик бўлишини кўрсатмоқда. Жумладан: Хоразм вохасида ўтказилган тажриба ишлар натижасига кўра  $h_{кр}$  киймати куйидаги жадвалда келтирилган:

7 -жадвал: Гўзани ўсиш даврида 0 -100 см- ли тупрок катламида хлор «СГ» ионини микдорига боглик  $h_{кр}$  киймати (Ф.М.Рахимбаев маълумоти)

Минерализация г/л	7,0	5,0	3,0	1,5
$h_{кр}$ , м	3,5	3,0	2,2	1,5

$h_{кр}=1,3-3,0$  м, шўрланмаган тупроклари учун эса тупрокни механик таркиби ва ерлари ишлатилиш турига караб  $h_{кр}=0,3-1,2$  оралигида бўлади.

9-жадвал Тупрокларнинг механик таркиби.

Хўжаликда ерларни ишлатилиш тури	Тупрокни механик таркиби		
	Енгил	ўрта	огир
Яйлов	0,3-0,5	0,4-0,6	0,5-0,7

Хайдов	0,5-0,7	0,7-0,8	0,8-0,9
Боғ– узум	0,8-1,0	1,0-1,2	1,2-1,5

Шўрланган ва шўрланишга моил майдонлар хар доим табиий зовурланмаган хисобланиб, бу ерлар факат кучайтирилган шўр ювиш меъёрлари билн уларни шўри ювилгач ўзлаштирилади, бу холат сизот сувларини сатхини кўтарилишига олиб келади.

Шўрхок ва кучли шўрланган сугориладиган тупрокларда шўр ювиш меъёрини хисоби куйидагича бажарилади:

Шўр ювиш тупрокдаги ортикча тузларни кетказишдаги ягона алмаштириб бўлмайдиган тадбирдир. Шўр ювиш меъёри микдори ва давомати шўр тупрокдаги тузлар таркибига, улар шўрланганлик даражасига, шўр ювиш катламининг чукурлигига, тупрокларнинг сув физик хоссаларига, сизот сувларининг жойлашган чукурлигига майдони зовурланганлигига караб аникланилади.

Сунъий зах кочириш тармоклари Билан таъминланган майдонларда шўр ювиш амалиётида шўр ерларни ўзлаштиришдаги кенг кўлланиб келаётган тадбир хисобланади.

Шўрхок ерларни шўри ювиладиган энг маъкул муддат бу тупрок хали нам бўлган ва сизот сувлари сатхи чукур жойлашган давр куз хисобланади. Шўр ювиш суви тупрокка берилганда аввало сув пастга караб сингиб бориши Билан тупрокдаги тузларни ўзида эритиб боради. Бунда аввало хлорид натрий ва Mg сульфат магний тузлари эрийди. Сульфат тузлари секин эрийди. Сувда осон эриган тузлар тупрокдан сизиб чикиб тупрокни чучуклаштиради.

Агарда шўр ювиш меъёри 7 минг м<sup>3</sup>/га дан ортик бўлса, шўр ювиш ишларини бир куз/киш мавсумида амалга ошириб бўлмайди, бу ишлар 2 йил давом этади.

Шўр ювиш меъёри (M) деб шўрланган 1 га майдоннинг шўр ювиш катламини чучуклаштириш учун керак бўладиган сув хажмига айтилади.

Шўрхок тупрокларда шўр ювиш меъёри эмперик услублар оркали аникланилади, чунки далаларда кўйилган тажрибалар натижаси лойихачи ва амалиётчилар учун ишончли маълумот хисобланади.

Шўр ювиш жараёнини сувда эриган тузларни тупрокдан оддий сикиб чиқариш деб караш тўғри эмас. Чунки туз ва намни тупрокдаги харакати жуда мураккаб физико-кимёвий жараён бўлиб, бунда тупрок бўшликларида тузларни «диффузион» (таркалиш) жараёни, яъни тупрок агрегатларидаги каттик(кристалл) шаклдаги тузларни сувда эриб туз эритмасига ўтиши рўй беради.

Шўр ювиш меъёри аникланилгач, шўр ювиш режаси, уни амалга ошириш жараёни ва давомати белгиланилади.

Шур ювишнинг умумий меъёрлари:

- А) Яхши зовурлаштирилган енгил тупрокларда 1500-1000 м<sup>3</sup>/га.
- Б) Кам зовурлаштирилган огир тупрокларда 2000-5000 м<sup>3</sup>/га.
- В) Уртача шурланган енгил тупрокларда 1500-6000 м<sup>3</sup>/га.

Г) Уртача шурланган огир тупрокларда 2000-8000 м<sup>3</sup>/га.

Д) Кучли шурланган ва шурхлк енгил ва уртача тупрокларда 6000-10000 м<sup>3</sup>/га.

Е) Кучли шурланган ва шурхок огир тупроклар да 8000-1200 м<sup>3</sup>/га.


Зовурлар мавжуд булган шароитда кам шурланган ерлар – 1-3 марта, уртача шурланган ерлар 1-4 марта, кучли даражада шурланган ва шурхок ерларда 3 марта ювилади. Хар галги шур ювишдан кейин енгил тупрокли ерларда 2-3 кун, уртача тупрокли ерларга 3-4 кун, огир тупрокли ерларга 6-7 кун дам берилиши керак.

Юкорида кайд этилганидек энг макбул шўр ювиш муддатлари бўлиб 15/Х-15/ХП хисобланади, чунки 15/Х гача хали далада хосил бор вакт 15/Х-дан сўнг эса хароратнинг тушиб кетиши шўр ювиш таъсирини кескин сусайтиради.

#### Эслатма:

1. Суғориладиган ерларни шўрини ювишдан олдин коллектор-зовурларнинг узанлари тозаланиши шарт.

2. Коллектор ўзанидаги сув сатхи зовур ичидаги сув сатхидан энг камида 0,5 метр пастрок бўлиши шарт, (расм).



### 13. Хўжаликларда сувдан фойдаланиш режаси ва уни амалга ошириш

Ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва экинларнинг хосилдорлигини оширишда сувдан фойдаланиш, хўжалик режасини тузиш, ҳамда уни қўллаш мухим ахамиятга эга.

Сувдан фойдаланиш режаси, хўжаликларнинг ишлаб чиқариш режасининг таркибий қисми ҳисобланади. Профессор Х.А. Ахмедов сувдан фойдаланишни уч қисмга, яъни сув олиш, сув таксимлаш ва сувдан фойдаланишга бўлади.

Сувдан фойдаланишнинг вазифаси хўжаликка бериладиган суғориш сувида экинлар учун етарли намликни хосил қилишдир. Сувдан фойдаланиш режаси йилда икки давр учун: суғориш даври (1.04-31.09) ҳамда кузни, қишки ва эрта бахорги давр (1.10-31.03) учун тузилади. Суғориш давридаги

суддан фойдаланиш режасида барча қишлоқ хўжалик экинларини бригадалар бўйича суғориш, қишки ва бахорги давр режасида эса шўр ерларни ювиш ва нам тўплаш учун суғоришлар ҳамда яхоб бериш назарда тутилади. Суддан режали фойдаланишнинг вазифаси суғориш тармоқларида суддан самарали фойдаланиш ҳамда экинлардан юқори ва барқарор ҳосил олишдир. Хўжалик режаси учун суғориш меъёри ва муддатлари илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш илгорларининг тавсиялари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Бу ҳолатда режали суғориш режимини аниқлаш учун ерларнинг мелиоратив ҳолати, агротехника ва суғоришларнинг ташкил этилиши ҳисобга олиниб, ишлаб чиқариш тадбирлари ўтказилади. Сув исрофгарчилиги суғоришлар вақтидаги ҳақиқий ўлчовлар асосида қабул қилиниши керак. Суддан фойдаланиш режасида қишлоқ хўжалик экинларини, суғориш майдонлари ва ўн кунлик бўйича талаб қилинадиган сув сарфлари аниқланади. Суддан фойдаланиш режасини тузишда хўжаликларга сув ажратиш қулоқларида сувнинг мумкин бўлган сарфлари (лимити) танқис даврларда суғориш манбада сув сарфининг пасайиши, канал ва иншоатларнинг сув ўтказиш қобилияти, ерларнинг майдонлар бўйича мелиоратив ҳолати ҳисобга олинади;

Суддан режали фойдаланишда қуйидаги шароитларга риоя қилиш керак. Суғоришларни кейинги ишловлар билан мувофиқлаштиришда ҳамда энг мақбул режимга риоя қилиш учун ортиқча сувларни чиқариб юбормай, суғоришни бутун сутка давомида ўтказиши керак.

8. Хўжаликда суддан фойдаланиш режасини тузиш учун керакли маълумотлар

Суддан фойдаланиш режасини тузиш учун қуйидаги маълумотлар керак:

- хўжаликнинг суғориш тармоқлари, экин майдонлари, иншоатлар акс этган 1: 10000 масштабда хўжалик харитаси;

- фойдаланиш иш коэффициенти (ФИК), ердан фойдаланиш коэффициенти (ЕФК) ва тармоқларнинг сув ўтказувчанлик қобилияти, сув ўтказадиган қурилмалар, гидростлар;

10-жадвал Хар хил копламали суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициентлари

( В. А. Духовный бўйича 1984 й. )

Т/р	Тармоқ турлари	Тармоқ Ф. И. К.		Тизимнинг Ф. И. К.
		Хўжалик лараро	Хўжалик ички	
1	Йил давомида сув ўтказувчи хўжаликлараро тупрок ўзанли каналлар.	0.80-0.95	0.52-0.60	0.45-0.54
	-шунингдек оралик даврда сув ўтказувчи ички	0.75-0.9	0.42-0.60	0.42-0,5

	каналлар.			
2	Монолит бетон қопламали хўжаликлараро каналлар. -шунингдек ички хўжалик темир-бетон новлар.	0.85-0.96	0.86-0.96	0.65-0.76
3	Бетон " плита " қопламали хужаликлараро ва ички хужалик каналлари.	0.85-0.95	0.75-0.86	0.66-0.75
4	Темир ёки асбесто-цемент қувурли каналлар.	0.85-0.95	0.92-0.96	0.60-0.75
5	" Плёнка " қопламали каналлар	0.90-0.98	0.86-0.96	0.73-0.93

11-жадвал Ерларнинг нишаблиги ва сатҳига нисбатан ЕФҚ қийматлари

Нишаблик	ЕФҚ нинг қиймати	
	Текис қулай ер сатҳи	Ноқулай ер сатҳи
0.01 - 0.005	0.92 - 0.94	0.90 - 0.92
0.005 - 0.001	0.90 - 0.92	0.88 - 0.90
0.001 дан кичкина	0.88 - 0.90	0.86 - 0.88

- суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати тўғрисида маълумотлар;
- иқлим шароити ва ёгингарчилик тўғрисида маълумотлар;
- суғориш режимининг тасдиқланган жадвали. Агар суғориш режими ҳозирги шароитга жавоб бермаса (эски бўлса ) Ўзбекистон Республикаси Пахтачилик илмий тадқиқот институти тавсияномаси китобидан янғиси қабул қилинади.

12-жадвал Хўжаликда етиштириладиган экинларни суғориш режими  
V – гидромодуль тумани (мисол тарикасида)

Экин турлари	Суғориш тартиби	Суғориш меъёри $m$ м <sup>3</sup> /га	Суғориш муддати		Суғориш даври T, сут	Суғориш гидромодули, $q_{суг}$ , л/с га	Келирилган гидромодуль, $q_{кел}$ , л/с га
			Бош-ланиши	Тугаши			
Пахта $\alpha_n = 40\%$	1	900	26.V	15.VI	21	0,496	0,198
	2	1100	16.VI	5.VI	20	0,637	0,254
	3	1100	6.VII	20.VII	15	0,849	0,339

	4	1100	21.VII	10.VIII	21	0,606	0,242
	5	800	11.VIII	31.VIII	21	0,441	0,176
Кузги буғдой $\alpha_{\sigma} = 16\%$	1	1400	5.X	20.X	15	1,080	0,173
	2	1000	1.IV	20.IV	20	0,579	0,099
	3	950	21.IV	10.V	20	0,550	0,088
	4	850	11.V	25.V	15	0,656	0,105
Беда $\alpha_{\text{беда}} = 27,5\%$	1	1100	16.IV	10.V	25	0,509	0,14
	2	1100	11.V	31.V	21	0,606	0,167
	3	1100	1.VI	25.VI	25	0,509	0,14
	4	1100	26.VI	15.VII	20	0,637	0,175
	5	1100	16.VII	5.VIII	21	0,606	0,167
	6	1000	6.VIII	25.VIII	20	0,579	0,159
	7	900	26.VIII	15.IX	21	0,496	0,136
Маккажўхори $\alpha_{\text{макка}} = 3,5\%$	1	800	16.V	5.VI	21	0,441	0,015
	2	1100	6.VI	2.VI	15	0,849	0,029
	3	1100	21.VI	5.VII	15	0,849	0,029
	4	1100	6.VII	15.VII	10	1,157	0,040
	5	1000	16.VII	5.VIII	21	0,551	0,019
Боғ, узумзор $\alpha_{\text{б.уз}} = 6\%$	1	800	6.V	15.VI	40	0,231	0,013
	2	800	16.VI	15.VII	30	0,309	0,018
	3	1000	16.VII	15.VIII	31	0,373	0,022
	4	800	16.VIII	20.IX	36	0,257	0,015
Бошқа экинлар $\alpha_{\text{б.эк}} = 4,8\%$	1	600	21.V	10.VI	21	0,331	0,015
	2	600	11.VI	30.VI	20	0,347	0,016
	3	700	1.VII	15.VII	15	0,540	0,025
	4	700	16.VII	5.VIII	21	0,386	0,018
	5	600	6.VIII	25.VIII	20	0,347	0,016
Томорқа $\alpha_{\text{том}} = 2,2\%$	Узлуксиз сув оқими		1.IV	30.IX	183	0,45	0,009

### 8.1. Сувдан фойдаланиш режасини тузиш тартиби.

Сувдан фойдаланиш режаси қуйидаги ҳужжатлардан иборат бўлади:

- хўжалик суғориш тармоқларининг тўғри чизиқли чизмаси, экин турлари ва бригадалар бўйича жойлашган майдони жадвали;
- суғориш режими;
- ҳар қандай ўн кунлар учун ўртача гидромодули;
- суғориш топширигининг коэффициенти;
- суғориш топширигининг майдони.

Ҳар қайси ўн кунликлар (декадалар) бўйича суғорилиши лозим бўлган майдонларга бериладиган сув сарфларининг «нетто», «брутто» миқдорлари ва сув ҳажми.

Хўжаликнинг янги лойиҳавий суғориш ва зах қочириш тармоқлари ўтказилган ҳамда асосий экин майдонлари жойлашган бригадалар,

массивларни бириктирган хўжалик ички суғориш тизимлари (чизмаси) харитасидан фойдаланиб, хўжаликдаги экин майдонларини суғорадиган каналларга бириктирилган жадвал тузамиз. (13 - жадвал).

13 – жадвал. Хўжалик экин майдонларининг суғориш тизимларига бириктирилган жадвали

№	Хўжалик-ички нов каналлари	Участка нов каналлари	Суғориладиган экин турлари майдони, «нетто» га							Жами суғориладиган майдон
			Пахта	Кузги бугдой	Беда	Макка ва лавлаги	Боғ, узумзор	Бошқа экинлар	Томорка	
1.	ХИНҚ – 1	УчНК – 1-1.	37,8				85			122,8
		УчНК – 1-2.	37,8							37,8
		УчНК – 1-3.	37,8							37,8
		УчНК – 1-4.	37,8							37,8
		УчНК – 1-5.	37,8							37,8
		УчНК – 1-6.		37,8						37,8
		УчНК – 1-7.		37,8						37,8
		УчНК – 1-8.			37,8					37,8
		УчНК – 1-9.			37,8					37,8
		УчНК – 1-10.			37,8					37,8
2	ХИНҚ – 2	УчНК – 2-1.	37,8							37,8
		УчНК – 2-2.	37,8							37,8
		УчНК – 2-3.	37,8							37,8
		УчНК – 2-4.	37,8							37,8
		УчНК – 2-5.	37,8							37,8
		УчНК – 2-6.		37,8						37,8
		УчНК – 2-7.		37,8						37,8
		УчНК – 2-8.			37,8					37,8
		УчНК – 2-9.			37,8					37,8
		УчНК – 2-10.			37,8					37,8
		УчНК – 2 <sup>I</sup>							31,2	31,2
		УчНК – 2 <sup>II</sup>						68		68
3	ХИНҚ - 3	УчНК-3 <sup>I</sup>				99,2				99,2
		УчНК-3-1.	37,8							37,8
		УчНК-3-2.	37,8							37,8
		УчНК-3-3.	37,8							37,8
		УчНК-3-4.	37,8							37,8
		УчНК-3-5.	37,8							37,8
		УчНК-3-6.		37,8						37,8
		УчНК-3-7.		37,8						37,8
		УчНК-3-8.			37,8					37,8
		УчНК-3-9.			37,8					37,8
УчНК-3-10.			37,8					37,8		
Жами хўжалик бўйича			567	226,8	340,2	99,2	85	68	31,2	1418,4

Хўжаликда етиштириладиган экинларнинг суғориш режаси ва экинларни суғориш тартиби бўйича келтирилган гидромодул қийматларидан фойдаланиб, ҳар ўн кунликлар (декадалар) учун ўртача гидромодул қийматларини аниқлаймиз.

Агар битта ўн кунлик иккита суғориш даврига тўғри келса ва гидромодул икки хил қийматга эга бўлса, ўртача гидромодул қўйидаги формула бўйича аниқланади:



$$\bar{q}_{yp} = \frac{(\bar{q}_1 \cdot t_1) + (\bar{q}_2 \cdot t_2)}{t_1 + t_2}; \quad \text{л/с га.}$$

бу ерда:  $q_1, q_2$  – битта ўн кунликдаги олдинги ва кейинги суғориш давридаги келтирилган гидромодул қийматлари, л/с га;

$t_1, t_2$  – битта ўн кунликдаги олдинги ва кейинги суғориш давридаги кунлар сони, сутка.

Ўн кунликлар (декадалар) бўйича ўртача келтирилган гидромодул қийматларини аниқлаб жадвал тузамиз (14-жадвал):

14-жадвал

Келтирилган гидромодулнинг ўн кунликлар бўйича ўртача қийматлари

№	Экин турлари	Сугориш тартиби	Апрель			Май			Июнь			Июль			Август			Сентябрь			Октябрь				
			1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3		
1.	Пахта	1						0,198	0,198																
		2								0,226	0,254														
		3											0,297	0,339											
		4													0,242	0,242									
		5															0,176	0,176							
							0,198	0,198	0,226	0,254	0,297	0,339	0,242	0,242	0,176	0,176									
2.	Бугдой	1																					0,173	0,173	
		2	0,093	0,093																					
		3			0,088	0,088																			
		4					0,105	0,105																	
			0,093	0,093	0,088	0,088	0,105	0,105															0,173	0,173	
3.	Беда	1		0,014	0,014	0,014																			
		2					0,167	0,167																	
		3							0,014	0,014															
		4									0,175	0,175	0,171												
		5												0,167	0,161										
		6														0,159	0,148								
		7																0,136	0,136						
			0,14	0,14	0,14	0,169	0,167	0,14	0,14	0,175	0,175	0,171	0,167	0,161	0,159	0,148	0,136	0,136							
4.	Макка жўхори	1					0,015	0,015																	
		2							0,022	0,029															
		3									0,029	0,034													
		4											0,027												
		5												0,019	0,019										
						0,015	0,015	0,022	0,029	0,029	0,034	0,027	0,019	0,019											
5.	Бог, узумзор	1				0,013	0,016	0,013	0,013																
		2								0,015	0,018	0,018													
		3											0,02	0,022	0,022										
		4														0,018	0,015	0,015	0,015						
					0,013	0,016	0,013	0,013	0,015	0,018	0,018	0,02	0,022	0,022	0,018	0,015	0,015	0,015							
6.	Бошқа экинлар	1						0,015	0,015																
		2								0,016	0,016														
		3										0,025													
		4											0,021	0,018											
		5													0,017	0,016	0,016								
							0,015	0,015	0,016	0,016	0,025	0,021	0,018	0,017	0,016	0,016									
7.	Томорка	1	0,009	0,009														0,009	0,009	0,009					

15- жадвал

## Ўн кунликлар бўйича суғориш майдони коэффициенти

№	Экин турлари	Суғориш тарғиби	Апрель			Май			Июнь			Июль			Август			Сентябрь			Октябрь			
			1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	
1.	Пахта	1						0,29	0,48	0,23														
		2								0,25	0,5	0,25												
		3											0,33	0,67										
		4													0,51	0,49								
		5															0,49	0,51						
								0,29	0,48	0,48	0,5	0,58	0,67	0,51	0,49	0,49	0,51							
2.	Бугдой	1																			0,33	0,67		
		2	0,5	0,5																				
		3			0,5	0,5																		
		4					0,67	0,33																
		0,5	0,5	0,5	0,5	0,67	0,33														0,33	0,67		
3.	Беда	1		0,2	0,4	0,4																		
		2					0,48	0,52																
		3							0,4	0,4	0,2													
		4									0,25	0,5	0,25											
		5											0,24	0,52	0,24									
		6													0,25	0,5	0,25							
		7															0,24	0,52	0,24					
			0,2	0,4	0,4	0,48	0,52	0,4	0,4	0,45	0,5	0,49	0,52	0,49	0,5	0,49	0,52	0,24						
4.	Маккажўхори	1					0,24	0,52	0,24															
		2							0,33	0,67														
		3									0,67	0,33												
		4										0,5	0,5											
		5											0,24	0,52	0,24									
						0,24	0,52	0,57	0,67	0,67	0,83	0,74	0,52	0,24										
5.	Боғ, узумзор	1				0,125	0,25	0,25	0,25	0,125														
		2								0,17	0,33	0,33	0,17											
		3											0,16	0,32	0,32	0,2								
		4														0,13	0,29	0,29	0,29					
					0,125	0,25	0,25	0,25	0,295	0,33	0,33	0,33	0,32	0,32	0,33	0,29	0,29	0,29						
6.	Бошқа экинлар	1						0,48	0,52															
		2								0,5	0,5													
		3											0,67	0,33										
		4												0,24	0,52	0,24								
		5														0,25	0,5	0,5						
							0,48	0,52	0,5	0,5	0,67	0,57	0,52	0,49	0,5	0,25								
7.	Томорқа	1	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54								

16 - жадвал

Хўжаликда ўн кунликлар бўйича суғориладиган экин майдонлари.


№	Экин турлари	Негто майдон, га	Апрель			Май			Июнь			Июль			Август			Сентябрь			Октябрь		
			1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3
1.	Пахта	567,5						0,29	0,48	0,48	0,5	0,58	0,67	0,51	0,49	0,49	0,51						
								165	272	272	284	329	380	289	278	278	289						
2.	Бугдой	227	0,5	0,5	0,5	0,5	0,67	0,33													0,33	0,67	
			113,5	113,5	113,5	113,5	152,1	75													75	152,1	
3.	Беда	390,1		0,2	0,4	0,4	0,48	0,52	0,4	0,4	0,45	0,5	0,49	0,52	0,49	0,5	0,49	0,52	0,24				
				78	156	156	187	2,03	156	156	176	195	191	203	191	195	191	283	94				
4.	Маккажўхори	49,6					0,24	0,52	0,57	0,67	0,67	0,83	0,74	0,52	0,24								
							12	26	28	33	33	41	37	26	12								
5.	Боғ, узумзор	85				0,125	0,25	0,25	0,25	0,295	0,33	0,33	0,33	0,32	0,32	0,33	0,29	0,29	0,29				
						11	21	21	21	25	28	28	28	27	27	28	25	25	25				
6.	Бошқа экинлар	68						0,48	0,52	0,5	0,5	0,67	0,57	0,52	0,49	0,5	0,25						
								33	35	34	34	46	39	35	33	34	17						
7.	Томорка	31,2	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54	0,54			
			17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17		
Жами хўжалик бўйича		$\omega^{нет}$	131	209	287	298	389	540	529	537	572	656	692	597	558	552	539	245	136	17	150	304	
		$\sum \omega$	131	340	627	925	1314	1854	2385	2920	3492	4148	484	5437	5995	6547	7086	7331	7467	7484	7634	7938	

17 – жадвал.


Хўжаликдаги ўн кунликлар бўйича суғориладиган майдонга  
 бериладиган сув сарфларининг «нетто» ва «брутто» миқдорлари,  $\eta_{\text{миз}} = 0,87$

№	Экин турлари	Нетто майдон, га	Апрель			Май			Июнь			Июль			Август			Сентябрь			Октябрь		
			1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3
1.	Пахта	$Q_{\text{нетто}}$						33	54	61	72	98	129	70	67	49	51						
		$\omega_{\text{нетто}}$						165	272	272	284	329	380	289	278	278	289						
2.	Бугдой	$Q_{\text{нетто}}$	11	11	10	10	16	8														13	26
		$\omega_{\text{нетто}}$	113,5	113,5	113,5	113,5	158,1	75														75	152,1
3.	Беда	$Q_{\text{нетто}}$		11	22	22	32	34	22	22	31	34	33	34	31	31	28	28	13				
		$\omega_{\text{нетто}}$		78	156	156	187	203	156	156	176	195	191	203	191	195	191	203	94				
4.	Маккажўхори	$Q_{\text{нетто}}$					0,2	0,4	0,6	1	1	1,4	1	0,5	0,2								
		$\omega_{\text{нетто}}$					12	26	28	33	33	41	37	26	12								
5.	Боғ, узумзор	$Q_{\text{нетто}}$				0,14	0,34	0,27	0,27	0,38	0,5	0,5	0,56	0,59	0,59	0,5	0,38	0,38	0,38				
		$\omega_{\text{нетто}}$				11	21	21	21	25	28	28	28	27	27	28	25	25	25				
6.	Бошка экинлар	$Q_{\text{нетто}}$						0,5	0,5	0,5	0,5	1	0,8	0,6	0,6	0,5	0,3						
		$\omega_{\text{нетто}}$						33	35	34	34	46	39	35	33	34	17						
7.	Томорка	$Q_{\text{нетто}}$	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15			
		$\omega_{\text{нетто}}$	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17		
	Жами хўжалик бўйича	$Q_{\text{нет}}$	11	22	32	32	49	76	78	85	105	135	165	106	100	81	80	29	14	0,2	13	26	
		$Q_{\text{брутто}}$	13	25	37	37	56	87	90	98	121	155	190	122	115	93	92	33	16	0,2	15	30	

### Хужаликда ун кунликлар буйича сугориладиган майдоннинг узгариши графиги



### Хужаликда ун кунликлар буйича сув сарфининг нетто, брутто миқдорлари ва сув ҳажмининг узгариши графиги



Хўжаликда етиштириладиган экинларнинг ўн кунликлар бўйича суғориш майдони коэффицентини қуйидаги формула ёрдамида топамиз:

$$K_C = \frac{t_1}{T_1} + \frac{t_2}{T_2};$$

бу ерда  $t_1, t_2$  – битта ўн кунликдаги олдинги ва кейинги суғориш давридаги кунлар сони, суткада;

$T_1, T_2$  – олдинги ва кейинги суғориш даври, суткада.

Хўжаликда ўн кунликлар бўйича суғорилиши лозим бўлган майдонларни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$\omega_{с.м.}^{нет} = \omega_{экин.тури}^{нет} \cdot K_C; \text{ га}$$

бу ерда:  $\omega_{с.м.}^{нет}$  – бир ўн кунликдаги суғориладиган майдон, га;

$\omega_{экин.тури}^{нет}$  – экин турининг майдони, га (5-жадвал);

$K_C$  – суғориш майдони коэффицентини (11– жадвал).

Хўжаликда етиштириладиган экинларни суғоришда ўн кунликлар бўйича бериладиган сув сарфларининг «нетто» ва «брутто» миқдорларини қуйидагича ҳисоблаймиз:

$$Q_{ун кун}^{нет} = \bar{q}_{ур} \cdot \omega_{ун кун}^{нет};$$

бу ерда:  $Q_{ун кун}^{нет}$  – ҳар ўн кунликларда суғориладиган экин майдонларига бериладиган сув сарфининг «нетто» миқдори, л/с – да;

$\bar{q}_{ур}$  – экинларнинг ўн кунликлар бўйича келтирилган гидромодулининг ўртача қиймати, л/с га,  $\omega_{ун кун}^{нет}$  – ҳар ўн кунликларда суғориладиган экин майдонинг «нетто» миқдори, га.

Ўн кунликлар бўйича «брутто» сув сарфи миқдорлари қуйидаги формула бўйича топилади:

$$Q_{ун кун}^{бр} = \frac{\omega_{ун кун}^{нет}}{\eta_{миз}}, \text{ л/сек}$$

бу ерда  $\eta_{миз} = \eta_{Х.К.} \cdot \eta_{ХИНК} \cdot \eta_{УЧНК} \cdot \eta_{шл}$  – хўжалик суғориш тизимининг умумий фойдали иш коэффицентини.

Нов каналлар учун ( $\eta$ ) қиймати «Средазгипроводхлопок» илмий-текишириш институти ўтказган тажрибаларга асосланиб  $\eta_{нов Кан.} = 0,95 - 0,97$  чегарасида қабул қилинади. Юмшоқ шланг қувур учун  $\eta_{шл} = 0,98$  – га тенг.

Ҳар ўн кунликларда (декадаларда) экинларга бериладиган сув ҳажмининг миқдори қуйидагича аниқланади:

$$W_{дек} = \frac{86,4 \cdot t_{дек} \cdot Q_{дек}^{бр}}{1000}; \quad \text{м}^3$$



бу ерда  $t_{дек}$  – ўн кунликлардаги кунлар сони, сут (биринчи ва иккинчи декада учун  $t_{дек} = 10$  сут, учинчи декада учун  $t_{дек} = 10$  ёки 11 сут.);  $Q_{дек}^{бр}$  – ўн кунликлар бўйича экинларга бериладиган сув сарфининг «брутто» миқдори, л/с.

Суғориш даврининг ҳар бир ўн кунлиги (декада) учун зарур сувчилар ва суғориш техникаси сонларини аниқлаймиз:

$$N_{сувчи} = \frac{Q_{дек}^{бр}}{q_{сув} \cdot K_1 \cdot K_2}; \text{ киши}$$

бу ерда:  $q_{сув}$  – бир сувчига тўғри келадиган сув сарфи миқдори,  
 $q_{сув} = 15 - 20$  л/с;

$K_1$  – суғориш ишларининг бир текисда бажарилмаслик коэффиценти,  
 $K_1 = 0,7$ ;

$K_2$  – сувчилар алмашуви коэффиценти,  $K_2 = 0,8$ .

Суғориш техникаси сонини аниқлайми:  $N_{с.т.} = \frac{Q_{дек}^{бр}}{q_{с.т.} \cdot K_1^M \cdot K_2^M}$  дона

Бу ерда:  $q_{с.т.}$  – қабул қилинган суғориш техникасининг иш унумдорлиги, л/с.

Экинларни суғориш учун қуйидаги суғориш техникаларидан фойдаланиш мумкин: ТКП – 90; ТАП – 150; ТАП – 220 ва ҳ.к.


Суғориш техникасини танлашда биз ТАП – 220 ни қабул қиламиз ва унинг иш унумдорлиги  $q_{с.т.} = 80$  л/с – га тенг.

$$K_1^M = 0,90; \quad K_2^M = 0,95.$$

Хўжаликда етиштириладиган экинларга ҳар ўн кунликлар (декадалар) бўйича бериладиган сув сарфларининг «нетто», «брутто» ва сув ҳажми миқдорларини сувчилар ва суғориш техникаси сонларини қўйидаги жадвалда берамиз.

**Хужаликда ун кунликлар буйича зарур буладиган  
сувчилар ва сугориш техникаси сони**

*N*, дона



18-жадвал

Хўжаликда ўн кунликлар бўйича суғориладиган майдон, сув сарфининг «нетто» ва «брутто» миқдори, сув ҳажми, сувчилар ва суғориш техникаси сони

№	Кўрсаткичлар	Формуласи	Апрель			Май			Июнь			Июль			Август			Сентябрь			Октябрь			Веgetация даври учун
			1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	
1	Ўн кунликлар бўйича суғориладиган майдон	$\omega, га$	131	209	287	298	389	540	529	537	572	656	692	597	558	552	539	245	136	17	150	304		
		$\sum \omega, га$	131	340	627	925	1314	1854	2383	2920	3492	4148	4840	5437	5995	6547	7086	7331	7467	7484	7634	7938		7938
2	Ўн кунликлар бўйича сув сарфи	$Q^{нет}, л/с$	11	22	32	32	49	76	78	85	105	135	165	106	100	81	80	29	14	0,2	13	26		1239
3	Ўн кунликлар бўйича сув сарфи	$Q^{бр}, л/с$	13	25	37	37	56	87	90	98	121	155	190	122	115	93	92	33	16	0,2	15	30		1425
4	Ўн кунликлар бўйича сув ҳажми	$W, минг м^3$	11	22	32	32	48	83	78	85	105	134	164	105	99	80	87	29	14	0,2	13	26		
		$\sum W, минг м^3$	11	33	65	97	145	228	306	391	496	630	794	899	998	1078	1165	1194	1208	1208	1221	1247		1247
5	Ўн кунликлар бўйича сувчилар сони	$N_{св}, киши$	1	2	3	3	5	8	8	9	11	14	17	11	10	8	8	3	1	-	1	3		17
6	Ўн кунликлар бўйича суғориш техникаси сони	$N_{св.тех}, дона$	-	-	-	-	-	1	1	1	2	2	2	2	1	1	1	-	-	-	-	-		2

### **Хўжаликда сувдан фойдаланиш режасини амалга ошириш.**

Хўжаликда сувдан режали ва ўз вақтида фойдаланилса, экин майдонларини сифатли тайёрлашга, шунингдек суғориш воситаларидан унумли фойдаланишга имкон беради. Сув тармоқларини, иншоатларни, зовурларни суғориш мавсумига тайёрлаш учун, уларнинг бузилагн ерларини таъмирлаш, ўз вақтида таъмирлаш зарур. Тиклаш ишларини хажмини, турларини аниқлашни махсус комиссия суғориш даври тамом бўлгандан сўнг, кузда бажаради. Сув тармоқларини ва иншоатлирини тиклаш ишларидан ташқари кузги қишки даврда уларни лойқадан ва хар хил чўкиндилардан, ўтлардан тозаланади. Суғориш тармоқлари ва иншоатларидаги мавжуд қурилмалар, сув ўлчагичлар, суғориш техникалари юқори даражадаги намлик, хаво хароратининг тез ўзгариши, ёгингарчилик таъсирида бузилмаслиги учун кузда суғориш тамом бўлгандан сўнг, йигиштирилиб олиниб махсус омборларга олиб қўйилиши керакк. Темирдан ясалган қурилмалар едирилмаслиги ва зангламаслиги учун махсус мой ва бўёқлар билан бўяб қўйилади. Тармоқларга сув қўйишдан олдин эрта бахорда хамма ўрнатиладиган қурилмалар ва суғориш техникаси текширилиб, сўнггра зовур жойларга олиб бориб ўрнатилади. Гидрометрик постлардаги сув ўлчаш рейкалари, сув ўлчовчи қурилмалар хам текширилади. Асосан қулоқларга ўрнатиладиган гидрометрик постларни, дарвозаларни текшириб камчиликлар тузатилади. Суғориладиган майдонларга сув беришдан олдин текисланади. Бунинг учун хўжаликда хар йили жорий ер текислаш ишлари амалга оширилади, бунда далалардаги хар хил ортиқча қолиб кетган нарсалар олиб ташланади, баланд пастликлар, суғоришни амалга оширишда халақит берадиган эски муваққат ариқлар текисланади. Эрта бахорда ёгингарчилик кун бўладиган ва ернинг намлиги яхши сақланадиган жойларда жорий иш текислаш ишлари кузда экинлар хосили йигиб олингандан сўнг амалга оширилса яхши натижа беради. Сув тармоқларига сув қўйишдан олдин уларни хар хил чўкиндилардан, лойқалардан, ўсимликлардан тозаланиб, сувни бекорга исроф бўлишини камайтирадиган чоралар кўрилса фойдали иш коэффиценти (ФИК) ошади. Тармоқларни ва иншоатларни, зовурларни, ташламаларни сув қуйишга тайёрлигини аниқлаш учун бахорда комиссия тузилади. Комиссия таркибида хўжаликдан битта мутахассис (гидротехник ва гидрометр) туман сув бошқармасидан вакиллар бўлади. Улар гидромелиоратив тизимларнинг холатини текшириб, камчиликлари бўлса, сув қуйилгунча тузатиш бўйича тавсиялар берадилар.

Баъзи йиллари хўжаликка сув бериш ва тарқатиш миқдори, хажми хар турли сабабларга кўра ўзгариб, суғориш режасини ҳақиқий амалга ошириш бўйича графикни тузиш даврида тўғрилаш мумкин бўлмай қолади. Бу холда хўжалик режаси қайтадан мувофиқлантиради. Хўжаликда сувдан фойдаланиш режасини қуйидаги холатларда қайтадан аниқлаш керакк бўлади:

- экин экиладиган ер майдони ва экин турларининг миқдори режага нисбатан 10% дан ортиқ ўзгарганда:

- об хавонинг, ёгингарчиликнинг кескин ўзгариши, айниқса суғориш режимини ҳисобланган режага нисбатан ўзгарганда;

- сув манбаининг суғориш қобилияти ва суғориш тармоқларининг таъминланганлиги сезиларли ўзгарганда;

- суғориш тармоқларида ва иншоатларида кучли бузилишлар натижасида узоқ вақт кераккли сув миқдорини бериш мумкин бўлмай қолганда.

Агарда хўжаликка бериладиган сув миқдори 10% дан кам ўзгарса, хўжалик режаси қайта аниқланмайди. Ўзгарган сув миқдори кундалик сув тарқатиш графигида аниқлаб берилади. Режадан 10% дан кўп ўзгарган тақдирда сувдан фойдаланиш режаси қайта ҳисобланиб, аниқлантириб хўжаликлараро сув бошқармаси билан келишилиб туман ҳокимиятида Тасдиқланади. Бу ҳолатларда хўжаликлараро сув бошқармаси дарҳол хўжаликларга бериладиган сув миқдорининг ўзгариши (жорий сув сарфи берилиши) тўғрисида хабар бериши керак. Ана шу ўзгартирилган сув сарфига асосан хўжаликлар ўзларининг сувдан фойдаланиш режаси ва графикни ўн кунликка ёки маълум кўрсатилган вақтда қайтадан ҳисоблаб чиқадилар. Хўжаликка режали сув бериш миқдори кескин камаёди, бригадалар, майдонлар, гидроучасткалараро навбат билан сув тарқатишни жорий қилиш керак. Ҳақиқий ва кундалик режа графикни тузишда сув танқислиги кўп вақтда кўпроқ ер майдонини суғориш учун суғориш нормасини  $700-900 \text{ м}^3$ га дан  $600-650 \text{ м}^3$ га ча камайтириш мумкин. Сув танқислиги юқори ва манбани сув билан таъминлаш қийин бўлганда бу ҳолда биринчи суғоришни юқори норма билан 1,0-1,1 минг  $\text{м}^3$ га бериб, умумий суғоришлар сони камайтирилади. Бунинг натижасида тупроқда қўшимча намлик кўпроқ сақланади. Бу ҳолда суғоришлар орасидаги вақт узоқлашгани билан, экинлар хосилдорлигига таъсир кўрсатмайди. Қишлоқ хўжалик экинларига сув беришни кечаси ва кундузи узлуксиз олиб бориш режалаштирилади.

Тупроқни етарли нам билан таъминлаш ва сақлаш учун суғоришни режада Кўрсатилган вақтдан олдинроқ ўтказиш керак. Сув тармоқларида ва иншоатларида турли сабабларга кўра тасодифий бузилишлар содир бўлган тақдирда сув хўжалиги бошқармалари хўжаликларига олдиндан хабар бериш, мажбурий вақтинчалик сувни кўпроқ бериш мумкин. Агарда хўжаликларда сувни тўлик хажмда олишга шароит бўлса, улар олишга мажбур. Сувдан тадбирқорлик билан фойдаланиш, каналларни ва иншоатларни яхши ишлашини (сув танқислиги, ташламаларга ортиқча чиқармаслик) таъминлаш учун қўшимча навбатчилар, кузатувчилар қўйиш керак.

Хаётда шундай бўлиши мумкинки, хўжаликлар режада белгиланган сувни тўлик олмаслиги мумкин. Бу ҳолда хўжаликлар сув хўжалиги бошқармаларга 2-3 кун олдин ёзма равишда хабар берадилар, улар ўз

навбатида сув миқдорини камайтириш чорасини кўришлари лозим. Ўз вақтида кераккли сувни бошқарманинг рухсати билан олади. Узоқ давом этадиган қурғоқчилик даврида қўшимча сувни бошқарма билан келишиб туман хоқимиятининг рухсати билангина олиш мумкин.

#### **14.Хўжаликда навбат билан сув тарқатиш ва уни қўллаш шартлари.**

Хўжалик ва хўжаликлараро тармоқларда асосий режа бўйича сув тарқатиш икки йўл билан олиб борилади. Сувдан фойдаланувчи хўжаликларга кераккли вақтда режа бўйича ҳисобланган сув берилади. Бу эса манбада сув етарли бўлган тақдирда, сув билан таъминланганлик 75-80%дан кўп бўлгандагина амалга оширилади.

Иккинчи тур сув тармоғига хўжаликлар ичида (бригадалар, майдонлараро, хўжаликлараро, боғламалараро) навбат билан тарқатилади. Бу тур манбада сув етарли бўлмаган, яъни манбанинг сув билан таъминланганлик коэффициенти 0,75...0,80,дан Қам бўлганда амалга оширилади.

Энг тўғри, қулай сув тарқатиш режада кўрсатилган, ҳисобланган ва кераккли сув сарфини экинларга етказиб бериш ҳисобланади. Бунда суғоришни, ерга ишлов беришни вақтида тўғри олиб боришга шароит яратади ва экинлардан юқори ҳосил олишга имкон яратади. Фақат бундай сув таксимланишни юқорида кўрсатилгандек хар доим амалга ошириш мумкин эмас.

Навбат билан сув таксимлашда сувнинг ерга шимилишга ва бугланишга кетадиган миқдори олдингига нисбатан камаяди. Иккинчидан сув таксимлаш маданияти яхшиланади.

Навбат билан сув тарқатиш хўжаликнинг шароитига қараб турлича бўлиши мумкин. Навбат билан сув таксимлаш хўжаликлараро, вилоятлараро, амалга оширилиши мумкин.

Туманлараро ва ундан юқори тизимлараро навбати билан сув тарқатиш энг қулай бўлмаган усул ҳисобланади, чунки кўп миқдордаги суғориш майдонлари навбат кутиб ўз вақтида экинларга сув етиб келмайди ва натижада экинларнинг ҳосилдорлиги камайиб кетиши мумкин.

Шунинг учун навбат билан сув тарқатишнинг назарий жихатдан бир неча турлари мавжуд. Энг содда ва амалда қўлланишга қулай турларидан икки тактли ва уч тактлилари ҳисобланади. Нечта тактли навбат билан сув беришни, қайси тактга (бўлиб бўлиб бериш) қачон ва қанча вақт қандай миқдорда беришни, режада кўрсатилган вақтларга ва сув сарфига асосланиб мослаштириб, ҳисобланиб белгиланади. Хар қайси навбат билан сув оладиган тармоққа бериладиган вақт 5 кундан ошмайди. Навбатга кўйилган сувдан фойдаланувчиларга олдинроқ сув берилиши ёки бекитилиши керакклиги тўғрисида уларга хабар берилиши лозим. Навбат билан сув таксимлашни ҳисоблаш куйидагича олиб борилади: навбат билан сув тарқатиш хўжаликларга, режадаги ҳисобланган миқдордаги сув берилмай, балки чекланган сув сарфи берилади. Жорий сув сарфи режадаги сув сарфига тизимнинг сув билан таъминланганлик коэффицентининг

кўпайтмасига тенг.

$$Q_{\text{Ж}} = Q_{\text{х.с.}} \cdot K_{\text{с.т.қ.}}$$

Бу ерда;  $Q_{\text{Ж}}$  - чекланган сув сарфи

$Q_{\text{х.с.}}$  - ҳар қандай хўжалик бригадалари учун сувдан фойдаланиш режасида маълум вақтга ҳисобланган сув сарфи

$$K_{\text{с.т.қ.}} = Q_{\text{Ж}} / \Sigma Q_{\text{х.с.}}$$

Берилган тизимга сув билан таъминланганлик коэффиценти (бу коэффицент кейинги бўлимда хўжаликлараро сувдан фойдаланиш режасида аниқланади.


### 15. Сув сарфини улчаш иншоотлари

#### Сув ўлчаш ташламалари

Сув ташлама турлари жуда кўп. Уларнинг ичида энг оддий, қулай ҳамда энг кўп тарқалганлари юпқа деворлар сув ташламаларидир.

Юпқа деворлар сув ташламаларининг 3-4 мм қалинликдаги ясси темирдан ясалган турлари тавсия қилинади:

- учбурчаксимон Томсон сув ташламалари, (1-расм.)




1 –расм. Сув ташламаси.

1 . каналнинг кесими.

2. сув ўлчаш рейкаси.

- трапециясимон Чиполетти сув ташламаси, 2-расм.




Чиполетти сув ташламаси.

1 – канал кесими

2 – сув ўлчаш рейкаси.

чеполетти сув ташламаларининг ВЧ-25, ВЧ-50, ВЧ-75 ва ҳоказо ўлчамлари бўлади.

Иванов сув ташламаларининг (расм 3)



Иванов сув ташламаси

1 – канал кесими

2 – сув ўлчаш рейкаси.

–ВИ-25, ВИ-50, ВИ-75 ва ҳоказо ўлчамлари бўлади. Бу ерда келтирилган 25,50,75 рақамлари сув ташлама остона кенглигининг см даги қийматларини билдиради.

Сув ташламани қўллаш шарт шароитлари: юпқа деворли сув ташлама очик канал ва арикларда, улардан сув эркин оқиб тушиш шароитида каналдаги сув сатҳи сув ташлама остонасидан 3-5 см паст бўлганда миқдорида бўлганда нисбати 6 дан кўп бўлмаслиги керак, яъни

$$\frac{Q_{\max}}{Q_{\min}} \leq 6$$

Сув сарфини ўлчашдаги хатолик  $\pm 2...3\%$  дан ошмаслиги керак. Сув ташлама деворидан оқиб тушаётган сув оқими юзасининг сув ташлама олдидаги сув оқими юзасига бўлган нисбати 1:4 дан ошмаслиги керак.

Сув оқимининг юқори бѐефидаги тезлиги 0,5 м\с дан ошмаслиги керак. Сув ташлама эркин оқиб тушаётган сув оқими тагига бемалол кириши керак.

Иш жараёнида юқори бѐефининг димланиши натижасида бирламчи чуқурликка нисбатан 1,5-2 марта катта чуқурлик ҳосил бўлади ва сув тезлиги 30-60% гача камаяди сув ташлама остонаси олдида чўкинди ҳосил бўлади.

Сув сарфини юқори аниқлик (хатолик 2...3%) да ўлчаш шартлари:

$$P \leq H_{\max}; 0,1 < H < 0,3 \text{ м}; \frac{Q_{\max}}{Q_{\min}} \leq 6; t = 1 \text{ мм}$$

бу ерда:

P- остонанинг баландлиги, м;

H мах-сув оқимининг максимал чуқурлиги, м;

H-сув оқимининг чуқурлиги, м;

• асосий ўлчамлар (а в) нинг  $\pm 15$ дан, қолган ўлчамларники  $\pm 2\%$ дан ошмаслиги керак;



- ўлчаш рейка (линейка)лари стандарт бўлиши, ўрнатилганда эса, ҳисоб боши сув ташлама остонасининг белгиси билан бир хил бўлиши керак;
- сув ташлама сувни кесувчи қирралари тўғри, текис, тоза ва силлик бўлиши керак, ушбу талаблар пайванд чокларига ҳам тегишли;
- сув ташлама металл қисмлари занглашдан сақловчи бўёқ билан уч мартаба бўялиши керак.

Сув ташламаларни ўрнатиш

Сув ташлама ўрнатилганда унинг бўялма ўқи канал ёки ариқдаги сув оқими ўқиға мос тушиши керак. Уларнинг девори ариқ ёки каналнинг ўқиға мутлоқ кўндаланг ва тик ҳолатда бўлиши керак.

Сув ташлама остонаси эса горизантал бўлиши керак. Сув ташлама ён қиррасидан канал ёки ариқ ён қирғоғиғача бўлган масофа (а) сув оқими максимал чуқурлигидан катта бўлиши керак, яъни

$$a \geq H_{\max}$$

Ўрнатилган сув ташлама тубидан ёки ёнларидан сув сизиб ўтмаслиги керак.

Сув ташлама ўрнатиладиган девор темирбетон, монолит бетон ва хоказлардан қурилади. Уларнинг ўлчамлари канал туби ва ён томонларидан ювилиб, ўпирилиб кетмаслиги учун каналнинг кўндаланг кесими ўлчамларига нисбатан етарли даражада катта бўлиши керак. Деворнинг қалинлиги, материалнинг хили ва унга тушадиган оғирликка қараб конструктив белгиланади. Каналнинг сув ташлама ўрнатиладиган қисми тўғри, кўндаланг кесими симметрик бўлиши керак. Каналнинг сув ташлама оқими бўйича кейинги қисми канал чуқурлиги нисбатан 2-3 марта катта масофада бўлиб, бетон ёки махаллий материал билан мустаҳкамланади.

Сув ташламадан ўтаётган сув сарфини аниқлаш.

Сув сарфи қуйидаги ифодалар орқали ҳисобланади:

Томсон сув ташламаси:

$$Q = 1400 H^2 \sqrt{H} \quad (1.1)$$

Чиполетти сув ташламаси:

$$Q = 1900 vH \sqrt{H} \quad (1.2)$$

Иванов сув ташламаси

$$Q = 1900 (v + H/v + 0,25) vH \sqrt{H} \quad (1.3)$$

Бу ерда: Н- сув ташламадан эркин оқиб тушаётган сув оқимининг баландлиги, м

1.1, 1.2 ва 1.3 ифодалардаги 1400 ва 1900 рақамларини ўзгармас коэффицент К деб қабул қилсак, унда К нинг 1400 ва 1900 қийматларида сув сарфи л\с да, Қ нинг 1,4 ва 1,9 Қийматларида эса м<sup>3</sup>\с да бўлади.

1.1, 1.2, ва 1.3 ифодалари бўйича ҳисобланган сув сарфининг қийматлари 1-чи ва 2- чи жадвалларда келтирилган.




Сув ташламадан эркин оқиб тушаётган сув оқими баландлиги сув ташламага юқори бьеф томонидан маҳкамланган стандарт линейка (рейка) орқали аниқланади.

Эркин оқиб тушаётган сув оқимининг баландлигига қараб 1 ва 2

жадваллар орқали сув сарфини миқдори аниқланади.

Сув ташламадан ўтаётган сув сарфининг миқдорини бевосита аниқлаш учун линейкага миллиметровка қоғозли қўшимча сув сарфи шкаласи ёпиштирилади ва БФ клей билан қопланади (бўялади).

Томсон ва Чиполетти сув ташламаларининг графиклари



### Сув ташлама турини ҳамда ўлчовларини танлаш

Фараз қилайлик каналда сув сарфининг максимал миқдори сув оқимининг чуқурлиги 20 см сув ташлама остонасининг қуйи бўефидаги сув сатҳидан 4-5 см юқори бўлиши керак, демак бизнинг мисолда  $R=25\text{см}$  ташкил қилади. Сув ташлама экин оқиб тушаётган сув оқимининг баландлиги маҳаллий шароит билан чегараланган ва 10см ни ташкил қилади. Ушбу 10см ли қалинлик учун 1 ва 2 жадваллар сув сарфи ВЧ-50 сув ташлама -45 л\с ВЧ-75 сув ташлама 46л\с , ВТ-90 сув ташлама -4,5 л\с ВИ-25 сув ташлама 19л\с ва ниҳоят ВИ-50 сув ташлама 34л\с. Демак биз учун керак бўлган 34л\с максимал сув сарфини ўлчаш ВЧ-75 (46л\с) Чиполетти сув ташлама ВИ-50 (34л\с) Иванов сув ташлама ёрдамида таъминланиши мумкин. Металлни иқтисод қилиш нуқтаи назардан эса ВЧ-75 сув ташламасидан фойдаланиш лозим.

### Сув ташламаларни ишлатиш

Вақти - вақти билан сув ташламани текшириб туриш керак: остонанинг горизанталлиги, сув ташлама деворларининг вертикаллиги, рейкалар нолларининг сув ташлама остонаси белгиси билан мослигини.

Юқори бўефда лойқа йиғилиб қолган бўлса, уни лойқадан тозалаш керак. Сув ташлама остонасининг пастки бўеф томонидан сув босишга йўл қўймаслик керак.

### Ўзгармас ўзан

Ўзгармас ўзан (ЎЎ) очиқ канал ва ариқлардаги сув сарфини даврий ва мунтазам ўлчашда, агарда бошқа воситаларни ишлатишни иложи бўлмаса ҳамда сув оқиш режими ўзгарувчан-димланишли бўлганда ишлатилади.

ЎЎ канал ёки ариқнинг кўндаланг кесимини (туби ва ён бағирлари бирон қаттиқ материал билан ўзгармайдиган қилиб) мустаҳкамланган қисмдан иборат.

ЎЎ дан ўтаётган сувнинг сарфи  $Q = f(H)$  ифодаси  $f$  функцияси ёрдамида олдиндан «тезлик  $x$  юза» усули билан сув сарфининг  $Q_{\min}$  дан  $Q_{\max}$  гача бўлган оралиқда бир нечта нуқта (қиймат) да ўлчаб тузилган эгри чизик ёки сарф жадвалидан фойдаланган ҳолда, сув оқими сатхининг қиймати орқали аниқланади.

Сув оқими танланган гидрометрик створдаги сатхининг қиймати ярим см дан даражаланган рейка ёки нивелир ёрдамида ўлчанади. Бу ерда рейканинг нол белгиси ЎЎ туби белгиси бир хил бўлиши лозим.

### Ўзгармас ўзанни куришни асосий вазифалари.

- Канал ёки ариқ туби ва ён бағирларини қоплашда ювилишда ҳамда бузилишга чидамли материаллар монолит бетон, бетон тахталар, маҳаллий тошлар ва ҳақозалардан фойдаланилади;

- Қоплашни лойихалаштириш ва амалга оширишда шундай иншоатлар учун шарт булган барча техник оидаларга буйсунган ҳолда олиб борилади;

- Ўзгармас қилиб мустаҳкамланган узан остининг профили ариқ ёки канал узунасининг уртача профили мос келиши, кўндаланг кесими эса сув оқими га кўушимча қаршилиқ кўрсатмаслиги керак;

- Канал ёки ариқнинг ЎЎ ли Қисми улчаш створида сув оқимининг раволигини таъминлаш керак;

- Сув оқиминг чуқурлиги (Н) 0,2 м дан кам булмаслиги керак;
- Сув оқимининг тезлиги (v) 0,3 м\с дан кам булмаслиги Керак.

Ўзаннынг ўзгармас қисмининг узунлиги  $L \geq 5b$   
шартга асосланиб белгиланади.

Бу ерда  $b$  – каналнинг сув сатхи буйича кенлиги, м

ЎЎ тубининг нишаблиги каналнинг ўртача нишаблиги билан бир хил булиб, сув оқимининг соқинлигини ҳамда лойқани чуқирмайдиган тезлигини таъминлаш керак. ЎЎ уби каналнинг тубидан  $P = (0.05 \dots 0.2)H_{\max}$  га тенг баландликка кутарилган булиши тавсия қилинади. ЎЎ ён багирларининг қиялиги канални киси билан бир хилда булиши керак. Ўзаннынг сув оқими билан туташган қисми унқир-чунқирликларсиз ва текис булиши керак.

ЎЎ индивидуал градиуровкаланган сабабли уларнинг улчамларига муаян талаблар куйилмайди.

ЎЎ каимда бир йилда бир марта куздан кечирилади (кўриқдан ўтказилади) ва агарда лозим топилса тозаланади, таъмирланади.

Ўлчаш рейкалари зангламайдиган материалдан ясалади; кўрсаткич даражали ва ракамлари учмайдиган буюк билан буюлади.

Сув сарфи ёки сатхини улчаш ракамларининг курсаткич даражалари  $\pm 1$  дан ошмайдиган хатоликда аниқлашни таъминлайдиган катталик (масштабда) да даражаланади. Масалан 0,5 м гача узунликдаги рейкаларнинг хар бир булинмаси 0,5 дан, 1,0 м гачалари эса 1 см дан.

Сув сарфи рейкалари ҳам шу тарзда сарф формуласи асосида даражаланади. Канал ёки ариқнинг ушбу қисмининг тузилиши ВТР-М-1-80 нинг талабларига мос булиши керак.

Ўзгармас ўзанли гидропостни градуировкаланиш

ЎЎ ли гидропостни куйидагича градуировкаланади, ертикалдаги сув оқими тезликлари икки нуктали услубда икки нуктада сув оқими сатхидан 0,2 н ва 0,8 н тенг булган чуқурликларда ўлчанади.

Икки нуктали усулда хар бир вертикалдаги ўртача тезлик иккала ўртача арифметик киймати каби аниқланади.

$$V_{\text{ўр}} = (V_{0.2h} + V_{0.8h}) / 2$$

Ўлчаш асбобининг ўлчамлари туфайли 0,8 н га тенг чуқурликда улчаш мумкин булмаган саёз вертикалларда эса, вертикалдаги тезликни 0,6 н чуқурликда ўлчанади ва у ўртача тезликда тенг деб қабул қилинади, яъни

$$V_{\text{ўр}} = V_{0.6h}$$

Юқори аниқликда улчаш талаб этилганда беш нуктали услубдан фойдаланилади. Бунда ўртача тезлик

$$V_{\text{ўр}} = (V_{\text{сатх}} + 3V_{0.2h} + 3V_{0.6h} + 2V_{0.8h} + V_{\text{туб}}) : 10$$

ифодаси орқали ҳисобланади.

Тезликни хар бир нуктада улчаш давомийлиги 100 секунддан кам бўлмаслиги керак. Вертикаллар оралигидаги сув сарфи кам бўлмаслиги керак.


Вертикаллар оралигидаги сув сарфи ҳамда сув оқимининг кесими бўйича умумий сарф ҳисоблаб чиқарилгандан сўнг, сув сарфининг шу қиймати учун рейканинг кўрсаткичи белгилаб қуйилади. Шундан сўнг сув сарфининг бошқа қийматлари ҳам ўлчаб ҳисобланади ва  $Q_{kf}(V)$  ёки  $Q_{kf}(H)$  эгри чизиги тузилади. Ушбу эгри чизиқ ёрдамида сув сатхининг ҳар бир СМ узгариши учун координатлар жадвали тузилади.

Сув оқимиға ҳеч қандай тусиқ ҳосил қилмаслиги ва қурилиш монтаж ишларининг нисбатан оддий ҳамда арзонлиги УУ нинг афзаллиги ҳисобланади. Градуировкалаш ва текшириш ишларининг кўп меҳнат талаб қилиниши ҳамда сувнинг узгарувчан-димланиши тартибда оқиши шароитида сув сарфини улчаш ҳатолигининг катталиги унинг асосий камчилигидир.

### Сув ўлчаш насадкалари

Насадкаларнинг турлари ва ўларни қўллаш шартлари

Сув ўлчаш насадкалари расм-4)



Расм 4 сув улчаш насадкалари

Уларнинг кириш ва чиқиш кесимларининг шаклига қараб доиравий, тўғрибурчакли ва квадратли бўлади.

Сув сарфи 0,6-1,0 м<sup>3</sup>/с гача булган хужалик каналларида фойдаланилади ва сув улчаш иншоитидан димланиш 0,3 дан ошмайдиган, Қам нишабли, водосливларни ишлатиш мумкин булмаган ҳолатлар учун тавсия қилинади. Сув сарфининг узгариш диапазони 4 дан қўп булмаганда, яъни

$$\frac{Q_{\max}}{Q_{\min}} \leq 4$$

шарти бажарилганда ишлатилади.

Сув сарфи 40 л/с гача булган кичик каналлар учун ВН 10x20 турдаги сув улчаш насадкаси тавсия қилинади.

Сув улчаш насадкаси қалинлиги 3-4 мм ясси металдан ясалади ва тўғри тўртбурчак кесимли, торайиб боровчи деворлардан юқори ҳамда паст томонидан чок белгилари бир хил булган ҳамда насадканинг чиқиш кесими юқори қисмининг белгиси билан мос булган улчаш рейкаларидан иборат.

Насадкалар билан сув сарфини ўлчаш.

Насадкалардан ўтаётган сув сарфи (м<sup>3</sup>/с)

-доиравий кесимлар учун

$$Q = 3,3 d^2 \sqrt{Z}$$

-тўғрибурчакли кесим учун

$$Q = 4,1 a b \sqrt{Z}$$

-квадрат кесим учун

$$Q = 4,1 a^2 \sqrt{Z}$$

Ифода орқали аниқланади

Бу ерда  $a$ ,  $b$  – насадка чиқиш тешигининг баландлиги ва кенглиги, м

$b = 2a$ ;  $A = 1,92a$ ;  $B = 2,9a$ ;  $L = 3a$ ;

$Z$  = сув сатхларининг айирмаси, м

Сув ўлчаш насадкаи дан утаётган сув сарфи ўлчаш айриси ёрдамида қўйидагича ўлчанади.

Ўлчаш айриси, унинг учлари юқори ва қуйи бьефлардаги сув сатхларига етгунча туширилади ҳамда  $Z$  ёки  $Q$  ларнинг қийматлари аниқланади. Улчаш айриси булмаса, юқори ва қуйи бьефлардаги сув сатхларининг айирмаси  $Z=H-h$  нинг киймати аниқланади.

$Z$  нинг аниқланган киймати буйича сув сарфи жадвали ёрдамида сув сарфи аниқланади

19-жадвал

**Сув ўлчаш насадкалари учун сув сарфи жадвали**

z.см	Вн- 10x20	Вн- 25x50	z.см	Вн- 10x20	Вн- 25x50	z.см	Вн- 10x20	Вн- 25x50
1,0	8,2	51,2	10,5	26,5	166	20,0	36,7	229
1,5	9,9	62,2	11,0	27,0	170	20,5	37,2	232
2,0	11,6	72,2	11,5	27,7	174	21,0	37,6	235
2,5	13,0	78,2	12,0	28,5	177	21,5	38,0	238
3,0	14,2	83,7	12,5	29,9	181	22,0	38,5	241
3,5	15,3	90,0	13,0	30,0	185	22,5	39,0	243
4,0	16,5	102,0	13,5	30,5	188	23,0	39,4	246
4,5	17,5	108,0	14,0	31,0	192	23,5	39,8	248
5,0	18,5	115,0	14,5	31,4	195	24,0	40,2	251
5,5	19,3	120,0	15,0	31,8	198	24,5	40,6	253
6,0	20,0	126,0	15,5	32,3	201	25,0	41,0	256
6,5	20,7	130,0	16,0	32,8	205	25,5	41,4	258
7,0	21,5	135,0	16,5	33,3	208	26,0	41,8	261
7,5	22,2	140,0	17,0	33,7	211	26,5	42,2	263
8,0	23,0	145,0	17,5	34,3	215	27,0	42,6	266
8,5	23,7	150,0	18,0	34,9	218	27,5	43,0	268
9,0	24,5	154,0	18,5	35,4	220	28,0	43,3	271
9,5	25,2	158,0	19,0	35,8	223	28,5	43,6	274
10,0	26,0	162,0	19,5	36,3	226	29	44,0	276

Сув ўлчаш насадкаларини яшаш, ўрнатиш ҳамда қўллашга бўлган асосий талаблар.

1. СЎН ясалаётганда, унинг ҳамма кирралари( ички чоклари текис, тоза ва буртиб чикмаган булиши учун ) бир- бирига аниқ туташтирилади. Сув оқимининг чиқиш тешиги улчамлари (10x20) см нинг ноаниқлиги  $\pm 2$ мм дан ошмаслиги керак, колган улчамларники  $\pm 5-10$  мм дан ошмаслиги керак.

2. Насадканинг буйлама уки канални тусувчи деворига кундаоанг булиб, каналнинг буйлама ўки билан мос булиши керак. Хамма металл конструкциялари сувга чидамли буёк билан уч маробата буялган булиши керак

3. Насадка канал ёки ариққ шундай урнатилиши керак, бундан унинг каналин тусувчи девор кирралари канал туби хамда кирғоқларига етарли даражада чуқур (ичкари) кириши, куйи бьефдаги сув сатхи, насадқа чиқиш тешигинг тепа кисми белги (отметеасидан) камида 5 см юқори, яъни ( $Z_1 \geq 5\text{CM}$ ) бўлиши керак, демак насадканининг чиқиш тешиги иш жараёнида албатта сув остида кумилган босимли режимда булиши керак. Агарда ушбу шарт бажарилмаса, унда каналнинг туби яна ўйилиб, насадка пастроққа ўрнатилади.

4. СЎН нинг ишлаш жараёнида, унинг таги ва ён томонларидан сув оқиб сизиб чикмаслиги керак. Юқори бьефдаги сузиб юрувчи хас-чуп ҳақозалардан, ўтириб колган лойқадан тозалаб туриши керак.

5. Сув сарфининг узгариш диапозани максимал сув сарфининг  $Q_{\max}$  минимал сув сарфига  $Q_{\min}$  нисбати 4 дан кам бўлмаслиги керак, яъни

$$\frac{Q_{\max}}{Q_{\min}} \leq 4$$

6. Ўлчаш хатолиги  $\pm 4\%$  дан ошмаслиги Керакк, яни  $\sigma \leq \pm 4\%$

7. Сув сатхлари айирмасининг минимал миқдори  $Z_{\min}$  2 см дан катта булиши керак.

8. Сув оқимининг тезлиги (насадкага яқинлашиш тезлиги) 0,5 м\с дан ошмаслиги керак.

### САНИИРИ сув ўлчаш нови

Сув ўлчаш новининг асосий ўлчамлари хамда сув ўтказиш қобилияти. 20-жадвалда САНИИРИ сув ўлчаш новининг асосий ўлчамлари келтирилган. Новларнинг чиқиш кенглигига боғлиқ холда новларнинг ўлчамлари ва сув ўтказиш қобилияти

20-жадвал

### САНИИРИ сув ўлчаш новининг асосий ўлчамлар

Лоток ўлчамлари	0,2	0,3	0,4	0,5	0,6	0,7	0,8	1,0
Лоток кириш қисмининг кенглиги $B_L$ 1,76 вл	0,34	0,51	0,68	0,85	1,02	1,19	1,36	1,76
Лоток узунлиги 1қ2вл	0,4	0,6	0,8	1,0	1,2	1,4	1,6	2,0
Нов вертикал деворининг баландлиги $H_{1K}(1,5-2)$ вл	0,4	0,65	0,7	0,8	0,9	1,0	1,2	1,5
Остонанинг баландлиги $P \geq 0,5$ $H_{\max} (H_{\max} \leq 0,8 H_1)$	0,16	0,26	0,28	0,32	0,40	0,40	0,40	0,50
Сув сарфи, м <sup>3</sup> /с	0,051	0,15 7	0,286	0,55 5	0,91 6	1,064	1,21 7	2,14 0
Сув оқими чуқурлиги, $H_{\max}$ , М	0,25	0,40	0,50	0,65	0,80	0,80	0,80	1,0

## Сув сарфини ўлчаш.

Новдан ўтаётган сув сарфи сув эркин оқиб тушадиган холларда ушбу ифода орқали аниқланади:

$$Q = (0,5 + (0,109/6,26H+1))_{вд} H \sqrt{2gH}$$

Бу ерда

$v_{д}$  – нов чиқиш кесимининг кенглиги, м

$H$  – нов остонасидан юқоридаги сув қатламининг баланд (қалин)лиги, м

$Q$  - сув сарфи, м<sup>3</sup>/с


21-жадвалда сув сарфининг ифодаси билан ҳисобланган натижалари келтирилган.

21-жадвал

**САНИИРИ новидан эркин оқиб тушаётган сув сарфи жадвали (л/с)**

Сув чуқурлиги $H$ (см)	Нов кириш кесимининг кенглиги, (см)						
	20	30	40	50	60	70	80
4	3,1	4,8	6,4				
6	5,5	8,2	10,9	13,6	16,2	19,1	21,8
8	8,6	12,9	17,2	21,4	25,7	30,0	34,2
10	12,1	18,2	24,2	30,2	36,3	42,3	48,4
12	16,1	24,2	34,2	40,2	48,3	56,0	64,0
14	20,4	30,6	40,7	51,0	61,0	71,0	81,0
16	25,4	38,0	51,0	63,0	76,0	88,0	101,0
18	30,4	45,5	61,0	76,0	91,0	106,0	122,0
20	35,8	54,0	72,0	89,0	107,0	125,0	143,0
25	51,0	76,0	102,0	127,0	153,0	178,0	203,0
30	-	100,0	134,0	163,0	212,0	248,0	283,0
35	-	128,0	170,0	213,0	256,0	298,0	341,0
40	-	157,0	210,0	262,0	314,0	366,0	419,0
45	-	-	252,0	314,0	377,0	440,0	502,0
50	-	-	296,0	370,0	444,0	518,0	592,0
55	-	-	-	429,0	515,0	600,0	685,0
60	-	-	-	490,0	589,0	687,0	785,0
65	-	-	-	555,0	665,0	777,0	887,0
70	-	-	-	-	745,0	870,0	993,0

Сув ўтказиш новлари (расм.-6) очик каналлардаги сув сарфи 2 м<sup>3</sup>/с гача бўлганда қўлланилади



Расм 5. САНИИРИ сув улчаш нови.




Сув ўлчаш новига бўлган талаблар.

- 1.Новнинг конструкцияси ва уни урнатилиши даврий вақти вақти билан кузатиш куриқдан утказиш га халакит бермаслиги ва РДП-99-77 коидалари талабларига жавоб берадиган булиши керак.
- 2.600 мм дан кичик каналларда СЎН ларни канал куриш жараёнида ёки ундан кейин заводда ясалган конструкциялар фойдаланиб ўрнатиш тавсия қилинади, расм 6.
- 3.Нов ён томонларининг тик чизиққа нисбатан огиши деворларнинг хар 1 метрига  $\pm 2$  мм дан ошмаслиги керак.
- 4 Новнинг туби лойиха чизигига мутлоқ мос (горизантал) булиши керак.
- 5.Новнинг юқори бьеф томонида остонаси булиши шарт эмас.

#### Градуировкаланган параболик нови

Стандарт параболик ЛР-60, ЛР-80 ва ЛР-100 новлари иборат булган ички тармоқлардаги сув сарфи 500л\с гача холларда куллаш учун мулжалланган.Новнинг тузилиши ва жихозланиши Градуировкаланган новлар сув сарфини мунтазам улчаш учун градуировкаланган ва жихозланган сув улчаш ҳисобланади. Градуировкаланган нов, нов секцияси сув оқими чуқурлигини (Н) ва тезлигини (V) ўлчаш створи , кўприкка ,



кўзғалмас қилиб махкамланган; штокрейка новнинг ён деворига ёпиштирилган букилган рейка(6)лардан иборат. Танланган ва унга туташган нов секциялари бир хил нишабликда булиши керак.

#### Новни градуировкаланиши

$Q=f(H)$  эгри чизиги ва унинг қийматларини жадвал Кўринишида олиш учун  $Q_{\min}$  дан  $Q_{\max}$  гача диапазон уч вертикалда гедрометрик вертушка ёрдамида сув сарфи улчанади (8-расм) такқослаш учун ўрта вертикал бир нуқтали қўлланилади.

#### Новдан ўтаётган сув сарфини аниқлаш ва уни ишлатиш

Сув сарфини аниқлаш новдан сув оқимининг шток-рейка билан ўлчанган (Н) нинг қиймати буйича, олдиндан тузилган  $Q=f(H)$  жадвал орқали аниқланади. Сув сарфининг қийматларини букилган рейка курсаткичлари билан боғлаб  $Q=f(H)$  жадвални тузиб фойдаланиш хам мумкин.

Новдаги сув оқимининг чуқурлигини ўлчаш учун шток-рейка новнинг тубигача туширилади ва кўприкнинг қирраси мулжаллаб отсчет олинади,

сунг шток-рейка новдвги сувнинг сатхига тенглаштирилади ва куприкниг киррасига мўлжаллаб отсчет олинади сув оқимининг чуқурлигини ташкил этади.

Новдан фойдаланганда уларни лойқадан ва ўсимликлардан тозалаш керак.

### 16. Ирригация тизими бошқармаси Сувдан фойдаланиш уюшмаларига (СИУ) ва СИУ фермер хужаликларига сувни етказиб бериш ҳамда эксплуатация хизматларининг бадалларини ҳисоблаш учун тавсиялар

СИУлар бўйича фермерларга сувни етказиб бериш харажатлари қийматини аниқлашнинг қуйидаги услубияти таклиф этилади:

1. СИУ бўйича меъёрий харажатлар:

$$MX_{СИУ} = \Sigma P_{СИУ} / \Sigma W_{лим}, \text{ сўм/м}^3,$$

бу ерда:

$\Sigma P_{СИУ}$  – СИУ бўйича йиллик жами меъёрий харажатлар, минг сўм;


$\Sigma W_{лим}$  – СИУ бўйича йиллик лимитли сув олиш ҳажми, минг м<sup>3</sup>;

2. СИУда фермерларнинг меъёрий тўловлари:

$$P_{ф} = MX_{СИУ} * B_{ф}/B * (W_{фф} / W_{фл})^n, \text{ сўм/м}^3,$$

бу ерда:  $B_{ф}$  – фермерга тегишли ернинг бонитети (ернинг махсулдорлик курсаткичи);  $B$  – СИУ бўйича ерларнинг ўртача бонитети;  $W_{фф}$  – фермернинг ҳақиқий сув олиш ҳажми, м<sup>3</sup>;  $n$  – СИУ жойлашган ҳудуднинг сув билан таъминланганлигини кўрсатувчи даража;  $W_{фл}$  – фермернинг лимитли сув олиш ҳажми, м<sup>3</sup>.

Қуйида янги услубият бўйича ҳисоблар натижаси келтирилган:



1-расм. Фермерлар томонидан режали, лимитли ва ҳақиқий сув олиш ҳажмлари.

Расм 6. СИУ даги фермерлар хужалиklarининг режали, лимит ва ҳақиқатдан мавсум давомида олинган сув хажми, минг.куб.м. (Бу расм куйидаги 22-жадвали асосида чизилади).

**Фермерлар тақдим этган режали, лимитли ва ҳақиқий  
кўрсаткичлар ҳисоби.**

№	Сувдан фойдаланувчилар	Сув ҳажми (м <sup>3</sup> )		
		W <sub>режа</sub>	W <sub>лимит</sub>	W <sub>ҳақиқий</sub>
1	1- Фермер хўжалиги	293068,8	173940,5	20% га <
2	2- Фермер хўжалиги	376531,2	220838,4	30% га <
3	3- Фермер хўжалиги	355622,4	194918,4	15% га >
4	4- Фермер хўжалиги	404352	202003,2	25% га >
5	5- Фермер хўжалиги	386726,4	162604,8	=0
6	6- Фермер хўжалиги	268876,8	150336	14% га >
	СИУ бўйича жами	2085177,6	1104640	

22-жадвалдаги маълумотлар фермер хужалиги учун тузилган сувдан фойдаланиш режаси, СИУ ва туман кишок ва сув хужалиги бошкармасидан олинади).

**Мисол:**

Кўрилатган СИУ Сирдаре вилоятида сув билан таъминланганлик кўрсаткичи  $n=1$  (сув билан таъминланлиги яхши) бўлган ерда жойлашган.

СИУ бўйича ернинг ўртача балл бонитет қуйидагича ҳисобланган:

$$B = (B_{\phi 1} * W_{\text{нетто } \phi 1} + \dots + B_{\phi i} * W_{\text{нетто } \phi 2}) / (W_{\phi 1} + \dots + W_{\phi i})$$

$$B = (30 * 43,2 + 28 * 54,45 + 20 * (51,3 + 39,6) + 32 * 49,95 + 40 * 37,35) / 275,85 = (1296 + 1524,6 + 1818 + 1598,4 + 1494) / 275,85 = 7731 / 275,85 = 28 \text{ балл}$$

(Ерларнинг бонитет бали тумандаги кишлок ва сув хужалиги бошкармасидан олинади)

Юқорида келтирилган формула ва қийматлар ёрдамида сувни етказишдаги меъёрий харажатлар СИУ бўйича  $MX_{\text{СИУ}} = 11,5 \text{ сўм/м}^3$  ва ҳар бир фермер учун ҳисобланди:


$$P_{\phi} = MX_{\text{СИУ}} * B_{\phi} / B * (W_{\phi \phi} / W_{\phi \text{л}})^n$$

$$P_{\phi 1} = 11,5 * (30/28) * (208728/173940) = 14,8 \text{ сўм/ м}^3,$$

$$P_{\phi 2} = 11,5 * (28/28) * (287089,5/220838) = 15 \text{ сўм/ м}^3,$$

$$P_{\phi 3} = 11,5 * (20/28) * (165680,5/194918) = 7 \text{ сўм/ м}^3, \text{ и т.п.}$$

Ҳисоб натижалари бўйича 6- график тузилди



2 - расм. СИУ бўйича меъёрий ва ҳақиқий баҳолар графиги.

Фермерлар учун СИУ томонидан курсатилган хизматларининг жами нархлари қуйидагича бўлди:

$$P_{ум} = P_{ф} * W_{фф}, \text{ сўм ёки}$$

$$P_{ум1} = 3089174,4 \text{ сўм}; \quad P_{ум2} = 4306352,5 \text{ сўм}; \quad P_{ум3} = 1159763,5 \text{ сўм};$$

$$P_{ум4} = 1492294,7 \text{ сўм}; \quad P_{ум5} = 1333361 \text{ сўм}; \quad P_{ум6} = 1819393,5 \text{ сўм};$$



3-расм. Хизмат баҳоси графиги

Юқорида келтирилган ҳисобларда ирригация тизимлари бошқармаси ва юқори ҳавза бошқармаси томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун харажатлар эътиборга олинмаган. Бу масала бўйича таниқли

адабиётларда ҳам ечим топилмади. Бу муаммони қуйидагича ечишни таклиф этамиз.

23-жадвал.

**Шўрўзак-Сирдарё ИТБнинг таркибидаги СИУларга сувни етказиш бериш хизматлари учун эксплуатацион харажатлари**

СИУлар буйича	Суғориладиган майдон, га	ИТБ нинг умумий харажатлари, минг сўм	СИУга берилган сув ҳажми, млн м <sup>3</sup>	1 га майдонга берилган сув ҳажми, минг м <sup>3</sup>	1 м <sup>3</sup> сувни етказиб бериш харажатлари, сўм/ м <sup>3</sup>	1 га майдонни суғориш учун харажатлар, сўм/ га
Жами	108580	463768	1222,2	11,26	3,79	4271

Ҳисоблар Шўрўзак-Сирдарё ирригация тизими бошқармаси (ИТБ) мисолида бажарилган. СИУларга сувни етказиб бериш бўйича йиллик харажатлар 463768000 сўмни ташкил қилди (23-жадвал), 108580 га суғориладиган майдонга 1222,2 млн. м<sup>3</sup> сув етказиб берилди. ИТБ томонидан 1 га майдонга қилинган харажатлар миқдори 4271 сўмга, етказиб берилган 1 м<sup>3</sup> сувнинг баҳоси 3,79 сўмга тенг бўлди. ИТБнинг солиштирма харажатлари тўғрисида маълумотларга эга бўлган ҳолда ҳар бир СИУнинг ИТБ томонидан қилинган хизматлар ҳақини қоплаш улушини ( $У_{СИУi}$ ) ҳисоблаш мумкин.

Бу қийматни қуйидагича ҳисоблашни тавсия этамиз:

$$У_{СИУi} = МХ_{итб} * W_{СИУi} / \sum W_{СИУитб}, \text{ сўм},$$

бу ерда:

$МХ_{итб}$  – ИТБнинг солиштирма харажатлари (масол учун 3,79 сўм/м<sup>3</sup>);

$i$  – ИТБ дан сув олувчи СИУлардан бири.

Шундай қилиб, ИТБ томонидан қилинган харажатларни ҳам ҳисобга олган ҳолда СИУнинг барча хизматлар учун фермернинг тўлови қуйидагича аниқланади:

$$МХ_{СИУi} = \sum P_{СИУ} + У_{СИУi} / \sum W_{лим}, \text{ сўм/м}^3,$$

$$P_{ф} = МХ_{СИУi} * B_{ф/Б} * (W_{фф} / W_{фл}), \text{ сўм/м}^3$$

Ирригация тизими ҳавза бошқармаси (ИТҲБ) томонидан бўладиган харажатларни қоплаш улушини ИТБ бўйича ҳисоблангани каби ҳисоблаш мумкин бўлади.

ИТҲБ бўйича бўладиган солиштирма харажатларни  $МХ_{итҲб}$  деб белгилаймиз. Унда, ИТҲБ ва ИТБ таркибидаги ҳар бир СИУнинг умумий тўлови қуйидаги миқдорда бўлади:

$$\sum У_{СИУi} = (МХ_{итб} + МХ_{итҲб}) * W_{СИУi} / \sum W_{СИУитҲб}, \text{ сўм/м}^3.$$

### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепсияси, Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарори.
2. Сувдан фойдаланувчилар уюшма (СИУ) лари фаолиятини бошқаришга оид масалалар тўғрисида қўлланма ТИМИ Тошкент, 2003 й.
3. М.Ф.Натальчук Пособие по эксплуатации гидромелиоративных систем. М, 1989 й.
4. Х.А.Ахмедов Основные вопросы орошения и улучшения водопользования Тошкент 1974 й.
5. Ахмедов Х.А Зах қочириш мелиорацияси. Т. “Ўқитувчи” 1975 й.
6. Серикбаев Б.С, Бараев Ф.А Учебное пособие “Эксплуатация гидромелиоративных систем” Т. 1993 г.
7. Серикбаев Б.С, Бараев Ф.А ва бошқалар. Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш Т. 1994 й.
8. Натальчук М.Ф, Ахмедов Х.А, Ольгаренко В.И Эксплуатация гидромелиоративных систем, М.2 Колос2 1983 г.
9. Технический отчет Мки ВХ Республики Узбекистан по эксплуатации гидромелиоративных систем. М. 1991 г.
10. Рахимбоев Ф.М Практические занятия по сельскохозяйственным гидротехническим мелиорациям Т. “Мехнат” 1991 г.
11. Шаров И.А. “Эксплуатация гидромелиоративных систем “Колос”, 1998 г.
12. Костяков А.Н “Основы мелиорации”, М, Сельхозгиз, 1960 г.
13. “Ўзбекистон кишлок хўжалиги” журнал №1 2004 й.Т.
14. Справочник. “Мелиорация и водное хозяйство”, 1-6 тома, Москва, 1990

## МУНДАРИЖА

	КИРИШ	1
1	Фойдаланишни ташкил этиш	4
1.1	Хўжаликлараро тармоқларда сув ресурсларини бошқаришни ташкил этиш	4
1.2	Қишлоқ хўжалиги корхоналарида сувдан фойдаланишни ташкил этиш	5
2	МДХ, мамлакатларида хўжалик ичида сувдан фойдаланишни ташкил этиш	9
3	Хорижий мамлакатларда хўжалик ичида сувдан фойдаланишнинг ташкил этилиши (тажрибаларни умумлаштириш)	18
4	Сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг турли вариантлар бўйича фаолият кўрсатишига овд тавсиялар	25
4.1	Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СИУ) суфформа ерларининг ҳудудий миқдорига таъсир этувчи омилларни баҳолаш	25
4.2	СИУ нинг турли вариантлар бўйича фаолият кўрсатиши тўғрисида тавсиялар	26
5	Сувдан фойдаланувчилар уюшмасини (СИУ) ташкил этиш тартиби	29
5.1	Сувдан фойдаланувчилар уюшмасини (СИУ) ташкил этиш схемаси	29
5.2	СИУ ни ташкил қилиш ва фаолият юритиши бўйича намунавий норматив ҳужжатлар	32
6	СИУ нинг сув етказиб бериш ва ирригация - мелиорация сервис хизмати кўрсатиш бўйича эксплуатация ташкилотлари билан ўзаро муносабатларига доир тавсиялар...	48
7	Сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ички хўжалик ирригация-мелиорация тармоқларига техник хизмат кўрсатиш тўғрисида муваққат низом...	67
7.1	Умумий қоидалар	67
7.2	СИУ ходимларининг штат рўйхати ва ташкилий таркибий тузилмаси	68
7.3	СИУ муҳандис-техник ходимларининг мансаб йўриқномаси	68
8	СИУ ички хўжалик ирригация-мелиорация тизимига сервис хизматини кўрсатиш ва уни бажариш бўйича қўлланма	74
8.1	Умумий қоидалар	74
8.2	Ички хўжалик ирригация-мелиорация тизимининг жорий назорати ва парвариши	75
8.3	Ички хўжалик ирригация-мелиорация тизимида таъмирлаш-тиклаш ишларини режалаштириш...	76
8.4	Ички хўжалик ирригация-мелиорация тизимида таъмирлаш-тиклаш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш	79
9	Ирригация ва мелиорация тизимларини эксплуатация ишлари	82
10	Ирригация тизимларида окизикларига қарши курашиш	97
11	Сугориш тармоқларининг фик аниклаш ва уларни ошириш	98
12	Сугориладиган ерлар шурланиши сабаблари ва уларни яхшилаш тадбирлари	108
13	Хўжаликларда сувдан фойдаланиш режаси ва уни амалга ошириш	121
14	Хўжалиқда навбат билан сув тарқатиш ва уни қўллаш шартлари	141
15	Сув сарфини улчаш иншоотлари	142
16	Ирригация тизими бошқармаси сувдан фойдаланиш уюшмаларига (СИУ) ва СИУ фермер хўжалиқларига сувни етказиб бериш ҳамда эксплуатация хизматларининг бадалларини ҳисоблаш учун тавсиялар	157
	Фойдаланилган адабиётлар манбаи	162

**ШЕРОВ АНВАР ГУЛАМОВИЧ  
АМАНОВ БАХТИЁР ТЎХТАСИТНОВИЧ  
ГАДАЕВ НОДИРЖОН НОСИРЖОНОВИЧ  
МУХАММАДИЕВА МАТЛУБА ТОХИРОВНА**

# **ГИДРОМЕЛИОРАТИВ ТИЗИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА СЕРВИС ХИЗМАТИ**

Босишга рухсат этилди \_\_\_\_\_ Қоғоз ўлчами 60x84, 1/16,  
хажми \_\_\_\_\_ б.т. \_\_\_\_\_ нусха, Буюртма № \_\_\_\_\_.  
ТИҚХММИ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент 700000, Қори-Ниёзий кўчаси 39 уй.